

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
И Н С Т И Т У Т И***

**М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов,
И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов**

БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ

(Муоммоли маърузалар матни)

САМАРҚАНД - 2005.

Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. (Муоммоли маърузалар матни). М.Қ.Пардаевнинг таҳририда. Самарқанд, СамИСИ, 2005. — ____ бет.

Такризчилар: У.Х.Худайбердиев – «Статистика» кафедраси
доценти, и.ф.н.

К.Б.Ўразов – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси доценти, и.ф.н.

Маърузалар курсида бошқарув таҳлилининг назарий асослари, унинг мазмуни, предмети, объекти, ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат кўрсаткичлари, асосий воситалар, айланма маблағлар, моддий ресурслар, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили ёритилган.

Иш «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Молия» ўқув йўналишлари бўйича ўқиётган талабаларга, шу соҳа мутахассислари ва ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан «Иқтисод», «Менежмент», «Маркетинг», «Бизнес» ўқув йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

© СамИСИ, муаллифлар жамоаси, 2005.

К И Р И Ш

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш босқичидаги энг долзарб масалалардан бири – режали иқтисодиёт шароитида шаклланган иқтисодий таҳлил усуллари мазмун жиҳатдан янгилаш ҳисобланади. Булар жумласига таҳлилнинг уч қисмга (назария, молиявий ва бошқарув) бўлиниши, унда бошқарув таҳлилининг ўрни ва ролини очиб бериш масалалари ҳам киради. Жаҳон тажрибасига кўра хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили икки турга бўлинган. Биринчиси бошқарув таҳлили, иккинчиси эса, молиявий таҳлилдир.

Келгусида бошқарув таҳлили корхоналарнинг хўжалик фаолиятини назорат ва раҳбарлик қилишда, тижорат ҳисобини мустаҳкамлашда, корхоналар ўзини-ўзи тўла маблағ билан таъминлаш асосида энг замонавий хўжалик механизмини вужудга

келтиришда, иқтисодий тежамкорликка эришишда фан ва техника тараққиётини янада жадаллаштиришда, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилишда, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда ўта муҳим дастак сифатида қўлланилади. Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш усуллари чуқур ва ҳар томонлама яхши билиш нафақат иқтисодий олий ўқув юртлари талабалари, учунгина эмас, балки барча бўғиндаги корхона ва ташкилотларнинг мутахассис ходимлари учун ҳам зарурдир.

Мазкур ишда бошқарув таҳлилининг назарий асослари атрофлича ёритилган. Хусусан, бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётда бошқарув таҳлилининг тутган ўрни ва вазифалари, предмети, услубияти, усуллари, уни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби ва бошқа жиҳатлари бугунги талабга Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлига мос равишда баён этилган.

Ишда корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш мавзусига оид масалаларни кўриб чиқишга кўпроқ ўрин берилган. Булардан ташқари маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари ҳам атрофлича баён этилган. Унда ҳукуматимизнинг корхоналар ишини такомиллаштиришга доир қарорлари, кўрсатмалари, йўриқномалари низомларидан ҳамда ушбу фан соҳасида хорижий муаллифларнинг янги дарсликларидан кенг фойдаланилган. Иш асосан «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва «Молия» ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан иқтисодийтга оид бошқа ихтисослик бўйича сабоқ олаётган талабалар ҳам кенг равишда фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, мазкур иш кадрларнинг иқтисодий тайёргарлигини тубдан яхшилаш ва уларни қайта тайёрлаш каби муҳим ва долзарб масалани ҳал қилишда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Иш ўзбек тилида илк бор ёзилганлиги учун у баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Шу сабабли мазкур ишда учраган камчиликлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни муаллифлар самимий қабул қилади ва ўзларининг илиқ миннатдорчилигини билдириб қолади.

1-Бoб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒOЯСИГА МОСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ, МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғоясини ифода этишдаги долзарб муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Президент И.А.Каримов XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятининг мазмун ва моҳиятини очиб бериб, бу борада қилинадиган устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди. Бу билан мамлакатимиз тарихида янги давр - сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда эркинлаштиришнинг янги даври бошланди десак муболаға бўлмайди.

Бизга режали иқтисодиётдан ўта зарарли, ташаббус ва омилкорлик ҳиссини сўндирадиган боқимандалик иллати мерос бўлиб қолган эди. Чунки оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача билар эдики, бизга ҳамма нарсани давлат беради, барча мулк давлатники, ҳатто иш билан ҳам ўзи таъминлайди. Корхона фойда қилса у ҳам давлатники, зарар билан ишласа яна давлат ҳисобидан қопланади. Хомашё етишмаса давлат таъминлайди, сифатсиз товар ишлаб чиқарсак ҳам ўйланмас эдик, чунки давлат ўзи режа асосида сотиб берарди, агар сотилмай қолса нарҳини тушуради ёки ҳисобдан чиқарарди. Бу ҳам давлат ҳисобидан қопланар эди. Энди ўйласак одамларда, ҳатто раҳбарларда ҳам ҳеч қандай масъулият қолмаган экан.

Энди бундай фаолиятга чек қўйилди. Боқимандаликнинг умри тугади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига ўтилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда бу нима қилсанг ихтиёр ўзингда, ҳатто ишламасанг ҳам бўлаверади дегани эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг, энг аввало, масъулиятини, уларнинг жавобгарлигини ошириш дегани. Бу масъулият ўта оғир масъулиятдир. Энди ҳар бир ходим ўз жамоаси олдида, мулк эгаси, халқи ва давлати олдида масъулдир.

Президентимиз И.А.Каримов Олий мажлиснинг 14 сессиясида «**Иқтисодиётни эркинлаштириш** - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир»¹ деб таъкидлади. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли маблағ, хомашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлайди. Товари (иш, хизмати) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли моддий ва молиявий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Бу учун мамлакатимизда жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Иқтисодий эркинликнинг меъёрий асоси билан биргаликда руҳий асоси яратилди. Энди одамларимиз бундай вазиятга руҳан тайёр бўлиб қолди, дейиш мумкин. Бироқ, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар кайфиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам, боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Ҳамма қонунларимиз ва бошқа меъёрий ҳужжатларимиз эркин иқтисодиётни жорий қилишга қаратилган бўлишига қарамасдан уларнинг айримлари ҳаётда ишламаяпти. Чунки одамларнинг иқтисодий эркинликка етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоляда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 37 бет.

Юртбошимиз: «Эркинлик тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш зарур»² деб таъкидлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг муҳим жиҳати мулкдорлар синфини шакллантириш, яъни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришдан иборатдир. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган барча дастакларни, шу жумладан иқтисодий таҳлилни ҳам шу эркин иқтисодиётга мослаштиришни тақозо қилади.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан уларни бошқаришдаги дастаклар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий фанларга, хусусан иқтисодий таҳлил фанига ҳам назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштишни талаб қилса, иқтисодий таҳлил эркин иқтисодиётни бошқариш учун тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш эвазига иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Бу эса ушбу тушунчаларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқлигини тақозо қилади.

Энди иқтисодиётни эркинлаштиришда иқтисодий таҳлилнинг роли ва аҳамияти нималардан иборат деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, Президентимизнинг бу борадаги концептуал кўргазмаларига асосланиши лозим деб ҳисоблаймиз. Буни тўғри англаш учун ушбу масалага иккита йирик йўналишда ёндошмоқ лозим.

Биринчиси, иқтисодиётни эркинлаштириш учун қандай хўжалик юритувчи субъектларни барпо қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги бўлса, иккинчиси шу субъектларнинг иқтисодиётини бошқаришда қандай муҳитни вужудга келтириш ва шу муҳитга қандай дастаклардан фойдаланиш лозимлигини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи йўналиш бўйича Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаган энг муҳим муаммо - бу мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, бу учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш лозимлигидир. Демак, бундан кўриниб турибдики, олдимизда турган вазифа иқтисодиётни такомиллаштириш учун кўплаб хусусий мулкка асосланган янги корхоналарни очиш ва бошқа мулкдаги корхоналарни хусусий мулкка айлантириш экан. Бу муаммони ҳал қилишга шаҳарларда хусусий мулкка асосланган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига амалга ошириш мумкин бўлса, қишлоқ жойларида пайчилик муносабатларини жорий қилиб ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистонда анча ишлар қилинди. Бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб бу жараёни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Эндиги вазифа шу меъёрий ҳужжатларни ҳаётга тўла тадбиқ қилиш учун барча чораларни кўриш лозим.

Ҳозирги пайтда кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш ва бошқариш учун республикамызда тегишли кадрлар тайёрланмаяпти. Буни инобатга олиб Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаби тармоғини вужудга келтириш зарур»³ деган вазифани қўйди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг навбатдаги вазифаси ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек: «рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. **Рақобат** - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»⁴.

² Ўша жойда. - 33 бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоляда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 33 бет.

⁴ Ўша жойда. - 34 бет.

Бу масалани амалга ошириш учун иқтисодий таҳлил фанининг олдида қандай вазифалар турибди, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб бериш учун, энг аввало, иқтисодий таҳлилда эркин рақобат муҳитини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини яратиш ва таҳлил қиладиган усулларни ишлаб чиқиш лозим.

Зеро, Ўзбекистонда олдин қабул қилинган «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби бир қанча қонунлар тўлиқ ишламапти. Шу туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган эндиги вазифа монополияга қарши қонунни кучайтириш, уни такомиллаштириш, монополия тизимларини камайитириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш каби масалаларга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу эса ҳозирги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил ушбу ҳолатни ўрганадиган усулларни ишлаб чиқмоғи лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги навбатдаги вазифа бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Ушбу соҳанинг бозор иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга эканлигини Юртбошимиз қуйидагича таъкидлайди: «Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси - фонд, улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва концалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиш лозим бўлган бошқа тизимлар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиёт тизимини очиқ, эркин, энг муҳими, самарали қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз»⁵.

Бу вазиятни ҳам чуқур таҳлил қилиш лозимлиги ҳаёт тақозоси. Аммо бунга тўла жавоб топиш учун ҳозирги амалдаги мавжуд таҳлил усуллари ҳам унинг кўлами етарли эмас. Чунки ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг бир қисми, яъни микроиқтисодий таҳлил ривожланган ҳолос.

Ушбу вазиятни таҳлил қилиш учун микроиқтисодий таҳлилни ривожлантириш билан бирга макроиқтисодий таҳлилнинг ҳам, таркиби ва усулларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон ўзининг танлаган бетакрор йўли, стратегик тараққиёт моделига эга. Бу йўлда собитқадамлик билан ҳаракат қилиб ҳамма соҳада босқичма-босқич ривожланиб, янгилашиб бормоқда. Бу жараён Ўзбекистон учун бир томондан ўта мураккаб ва иккинчи томондан жуда осон кечмоқда. Мураккаблиги шундаки, айнан шу йўлни босиб ўтган тажриба йўқ. Биз ҳаммасини ўзимиз синаб кўрмоқдамиз. Табиийки, бу унчалик осон бўлаётган эмас. Жуда осонлиги шундаки, биз мустақил мамлакат сифатида, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш ҳуқуқига эгамиз. Ўз қийинчиликларимиз ўзимиз ҳал қилишимизга тўғри келмоқда. Бу эса биздан фақатгина изланиш ва яна изланишни, жамиятни янгилаш йўлида ислохотларни амалга оширишда қатиятликни талаб қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, "...ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди»⁶.

Агар биз иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларига 5 йил олдин тўхталганимизда эди, бутун бошқа муаммоларни ҳал қилишга тўғри келган бўларди. Лекин бугунги ҳаёт, бугунги тараққиёт бизнинг олдимизга бу соҳа бўйича ҳам янги бугунги кунда ҳал бўлиши лозим бўлган долзарб муаммоларни қўймоқда.

⁵ Ўша жойда. - 35 бет.

⁶ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик таралъийёт ва маърифий дунё билан камкорлик йўли. /// Халъ сўзи, № 88, 2003 йил 25 апрел - 1 бет.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлиги сақланган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора аниқроқ номоён бўлаверади. Бу эса жамият ривожланишининг ҳар бир соҳасини, дастакларини такомиллаштириб, уларни давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тадбирларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодий тараққиётида, уни бойитиш ва эркинлаштириш йўлида жуда кўп янги-янги муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар иқтисодиётга оид фанлар олдига ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш вазифасини қўймоқда.

Хусусан, иқтисодий таҳлил олдида ҳам жуда кўп муаммоларни ҳал қилишдек ўта муҳим вазифалар пайдо бўлди. Бу миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир фанга сингдирилиши, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган миллий стандартларга ўтиши, статистикада миллий ҳисоблар тизимининг жорий қилиниши, шуларга мос равишда иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш каби муҳим вазифалардир.

Шу айтилганлардан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммоларига, бугунги кунда қуйидагиларни киритиш лозим деб топдик.

1. Иқтисодий таҳлил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси.

2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси.

3. Иқтисодий таҳлилнинг бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва миллий ҳисоблар тизими талаблари билан мувофиқ келишини таъминлаш муаммоси.

4. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини, унинг назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлилга бўлинишини тартибга солиш муаммоси.

5. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётга оид бошқа фанлар билан ўзаро алоқаларини, бир-бирини такрорламасдан ўзвийликни таъминлаш муаммоси.

Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ғояси ва мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига боғлиқлиги муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланган. Аммо бу муаммолар иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу боис ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

1.2. Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бешта асосий қоида Ўзбекистон Давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

“биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Бу ислоҳотларнинг устувор йўналишини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиш, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш, устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истесносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни эвалюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак”⁷.

Ушбу қоидалар мамлакатимизнинг истиқболи, ривожланиш ва тараққиёт йўли учун асос қилиб олинган экан, булар унинг назарий ва амалий ҳолатини ифода этувчи фанларнинг ҳам негизини ташкил қилмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг объекти микроиқтисод даражасида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиши ҳам жамият тараққиётининг асосий тамойилларига асосланмоғи лозим.

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги лозим. Буни қандай тушунмоқ керак? Корхона ўз истиқболи учун юксак технологияни хориждан сотиб олиши лозим. Масалан, бундай технология исломий давлат бўлган Эронда мавжуд. Уларнинг сиёсий **қарашлари** бизга тўғри келмаслиги мумкин, лекин бу иқтисодий муносабатимиз учун, яъни илғор технологияни сотиб олишимиз учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Иқтисодий муносабатлар икки томонлама манфаатдорлик эвазига қурилмоғи лозим.

Шунингдек, иқтисодиёт бирорта мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ҳақиқатда, Ўзбекистонда хилма-хил мафкуралар мавжуд. Буларга сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва шу каби бир қанча гуруҳ ва жамоаларнинг мафкуралари киради. Иқтисодиёт бу мафкураларнинг қандайлигидан қатъий назар ўз қонунлари асосида ривожланиши лозим. Масалан, бирор корхонада турли мафкурага эга бўлган турли партия вакиллари фаолият кўрсатади. Бу эса иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлмаслиги керак. Шунингдек, корхона муассислари турли партиялар ҳам бўлиши мумкин. Бир партиядан ун ишлаб чиқарилади, иккинчисидан нон. Улар турли мафкурага эга. Лекин корхоналарнинг бири-бирига боғлиқлигига мафкуравий қарашлар таъсир қилмаслиги лозим. Нон ишлаб чиқариш учун ун керак. Ушбу ёнидаги корхона бошқа партиядан тегишли бўлса иқтисодий манфаатдорликдан келиб чиқиб, шу корхонанинг унини харид қилади.

Иккинчидан, бизнинг тараққиётимиз ва ривожланишимизни таъминлаш учун давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. Ҳақиқатда, биз танлаган йўл ҳали тажрибаларда синалмаган йўл бўлганлиги учун давлатимиз ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бермоқда. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини таъминловчи, уларни кафолатловчи қонунларни ишлаб чиқмоқда. Корхоналар эса ушбу қонунлар асосида фаолият кўрсатиши, ўзининг ривожланиш стратегиясини давлатимиз белгилаб берган устувор йўналишларга қаратмоғи лозим.

Давлат, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига турли аралашув ва назоратларни чеклаган ҳолда уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши ва эркинликларини таъминловчи бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Энди улар ушбу имкониятлардан фойдаланишлари лозим.

Иқтисодий таҳлил жараёнида корхонанинг ана шу имконият, имтиёз ва кафолатлардан қандай фойдаланилаётганлиги, давлат билан корхона ўртасидаги

⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан лолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 28-29 бетлар.

иқтисодий муносабатларнинг ўзаро манфаатли тамойилларга асосланганлиги каби жиҳатлар ўрганилган.

Учинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунларга риоя этиш устувор бўлмоғи лозим. Зеро, хўжалик юритувчи субъектлар мулкнинг шаклланиши, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш, хўжалик фаолиятини юргизишдаги иқтисодий муносабатлар, улар натижаларини баҳолаш ва фойда орттириш каби ишларнинг ҳаммаси қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти ўрганилганда, унинг ҳолати ва самарали фаолиятига баҳо бериш билан бирга ҳар бир содир этилган хўжалик операцияларининг қонунийлигига, кўрсаткичлар ҳажмининг меъёрий ҳужжатларга тўғри келишини таъминлашга қаратилмоғи ҳам лозим.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу масала иқтисодий таҳлил жараёнида жуда катта эътиборга олинмоғи лозим. Ҳозирги пайтда кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, нодавлат ва хусусий мулк мақомига эга бўлганлар. Албатта, кам таъминланган аҳолини давлат ўз йўли билан ижтимоий ҳимоясини таъминлаб боради. Аммо ижтимоий ҳимоялаш деганда фақат кам таъминланган аҳоли қатламига моддий ёрдам бериш эмас, балки ҳар бир меҳнат қилаётган кишига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг самарали меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалалари ҳам тушунилади.

Иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир корхонада бу масала қандай йўлга қўйилганлиги, ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қандай таъсирчан чоралар кўраётганлиги каби масалалар ҳам изчил ўрганилмоғи, бу ишларни такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Бешинчидан, бозор муносабатларига эвалюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш тамойили ҳам жамият тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Бу тамойилга ҳар бир корхонада амал қилинмоғи лозим.

Кўп фаолият кўрсатаётган давлат тасарруфидаги корхоналар хусусийлаштириш оқибатида мулк шаклини ўзгартирмоқда. Бу дегани, мулк эгалик бўлди, мулкдор нимани ҳохласа шуни қилиши керак дегани эмас, балки ҳар бир ходим билан меҳнат муносабатларини ўрнатишда қонун доирасида эҳтиёткорлик билан иш тутишини, шартномаларни бирданига барбод қилмасдан, иқтисодий алоқаларни бўзмасликни, қўшимча ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни қилмасликни талаб қилади. Ҳамма жараёнлар қонунга амал қилган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бу эса иқтисодий таҳлилда алоҳида ўрганишни тақозо қилади.

Кўриниб турганидек, Ўзбекистон ривожланишининг беш тамойилида ўзида мўжассамлаштирган тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўз аксини топиши, иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган муҳим жараёнлардан бири эканлигининг гувоҳи бўлди.

1.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси

Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир. Инсоният ҳамиша эркинликка, мустақилликка интилиб, ўзига ёт ва бегона бўлган яшаш тарзидан, турли тазйиқлардан холос бўлишга интилиб яшаган. Бу эса ҳар бир инсонни, миллатни, халқни истиқлолга эришиб яшаш, ўзи танлаган, ўзи истаган йўлдан бориш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилиб яшаш ғоясини туғдирган. Кўриниб турибдики, мустақиллик ғояси мустақилликдан олдин туғилган.

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар инсон аралашмасдан ўз-ўзидан содир бўлмайди. Инсон аралашгач жамиятни у ўз манфаатига мос, ғоясига хос қилиб ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шундай экан инсон ҳамиша мустақилликка, эркин бўлишга интилиб яшайди. Бундай интилиш натижасида унинг мустақиллик ғояси амалга ошади. Айнан ана шу ғоя натижасида Ўзбекистон мустақилликка эришди. Шундай қилиб, миллий истиқлол ғояси юзага чиқди, намоён бўлди.

Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, тамойиллари, функциялари, шакллари, тарихий ва фалсафий илдизлари, асослари ифода этилган янги фан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани вужудга келди.

Миллий истиқлол ғояси мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий каби соҳалардаги тараққиёт йўлини белгилаш учун асос бўлди. Демак, ҳар қандай фан, хусусан иқтисодий таҳлил фани ҳам, шу миллий истиқлол ғоясига мос, шунга хос ва бевосита боғлиқ равишда ривож топмоғи лозим. Шу туфайли миллий истиқлол ғояси билан иқтисодий таҳлил фанининг бир-бири билан боғлиқлиги нималарда намоён бўлишини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, бизнинг бош ғоямиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бунга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, мулк шаклидан қатъий назар, ўзининг ҳиссасини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлилда уларнинг хўжалик фаолиятини шу талабдан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

Иккинчидан, асосий ғояларимиздан бири халқ фаровонлигидир. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект режани бажариш учун эмас, балки халқнинг бир бўлаги бўлган шу меҳнат жамоаси аъзоларининг фаровонлигини таъминловчи фойдага эришиш учун ҳаракат қилмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил ҳам олдингидек режанинг бажарилишини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳар бир қилинган ишнинг аҳолига, жамоага, бевосита ходимларга қанча наф келтирганлигини ўрганишга қаратилиши лозим.

Учинчидан, асосий ғояларимиздан бири Ватан равнақи бўлиб, ҳар бир инсон, ҳар бир корхона унга ҳисса қўшишга мажбурдир. Зеро, биз яшаётган Ватан бизга аждодларимиздан мерос қолди, биз ҳам уни обод ва озод ҳолда авлодларимизга қолдиришимиз лозим. Бизга Ватан яшашимиз учун барча имкониятлар билан тухфа этилган. Биз ҳам авлодларимизнинг эркин ва фаровон яшаши учун шундай Ватанни қолдиришимиз инсоний бурчимиздир. Иқтисодий таҳлил жараёнида бу вазифани ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қандай бажараётганлиги, унинг Ватан равнақига қандай ҳисса қўшаётганлиги ўрганилиши шарт. Шу туфайли мазкур ғоя иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир бобида ўз ифодасини топмоғи лозим.

Тўртинчидан, миллий истиқлолнинг муҳим ва асосий ғояларидан бири ижтимоий ҳамкорлик ғоясидир. Ўзбекистон кўпмиллатли, кўпукладли, кўппартиявийлик, кўпдинлилик ва кўпмулкчиликка асосланган инсонпарвар умумдемократик жамият барпо этиш йўлида тараққий этмоқда. Мамлакат ўзининг пировард мақсадига эришиши учун шу турли фикр, қараш, манфаатларга эга бўлган кишиларни, гуруҳларни бир-бири билан муроса қиладиган ижтимоий ҳамкорликни таъминлаши лозим. Зеро, бу билан жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, тинч ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Булар эса ўз навбатида иқтисодий ўсишни таъминлайдиган муҳим омиллардир. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг асосий эътибори турли мулк шаклига эга бўлган иқтисодиётнинг асосий йўналишига, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Чунки мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлигини таъминлашга эришишнинг йўл-йўриқлари ҳам айнан иқтисодий таҳлил орқали ўрганилади.

Ўзбекистон тараққиётининг бош ғояси, таъкидланганидек, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Демак, бугунги фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар, фирма ва компаниялар, хусусий тадбиркорлар, мулк шаклидан

катъий назар, мамлакат тараққиётининг шу бош ғояси, асосий стратегик концепциясининг амалга ошишига ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшмоғи лозим. Иқтисодий таҳлил эса, шу таҳлил қилинаётган объектда мазкур жараён қай даражада амалга оширилаётганлигига эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир корхона Ватаннинг бир парчаси. Унинг озодлиги ва эркинлигини бош ислохотчи сифатида давлат таъминлайди. Аммо ўзининг ободлигини ва жамоасининг фаровонлигини ҳар бир корхона ўзи таъминлаши лозим.

Обод Ватанга ҳар бир хонадоннинг, корхонанинг, маҳалланинг, туман, вилоят ва бутун мамлакат ободлиги эвазига эришилади. Демак, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолияти таҳлил қилинганда унинг фақат иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки ижтимоий кўрсаткичларига, хусусан, унинг том маънода ободлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Обод корхона (турли мулк шаклида хўжалик юритувчи субъект) деганда, унинг атрофи, ҳовли ва биноси кўркам ва чиройли, шу билан бирга, ходимлари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик, қут барака, иқтисодий кўрсаткичлари яхши бўлган барқарор руҳий муҳитга ва тараққиётга эга меҳнат жамоасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект тушунилади. Иқтисодий таҳлил жараёнида, айнан, ана шу жиҳатларга ҳам аҳамият берилиши лозим.

Ҳар бир корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар жамиятнинг бир бўлаги. Бутун халқнинг фаровонлиги, ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг фаровонлигидан таркиб топади. Шундай экан ҳар бир корхона ўзининг ходимлари, яъни меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлаши лозим. Шу туфайли бу масала ҳам иқтисодий таҳлил томонидан ўрганиладиган муҳим масалалардан бирига айланмоғи лозимдир.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанининг мазмунига миллий истиқлол ғоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепцияни сингдириш масаласи мазкур фанни Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига мослаштириш муаммосини ҳал қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Аммо адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш ўзимизга хос ҳолда етарлича ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш муаммоларига янгидан ёндошилган.

Иқтисодий таҳлил билан боғлиқ муаммолар жуда кўп. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Мазкур фанни мамлакатимизда шаклланаётган ўзига хос бозор муносабатларига мос равишда унинг назарий ва методологик асосини яратиш муаммоси.
2. Ушбу фаннинг кимга кераклигини асослаш ва мутахассисларни ўқитиш муаммоси.
3. Амалиётда иқтисодий таҳлилни ташкиллаштириш муаммоси.

Ҳар бир муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқиш бугунги кунда ўта муҳим ҳисобланади. Чунки республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини ҳам тақозо қилади. Бундай фанлардан бири «Иқтисодий таҳлил» фанидир.

Албатта иқтисодий таҳлил олдинги маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди-ку, уни янгидан шакллантиришга на ҳожат деган саволнинг туғулиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фан олдинги режали иқтисодиёт шароитида ҳам ҳақиқатда мавжуд ва унинг назарий ва методологик асоси яхши ривожланган эди. Аммо унинг мақсади ва моҳияти, таъкидланганидек, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига

хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада, мафкуравийлашган ҳолда, энг аввало, давлат манфаатини ифодалаб келган. Чунки барча мулк, уни тасарруф этиш бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгалиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланимоқда. Бу эса шунга мос равишда мазмун жиҳатдан янги бўлган «Иқтисодий таҳлил» фанининг шакллантирилишини тақозо қилади.

Эндиги «Иқтисодий таҳлил» фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе бўлмасдан, давлат манфаатини инкор қилмаган ҳолда турли мулк эгаларининг (иш кучи эгаси, меҳнат жамоаси, корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг) манфаатларини ўзида акс эттирган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат мазкур фанининг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ўзгартиришни тақозо қилади.

1.4. Иқтисодий таҳлил муаммоларини, ундан фойдаланувчилар нуктаи назаридан ҳал қилиш

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш иқтисодий таҳлил фанининг кимга кераклиги у билан ким шуғулланиши, унинг объектив зарурлигини асослашни тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилда корхона раҳбари ёки менежери, унинг фаолиятини батафсил ўрганиши лозим. Бу учун эса кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу мақсадда иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқирилиши лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмнинг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдир. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриш лозим. Бу эса ўз навбатида мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланилишини таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил энг аввало мулкдор учун керак экан.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса меҳнат жамоаси аъзолари шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам керак экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тулайди. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳли қилиб боришдан манфаатдир. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия идораларига ҳам керак экан.

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга эмас. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий ҳисоботда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керак соҳани ўрганиш учун қилинади. Демак кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан.

1.5. Корхона хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни такомиллаштириш муаммоси

Корхоналар хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо иқтисодий адабиётларда ўзимизга хос, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил корхоналарга мос кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилмаган. Бизнинг фикримизча корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ ифодалаш учун улар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * корхоналарнинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
- * ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар
- * молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар
- * корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар
- * корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар
- * корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар
- * корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- * корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- * корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар
- * корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.


Ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1.1-чизма).

Корхонанинг ташкилий-техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга унинг ташкилий ҳолатини, техник таъминот даражасини ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

Корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариши ва сотиши билан боғлиқ кўрсаткичлари ҳам таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди. Буларга маҳсулотни (иш,хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими киради.

ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичларга ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш,

**Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган
кўрсаткичлар тизими**



1.1-Чизма. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимининг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи

хизмат) ҳажми (натурал миқдори ва қийматида), товар маҳсулоти кабилар киради. Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш масаланинг бир томони. Энг асосийси уларни сотишдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда маҳсулотни (иш, хизматни) сотиш ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли кўпгина ҳисоботларда фақат сотилган маҳсулот ҳажми кўрсатилади, холос.

Молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган асосий кўрсаткичлардир. Булар таркибига даромадлар, харажатлар, фойда ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ўз навбатида даромадларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Худди шундай харажатлар ҳам, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Қайси кўрсаткични қўллаш таҳлилнинг қайси соҳани ўрганишига ва нима мақсадда амалга оширишига боғлиқ.

Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий фаолият даромади, тасоддий даромад каби кўрсаткичлар киради. Харажатларнинг ҳам бирқанча турлари бор. Бу харажатлар тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турлича. Масалан активлар таҳлил қилинса активлар рентабеллиги, харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинса харажатлар рентабеллиги, меҳнат кўрсаткичлари таҳлил қилинса меҳнат рентабеллиги каби кўрсаткичлар аниқланади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳажми корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар (активлар) ва меҳнат потенциали (салоҳияти) билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бирқанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўлимидаги муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки улар билан боғлиқ кўрсаткичлар корхона молиявий манбасининг таркиби, унинг ҳолати ва самарали ишлатилишини ифодалайди. Мазкур гуруҳга корхонанинг ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда четдан жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ушбу маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам асосан бухгалтерия балансининг пассив қисмида кўрсатилади. Уларнинг таҳлили мазкур ҳужжатга ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларига асосан амалга оширилади.

Корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш эркин рақобат шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш орқали ҳамиша корхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигининг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга корхона балансининг ликвидлилиги ва кредитни тўлашга қодирлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўрганиш корхона фаолиятининг қандай ривожланганлигини, бугунги аҳволи қандай ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар тизими жуда кенг. Улар қуйидаги беш гуруҳга бўлинади:

- * корхонанинг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичларнинг ҳар бири яна ўз ичига бирқанча кўрсаткичларни қамраб олади. Булар ҳақида бизнинг «Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили» (Самарқанд, СамКИ, 1999.) мавзусидаги маъруза матнида батафсил ёритилган. Худди шунингдек мазкур масала «Молиявий таҳлил» китобида (Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999) ҳам кўриб чиқилган.

Корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Улар ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

- * корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам муаллифнинг «Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари» мавзусидаги маъруза матнида (Самарқанд, СамКИ, 1999) атрофлича ёритилган. Бунда корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва молиявий мустаҳкамлигини алоҳида-алоҳида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилган.

Корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мулкдор ва корхона менежери учун муҳим кўрсаткичлардир. Шу туфайли мазкур гуруҳ кўрсаткичлар ҳам иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Уларга корхонанинг иқтисодий ночорлигини ифодаловчи ва банкротлик эҳтимолини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизими киради.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар таҳлили муаллиф томонидан «Молиявий таҳлил» номли китобида (Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999 - 242-244 бетлар) қисман ёритилган.

Иқтисодий таҳлилда қўланиладиган кўрсаткичлардан яна бири **корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлардир**. Корхона фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар икки йирик гуруҳга бўлинади: корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўнлаб кўрсаткичларни ўзида жамлаган.

Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўз навбатида яна уч гуруҳга бўлинади:

- * иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * молиявий салоҳиятдан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- * корхона фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам унинг турли бозордаги иштироки ва ўрнини белгилаш имконини беради:

- * корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, яъни технология бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- * корхонанинг хом-ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- * корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- * корхонанинг молия ва инвестиция бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- * корхонанинг халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш истеъмоли бозорларидаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳам муаллифнинг «Молиявий таҳлил» китобининг 244-286 бетларида ёритилган.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқариши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар олдинги тафтишчилардек тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки қарра кўп ва пухта бўлишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин ҳолос.

1.6. Бошқарув таҳлилининг илмий асослари

Бошқарув таҳлили иқтисодиётда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнларни ўрганишга диалектик нуқтаи назардан ёндошишни талаб қилади. Зеро, билиш назарияси шунга асосланганки, унинг ёрдамида объектив (мавжуд) дунёни билиш мумкин.

Бу дегани – билиш жараёни диалектик хусусиятга эга бўлиб, у воқеликнинг инъикосидир. Билиш назариясининг мантикийлиги диалектик тарзда қуйидаги боғлиқликда акс этади, яъни: жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, тажриба.

Бунда жонли мушоҳада билишнинг биринчи босқичси бўлиб, у ўрганиладиган ҳодисаларнинг ташқи хусусиятларини ўз ичига олади. Абстракт тафаккур босқичида эса, ҳодисаларнинг ички моҳияти аниқланиб, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ўрганилади. Лекин ҳақиқатни билишнинг мезони – бу тажрибадир.

Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни билиш ҳам шу уч босқичли билиш назариясига асосланади. Биринчи, жонли мушоҳада босқичида ҳўжалик юритишни бевосита иқтисодий ахборотлар тизими орқали идрок қилинади. Бу ўринда иқтисодий ахборотлар тизимида шундай талаблар қўйиладик, булар билиш назариясининг иккинчи босқичи – абстракт тафаккурга қўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айнан у доминант (асосий) ролни уйнайди.

Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда микроскоп ёки кимёвий реактивлардан фойдаланилмайди. Таҳлилда уни ҳам, буни ҳам тафаккур кучи бажаради.

Иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида диалектик билиш назарияси «анализ» ва «синтез» усулларида фойдаланишни тақозо қилади.

Анализ грекча «*anahalsie*» сўздан келиб чиққан бўлиб, «бир бутунни бўлақларга бўлиб ўрганиш» деган маънони англатади. Синтез грекча «*syhthesie*» сўздан олиниб, «умумлаштириш» деган маънони билдиради.

Бошқарув таҳлили бошқарув тизимининг махсус функциясидир. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни бозор иқтисодиёти қонунарига мос равишда олиб бориш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Бу муҳим вазифаларни бажариш учун корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш даркор.

Таҳлил корхоналарни бошқариш тизимида оралик босқични эгаллайди. Бу жараёни ушбу формула орқали ифодалаш мумкин:

И – А – К -Т-И₁-А₁-К₁-Т₁

Бу ерда: *И-информация (ахборот) бўлиб, уни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, тезкор ҳисоб ва ҳисобот, статистик ҳисоб ва ҳисобот, бизнес-режа ҳамда ҳисобдан ташқари маълумотлар ташкил қилади;*

А- таҳлилий босқич;

К-таҳлил натижалари асосида қарорлар қабул қилиш;

Т-қарорларни ишлаб чиқариш бўғинларида тадбиқ этиш;

И₁-бажарилмаган қарорлар;

А₁-қайта таҳлил қилиш;

К₁ – қайта қарор қабул қилиш;

Т₁ – қарорни ишлаб чиқариш бўғинларига қайта тадбиқ этиш.

Бинобарин, ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида уч босқични кўрсатиш мумкин:

1. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш.
2. Объектнинг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида таклифлар киритиш.
3. Қарорларни қабул қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилни ўз вақтида ҳамда тезкор тарзда ўтказилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бу ерда асосий вазифа – ана шу уч босқични бир-бири билан узвий равишда боғлаш ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилнинг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

1. Корхоналар, ассоциациялар ва концернларнинг хўжалик фолиятини таҳлил қилиш:

2. Иқтисодиётнинг макро даражасини таҳлил қилиш. Бунда туманлар, вилоятлар ва бутун республика иқтисодиётини яхлит ҳолда таҳлил қилиш тушунилади.

Шуни айтиш керакки, иқтисодиётни макро даражада таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, у иқтисодий назария ва макроиқтисод курсларида ўрганилади. Ҳолбуки, иқтисодий таҳлил фани иқтисодий фанлар қаторида ўзига хос мустақил ўринга эга.

Бозор муносабатларини шакллантириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни бошқаришни муттасил такомиллаштириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ички хўжалик режасини тузиш ва уни такомиллаштиришни, корхоналар ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида бутун техникавий ва иқтисодий сиёсатни олиб боришни тақозо қилади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг бирқанча қарорларида ана шу муҳим масалаларни изчиллик билан амалга ошириш таъкидланади.

Бу қарорларни бажариш ўз навбатида хўжаликни бошқарувчи идораларни яна ҳам ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, иқтисодий бўлинмалар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни яна ҳам аниқ чегаралашни, бошқарув аппарати ишининг тезкорлигини ва ихчамлигини оширишни тақозо қилади. Демак, ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий қурол бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари ўз аксини кундалик ҳисоб ва ҳисоботда топади. Бу ўринда корхоналарнинг иш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари хўжаликни бошқаришда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади. Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун ҳар томонлама асосланган ва аниқ маълумотлар билан таъминлайдиган ахборотларни ҳамраб олган ҳисоб ва ҳисоботлар тизимини ишлаб чиқади ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши қатъий назорат қилиб туради.

Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, иқтисодий тежамкорликка эришишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишда, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим қурол сифатида қўлланилади.

1.7. Бошқарув таҳлилининг мазмуни ва моҳияти

Бозор муносабатларига асосланган жамиятда ҳар бир корхона, мулк шаклидан қатъий назар, эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатади. Рақобат, ўз навбатида, ҳар бир корхонани қандайдир ўзининг стратегияси ва тактикасига эга бўлишни, шу йўл билан рақобатга енгилиб, синиб кетмасликнинг фақат ўзига хос йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу эса ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш, технологик, тижорат каби жараёнларнинг сир сақланишини, бу сирни бошқа субъектларга ошкора қилмасликни, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишликни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида, хўжалик фаолиятини икки хил йўналишда таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқарди. Шу тариқа корхонанинг ишлаб чиқариш, технологик, тижорат каби сирларини сақлашга қаратилган, фақат корхонанинг ходимлари ўтказадиган “Бошқарув таҳлили” ва ташқи субъектлар амалга оширадиган ҳамда ошкора қилиниши мумкин бўлган молиявий ҳисоботларда ўз

аксини топган ахборотлар ва кўрсаткичларга таянадиган “Молиявий таҳлил” вужудга келди.

Бошқарув ва молиявий таҳлилларнинг вужудга келишига фақат юқорида келтирилган далилларгина сабаб бўлмасдан, балки мамлакатимизда халқаро андозалар талабига мос бўлган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалиётга босқичма-босқич жорий қилиниши ҳам таҳлилда шудай тарздаги таркибнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, бугунги амалиёт корхоналарнинг бошқарув ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда молиявий ҳисоб ва ҳисоботини юритишни тақозо қилмоқда. Ҳисоб ва ҳисоботлар одатда, иқтисодий таҳлилнинг биринчидан, асосий маълумотлар етказиб берувчи ахборот манбалари бўлса, иккинчидан, ахборотлар шунчаки ахборот учун эмас, балки корхонани бошқариш ва унинг самарадорлигини ошириш учун тузилади. Бу ҳам амалиётга бошқарув ва молиявий таҳлилнинг жорий қилинишини тақозо қилади.

Корхоналарда маълумотларнинг сир сақланиши ва бир қисмининг ташқи истеъмолчилар учун ошкор қилиниши мумкинлиги иқтисодий таҳлилни ҳам иккига, яъни ички ва ташқи таҳлилга бўлишни тақозо қилади. Кўп ҳолларда ички таҳлил деганда бошқарув таҳлили, ташқи таҳлил деганда молиявий таҳлил тушунилади. Лекин шунинг унутмаслик керакки, молиявий таҳлил ҳам ўз навбатида ички ва ташқи молиявий таҳлилларга бўлинади.

Ташқи молиявий таҳлилни ташқи субъектлар, яъни корхонанинг ахборотларини ташқи истеъмол қилувчилар (банклар, солиқ, молия, статистик органлари, ҳамкор ташкилотлар каби) амалга оширса, ички молиявий таҳлилни корхонанинг бевосита ўз ходимлари амалга оширади. Мос равишда, таҳлил натижасидан ўзларига тегишли бошқарув қарорларини ҳам ким нима мақсадда таҳлил қилса, шу мақсадда қабул қилади ва фойдаланади.

Бошқарув таҳлилининг ҳаммаша ҳам корхонанинг фақат ўз ходимлари амалга оширмайди, балки корхона раҳбарияти томонидан жалб қилинган аудиторлар, маслаҳатчилар ва бошқа мазкур корхонага алоқаси бўлмаган ходимлар, яъни ташқи субъектлар ҳам амалга оширишлари мумкин. Лекин шартнома билан жалб қилинган ходимлар мазкур корхонанинг сирини ошкор қилишга ҳақлари йўқ. Бу қонунлар билан қафолатланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозир Ўзбекистонда иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида бошқарув таҳлилининг киритиш тан олинган¹. Аммо унинг таърифи эркин иқтисодиёт ва рақобатга мос равишда ҳамон, етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Буни инобатга олиб бошқарув таҳлиliga қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бошқарув таҳлили деганда корхона раҳбарияти, унинг эгаси ва мутахассислари томонидан бошқарув ҳисоби ва ҳисоботлари асосида ички имкониятларини ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида, маълумот манбалари ва натижалари маълум даражада сир тутиладиган бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган ички таҳлил тушунилади.

Кўриниб турибдики, бошқарув таҳлили ҳам иқтисодий таҳлилнинг бир қисми сифатида корхонада содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ҳолатини ва уни такомиллаштириш йўллариини ўргатар экан.

Молиявий таҳлил маълум бир тизимга эга бўлган молиявий ҳисоб ва ҳисоботларга асосланган бўлса, бошқарув таҳлили бошқарув ҳисоби ва ҳисоботларига асосланади. Бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи тезкор ҳисоб ва ҳисобот шаклида корхона раҳбари ва мулк

¹ Абдуллаев Ё. ва бошлалар. Иқтисодий таҳлил. 100 савол ва жавоб. -Т.: Меънат, 2001 - 28-29 бетлар. Пардаев М.Ў. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. - Самаръанд, Зарафшон 2001 - 182-183 бетлар.

эгасининг мақсади ва манфаатидан келиб чиқиб турли йўналишларига эга бўлишлари мумкин.


Шуни таъкидлаш жоизки, ҳамон бошқарув таҳлилининг таркиби иқтисодий адабиётларда ҳам, амалиётда ҳам аниқ белгиланган эмас. Буни инобатга олиб бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

1.8. Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши

Бошқарув таҳлилининг таркибини шакллантиришда ушбу таҳлил нимани ўрганиши ва нимага хизмат қилишидан келиб чиқмоқ лозим. Чунки ушбу таҳлил иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос мақсади, вазифаси ва истеъмолчисига эга. Шу жиҳатдан қараладиган бўлса бошқарув таҳлили корхона раҳбари, мулк эгаси ва уни бошқаришда иштирок этадиган турли менежерларга тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар тайёрлаб беради. Бу маълумотлар фақат шу корхонага бевосита дахлдор бўлган ходимларга мўлжалланган бўлиб, унинг тижорат, ишлаб чиқариш, технологик каби сирларини ошкор қилмаслиги лозим. Бу эса бошқарув таҳлилида қандай мавзулар, соҳалар ўрганиш лозимлигини белгилайди.

Бошқарув таҳлилида корхонада асосан ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ҳамда харажатлар сарфи билан молиявий натижаларга эришиш йўллари, ушбу ҳолат орқали шу корхона самарадорлигини оширишнинг ўзига хос усуллари ўрганади. Бу эса унинг таркибининг шаклланиши учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бир гуруҳ олимлар Ё.А.Абдуллаев, А.Иброҳимов ва М.Раҳимовлар² бошқарув таҳлили таркибига учта соҳани киритишни тавсия қилади. Буларга ишлаб чиқариш фаолияти бошқаруви таҳлили, тижорат фаолияти бошқаруви таҳлили ва молиявий фаолият бошқаруви таҳлили киритилган ва бу қуйидаги чизма билан ифодаланган (1.2-чизма).



1.2 - Чизма. Бошқарув таҳлили ва унда ўрганиладиган масалалар

Ушбу тақсимот маълум даражада бошқарув таҳлилида кўриладиган масалаларни қамраб олади. Аммо ушбу гуруҳлардаги ўрганиладиган масалаларга диққатни қаратадиган бўлсак, бошқарув таҳлилида ўрганилиши лозим бўлган масалалар тўлиқ қамраб олинмаган. Масалан: ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятни бошқарув

² Абдуллаев Ё. ва бошлалар. Иқтисодий таҳлил. 100 савол ва жавоб. - Т.: Меҳнат, 2001. - 29 бет.

таҳлилининг бирлашган гуруҳига меҳнат ресурслари таҳлили ва ашёвий ресурслар таҳлили киритилган. Молиявий фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар ушбу чизмада умуман ўз аксини топмаган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, бошқарув таҳлили таркибига қуйидаги бўлимларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва тавсия қиламиз:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш таҳлили.
2. Харажатлар сарфини бошқариш таҳлили.
3. Тижорат фаолиятини бошқариш таҳлили.
4. Меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш таҳлили.
5. Молиявий фаолият ва унинг натижалари билан боғлиқ вазиятни бошқариш таҳлили (маржинал таҳлил).

Ушбу масалаларни қамраб олиш учун бошқарув таҳлилида кўриладиган мавзуларни қуйидаги тартибда жойлаштиришни тавсия қиламиз (1.3-чизма).

Ушбу чизма бошқарув таҳлилида кўриладиган мавзуларни асосан қамраб олади. Унда кўрилиши лозим бўлган масалаларнинг деярли ҳаммаси киритилган. Аммо бошқарув таҳлили бу масалалар билан ҳали чекланиб қолмайди. Чунки корхонанинг фаолияти шу даражада кенг-кўламли ва серқирраки, унинг фаолиятига қўйган мақсаддан келиб чиқиб мазмуни ва таркиби кенгайверади. Унинг чегараси ва кўриладиган масалалар кўлами қайси соҳани таҳлил қилишга ҳам боғлиқ. Шу туфайли биз мазкур ишда бошқарув таҳлилининг асосий масалаларинигина келтирдик.

Албатта, бу тавсиялар олимлар ва тадқиқотчиларнинг хулоса чиқариши ва уни такомиллаштириш учун тафаккур қилиш, баҳслашиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ўйлаймизки, келажакда ушбу муаммо устида олимларимиз йирик тадқиқотлар олиб боради ва у замон талабига мос ҳолда шаклланади ва ривож топади.

Бошқарув таҳлили ўзига хос таҳлил бўлганлиги туфайли унинг вазифаси ҳам ўзига хосдир. Шу туфайли бу масалани ҳам қисқача кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.





1.3 - Чизма. Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши ва унда ўрганиладиган мавзулар

1.9. Бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона эгаси ўз корхонасининг юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлаши учун оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишни хоҳлайди. Бу учун тегишли ахборотлар мавжуд бўлиши лозим. Ушбу ахборотларни етказиб берадиган дастаклардан бири бошқарув таҳлилидир.

Бундан кўриниб турибдики, бошқарув таҳлилининг бош вазифаси корхона раҳбари ва эгасига бошқарув қарорларни қабул қилиши учун тегишли ахборотларни тайёрлаб беришдир. Бу учун бошқарув таҳлилида анча жараёнларни амалга оширишга тўғри келади. Бу унинг асосий вазифаларида намоён бўлади.

Бошқарув таҳлилнинг энг муҳим ва асосий вазифалари бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Бизнес-режанинг қанчалик реаллиги (ҳақиқийлиги) ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш.
2. Корхона иқтисодиётини ривожлантиришнинг жорий ва истикбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш.
3. Бизнес-режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш.
4. Ички хўжалик резервларини аниқлаш (бу ўринда таҳлилнинг самараси, биринчидан, аниқланган резервларнинг бутун назарий жиҳатдан асосланган резервларга нисбати ва иккинчидан, амалга оширилган резервларнинг аниқланган резервларга нисбати билан белгиланади).
5. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижасида кутиладиган самараларни олдиндан аниқлаш.

6. Таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

7. Ишлаб чиқилган тадбирларга асосан оқилона бошқарув қарорларни қабул қилиш.

Ҳозирги пайтда ҳисоботлар анча ихчамлаштирилиб, ундаги нокерак маълумотларни тўплашга барҳам берилмоқда. Аммо ҳамон кўпгина бирлашма, идора ва вазирликлар ўз тасарруфидаги корхоналардан жуда кўп ҳеч кимга зарур бўлмайдиган, таҳлил учун аҳамияти йўқ ахборотларни тўплашга кўп вақт, иш кучи ва қоғоз сарф қилмоқда. Буларга барҳам бериш вақти келди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз бир масалани ўз олдимизга тақрор ва тақрор қатъият билан қўйишимиз керак – фақат ишлаб чиқариш ва реализация масаласини тезкорлик билан бошқариш учун зарур бўлган ҳисоботни, шу жумладан, баланс ва бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш, жорий ҳамда истикбол прогнозларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган ҳисоботнигина сақлаб қолиш лозим».

Ушбу фикрини кучайтириб юртбошимиз: «Бунда ҳисоботлар рўйхатини қискартирибгина қолмасдан, балки уларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаш, шуни инобатга олган ҳолда, ортиқча маълумот тўплашни бекор қилиш ва тегишли бошқарув бўғунларини қискартириш бўйича таклиф тайёрлаш керак», деб уқтирди.

Ҳақиқатда вазият олдинги ҳолатга нисбатан тубдан ўзгарди. Мулкнинг аксарият қисми хусусийлаштирилди, ҳисоб-китоблар компьютерлар орқали олиб борилмоқда, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мос миллий стандартлари ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси бошқарувни оптималлаштириш, бу учун эса ахборотларнинг тезкорлигини таъминлаш ва кераклисини олишни талаб қилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, бошқарув таҳлилининг вазифаси фақат тегишли ахборотларни тайёрлаш билангина чекланмайди, балки у оқилона бошқарув учун тегишли ахборотлар тизимини ҳам тартибга солиш учун кўмаклашишга асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув таҳлили ҳам мазмуни, ҳам шакл жиҳатидан такомиллашади, унинг бажарадиган вазифалари кенгайиб бораверади.

1.10. Бошқарув таҳлилининг асосий тамойиллари ва ички имкониятларни топишдаги аҳамияти

Бошқарув таҳлили ҳам бирқанча тамойилларга асосланади. Бу тамойиллар турли бўлиши мумкин. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун асос қилиб одатда қуйидаги тамойиллар олинади.

- 1) Объектнинг ҳолатини дастлабки иқтисодий – назарий жиҳатдан таҳлил қилишнинг зарурлиги ва ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бир –бирига ўзаро боғлиқлиги;
- 2) Таҳлилнинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ таҳлилий кўрсаткичлар тизимининг қўлланилиши;
- 3) Иқтисодий маълумотларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни микдорий ва сифат белгиларига қараб туркумлаш;
- 4) Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти;
- 5) Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани корхоналарни бошқаришга яна ҳам кенг жалб этиш;
- 6) Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли ва уларнинг иқтисодий таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Юқорида қайд қилинган тамойиллар иқтисодий таҳлилининг шаклланишига ва унинг ривожланиш жараёнига асос бўлади.

Бошқарув таҳлилининг ички имкониятларни аниқлашдаги аҳамияти.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад – яшириниб ётган ички имкониятларни аниқлашдир. Бу учун эса уларни илмий асосда туркумлаш керак.

Резервлар қуйидагилардан иборат: халқ хўжалик, тармоқ, регионал (ёндош) ва ички хўжалик резервлари. Айтайлик, машинасозлик саноатида маҳсулот таннархини камайтириш борасида бўлган катта резервлардан бири – рангли металлларни пластмассалар билан алмаштириш ҳисобланиб, бу ўз навбатида кимё саноатини янада ривожлантиришни тақозо қилади. Шу сабабли, бундай резервлар халқ хўжалик резервлари қаторига киради. Ихтисослаштириш даражасини ошириш эса тармоқ резервлари қаторига кириб, у асосан корпарация, концерн, вазирлик каби бошқарув идораларига боғлиқдир.

Минтақавий резервларга, айтайлик, бир маъмурий туманда жойлашган турли бошқармаларга қарашли саноат корхоналарини тезкорлаштириш мисол бўла олади.

Ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни хўжалик оборотига йўналтиришда корхоналар катта имкониятларга эга. Бу эса, асосан, ишлаб чиқариш ресурсларидан иборат уч гуруҳ (меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари) омилларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади.

1.11. Таянч иборалар

Миллий истиқлол ғояси, бош ғоя, асосий ғоялар, миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий таҳлил билан боғлиқлиги, билиш назарияси, жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, тажриба, анализ, синтез, ҳисобот, ахборот, бошқарув таҳлили, молиявий таҳлил, ички таҳлил, ташқи таҳлил, бошқарув таҳлилининг вазифалари, бошқарув таҳлилининг мазмуни, бошқарув таҳлилининг тамойиллари.

1.12. Назорат саволлари

1. «Ўзбек модели» ва иқтисодий таҳлилнинг унга мослиги нимада ифодаланади?
2. Иқтисодий таҳлилга миллий истиқлол ғояси (МИҒ) қандай сингдирилади?
3. Корхона хўжалик фаолиятини ифода этувчи кўрсаткичлар таснифи қандай?
4. Анализ нима?
5. Синтез нима?
6. Билиш назариясининг мазмуни қандай?
7. Таҳлил бошқарувда оралиқ босқични эгаллайди. Бу қандай формула билан ифодаланади?
8. Бошқарув таҳлили нима?
9. Бошқарув таҳлилининг молиявий таҳлилдан фарқи нимада?
10. Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши қандай?
11. Бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари нималардан иборат?
12. Бошқарув таҳлилининг асосий тамойиллари нима?
13. Бошқарув таҳлилининг ички имкониятларини аниқлашдаги аҳамияти нимада?
14. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишига нималар киради?

1.13. «Бошқарув таҳлилининг миллий истиқлол ғоясига мослигини таъминлаш муаммолари, мазмуни, таркиби ва асосий вазифалари» мавзуси бўйича айрим тест саволлари

1. Объектив дунёни билишга қаратилган назария

- а) диалектика

- б) диалектик назария
- в) ўзаро боғлиқлик назарияси
- г) назарий ёндошув
- д) билиш назарияси

2. Бир бутунли бўлакларга бўлиб ўрганиш

- а) синтез
- б) анализ
- в) анализ ва синтез
- г) индукция
- д) дедукция

3. Парчалар ўрганилган жараёнларни умумлаштириш

- а) синтез
- б) анализ
- в) анализ ва синтез
- г) индукция
- д) дедукция

4. Умумийликдан хусусийлик сари ўрганиш

- а) синтез
- б) анализ
- в) анализ ва синтез
- г) индукция
- д) дедукция

5. Хусусийликдан умумийлик сари ўрганиш

- а) синтез
- б) анализ
- в) анализ ва синтез
- г) индукция
- д) дедукция

6. Корхонанинг ички таҳлили қайси таҳлилда амалга оширилади?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

7. Корхонанинг ташқи таҳлили қайси таҳлилда амалга оширилади?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

8. Корхона раҳбарияти, унинг эгаси ва мутахассислари томонидан ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида ўтказиладиган таҳлил қандай таҳлил?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

9. Ташқи истеъмолчилар ўтказадиган таҳлил қандай таҳлил?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

10. Бошқарув таҳлиliga Ё.А.Абдуллаев, А.Иброҳимов ва М.Раҳимовлар нечта соҳани киритишни тавсия қилган?

- а) учта
- б) бешта
- в) иккита
- г) олтига
- д) тўртта

11. Бизнинг тавсия бўйича бошқарув таҳлиliga қанча соҳа киритилган?

- а) учта
- б) бешта
- в) иккита
- г) олтига
- д) тўртта

12. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили қайси таҳлилда ўрганилган?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

13. Харажатлар таҳлили қайси таҳлилда ўрганилади?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

14. Шартномаларни бажаришнинг таҳлили қайси таҳлилда ўрганилади?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

15. Активлар таҳлили қайси таҳлилда ўрганилади?

- а) иқтисодий
- б) молиявий
- в) бошқарув
- г) бошқарув-молиявий
- д) бошқарув-иқтисодий

16. Бошқарув таҳлилининг асосий тамойиллари нечта?

- а) учта
- б) бешта
- в) иккита
- г) олтита
- д) тўртта

2-Боб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА МАХСУС УСУЛЛАРИ

2.1. Бошқарув таҳлилининг предмети

Бозор муносабатлари шароитида бошқарув таҳлили вужудга келиш билан бирга унинг назарий ва амалий масалалари шаклланмоқда. Бунинг муҳим йўналишларидан бири унинг предметиدير. **Бошқарув таҳлилининг предмети** деганда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳисоб ва ҳисоботлар ҳамда ҳисобдан ташқари маълумотлар асосида, бизнес-режанинг асосланганлигини, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашни, буларнинг барчасини иқтисодий кўрсаткичлар тизимида ифодалаш орқали уларни тизимли ўрганишни барча омилларнинг таъсирини ҳисоблашни таъминлаш тушунилади.

Иқтисодий таҳлил ўз мазмуни жиҳатдан турличадир. Таҳлилнинг 2 хил йўналиши мавжуд: молиявий-иқтисодий ва техникавий – иқтисодий. **Молиявий – иқтисодий таҳлилда** бизнес режанинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи (техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби) омиллар ўрганилади. **Техник – иқтисодий таҳлилда** эса, техника ва технология ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид ҳамма масалалар ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсири ҳам аниқланади. Шунинг учун техник – иқтисодий таҳлил корхоналардаги мавжуд барча резервларни тўла ва ҳар – томонлама аниқлаш имконини беради. Ушбу масалаларнинг барчаси бошқарув таҳлилида ҳам ўрганилади.

Таҳлил корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олган **умумий** ҳамда ишнинг қандайдир бирор томони ёки корхонанинг бир неча бўғинларини ўз ичига олган **танлама (тематик)** турларга бўлинади. Шунингдек, йирик масалаларга бағишланган, корхонанинг кундалик ишини ўрганишга ва ички имкониятларини топишга қаратилган тезкор таҳлил ҳам кенг қўлланилади.

Текшириладиган объектлар ва бошқарув бўғинларига қараб таҳлил ишчи ўрни, бўлинма, цех, корхона ва тармоқлар бўйича ҳамда тармоқлараро таҳлилларга бўлинади.

Таҳлилда резервларни аниқлаш **қўлами** қуйидагилардан иборат: корхона ичидаги ва корхоналараро, тармоқ ичидаги ва тармоқлараро резервлар.

Қабул қилинадиган қарорларнинг характериға қараб, таҳлил қуйидагиларга бўлинади: дастлабки, тезкор, якуний ва истиқболли. Булардан назарий ва амалий жиҳатдан энг такомиллашгани – якуний таҳлил ҳисобланади (корхоналарнинг ҳисоботиға асосан ўтказиладиган таҳлил).

Таҳлилнинг турлари ва шакллари тўғрисида М.Қ.Пардаевнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслигида (Самарқанд, «Зарафшон», 2001) тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Таҳлил ўтказиш муддатлари (ҳар куни, ҳар ҳафта, бир ойда, чоракда ва бир йилда) ёки зарур бўлишиға қараб ахён-ахёнда олиб борилиши мумкин.

Таҳлил ўтказишнинг 3 босқичи мавжуд:

1. Корхона фаолиятининг умумий иқтисодий натижаларини кўриб чиқишдан бошлаш, чунки у ишнинг самарадорлигини аниқлаш, ўтган даврларға нисбатан ўзгаришларни, шунингдек бир корхона ишини бошқаси билан таққослаш ҳамда корхона фаолиятининг бошқа томонларини билиш имконини беради;
2. Бизнес-режанинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи энг муҳим омилларни ўрганиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлаш;
3. Таҳлилий ўрганишлар натижаларини умулаштириш ва шу асосда бутун резервларни ўз ичига олган йиғма резервларни ҳисоблаш (комплекс резервлар).

Таҳлилларнинг турлари ва босқичларини тўлиқ амалға ошириш учун унинг усулларидан ва услубларидан самарали фойдаланишни тақоқо қилади.

2.2. Бошқарув таҳлилининг методи

Бошқарув таҳлилнинг методологик асослари диалектик билиш назарияси ва иқтисодий назария фанларининг қобилятларига таянади. Шу жиҳатдан унинг методига қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Бошқарув таҳлилининг методи деганда, бизнес-режанинг бажарилишиға ва маҳсулот ҳажмининг ўсишиға таъсир кўрсатувчи омиллар тизимини ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотлар асосида махсус усулларни қўллаб комплекс тарзда ўрганиш, ўлчаш ва умулаштириш орқали амалға ошириш тушунилади.

Маълумки таҳлил қилинаётган объектнинг фаолиятиға ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилда **омиллар** деганда, у ёки бу иқтисодий кўрсаткичға ижобий, ёки салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи

кучлар назарда тутилади. «Сабаб» термини «Омил» терминига нисбатдан кенг қўламда қўлланилади. Сабаб омиллар тизимига нисбатдан кенгроқ маънога эга. Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имконини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар ҳаракатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш резервлар деб аталади.

Корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида дедуктив ва индуктив, анализ ва синтез усуллари бирга олиб борилади.

Дедуктив усул асосан молиявий – иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Бунда аввало хўжалик фаолиятини белгиловчи умумий кўрсаткичлар ўрганилиб, сўнгра улар бўлақларга бўлинади. Кўрсаткичларни бўлақларга бўлиш аслини олганда таҳлил демакдир. «Анализ» (таҳлил) грекча сўздан олинган бўлиб, бир бутунни қисмларга бўлишни ифодалайди, сўнгра эса умулаштирилган маълумотлар асосида резервларни йиғма ҳисобини аниқлаш – синтез деб аталади.

Индуктив усул кўпинча техник-иқтисодий таҳлилда қўлланилади, яъни аввал айрим олинган иш бўғинларида кўрсаткичлар ҳар томонлама текширилиб, сўнгра ана шу конкрет кўрсаткичлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини белгиловчи умумлашган иқтисодий кўрсаткичлар даражасига чиқилади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг методи мазкур предметни ўрганиш жараёнига умумий жиҳатдан ёндошишдир. Шу сабабли таҳлил методини унга бўйсунувчи махсус методик усуллари билан аралаштириб бўлмайди. Зеро, аниқ шарт-шароит натижасида у ёки бу усулларни ўзгариш эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу жиҳатдан бошқарув таҳлилни ўзига хос характерли хусусиятларга эга.

Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқа барча омилларни текширишни тизимли ва комплекс тарзда ўтказишга ёндошиш, таҳлил методининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланилади. Бу ўринда тизимли таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни иерархик усул (бўйсунуш тартиби) орқали бошқариш, масалан цех корхонанинг, корхона бирлашманинг, бирлашма тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо, сифатида ўрганиш тизимли таҳлилга мисол бўлади.

Дарвоқе, иқтисодий таҳлил ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бир гап эмас. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий таҳлилнинг бир бўлаги ҳисобланилади. Иқтисодий таҳлилни бошқаришнинг учала даражаси билан боғлиқ (халқ хўжалиги, тармоқ, корхона) хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш эса фақат учинчи даражадаги бошқариш билан боғлиқ.

Хўжаликнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўлчаш орқали бизнес-режанинг бажарилиши, хўжаликни бошқаришнинг самарадорлиги ҳамда корхона фаолиятидаги асосий ва ҳал этувчи масалалар аниқланади.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш орқали корхонани хўжалик юритиш борасидаги фаолиятига баҳо берилади ҳамда барча резервларнинг йиғма ҳисоби аниқланади.

Таҳлил методининг ўзига хос характерли хусусиятларидан яна бири – иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳар томонлама бир-бирлари билан сабабий боғланишда эканлигидир. Бу борада таҳлилнинг вазифаси ана шу сабабларни аниқлашдир. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳатто айрим олинган иқтисодий кўрсаткичларга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бинобарин, бу сабабларнинг ҳаракатини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир. Шу сабабли асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омилларнинг таъсирини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шarti хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларга қараб тўғри туркумлаш ҳисобланади. Масалан: товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатига таъсир этувчи омиллар 4 гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- 1) меҳнат билан боғлиқ омиллар. Бунга корхонанинг ходимлар билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги киради;

- 2) меҳнат воситалари омилларига эса корхонанинг асосий воситалар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг хажми, тузилиши, ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси сингари масалалар киради;
- 3) меҳнат предметлари омилларига корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлик даражаси каби масалалар киради;
- 4) номоддий активлар билан боғлиқ омиллар. Бу омиллар моддий бўлмасида моддий ресурслар сингари корхонага фойда келтириши мумкин. Омилли таҳлилда ушбу гуруҳ омиллар ҳам махсус гуруҳга ўрганилиши лозим.

Юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлангандир. Бинобарин, бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирга асло қўшиб ҳам бўлмайди. Чунончи, меҳнат унумдорлиги ўсиши ишчилар малакаси ва иш вақтидан самарали фойдаланишга боғлиқ (меҳнат омиллари). Сўнгра меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига (меҳнат қуроллари омиллари), ҳамда хом ашё ва материаллардан тежамкор ва рационал фойдаланишга (меҳнат предметлари омиллари) боғлиқ. Ўз навбатида ҳар бир омил яна таркибий қисмларга бўлинади. Чунончи, меҳнат омиллари – микдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат. Бу ерда микдор кўрсаткичларга ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони кирса, сифат кўрсаткичига меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши мисол бўлади. Сўнгра, бир ишчига тўғри келадиган йиллик меҳнат унумдорлиги: бир ишчи томонидан бир йилда ишлаган ўртача киши кунларига; ўртача иш кунининг узунлигига; бир ишчига тўғри келувчи ўртача бир соатлик меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, бир кўрсаткич иккинчи бир кўрсаткич билан узвий равишда боғланишда бўлиб, ўзига хос бир бутун занжирсимон шакл ҳосил қилар экан. Масалан, натижа (Y) билан омиллар (X_i) ўртасидаги боғлиқликни олайлик. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Y = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 \cdot X_4 = \prod_{i=1}^n X_i ;$$

Бунда: Y – натижа кўрсаткичи;

X -лар – омиллардир.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий жараёнларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқликда эканлигини кўрсатади. Бу боғлиқлик бошқарув таҳлили учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

2.3. Бошқарув таҳлилининг махсус усуллари*

Бошқарув таҳлилининг усуллари ҳам иқтисодий таҳлил усуллари сингари корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

1. Таққослаш усули – корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий методидир, зеро барча тафовутлар таққослаш орқали аниқланади. Таққослаш усуллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) ҳақиқатдаги кўрсаткичларни бизнес-режа даражасидаги кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида бизнес-режанинг бажарилиш даражаси ва сифати аниқланади;
- б) жорий йилдаги амалдаги кўрсаткичларни ўтган давр ҳисоботи билан таққослаш натижасида ишлаб чиқаришнинг ўсиш (пасайиш) суръатлари аниқланади;

* Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар М.Ў.Пардаевнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» дарслигида (Зарафшон, 2001) атрафлича ёритилган.

- в) ишлаб чиқаришда энг мукаммал намунага эга бўлган корхонанинг иқтисодий кўрсаткичи билан мазкур корхонанинг кўрсаткичини таққослаш. Бу ўринда таққослаш комплекс тарзда олиб борилмайди, балки ушбу корхонанинг айрим кўрсаткичлари билан таққосланади. Масалан, дастгоҳдан фойдаланиш коэффиценти ёки айтайлик, моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича. Хозирги вақтда саноат корхоналарида таққослама таҳлил методи катта аҳамиятига эга бўлмоқда. Бу метод илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини ёйиш мақсадида алоқадор бўлган турли корхоналар ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таққослаб кўришга асосланади.
- г) корхона ишининг якуни, илғор техник –иқтисодий нормалар, ўтган давр ҳисоботи, айрим даврларда қилинган ишларнинг энг яхши натижалари, ушбу корхонанинг илғор участкаларидаги иш натижалари, корхона ҳамда ушбу тармоқдаги илғор ишчиларнинг иш натижалари билан таққосланади;
- д) ушбу корхонанинг кўрсаткичлари тармоқ бўйича аниқланган ўртача кўрсаткичлар билан таққосланади. Бунда корхонанинг тармоқ миқёсида тутган ўрни белгиланади.

2. Гуруҳлаштириш. У ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий текширишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Гуруҳлаштириш, айниқса амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Масалан, юқорида таъкидланганидек, товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омилларни гуруҳлаштириш (меҳнат, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари омиллари) мисол бўлади. Гуруҳлаштириш яна ташқи ва ички омиллар, умумий ва индивидуал омиллар каби белгилари бўйича ҳам амалга оширилади.

3. Етакчи звенони ажратиб қўйиш методи. Корхона фаолияти таҳлил қилинаётган вақтда ниҳоятда кўп воқеа ва ҳодисалар учрайдики, уларни тўла таҳлил қилиш имкони йўқлиги учун бу усулдан фойдаланилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат унумдорлиги даражасига кўп омиллар таъсир кўрсатади, бироқ ишлаб чиқариш шароитида фақат икки ёки ундан кўп етакчи омиллар билан чекланиш мумкин. Буларни ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган ходимларнинг малака даражасини, техника тараққиётини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражалари билан аниқлаш кифоядир. Бу усул у ёки бу ҳодисаларнинг сабабини аниқлашдан ташқари техникани ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

4. Мутлақ ва нисбий миқдорлар. Мутлақ миқдорлар орқали иқтисодий кўрсаткичларнинг умумий ҳажми аниқланади. Нисбий кўрсаткичлар эса бизнес-режанинг бажарилиш даражасини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатини белгилайди. Мутлақ миқдор хўжалик юритишнинг самарадорлигини ҳар вақт ҳам белгиламайди. Масалан, ишлаб чиқариш борасида барча шарт-шароити нуқтаи – назаридан тенг бўлган 1-корхона, айтайлик ўтган йилга нисбатан ҳақиқатда 200 минг сўмга кўп фойда олди, 2-корхона эса 150 минг сўм. Бу рақамлардан 1-корхона яхши ишлайди деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун нисбий кўрсаткичларга мурожаат этиш даркор. Бу ерда нисбий кўрсаткич рентабеллик даражаси ҳисобланади. Рентабеллик даражаси фойда суммасини асосий ишлаб чиқариш воситалари ва айланма маблағларининг қийматига тақсимланиб, натижани 100 га кўпайтириш билан аниқланади. Демак, 1-корхона бўйича рентабеллик даражаси – 30,5%ни ташкил этсин, 2-корхона бўйича эса – 34,5%ни. Шундай қилиб, 2-корхона 1-корхонага нисбатан самарали ишлаган, чунки у асосий ишлаб чиқариш воситаларидан яхши фойдаланган, оборот маблағларини тежаб сарфлаш натижасида уларнинг айланишини тезлаштирган ва ҳоказо.

5. Динамик методлар. Бу усул муҳим ҳодисалар, жараёнларнинг ҳар бирини ривожланишда деб қараш кераклигини кўрсатади. Демак, бу таҳлил қилиш жараёнида корхона фаолияти ривожланаётганликда олиб қаралади ва бу билан унинг ишидаги айрим ўзгаришлари очилади.

6. Индекслар. Улар ёрдамида маълумотларни қатор йиллар бўйича таққослаш мумкин. Бу ўринда базали ва занжирсимон индекслардан фойдаланилади. Масалан, базали индексга маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши мисол бўла олади. Бунда ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми шу базага нисбатан солиштириб амалдаги баҳода ўтган йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан таққосланади. Базисли индекс бўйича ҳисоб қилинганда таққослаш учун база (асос) 100га тенг деб олиниб, кейинги кўрсаткичлар ана шу базисли миқдорга фоиз ёки коэффициент ҳисобида олинади.

7. Бартараф этиш (элиминирование) усули. Хўжалик фаолиятига юқорида айтиб ўтилганидек жуда кўп омиллар таъсир қилади: асосий, қўшимча, ташқи ва ҳоказолар. Бу усул ёрдамида ушбу омилларни бир-биридан ажратиб, алоҳида таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу усул турли методлар билан амалга оширилади, жумладан, занжирли алмаштириш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

8. Занжирли алмаштириш методи. Бу усулнинг моҳияти қуйидагилардан иборат, яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган ўтган йил доирасидаги айрим олинган миқдорий таркибига айнан шу кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. У ёки бу омилнинг таъсири натижани бир-биридан кетма-кет айтириш йўли билан аниқланади: иккинчи ҳисобдан биринчи ҳисоб айларилади, учинчи ҳисобдан иккинчи ҳисоб ва ҳоказо. Биринчи ҳисобдан ҳамма кўрсаткичлар ўтган йил доирасида олинади, сўнгги ҳисобга эса ҳақиқатда бажарилган кўрсаткичлар киритилади.

Занжирли алмаштириш усулини қўллаш тартибини товар маҳсулотига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқишимиз мумкин. Таҳлил учун қуйидаги 2.1-жадвални тузиш тавсия қилинади.

2.1 - Жадвал

Занжирли алмаштириш усули

Тартиб рақами		Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони (киши)	Бир ишчи томонидан бир йилда ишланган иш куни (кун)	Иш кунининг ўртача узунлиги (соат)	Бир ишчи-га тўғри келувчи бир соатлик иш унуми (сўм, тийин)	Товар маҳсулотнинг қиймати (минг сўм) 1уст*2уст*3уст*4уст	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (минг сўм)	Фарқнинг сабаблари
Ҳисоб	Боғла-ниш							
А	Б	1	2	3	4	5	6	7
1	-	ҳ.ўт.й. 1113	ҳ.ўт.й. 238	ҳ.ўт.й. 7,78	ҳ.ўт.й. 3,21	6615	-	
2	1	ҳ.ҳ.й. 1085	ҳ.ўт.й. 238	ҳ.ўт.й. 7,78	ҳ.ўт.й. 3,21	6449	-166	Иш кучи билан таъминланманганлиги
3	2	ҳ.ҳ.й. 1085	ҳ.ҳ.й. 226	ҳ.ўт.й. 7,78	ҳ.ўт.й. 3,21	6123,82 5	-325,2	Бир ишчи томонидан ишланган иш кунининг камайиши
4	3	ҳ.ҳ.й.	ҳ.ҳ.й.	ҳ.ҳ.й.	ҳ.ўт.й.			Ўртача иш куни

		1085	226	7,73	3,21	6084	-39,36	узунлигининг қисқариши
5	4	х.х.й. 1085	х.х.й. 226	х.х.й. 7,73	х.х.й. 3,65	6905	+821	Соатлик иш унумининг ўсиши
^х х.ўт.й. – ҳақиқатда ўтган йили								
^х х.х.й. – ҳақиқатда ҳисобот йили								

Жадвалдан кўриниб турибдики, экстенсив омил – корхонанинг иш кучи билан тўла таъминланмаганлиги ($1085-1113=28$ киши), бир ишчи томонидан ишланган ўртача иш кунининг ўтган йилга нисбатан 12 кунга камайиши ($226-238$) ва иш кунининг ўртача узунлигининг 0,05 соатга ($7,73-7,78$) камайиши натижасида товар маҳсулотини ишлаб чиқариш 531 минг сўмга камайди ($166; 325; 40$). Бу камайиш ўрни интенсив омилнинг ўсиши эвазига қопланилди. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумининг 44 тийинга ($3,65-3,21$) ошиши натижасида 821 минг сўмлик товар маҳсулоти кўп ишлаб чиқарилди. Дарвоқе, ушбу жадвалдан кўринишича, ишга жалб қилинмаган резервлар ҳажми 531 минг сўмни ($166+325+40$) ташкил қилади.

9. Таҳлилда кўп қўлланиладиган усул – кўрсаткичларининг ўсиш суръати бўйича фарқини аниқлаш методидир. Таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални хавола этамиз (2.2-жадвал).

2.2 - Жадвал.

Ўсиш суръати бўйича фарқлаш

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич-ларнинг ўсиш суръати (%)	Ўсиш суръатидаги фарқ (+,-)	Маҳсулот ҳажмига таъсири ($2 \text{ уст} * 6615/100$) минг сўм
А	1	2	3
1.Ишчиларнинг ўртача рўйхат-даги сони	97,5	$100-97,5=-2,5$	-165
2.Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши кунлари	92,4	$97,5-92,4=-5,1$	-338
3.Бир йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши – соатлари	91,8	$92,4-91,8=-0,6$	-40
4.Товар маҳсулоти	104,4	$104,4-91,8=+12,6$	+883
Жами	-	+4,4	+290
^х 6615 минг сўм – ҳақиқатда ўтган йилдаги маҳсулот ҳажми			

Жадвалдан кўринишича, маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат билан боғлиқ омилларнинг бу усулда ҳисоблаганимизда олинган натижалар занжирли алмаштириш методи бўйича аниқланган натижаларга тенг.

10. Баланс методи – бу усул хом ашё (материаллар) нинг келиши ва ундан фойдаланиш йўналиши ўртасидаги нисбатни аниқлашга, шунингдек иш вақти, ускуналарнинг ишлаш вақти ва бошқалардан фойдаланишни ўрганиш учун хизмат қилади.

Юқорида қайд қилинган методлар билан бир қаторда таҳлил қилиш жараёнида бир қатор статистик усуллардан ҳам фойдаланилади. Буларга масалан, ўртача миқдорни

аниклаш, ўртача квадратик тафовутларни ҳисоблаш, корреляция методи, иқтисодий математик методлар кабиларни киритиш мумкин. Булар тегишли равишда статистика дарсларида атрофлича ўрганилади.

2.4. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш йўллари

Қўхна ва қадимий Грециянинг Платон дарвозасига шу сўзлар ёзилган: «Кимда ким математикани билмаса унинг академия дарвозасига киришининг хожати йўқ. Математика – бу фанлар маликасидир. Математика зеҳн ва ақлни машқ қилиш воситасидир».

Иқтисодий-математик усулларни иқтисодий таҳлилда қўллаш куйидагилардан келиб чиққан.

1. Корхоналар сони кун сайин ошиб бораётганлигидан.
2. Ишлаб чиқарладиган маҳсулотларнинг номенклатураси 10 млн. хилдан ошиб кетганлиги ва уларнинг ассортименти эса 1 млрд. хилни ташкил этишидан.
3. Иқтисодиёт жуда ҳам мураккаб иерархия (бўйсунуш) тизимига эгалигидан.
4. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари жуда юқори параметрларида ишлатилаётганлигидан, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортименти ва таркибининг ўзгариши тез суръатлар билан бораётганлигидан.

Иқтисодий-математик усулларни таҳлилда қўллашнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- биринчидан, таҳлил этиш муддати тезлашади;
- иккинчидан, иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг улуши (салмоғи) аниқ ҳисобланади;
- учинчидан, тахминий ёки ноаниқ ҳисоблашлар ўрнини аниқ рақам ва фактлар эгаллайди.

Иқтисодий таҳлилда иқтисодий математик усулларни қўллаш куйидаги босқичларни ўз ичига олади.

- масала шартли белгиланади;
- таъсир этувчи омиллар аниқланади;
- математик ҳисоблаш усули белгиланади;
- эксперимент модель тузилади;
- бевосита ҳисоблашлар бажарилади;
- аниқ ечимлар топилади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашда интеграл усулини қўллаш.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва фактлар аниқ ўлчанган ва ҳисобланган бўлиши шарт. Бунга интеграл усулини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Масалан: товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш ёки камайишига асосий воситалар қиймати ва ундан самарали фойдаланиш таъсирини куйидаги мисолда интеграл усули орқали аниқлаймиз.

2.3 - Жадвал

Товар маҳсулоти ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини интеграл усул билан ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Шарт-ли белги	Ҳақиқат-да ўтган йили (o)	Ҳақиқат-да жорий йили (1)	Ўзгариши (+,-)
1. Товар маҳсулоти, минг сўм	N	5254	5224	-30
2. Асосий воситаларнинг йиллик ўрта қиймати, минг сўм	F	4430	5844	+1414

3. Асосий воситанинг самарадорлиги [1к. х 2к], сўм	NF	1,1860	0,8939	-0,2921
---	----	--------	--------	---------

Жадвалдан кўринишича, ҳақиқатда ҳисобот йили товар маҳсулоти ҳажми ҳақиқатда ўтган йилга нисбатан 30 минг сўмга камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган.

1. Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қийматининг ўзгариши (экстенсив омил). У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta N_F = NF_0 \cdot \Delta F + \frac{\Delta NF \cdot \Delta F}{2}$$

$$\Delta N_F = 1,1860 \times 1414 + \frac{(-0.2921) \times 1414}{2} = +1470 \text{ минг сўм}$$

2. Асосий воситалар самарадорлигининг ўзгариши. У қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\Delta N_{NF} = F_0 \cdot \Delta NF + \frac{\Delta NF_0 \cdot \Delta F}{2}$$

$$\Delta N_{NF} = 4430 \times (-0.2921) + \frac{(-0.2921) \times 1414}{2} = -1500 \text{ минг сўм}$$

3. Иккала омилнинг йиғиндиси:

$$\Delta N = \Delta N_F + \Delta N_{NF} = 1470 + (-1500) = -30 \text{ минг сўм.}$$

Демак, товар маҳсулоти ишлаб чиқаришининг 30 минг сўмга камайиши асосий воситалардан фойдаланишни ёмонлашганлиги сабабли содир бўлган, бунинг таъсирида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 1500 минг сўмга камайган, лекин асосий воситалар қийматининг ўсиши натижасида маҳсулот ҳажми 1470 минг сўмга кўпайган.

Бошқарув таҳлилида корреляция ва регрессия усулларининг қўлланилиши.

Корреляция ва регрессия усуллари икки ва ундан ортиқ кўрсаткичларнинг ўзгариши бир-бири билан қанчалик боғланганлигини ҳисоблашда қўлланилади. Бунда корреляция коэффиценти 0 дан 1 гача ўлчамни ифода этади. Агар корреляция коэффиценти 0 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффиценти 1 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик тўлиқ бўлади, яъни функционал бўлади.

2.4 – Жадвал

Асосий восита билан қуrollанганлик ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик

Тартиб рақами	Асо- сий во- сита билан ку-рол- ланиш (минг сўм) (X)	Бир ишчи- га тўғри келувчи меҳнат унумдор- лиги, (минг сўм) (Y)	Ўртача қатордан фарқ $\Delta X = X - \bar{X}$	Ўртача У қатордан фарқи $\Delta Y = \bar{Y} - Y$	Фарқлар- нинг кўпайтма- си $\Delta X \times \Delta Y$	Х қатор- нинг квадрат фарқи ΔX^2	У қатор- нинг квадрат фарқи ΔY^2
A	1	2	3	4	5	6	7
1	0,10	2,5	0,45	1,35	0,6075	0,2025	1,8225
2	0,20	2,8	0,35	1,05	0,3655	0,1225	1,1025
3	0,30	2,9	0,25	0,95	0,2375	0,0625	0,9025
4	0,40	3,7	0,15	0,15	0,225	0,0225	0,0225
5	0,50	3,9	0,05	-0,05	-0,0025	0,0025	0,0025
6	0,60	4,3	-0,05	-0,45	0,0225	0,0025	0,2025
7	0,70	3,8	-0,15	0,05	-0,0075	0,0225	0,0025
8	0,80	4,5	-0,25	0,65	0,1625	0,0625	0,4225
9	0,90	4,9	-0,35	-1,05	0,3675	0,1225	1,1025
10	1,00	5,2	-0,45	-1,35	0,6075	0,2025	1,8225
Сумма	5,50	38,5	0,00	0,00	2,3850	0,8250	7,4050
Ўртача миқдори	-0,55	3,85	-	-	-	-	-

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида корреляцион – регрессион усулдан фойдаланиб, ишчиларнинг асосий воситалар билан куруланиш ва бир ишчи- га тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғланишни кўришимиз мумкин.

Ишчиларнинг асосий воситалар билан куруланиш ва бир ишчи- га тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги даражаси ўртасидаги корреляция коэффициентини қуйидаги формула орқали ифода этилади:

$$R_{xy} = \frac{\sum(\Delta X \cdot \Delta Y)}{\sqrt{\sum \Delta X^2 \cdot \sum \Delta Y^2}} = \frac{2,385}{\sqrt{0,8250 \cdot 7,405}} = 0.97$$

Демак, асосий воситалар билан куруланиш ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик тўла (функционал) эканлигидан далолат беради.

Омиллар тизимини детерминаллашган моделларда акс эттириш

Омиллар тизимини моделлаштиришда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларни модел тизимига киритиш керак. Масалан, аванслаштирилган воситаларнинг рентабеллик даражаси баҳо миқдори- га, баҳо ўзгаришига, асосий воситалар ва айланма маблағларнинг ўзгаришига, соф фойданинг ўзгаришига, маҳсулот ассортименти ва таркибининг ўзгаришига ҳамда бошқа кўп омилларга боғлиқ.

Аванслаштирилган воситаларнинг рентабеллик даражаси соф фойдани асосий воситалар ва айланма маблағларнинг йиллик ўрта қиймати- га нисбати тариқасида аниқланиб, уни қуйидаги формула орқали ифода этишимиз мумкин:

$$R = \frac{\Phi^e}{F + E} = \frac{X_1}{X_2 + X_3}$$

Бунда: Φ^e – соф фойда;
 F – асосий воситалар;
 E – айланма маблағлар.

Буни қуйидаги мисолда кўрамиз.

2.5 – Жадвал

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шартли белги	База йили (0)	Ҳисобот йили (1)	Ўзгариши (+,-)
А	Б	В	1	2	3
1. Соф фойда	Минг сўм	$\Phi^e = X_1$	714	902	+188
2. Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати	Минг сўм	$F^e = X_2$	4430	5844	+1414
3. Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати	Минг сўм	$E = X_3$	2120	2396	+276
4. Соф тушум	Минг сўм	N_p	6432	7240	+908
5. Бир сўмлик сотилган маҳсулот ҳисобига олинган соф фойда	Минг сўм	$\frac{X_1}{N_p} = X_4$	1.217	1.229	+0.012
6. Асосий воситаларнинг сиғими	Минг сўм	$\frac{X_2}{N_p} = X_5$	0,6987	0,7962	+0,0975
7. Айланма маблағларнинг сиғими	Минг сўм	$\frac{X_3}{N_p} = X_6$	0,3296	0,3264	-0,0032
8. Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти	марта	$\frac{N_p}{X_3} = X_7$	3,034	3,063	+0,029
9. Умумий воситалар таркибида айланма маблағларнинг улуши	Коэф.	$\frac{X_3}{X_2 + X_3} = X_8$	0,3237	0,2908	-0,0329
10. Рентабеллик даражаси	Коэф.	$R_\kappa = \frac{X_1}{X_2 + X_3}$	1.1090	1.1095	+0.0005

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, натижа кўрсаткичи бир қанча омиллар билан ўзаро боғлиқликда. Масалан, рентабеллик кўрсаткичини олайлик:

$$R_0 = \frac{X_{1_0}}{X_{2_0} + X_{3_0}} = \frac{714}{4430 + 2120} = 1,1090$$

$$R_1 = \frac{X_{1_1}}{X_{2_1} + X_{3_1}} = \frac{902}{5844 + 2396} = 1,1095$$

$$\Delta R = 1,1095 - 1,1090 = +0,0005$$

Занжирли алмаштириш усули билан ушбу фарққа таъсир қилган учала омилнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Ушбу формулани кенгайтириш ҳам мумкин:

$$R_0 = \frac{X_1 / N_p}{X_2 / N_p + X_3 / N_p} = \frac{1,217}{0,6987 + 0,3296} = 1,1090$$

$$R_1 = \frac{1,229}{0,7962 + 0,3264} = 1,1095$$

Бу боғлиқлик ҳам натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг функционаллигини кўрсатади.

Кўриниб турибдики, бошқарув таҳлилида ҳам молиявий таҳлил сингари иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган деярли барча усуллардан фойдаланиш мумкин экан.

2.5. Таянч иборалар

Бошқарув таҳлилининг предмети, молиявий-иқтисодий таҳлил, техник-иқтисодий таҳлил, таҳлилнинг босқичлари, бошқарув таҳлилининг методи, резервлар, омиллар, сабаб, тизимли таҳлил, натижа кўрсаткичи, боғлиқлик, таққослаш усули, гуруҳлаш, етакчи бўғинни ажратиш олиш, мутлоқ миқдор, нисбий миқдор, динамик метод, индекс, занжирли алмаштириш, фарқлаш, ўсиш суръати бўйича фарқлаш, баланс методи, математик усуллар, интеграл усул, функционал боғлиқлик, детерминал анализ, стахостик боғлиқлик.

2.6. Назорат саволлари

1. Бошқарув таҳлилининг предмети нима?
2. Бошқарув таҳлилининг турлари қандай?
3. Бошқарув таҳлилининг методи нима?
4. Хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таснифи қандай?
5. Бошқарув таҳлилининг қандай махсус усуллари бор?
6. Занжирли алмаштириш усулининг моҳияти нимада?
7. Фарқлаш усулининг ўзига хос хусусияти нимада?
8. Иқтисодий-математик усулларни қандай тушунасиш?
9. Корреляция боғланиши нима?
10. Интеграл усул қандай афзалликларга эга?

2.7. “Бошқарув таҳлилининг предмети, методи ва махсус усуллари» мавзуси бўйича ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ушбу формуладан ΔA_a -ни топишда қайси усуллардан фойдаланилган?

$$\Delta A_a = (a_1 \cdot b_0 \cdot c_0) - (a_0 \cdot b_0 \cdot c_0)$$

- а) қайта ҳисоблаш
- б) индекс
- в) занжирли алмаштириш
- г) нисбий кўрсаткичли
- д) интеграл

2. Ушбу формуладан қайси усулни қўллаб ΔA_a аниқланган

$$\Delta A_a = \Delta a \cdot v_o + \frac{\Delta a \cdot \Delta v}{2}$$

- а) интеграл
- б) индекс
- в) қайта ҳисоблаш
- г) фарқли
- д) занжирли алмаштириш

3. Товар оборотиға баҳо ўзгаришининг таъсирини индекс усули билан ҳисобланг.

- а) $\Delta T_p = \frac{T_1}{i_p} - T_o$
- б) $\Delta T_p = (P_1 \cdot q_o) \cdot (P_o \cdot q_o)$
- в) $\Delta T_p = (P_1 - q_o) - (P_o - q_o)$
- г) $\Delta T_p = (P_1 \cdot q_o) - (P_o - q_o)$
- д) $\Delta T_p = (T_o \cdot i_p) - T_o$

4. Товар обороти ўзгаришига ходимлар сонининг таъсирини қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланг?

- а) $\Delta T_x = (X_1 \cdot MY_o) - (X_o \cdot MY_o)$
- б) $\Delta T_x = (X_1 - MY_o) - (X_o - MY_o)$
- в) $\Delta T_x = (X \cdot 100) / T$
- г) $\Delta T_x = (X_1 - MY_o) - (X_o - MY_o)$
- д) $\Delta T_x = (X_1 - X_o) - MY_o$

5. Муомала харажатлари даражасининг нисбий фарқи (ΔD_n) қандай топилади?

- а) $\Delta D_n = D_1 - D_o$
- б) $\Delta D_n = D_1 - D_{кх}$
- в) $\Delta D_n = D_{кх} - D_1$
- г) $\Delta D_n = D_{кх} - D_o$
- д) $\Delta D_n = D_o - D_{кх}$

6. Қайта ҳисобланган ўзгарувчан харажатлар суммаси ($MX_{кх \text{ узг}}$) қандай топилади?

- а) $MX_{кх \text{ узг}} = (T_1 \cdot D_o \text{ ўзг}) / 100$
- б) $MX_{кх \text{ узг}} = (T_1 \cdot D_o \text{ ўзгармас}) / 100$
- в) $MX_{кх \text{ узг}} = (T_1 \cdot 100) D_o \text{ ўзг}$
- г) $MX_{кх \text{ узг}} = (MX_o \text{ ўзг} \cdot 100) / T_1$
- д) $MX_{кх \text{ узг}} = (MX_o \text{ ўзг} \cdot D_o \text{ ўзгармас}) T_1$

7. Иш ҳақи суммасига меҳнат унумдорлиги, товар обороти ва ўртача иш ҳақи таъсирини қандай формула билан ҳисоблаб топил мумкин?

- а) $\Phi_3 = T \cdot C_3 \cdot 100 / \Pi$
 - б) $\Phi_3 = T \cdot \Pi / C_3$
 - в) $\Phi_3 = C_3 \cdot \Pi / T$
 - г) $\Phi_3 = T \cdot C_3 / \Pi$
 - д) $\Phi_3 = T \cdot 100 / C_3 \cdot \Pi$
- Бунда: Φ_3 - иш ҳақи фонди
 T - товар обороти
 C_3 - ўртача иш ҳақи
 Π - меҳнат унумдорлиги

8. Ялни даромад суммаси қайси формула ёрдамида аниқланади?

- а) $ДВ_{cy} = \frac{T_o \cdot CY_o}{100}$

$$\text{б) } ДВ_{\text{cy}} = \frac{T_1 \cdot (CY_1 - CY_0)}{100}$$

$$\text{в) } ДВ_{\text{cy}} = \frac{(T_1 - T_0) \cdot CY_1}{100}$$

$$\text{г) } ДВ_{\text{cy}} = \frac{T_0 - CY_1}{100}$$

$$\text{д) } ДВ_{\text{cy}} = \frac{T_1 \cdot CY_0}{100}$$

9. Натижа (фойда) ўзгаришига биринчи омил (товар обороти) таъсири ($\Delta\Phi_T$) қандай аниқланади?

$$\text{а) } \Delta\Phi_T = \frac{(T_1 - T_0) \cdot ЯД_0}{100}$$

$$\text{б) } \Delta\Phi_T = \frac{T \cdot P}{100}$$

$$\text{в) } \Delta\Phi_T = \frac{(T_1 - T_0) \cdot (ЯД_0 - ДМ_{\text{хузо}})}{100}$$

$$\text{г) } \Delta\Phi_T = \frac{(T_1 - T_0) \cdot (ЯД_0 - M_{\text{хо}})}{100}$$

$$\text{д) } \Delta\Phi_T = \frac{(T_1 - T_0) \cdot P_1}{100}$$

10. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар қайси гуруҳларга бўлинади:

- а) аддитив ва мултипликатив
- б) оддий ва мураккаб
- в) ички ва ташқи
- г) анъанавий ва математик
- д) қиёслаш ва ҳисоблаш

11. Таҳлил вужудга келгандан буён қўлланилиб келинаётган усуллар қандай усуллар?

- а) анъанавий б) математик в) доимий
- г) таҳлилий д) солиштириш

12. Мураккаб иқтисодий жараёнларни ўрганиш учун иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар қандай усуллар?

- а) анъанавий б) математик в) доимий
- г) таҳлилий д) солиштириш

13. Натижа билан омилар ўртасидаги боғлиқлик қўшув билан ифодаланса қайси модел қўлланилади?

- а) жамлаш б) касрли в) аддитив
- г) мултипликатив д) фарқлаш

14. Натижа билан омилар ўртасидаги боғлиқлик қўнайтириш билан ифодаланса қайси модел қўлланилади?

- а) жамлаш б) касрли в) аддитив
- г) мултипликатив д) фарқлаш

15. Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлиш билан ифодаланса қайси модел қўлланилади?

- а) жамлаш б) касрли в) аддитив
г) мультипликатив д) фарқлаш

16. Иқтисодий таҳлилда энг кўп учрайдиган усул қайси бири?

- а) жамлаш б) касрли в) аддитив
г) мультипликатив д) фарқлаш

17. Иқтисодий жараёнларни санайдиган ва ўлчайдиган бошланғич рақам нима?

- а) мутлоқ миқдор б) нисбий миқдор в) ўртача миқдор
г) катта миқдор д) кичик миқдор

18. Иқтисодий жараёнлар ҳақида аниқ маълумотлар берадиган ва мутлоқ миқдорларни бир-бири билан бўлиш натижасида ҳосил қилган миқдор нима?

- а) мутлоқ миқдор б) нисбий миқдор в) ўртача миқдор
г) катта миқдор д) кичик миқдор

19. Ўзгариш суръатини ифодаловчи миқдор қандай миқдор?

- а) мутлоқ миқдор б) нисбий миқдор в) ўртача миқдор
г) катта миқдор д) кичик миқдор

20. Меҳнат унумдорлиги қандай миқдор?

- а) мутлоқ миқдор б) нисбий миқдор в) ўртача миқдор
г) катта миқдор д) кичик миқдор

21. Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши нима?

- а) мутлоқ миқдор б) нисбий миқдор в) ўртача миқдор
г) катта миқдор д) кичик миқдор

22. Қўйиш ва айриш ишлатиладиган, товар ва бошқа моддий бойликлар ўзгаришини ҳисоблашда қўлланиладиган усул?

- а) фарқлаш б) қайта ҳисоблаш в) жамлаш
г) таққослаш д) мувозанат

23. Стилган товарга товарларнинг йил бошидаги қолдигининг таъсири қайси усул билан аниқланади?

- а) фарқлаш б) қайта ҳисоблаш в) жамлаш
г) таққослаш д) мувозанат

24. $См = Мйб + Мач - Мтч - Мйо$. Ушбу формула қайси усулга мансуб?

- а) фарқлаш б) қайта ҳисоблаш в) жамлаш
г) таққослаш д) мувозанат

25. Режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисоблаб олиш қайси усул?

- а) фарқлаш б) қайта ҳисоблаш в) жамлаш
г) таққослаш д) мувозанат

26. Натижа ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилса, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлса қайси усулдан фойдаланилади?

- а) индекс б) занжирли алмаштириш
в) қайта ҳисоблаш г) интеграл д) фарқлаш

27. $\Delta Y_{x2} = (X_1^x \cdot X_2^x \cdot X_3^p) - (X_1^x \cdot X_2^p \cdot X_3^p)$. Ушбу формула қайси усулга мансуб?

- а) индекс б) занжирли алмаштириш
в) қайта ҳисоблаш г) интеграл д) фарқлаш

28. $\Delta Y_{x2} = (X_1^x \cdot X_2^x) - (X_1^x \cdot X_2^p)$. Ушбу формула қайси усулга мансуб?

- а) индекс б) занжирли алмаштириш
в) қайта ҳисоблаш г) интеграл д) фарқлаш

29. $\Delta Y_{x3} = Y_1 - [(X_1^x) / (X_2^x + X_3^p)]$. Ушбу формулада ΔY_{x3} қайси усул билан аниқланади?

- а) индекс б) занжирли алмаштириш
в) қайта ҳисоблаш г) интеграл д) фарқлаш

30. $\Delta Y_{x2} = Y_1 - (X^x / X_2^p)$ Ушбу формулада ΔY_{x2} қайси усул билан аниқланган?

- а) индекс б) занжирли алмаштириш
в) қайта ҳисоблаш г) интеграл д) фарқлаш

31. Натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгариши натижанинг нисбий ўзгаришида ифодаланса қандай усулдан фойдаланилади?

- а) нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш
б) нисбий кўрсаткичли
в) нисбий миқдорлардан фойдаланиш
г) нисбийлик усули
д) нисбий кўрсаткичли

32. Натижа ва омилларнинг ўсиш суръатларидан фойдаланиб омилларги таъсирини ҳисоблашда қайси усулдан фойдаланилади?

- а) нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш
б) нисбий кўрсаткичли
в) нисбий миқдон фойдаланиш
г) нисбийлик усули
д) нисбий кўрсаткичли

33. $\Delta A_a = (a_1 \cdot v_o \cdot c_o) : (a_o \cdot v_o \cdot c_o)$ формулада ΔA_a қайси усулни қўллаб аниқланган?

- а) қайта ҳисоблаш б) индекс в) занжирли алмаштириш
г) нисбий кўрсаткичли д) интеграл

34. Натижа ўзгаришига ҳам нисбий, ҳам миқдорий ўзгаришларни аниқлайдиган усул қандай усул?

$$\Delta A_a = (a_1 \cdot v_o \cdot c_o) : (a_o \cdot v_o \cdot c_o)$$

- а) қайта ҳисоблаш б) индекс в) занжирли алмаштириш
г) нисбий кўрсаткичли д) интеграл

35. Натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг фарқи, ҳолган омилларнинг асос ёки ҳисобот даври миқдорлари олиниб ҳисобланса қайси усул?

- а) интеграл б) индекс в) қайта ҳисоблаш
г) фарқли д) занжирли алмаштириш

36. $\Delta T_{m,m} = \text{Ш}_1 \cdot M_1 \cdot (TM_1 - TM_0)$ формулада натижанинг ўзгаришига омил таъсири қайси усул билан аниқланган?

- а) интеграл б) индекс в) қайта ҳисоблаш
г) фарқли д) занжирли алмаштириш

37. $\Delta T_{m,m} = \text{Ш}_1 \cdot M_1 \cdot (TM_1 - TM_0)$ ушбу формулада нечанчи омилнинг таъсири аниқланмоқда?

- а) биринчи
б) тўртинчи
в) учинчи
г) иккинчи
д) тўғриси йўқ

38. Натижага омиллар таъсирини ҳисоблашда омиларнинг кетма-кетлигига риоя қилмасдан ҳисоблаш мумкин бўлган усул қандай усул?

- а) интеграл б) индекс в) қайта ҳисоблаш
г) фарқли д) занжирли алмаштириш

39. $y = \sum_{i=1}^n x_i$. Бу формула қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

40. $y = \prod_{i=1}^n x_i$. Бу формула қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

41. $y = x_1 + x_2 + x_3 + \dots x_n$. Бу формула қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

42. $y = x_1 \cdot x_2 \cdot x_3 \cdot \dots x_n$. Бу қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

43. $y = x_1 : x_2$. Бу қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

44. $y = \sum_{i=1}^n x_i : \prod_{i=1}^n x_i$ Бу қайси модел?

- а) математик б) жамлаш в) касрли
г) аддитив д) мультипликатив

3-Боб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР МАНБАИ

3.1. Бошқарув таҳлилини ташкил этиш.

Таҳлилий жараёни муваффақиятли ўтказишнинг гарови уни ҳар томонлама пухта ташкил қилишдир. Бошқарув таҳлилини ташкил этиш унинг босқичларини аниқлаб олишдан бошланади. Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) Таҳлил дастурини тузиш;
- 2) таҳлил учун маълумотлар танлаш ва уларни текшириш;
- 3) кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш;
- 4) кўрсаткичларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш ва таққослаш;
- 5) таҳлил натижаларини умумлаштириш ва корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятида содир бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда аниқланган ички хўжалик резервларидан фойдаланиш.

Дастурсиз бажариладиган таҳлил, ёхуд ўрганиладиган масалалар қўламини аниқ белгиламаслик ўз навбатида таҳлил натижаларига путур етказди. Шунинг учун таҳлилий ишларни ташкил қилиш борасидаги энг маъсулиятли вазифа - иқтисодий таҳлил дастурини тузиш ҳисобланилади.

Таҳлил дастурни тузиш. Таҳлил дастурининг ҳажми ва мазмуни ундан қўзланган мақсадга боғлиқ. Масалан, таҳлил комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Бунда корхона ва ташкилотлар фаолиятининг ҳамма томонлари чуқур ўрганилади. Ёки ишнинг қандайдир бир томонини ўз ичига олган тематик (танланма) таҳлил бўлади. Комплекс таҳлил ўтказилганда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот материаллари асосида таҳлилий баёнот ёзишда қўлланадиган жадваллар тузилади. Масалан, бутун молия-кредит тизими бўйича таҳлил молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган умумий ва ягона дастур, метод ҳамда умумий аналитик жадваллар макети асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Агар танланма таҳлил ўтказилса, у ҳолда дастурда унинг мавзуси, ҳажми, қандай манбаларга ва маълумотларга асосланиши, таҳлилни бажарувчи шахс, ишнинг бажарилиш муддати каби ташкилий масалалар кўрсатилиши керак.

Таҳлил учун материалларни тайёрлашда жорий ҳисобда берилмайдиган маълумотларни аниқлаш катта аҳамиятга молик. Масалан, ишчиларнинг бекор туриб қолиш сабабларини аниқлаш учун бевосита кузатув олиб бориш керак. Бунда иш кунини «Расмга олиш» орқали ёки ушбу участкада банд бўлган ишчилар ва бошқа ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш орқали юқорида айтилган камчиликларнинг сабаблари аниқланади.

У ёки бу ахборотлар манбасидан фойдаланиш таҳлил дастурини тузишда ҳисобга олиниши керак. Маълумотларнинг тўғрилиги ва аниқлигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг уларни қайта ишлашга ўтилади.

Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилишда қатнашадиган субъектлар. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини таҳлил қилишда авваламбор ушбу корхонанинг ходимлари иштирок этади. Корхоналарнинг хўжалик ва молиявий ҳолати таҳлил қилиш асосан иқтисод, бухгалтерия ва молия бўлимларининг вазифасидир. Ҳозирги вақтда катта ва йирик корхоналарнинг таркибида иқтисодий лабораториялар ҳам иқтисодий таҳлил қилиш билан мукамал тарзда шуғулланадиган бўлинмалар мавжуд.

Корхона ва ташкилотлар давлатга мансуб бўлса уларнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналарнинг ҳисоботини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва

молиявий фаолиятини объектив (холисона) баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар. Иқтисодий таҳлил қилиш билан молия ва солиқ идоралари ва банк ходимлари ҳам шуғулланадилар. Улар авваламбор сўм билан назорат қилиш, корхона ва ташкилотларнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига таалукли масалалар билан кизиқадилар. Статистик идоралари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Улар қабул қилинган ҳисобот ва статистик маълумотларни статистик усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар ва бошқармаларни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайдилар.

3.2. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган маълумотлар манбаи

Бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбаларига қуйидагилар киради:

1. Бизнес-режа маълумотлари.
2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи.
3. Статистик ҳисоби ва ҳисоботи.
4. Бошқарув (тезкор) ҳисоби ва ҳисоботи.
5. Ҳисоб ва ҳисоботдан ташқари маълумотлар.
6. Меъёрлар, тармоқ кўрсаткичлари, қонунлар, Фармонлар, қарорлар, буйруқлар.

Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз маълумотларни иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобидан олади. Бошқарув таҳлилида ҳам шу ҳисоботлар асосий маълумотлар манбаи бўлиб қолади. Таҳлил қилиш жараёнида йиллик ҳисоботга ёзилган изохнома ҳам ҳар томонлама кўриб чиқилади. Таҳлил қилиш жараёнида ҳисобдан ташқари маълумотлардан ҳам фойдаланиш катта самара беради. Буларга текшириш далолатномалари, аудиторлик хулосалари, юқори ташкилотлар, молия ва солиқ идоралари, банкларнинг бажарган таҳлил натижалари, лаборатория ва таъбиқот-назорати материаллари, корхона меҳнат жамоасининг умумий мажлис материаллари, мутбуот материаллари, тушунтириш ва маъруза хатлари, ижро этувчилар билан шахсий суҳбат ўтказиш материаллари ҳам киради.

Таҳлилда қўлланиладиган маълумот манбаларининг тўғрилигини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки нотўғри маълумотлар асосида тўғри хулоса чиқариб бўлмайди.

Таҳлил қилишнинг самараси авваламбор ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳисоб ва ҳисобот материалларини обдон текшириш керак. Амалда маълумотларни текширишнинг бир неча усуллари мавжуд.

1. Ҳисоботларни тузиш қоидаларига амалга қилиш. Ушбу текшириш ўз ичига қуйидагиларни олади: ҳисобот шакллариининг тўғри тўлдирилиши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси молия, иқтисодиёт ва статистика вазирликлари томонидан тасдиқланган шаклларга мос келиши, айрим миқдорий кўрсаткичларни аниқлашда арифметика амалларини тўғри қўлланилганлиги кабилар. Ҳисобот шакллари ва ҳужжатларда ҳеч қандай тузатиш ёки рақамларни ўчириб қайта ёзиш мумкин эмас. Ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган бўлиши керак.

2. Турли ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши. Ушбу текширишнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар турли ҳисобот шаклларида берилади ва бинобарин ҳисобот тузишда ана шу иқтисодий кўрсаткичлар суммаси бир-бирига тўғри келиши шарт. Масалан устав капиталининг миқдори 1-шакл (Баланс) ва 5-шакл (Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот) ёки асосий воситаларининг суммаси 1-шакл (Баланс) ва 3-шакл (Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот)да берилади ва х.к.

Текширишнинг ушбу усулини аниқроқ тушуниш учун қуйидаги жадвални хавола қиламиз (3.1-жадвал).

3.1 - жадвал

Турли ҳисобот шаклларида берилган иқтисодий кўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши

№	Кўрсаткичлар	1-шакл			2-шакл			Мос келиши тўғри- сида белги
		Шакл сони	Қатор ва устун сони	Сумма (минг сўм).	Шакл сони	Қатор ва устун сони	Сумма (минг сўм)	
1	Устав капитали							
	йил бошида	1	320/3	8937	5	010/3	8937	мос
	йил охирида	1	320/4	8937	5	080/3	8937	мос
2	Асосий воситалар							
	йил бошида	1	010/3	13397	3	130/3	13397	мос
	йил охирида	1	010/4	13513	3	130/6	13513	мос
3.	Резерв капитали							
	йил бошида	1	340/3	6763	5	010/5	6763	мос
	йил охирида	1	340/4	7983	5	180/5	7983	мос

Таҳлилий ҳисоблар ва унинг натижаларини расмийлаштириш. Ҳисобот маълумотларини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлашнинг усулларида бири таҳлилий жадвалларни тузиш ҳисобланади. Жадвалга таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг асос ва амалдаги даражаси киритилади, мутлоқ фарқи, кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари аниқланади ҳамда тегишли хулоса ёзилади. Таҳлилий жадвалларнинг устунлиги ва афзаллиги шундан иборатки, у кўрсаткичларнинг ўзаро боғланишини жуда ҳам аниқ кўргазмалар тарзда намоён этади.

Таҳлилнинг сўнгги босқичи унинг натижаларини рамиийлаштириш ҳисобланади. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда маълумотнома ёки изохнома ёзилади. Изохномада корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида қўлга киритилган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари акс эттирилади ҳамда бу камчиликларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу ўринда айниқса аниқланган ички хўжалик резервларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш йўллари кўрсатилади. Изохнома жуда ҳам қисқа ва мазмунли баён этилиши лозим. Қайсику ундан таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин бўлсин.

3.3. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган ахборотларнинг турлари

Ўзбек тилининг изохли луғатида (1981 йил) ахборотга иккита изох берилган:

1) Хабар; хабарлар; маълумот, информация. 2) Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. Буларнинг ичида иқтисодий таҳлилга мосроқ атама - бу маълумотдир.

Ушбу китобда “Маълумот” атамасига ҳам иккита изох берилган:

1) Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим даражаси. 2) Хабар, ахборот. Далил бўладиган ҳужжат, рақам ва шу каби материаллар.

Кўриниб турибдики, бу икки ҳолда ҳам ахборотларнинг мазмуни иқтисодий таҳлил ва бошқарув нуқтаи назаридан етарли даражада очиқ берилмаган.

Бизнинг фикримизча ахборотлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисида доимий равишда олиниши мумкин бўлган маълумотлар мажмуасидан иборатдир. Лекин иқтисодийни бошқариш ва таҳлил қилиш учун бизга барча ахборотлар ичидан ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўз ичига олган иқтисодий ахборотлар зарур.

Иқтисодий ахборотлар иқтисодийда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнлар тўғрисидаги маълум бир ҳукукий кучга эга бўлган маълумотлар мажмуидан иборатдир. Масалан, ўтган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги ахборотни биз ушбу ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўтган даврдаги ҳисоботидан оламиз. Ҳисобот қонуний кучга эга бўлади қачонки, унинг тўғри тузилганлигини кафолатловчи ташкилот раҳбарининг ва бош бухгалтернинг ёки бошқа масъул шахсларнинг имзоси ва шу имзоларни тасдиқловчи юмалоқ муҳири босилган бўлса. Ушбу кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келгуси истиқболдаги ҳажми ҳам тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилиниб масъул шахслар томонидан тасдиқлансагина улардан иқтисодий таҳлилда фойдаланиш мумкин.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида, одатда инсон беҳабар бўлади. У тўлиқ маълумотга эга бўлади, қачонки шу жараёнлар тўғрисидаги тегишли ахборотларга эга бўлса. Ахборотлар қанчалик тўлиқ, қанчалик ҳаққоний бўлса ундан чиқариладиган ҳулосалар ҳам шунчалик тўлиқ ва тўғри бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ахборотлар зарур миқдорда бўлиши лозим. Унинг кам бўлиши тўлиқ ва тўғри ҳулоса чиқариш имконини бермайди, кўпи эса улардан тез ва соз фойдаланишда қийинчиликлар туғдириши, ортиқча вақтни олиши мумкин. Ахборотларнинг кўпи яхши, лекин улар ортиқча бўлмаслиги лозим. Шу туфайли ҳар бир жараённи таҳлил қилганда, айнан шу жараёнга тегишли ахборотларни олишни тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар ва ахборотларни бир-биридан фарқламоқ лозим.

Маълумотлар деганда содир бўлган ходиса ва жараёнларни ўзида ифода этган бирламчи ҳужжатлар ва бошқа воситаларда акс этиладиган рақамлар, белгилар, хабарлар тушинилади. Масалан, 15 киши бир ой ишлади деган маълумот табелда, 2 киши касаллик варақасида, шунча маҳсулот сотилди деган маълумот счет-фактурада, қанча пул ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот тўлов-буюртмасида ифодаланади. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

Ахбараотлар деганда, юқорида таъкидланганидек, шу маълумотларни жамлаш, уларни ишлаш орқали маълум тизимга келтириш натижасида ҳосил бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифода этадиган маълумотлар мажмуи тушунилади. Иқтисодий таҳлилда асосан ахборотлардан кенгроқ фойдаланилади. Баъзан таҳлилни чуқурлаштириш, аниқлик киритиш учун бевосита бирламчи маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборотлар қаерда ифодаланишига қараб учга бўлинади: оғзаки, ҳужжатларда ва машинада.


Оғзаки ахборотлар кўпгина тезкор ҳисобда қўлланилади. У бевосита мулоқат, телефон ва бошқа воситалар орқали берилиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида оғзаки ахборотлар жуда кенг қўланилади. Бунда ахборот берувчи ва унинг истёъмолчиси ўртасида юксак ишонч бўлиши лозим.

Содир бўлган иқтисодий жараёнлар, **ҳужжатларда** ифода этилади. Булар энг аввало, бухгалтерия ҳисобида ўз ифодасини топади. Ҳар бир жараённинг қонунийлиги айнан шу ва шу каби ҳисобларда, ҳужжатларда ўз тасдиғини топади. Шу жиҳатдан жуда кўп ахборотлар иқтисодий таҳлил учун ҳужжатлардан олинади. Ҳар бир ҳужжат қонуний кучга эга бўлиши керак. Бу учун юқорида таъкидланганидек ташкилот раҳбари, бош бухгалтери каби масъул шахсларнинг имзоси ва муҳири қўйилган бўлиши керак.

Машиналарда ифода этилган ахборотлар ҳозирги пайтда жуда кенг қўлланилмоқда. Зеро компьютерлар барча ҳисоб-китоб жараёнига кириб бормоқда.

Ҳозирги пайтда компьютерлардан бевосита ахборотларни узатишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Ўзбекистон “Интернет” га уланиб бутун дунё ахборот тизимига кирди ва улардан бемалол фойдаланилмоқда. Ёки ҳозир банк тизимлари бўйича ягона компьютер тармоғи ташкил қилинди. Бу ҳам банклар ўртасидаги мулоқатни компьютер орқали амалга ошириш имконини туғдиради.

Ахборотларнинг қаерда фойдаланиши бўйича таснифи қуйидаги чизмада кўрсатилган. (1 - чизма)



1-Чизма. Ахборотларнинг қаерда фойдаланиши бўйича таснифи.

Ҳар бир гуруҳ ахборотлар ўз навбатида яна бирқанча турларини ўз ичига олади. Буларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.


Оғзаки ахборотлар бозор муносабатлари шаклланган шароитда кенг қўлланилади. Жаҳон амалиётида иқтисодий жараёнларни тез амалга ошириш, бир-бирининг ишончига сазавор бўлиши учун оғзаки шартномалардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эркин рақобат шароитида ҳар бир фирманинг ўзларига ҳамкорларни топиши ва бир-биридан ишонч қозониши учун қулай воситадир.


Оғзаки ахборотлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади: сўровга жавоб тариқасида берилган ахборот, бевосита мулоқатда бериладиган ахборот, маъруза ва нутуклар орқали бериладиган ахборотлар, телефон орқали бериладиган ахборотлар кабилар. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (2 - чизма).

Бу ахборотлар жуда зарур маълумотлар бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ёки нутукнинг бирон бир соҳада самарадорликни амалга ошириш учун олиб бориладиган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисидаги маърузаси айнан шу соҳага кирувчи битта корхона раҳбари учун ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Жуда кўп ахборотларни радио, телевидения каби оғзаки ахборотлар воситаларидан ҳам олиш мумкин. Телефонограмма ҳам бевосита оғзаки ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, оғзаки ахборотлар, ҳозирги пайтда, таҳлил қилиш учун, маълум ҳулоса чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кенг кўламда қўлланилмоқда. Келажакда эса унинг ривожланиши, қўлланилиш доирасининг кенгайиши, бошқарув учун асос бўлиши шак-шубҳасиздир.







2- Чизма. Оғзаки иқтисодий ахборотлар таснифи.

Хужжатларда ифодаланадиган ахборотлар ҳозирги шароитда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган асосий ахборотлардир. Таъкидланганидек, содир бўлган , бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар, энг аввало, хужжатларда ифодаланади. Бу хужжатлар мулкдор, давлат, иш берувчи ва соҳибкорнинг манфаатини , ҳақ-хукуқини ифода этиш билан бирга, уларни ҳимоялайди ҳам. Масалан, иш берувчи соҳибкорга қанча ишлаганига қараб иш ҳаққи тўлайди. Мулкдор ўз мулкни бир кишига хатлаб ижарага берган бўлса ижарачи шу мулкни сон ва сифат жиҳатидан сақланиши учун жавобгар ва ҳ.к.

Демак, ижтимоий - иқтисодий ҳаётимизда хужжатларнинг, унда ифода этилган ахборотларнинг аҳамияти бекиёс. Хужжатлар ҳам жуда кўп, улар турли-туман . Бу ҳақида бухгалтерия ҳисоби фанида тўлиқ маълумотлар берилади.

Иқтисодий таҳлилда хужжатларнинг жамланган қисмларидан фойдаланилади. Улар кўпинча бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоботларда ифодаланади. Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни ўзида акс этадиган хужжатларда ифодаланадиган бирламчи ахборотлар асосан корхона режасида , бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисоб ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Бу қуйидаги чизмада ифодаланган.(3-Чизма).






3-Чизма. Хужжатларда ифодаланган иқтисодий ахборотларнинг таснифи.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари аксарият ҳолларда бевосита компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш машиналарида бажарилмоқда. Баъзи жойларда эса ушбу ишнинг аксарият қисми ҳамон қўл кучи билан анъанавий тарзда амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан машиналаштириш даражаси бўйича ахборотлар икки гуруҳга бўлинади: машиналаштирилган ва ярим машиналаштирилган.

Машиналаштирилган ахборотлар асосан перфокарталарда, перфотасмаларда, магнит тасмаларида, дискларда, дискетларда, бевосита компьютер файллари кабиларда акс эттирилади.

Ярим машиналаштирилган ахборотларнинг бир қисми ҳисоблаш машиналарида ва бир қисми анъанавий тарзда қўлда бажарилган тегишли ҳисоб ва ҳисоботларда ифодаланади. Ушбу ахборотларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бошқариш ва таҳлил қилиш учун асосий ахборот берувчи маълумот бўлиб ҳисобланади. Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (4-чизма).



4-Чизма. Ахборотларнинг машиналаштириш даражаси бўйича таснифи.

3.4. Бошқарув таҳлилининг турлари ва шакллари.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг турларини таснифлаш ва уларнинг ҳар бири бўйича бошқарув функциясини аниқлаш бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлилнинг турларини таснифлаш – уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтириш, унинг энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фаннинг истиқболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлилнинг барча турлари ўз белгиларига қараб маълум гуруҳларга умумлаштирилади.

Бундай гуруҳлашган белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилинадиган субъект, ўрганиладиган ходисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлашнинг усуллари кабилар.

Барча турдаги таҳлилни бажарган вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлигини баҳолаш, унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш), эришилган натижаларга объектив баҳо бериш, шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асосни (база) аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш.

Хўжалик фаолиятининг жорий (ретроспектив) таҳлили. Корхоналар фаолиятини ўрганишда жорий таҳлилни ўтказиш усуллари иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан тўла ишлаб чиқилган. Аммо бошқарув таҳлилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бу масалани ёритишни талаб қилади.

Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, чораклик, йиллик ва қатор даврлардаги фаолиятини таҳлил қилади. Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган пировард натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига қуйидагилар сабаб бўлди: биринчидан, таҳлилнинг барча вазифалари бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлиги ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдин айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳ.к.лар жорий таҳлил зиммасига тушади; иккинчидан, жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шакллари асосан юқори ташкилот, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги; учинчидан, жорий таҳлилнинг бажариладиган таҳлилий ишларда тутган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва тезкор таҳлилни ўтказиш усули ҳали тўла ишлаб чиқилмаган; туртинчидан, жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ва комплекс равишда ўтказилади, чунки таҳлил қилувчи ходимнинг ихтёрида барча ахборотлар манбаи муҳайё бўлади; бешинчидан, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган; олтинчидан, иқтисодий олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

Жорий таҳлил учун асосий ахборотлар – бу ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар бўлиб ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг субъекти – бу корхонанинг иқтисодий бўлимлари, юқори ташкилот, молия, солиқ ва статистика органлари, банклари ҳисобланади. Жорий

таҳлилнинг объекти – бу корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқармалар ва вазирликлардир.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими тизимли ва комплекс характерга эга бўлиб расмий жихатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади. Жорий таҳлилнинг камчилиги шундан иборатки, таҳлил хўжалик фаолиятида камчилик ва хато рўй бериб бўлгандан сўнг ўтказилади, яъни у пайтда «поезд кетиб бўлган бўлади». Аслида корхона раҳбарини шу кундаги ва истиқболдаги аҳвол ҳам кўпроқ қизиқтиради.

Тезкор таҳлил. Тезкор таҳлил корхонанинг хўжалик фаолиятини, унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни тезкор тарзда бошқарув қарорларини қабул қилишда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкор равишда аниқлаб, уни бартараф қилиш чора ва тадбирларини кўради.

Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини ҳар куни аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади. Тезкор таҳлил бошқарув тизимида бошқарув ходимларининг тахминан 50 фоиз иш вақтини эгаллайди. Амалда эса унинг умумий бажариладиган таҳлилий ишларда тутган салмоғи 10 фоизни ташкил этади. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ у асосан бошланғич маълумотларга асосланади.

Тезкор таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Корхонанинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда унинг бўлинмалари сменада, суткада, беш кунликда ва декада ичида содир бўлган тафовутларни аниқлаш;
2. Меъёрдан нима эвазига фарқ қилаётганлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
3. Камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;
4. Салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;
5. Кўрсатилган вақтда эришилган натижаларни якунлаш ва «Тор жой» ва илғор бўғинларни аниқлаш.

Тезкор таҳлил одатда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича олиб борилади: маҳсулот ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотиш, ишчи кучидан фойдаланиш, асбоб-ускуна ва моддий ресурслардан фойдаланиш, таннарх, иш ҳақи ва рағбатлантириш фондларининг ишлатилиши кабилар. Кўриниб турибдики жорий таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий кўрсаткичлар сони тезкор таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлардан анча кўпдир. Тезкор таҳлилнинг натижаси жорий таҳлилга нисбатан унчалик аниқ бўлмайди. Чунки, ойнинг ҳоҳлаган кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ёки маҳсулот таннархининг пасайиши натижасида олинган фойда миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш қийин. Зеро, олдиндан маҳсулотнинг қанча қисми шу ойда сотилади, қанча қисми эса келгуси ойда сотилиши ҳисобот даврининг ўртасида унча аниқ бўлмайди. Лекин тезкор таҳлилнинг бу камчилиги унинг аҳамиятини камайтирмайди, зеро у орқали олинган натижаларнинг мутлақ аниқлигидан кўра, камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш аҳамиятлироқдир.

Дастлабки таҳлил. Бу тур таҳлил топшириқларнинг яқин истиқболда қандай бажарилишини аниқлаш учун ўтказилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш истиқболи қисқа муддатга мўлжалланган: ой, чорак ва йилнинг охирига. Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхона раҳбарияти ишлаб чиқаришда эришиладиган натижаларни олдин билишлигини, ҳисобот даври тугагунга қадар маълумотга эга бўлишларини тақозо қилади. Бу эҳтиёж дастлабки таҳлилдан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

Молиявий-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Умумлашган қиймат кўрсаткичларига қуйидагилар

киради: реализация бўйича режанинг шартнома мажбуриятини адо қилган ҳолда бажарилиши, товар маҳсулоти, бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми, маҳсулот таннархи, фойда кабилар. Таҳлил қилиш жараёнида ана шу қиймат кўрсаткичлари умумлаштирилади. Масалан, маҳсулот ҳажми таққосланадиган ва таққосланмайдиган уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддатлари бўйича, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича, маҳсулотнинг сифати кабилар. Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ўрганилади. Фойда олиш бўйича белгиланган режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми) бир ишчига тўғри келадиган йиллик, кунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Молиявий-иқтисодий таҳлиliga хос муҳим хусусиятлардан бири – бу асосий ахборот олиш манбалари молия вазирлиги томонидан тасдиқданган ҳисобот шаклларида фойдаланиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, молиявий-иқтисодий таҳлилнинг предмети бўлиб корхоналарнинг хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни, иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан узвий боғланиши ҳисобланади.

Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг субъекти – бу корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодий бўлинмаларида ишлайдиган ходимлар бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга корхона таҳлилнинг объекти ҳисобланиб уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. Масалан, молия органлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эътиборни бизнес-режанинг бажарилиши, айланма маблағларининг ҳолати, фойда бўйича режанинг бажарилиши, давлат бюджетига тушадиган тўлов мажбуриятларининг бажарилишига қаратади. Кредит тизими эса корхоналар ўз айланма ва таққосланган маблағлар ҳолатини, олинган кредитнинг товар-моддий бойликлар билан таъминланганлигини, тўлов интизомини бажарилиши каби масалаларга қаратади.

Ўрганиладиган масалаларга қараб молиявий-иқтисод таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг ўтказиш муддатлари кунлик, ҳафталик, декадалик, ойлик, чораклик, йиллик. Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлиллардир.

Техник-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган.

Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади;

1. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш;
2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш;
3. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Корхонанинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражаси, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини тўла механизациялаш (замонавийлаштириш) каби масалалар киради.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш жараёнида қўлланилаётган бошқарув шакллариининг илғорлиги, бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув аппаратини қисқартириш каби ечимлар ҳал этилади.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари республикада ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши (юқори) намуналари билан таққослаш. Маҳсулотнинг техник даражаси уларни

аттестация қилиш орқали аниқланади. Техника-иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, муҳандис каби мутахассислардан тузилган гуруҳ орқали амалга оширилади.

Қиёсий таҳлил. Қиёслаш – бу иқтисодий таҳлилда энг кўп қўлланиладиган усулдир. Қиёсий таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: ички хўжалик таҳлили, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага таалуқли хўжалик жараёни ўрганилади; хўжаликлараро таҳлилнинг моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг кўрсаткичларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини объектив фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашдан иборатдир.

Қиёсий таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан айтганда, комплекс характерга эга бўлади. Қиёсий таҳлилнинг мазмуни қўйилган мақсад ва текшириладиган объектига қараб қуйидагича туркумланади:

1. Объект бўйича - корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи;
2. Мавзунинг мазмуни бўйича – меҳнат предметларини, меҳнат воситаларини, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо.
3. Таҳлилни ўтказиш доираси – комплекс ва махсус таҳлил.

Қиёсий таҳлилда энг муҳим методологик масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир.

- таққосланадиган кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан бир хиллиги ва уларнинг ҳисоблаш усулининг бирлиги (масалан, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг бир хиллиги);

- маҳсулотни бир хил ўлчамда ифодалаш, ўзгармас баҳо билан ифодалаш, географик шароитларнинг ўхшашлиги;

- таққосланадиган даврда иш кунларининг бир хиллиги ва ҳоказо.

Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ). Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтиришни, маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ФҚТдан кенг фойдаланилади.

ФҚТда объект (маҳсулот, технологик ва меҳнат жараёнлари) тизимли тарзда тадқиқот қилиниб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора ва тадбирларни ишлаб чиқади.

ФҚТнинг асосида функция тушунчаси ётади. Демак, ФҚТ буюмнинг функцияларини системали тадқиқот қилишни тақозо қилиб, у маҳсулотни яратиш гоёсидан то уни фойдаланишгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

ФҚТнинг асосий мақсади – илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари чоғида янги хил маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва уларни ўзлаштиришда ортиқча харажатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик; ишлаб чиқариш босқичида лойиҳа бўйича кўзда тутилган харажатлар даражасидан четга чиқмасликни; буюмни қўллаш босқичида оқланмаган эксплуатацион харажат ва йўқотишларни бартарф қилиш ва ниҳоят, буюмларни утилизация (чиқитга чиқариш) қилиш босқичида чиқитга чиқарилган буюмларни қайта ишлаб, улардан фойдаланишни ўз ичига олади.

ФҚТни қўллаган пайтда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Буюмнинг конструктив тузилишига кетган сарфлар;
2. Технологик жараёнга кетган харажатлар;
3. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун кетган харажатлар;
4. Табиий-геологик омилларни инобатга оладиган харажатлар.

Бинобарин ишлаб чиқариш харажатларини муттасил қисқарттириш тўртала йўналиш бўйича олиб борилиши керак.

Биринчи бор ФҚТ ғояси Ю.М. Соболев (инженер-иқтисодчи) томонидан ишлаб чиқилган эди. Бу Улуғ Ватан Уруши даврига тўғри келади. Лекин бу ғоя ўзининг ниҳоясига етказилмади. Кейинчалик, 60 йилларнинг ўрталарида АҚШда таъминотчи Лоренс Маец Ю.М. Соболевнинг ғоясини давом эттириб ФҚТ услубини ишлаб чиқди ва уни Дженерал электрик корхонасида тадбиқ этиб яхши натижаларга эришди.

ФҚТнинг энг муҳим принциплари қуйидагилардан иборат:

- объектни ўрганишга комплекс тарзда ёндошиш;
- объектнинг ҳолатини ўрганилганда жамоанинг ижодий тафаккурдан ҳар томонлама фойдаланиш (фикрлаш ҳужуми);
- ФҚТ барча босқичларида техникавий ва ташкилий ечимларни баҳолашда функционал керакли ва ортиқча харажатларни аниқлаш.

Маълумки, саноат маҳсулотининг тури (ассортименти) бир миллион дан кўпроқ бўлган ҳолда уларнинг бажарадиган функциялари нисбатан анча кам.

Масалан автомобиль харажатланишида бир қанча функцияларни бажаради. Булар учга бўлинади:

1. Асосий функция;
2. Қўшимча функция;
3. Кераксиз функция.

Масалан, стулнинг асосий функцияси-ўтириш учун, қўшимча функцияси стулнинг суянчиғи, кераксиз функциясини эса аниқлаш керак.

Ҳисоб – китобларга кўра, маҳсулот таннархида қўшимча функциянинг салмоғи анча фоизни ташкил этади. Маълумки, саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш услуби ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилади. Лекин, маҳсулотларнинг бажарадиган функцияларини калькуляция қилиш муаммоси халигача ечилган эмас.

ФҚТни ўтказиш қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Таҳлил қилиш объектини танлаш (маҳсулот конструкцияси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, технологик жараён, бошқарув ва ҳисоб тизими кабилар);
2. Таҳлилнинг мақсади ва вазифаларини асослаш (рентабеллик даражасини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлик қобилиятини ошириш, хом ашё, материаллар ва электр қувватини тежаш, ишлаб чиқаришдаги «тор» жойларни бартараф қилиш, импорт ва тахчил маҳсулотларини ишлатишдан воз кечиш);
3. Таҳлил объекти тўғрисида маълумотларни йиғиш ва асосий, қўшимча ҳамда кераксиз функцияларни аниқлаш;
4. Ижодий ёндошиш ва ноанъанавий тафаккур қилиш;
5. Функционал-қиймат таҳлилининг қўллаш натижасида олинадигна иқтисодий самарани аниқлаш;
6. Қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

ФҚТ жуда катта имкониятларга эга. Бу ҳақда кенгроқ М.Қ.Пардаевнинг «Иқтисодий таҳлил назарияси» (Самарқанд, «Зарафшон» нашриёти, 2001). М.Қ.Пардаев ва И.Р.Пардаевлар томонидан ёзилган «Корхона раҳбари ва унинг бошқариш усуллари» (Самарқанд, СамИСИ, 2004) номли китобларида ўқиш мумкин.

3.5. Таянч иборалар:

Билиш назарияси, объектив дунё, воқеликнинг инъикоси, жонли мушоҳада, абстракт тафаккур; тажриба; иқтисодий жараён ва ҳодисалар; анализ; синтез; дедукция,

индукция; бизнес-режанинг реаллиги; жорий ва истиқбол режалар; объектив баҳо, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар; ички хўжалик резервлари, халқ хўжалиги резерви, тармоқ резерви, худудий резерв, комплекс резерв; хўжалик юритиш жараёни, хўжалик юритувчи субъектлар; моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар; таққослаш; туркумлаш; мутлоқ ва нисбий миқдорлар, занжирли алмаштириш; индекслар; баланс усуллари; корреляцияли ва регрессияли усул; интеграл усул; детерминаллашган моделлар; бошқарув тизими; ахборот манбалари; оралиқ босқич; аналитик босқич; таҳлил натижалари; қарорлар қабул қилиш; бошқарув қарорларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш; таҳлил натижаларини расмийлаштириш; аналитик жадваллар; таҳлил дастури; изоҳнома; комплекс ва тизимли таҳлил; пировард натижа; омиллар; сабаблар; жорий (ретроспектив) ҳисобот; тезкор ҳисобот; иш кунини тасвирга тушириш, ҳисобот материалларини қайта ишлаш; ички – завод таҳлили; заводлараро таҳлил; таққослаш шартлари; иқтисодий модель; бизнес-режа маълумотлари; ҳисоб маълумотлари, ҳисобдан ташқари маълумотлар; расмий ҳисобот; ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботлар; ретроспектив таҳлилни объекти ва субъекти, функционал-қиймат таҳлили.

3.6. Назорат саволлари.

1. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда диалектик билиш назариясидан қандай фойдаланилади.
2. Бошқарув тизимида иқтисодий таҳлил қандай функцияни бажаради.
3. Иқтисодий таҳлилнинг қандай йўналишлари мавжуд.
4. Бошқарув таҳлилининг қандай тамойиллари бор.
5. Бошқарув таҳлилининг резервларни аниқлашдаги аҳамияти нимадан иборат.
6. Бошқарув таҳлилининг предмети.
7. Бошқарув таҳлилининг вазифалари.
8. Бошқарув таҳлилининг мазмуни.
9. Бошқарув таҳлилининг методологияси (услубияти).
10. Бошқарув таҳлилининг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
11. Бошқарув таҳлилда қўлланиладиган махсус усуллар.
12. Бошқарув таҳлилда иқтисодий-математик усулларни қўллаш.
13. Бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари.
14. Таҳлилда қўлланиладиган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш усуллари.
15. Таҳлил натижалари қандай расмийлаштирилади.
16. Таҳлилнинг босқичлари.
17. Таҳлил дастурини тузиш.
18. Таҳлил объекти ва субъектлари.
19. Иқтисодий таҳлилнинг турлари.
20. Жорий таҳлил.
21. Тезкор таҳлил ўз таркибига қандай кўрсаткичларни олади.
22. Дастлабки таҳлилнинг моҳияти нимадан иборат.
23. Молиявий-иқтисодий таҳлил.
24. Техник –иқтисодий таҳлил.
25. Қиёсий таҳлил.
26. Функционал - қиймат таҳлили (ФҚТ)

**3.7. «Бошқарув таҳлилини ташкиллаштириш ва унда қўлланиладиган маълумотлар манбаи» бўйича
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.**

1. Бошқарув таҳлили фани қандай фанлар тўпламига киради?

- А. Ижтимоий
- Б. Иқтисодий
- В. Тармоқ-иқтисодий
- Г. Махсус-иқтисодий
- Д. Умум иқтисодий

2. Бошқарув таҳлили фани объекти бўлиб нима ҳисобланади?

- А. Иқтисодиётнинг соҳалари
- Б. Корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, цехлар, участкалар.
- В. Халқ хўжалиги
- Г. Тармоқлар
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

3. Таҳлилий жараён билиш назарияси бўйича қандай босқичлардан иборат?

- А. Синтез-анализ-синтез
- Б. Индукция-дедукция-умумлаштириш
- В. Материалистик диалектика, илмий абстракция ва тафаккур
- Г. Илмий абстракция ва амалиётга қайтиш
- Д. Жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт

4. Бошқарув таҳлили фанининг пировард мақсади нима?

- А. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш
- Б. Меҳнат унумдорлигини аниқлаш
- В. Хўжалик резервини топиш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш
- Г. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш
- Д. Фойдага эришиш

5. Бошқарув таҳлили фани қайси фанлар билан чамбарчас боғлиқ?

- А. Макро ва микро иқтисод
- Б. Макро ва микро статистика
- В. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
- Г. Иқтисодий назария
- Д. Фалсафа

6. Бошқарув таҳлили фани методларининг асоси нима?

- А. Хужжатлаштириш
- Б. Баланслаштириш
- В. Диалектик метод
- Г. Таққослаш методи
- Д. Кузатиш методи

7. Бошқарув таҳлили фанининг предмети нимага асосланади?

- А. Хўжалик маблағи ва унинг манбаларига
- Б. Корхонанинг хўжалик фаолиятига
- В. Бухгалтерия хужжатларига

- Г. Маълумотлар ва нормативларга
- Д. Тўғри жавоб йўқ

8. Таҳлил қилишда қандай усуллардан фойдаланилади?

- А. Баҳолаш, калькуляция қилиш, икки ёқлама ёзув
- Б. Таққослаш, гуруҳлаш. Ўртача ва нисбий даражадаги кўрсаткичларни аниқлаш, балансли боғлаш, занжирли боғланиш, аналитик жадваллар тузиш
- В. Инвентаризация
- Г. Маълумотларни умумлаштириш
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

9. Таҳлил қилишни ташкил қилишда раҳбарлик ролини ким олиб боради?

- А. Корхона раҳбари
- Б. Бош бухгалтер
- В. Бош иқтисодчи
- Г. Бош муҳандис
- Д. Менежерлар

10. Таҳлилнинг ахборот манбаларига нималар киради?

- А. Ҳисобга олувчи ҳисоблар
- Б. Маҳсулотлар таннари
- В. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тезкор ҳисоб
ва ҳисобот, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари.
- Г. Корхона маблағлари
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

11. Таҳлил учун олинган маълумотлар қандай текширилади?

- А. Кўрсаткичларни танлаб
- Б. Мазмунга кўра, аналитик тўғрилигига қараб
- В. Бир қисми бўйича
- Г. Барча кўрсаткичлар бўйича
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

12. Таҳлил натижаларидан кимлар хабардор бўлиши керак?

- А. Фақат корхона раҳбари
- Б. Фақат корхона мутахассислари
- В. Барча меҳнат жамоаси
- Г. Фақат ҳисобчи ходимлар
- Д. Менежерлар

13. Бошқарув таҳлилнинг асосий мақсади нима?

- А. Корхонани иқтисодий кўрсаткичларига объектив баҳо бериш
- Б. Корхонани ички ҳўжалик резервларини аниқлаш
- В. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
- Г. Маҳсулотлар таннарини арзонлаштириш
- Д. Ҳаммаси тўғри

14. Режа, ҳисоб, ҳисобот ва учётдан ташқари маълумотлардан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиш, уларга таъсир этувчи омилларни, фойдаланилмаётган

ички резервларни аниқлаш, улардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жараёни нима?

- А. Бошқарув таҳлили фанининг предмети.
- Б. Ишлаб чиқариш муносабати
- В. Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш
- Г. Ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш
- Д. Бошқарув таҳлилининг методи.

15. Бошқарув таҳлили фанини методига таъриф беринг.

- А. Хўжалик жараёнларини ўрганиш, корхона фаолиятини натижаларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш
- Б. Хўжалик жараёнларини ўрганишда диалектик ёндошиш, эришилган натижаларга таъсир этувчи омилларни ўлчаш ва умумлаштириш
- В. Хўжалик жараёнларига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганишда илмий ёндошиш
- Г. Корхона фаолияти режаларини ўрганиш, баҳо бериш, хўжалик фаолиятини натижаларига таъсир этувчи омилларни бир-бирига боғлиқ равишда ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

16. Жорий таҳлил деб нимани тушунасиш?

- А. Ой, чорак ва йил якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Б. Кунлик, сменалик ва ўн кунлик бўйича ўтказиладиган таҳлил
- В. Йиғма ҳисоботлар бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Г. Корхоналарaro таққослама таҳлил
- Д. Ҳисобот даври ичида ўтказиладиган таҳлил

17. Тезкор таҳлил деб нимани тушунасиш?

- А. Халқ хўжалиги бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Б. Халқ хўжалигини тармоқлари бўйича ўтказиладиган таҳлил
- В. Кунлик, сменалик ва ўн кунлик иш якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Г. Йиллик иш якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Д. Ҳисобот даври ичида ўтказиладиган таҳлил

18. Истиқболли таҳлил деб нимани тушунасиш?

- А. Йиллик иш якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Б. 3 йиллик, 5 йиллик ва 10 йиллик иш фаолияти бўйича ўтказиладиган таҳлил
- В. Ойлик, чоракик ва йиллик иш якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Г. Йиғма ҳисоботлар бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Д. Келгуси давр учун ўтказиладиган таҳлил

19. Бирлашма ва вазирликлар хўжалик фаолиятининг таҳлили деб нимани тушунасиш?

- А. Корхоналар бўйича йиғма ҳисоботлар асосида ўтказиладиган таҳлил
- Б. Бир корхона билан иккинчи корхона кўрсаткичларини таққослаб ўтказиладиган таҳлил
- В. Корхона йиллик ва якуни бўйича ўтказиладиган таҳлил
- Г. Халқ хўжалигининг тармоқлари бўйича ўтказиладиган таҳлил

Д. Макроиктисодий таҳлилни

20. Ички хўжалик таҳлили деб нимани тушунаси?

- А. Корхонани йиллик иш фаолияти бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- Б. Корхонани ички бўлинмалари яъни бўғин, участка, бригада ва цехларнинг иш фаолияти бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- В. Йиғма ҳисоботлар бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- Г. Тармоқлар ичида ўтказиладиган таҳлилни
- Д. Микроиктисодий таҳлилни

21. Корхоналараро қиёсий таҳлил деб нимани тушунаси?

- А. Халқ хўжалигини тармоқлари бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- Б. Ихтисослашуви бир хилда бўлган иккинчи корхонани хўжалик фаолиятини таққослаб ўтказиладиган таҳлилни
- В. Корхонани йиллик иш якуни бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- Г. Йиғма ҳисоботлар бўйича ўтказиладиган таҳлилни
- Д. Иккита турли корхоналарни қиёслаш таҳлилини

4-Боб. МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ТАҲЛИЛИ

4.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилининг вазифалари.

Жамият эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш, асосан ишлаб чиқариш корхоналарининг зиммасига тушади.

Маҳсулоти ишлаб чиқаришни оғишмай ўстириш натижасида миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини янада оширади. Бозор муносабатлари шароитида энг долзарб масалалардан бири фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришдир. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан замонавий тарзда қайта қуроллантириш ва қайтадан ускуналаш (реконструкциялаш), барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан (имкониятидан) жадал (интенсив) фойдаланиш, бошқарув тизимининг хўжалик механизмини такомиллаштириш бозор муносабатларига ўтиш суръатларини ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлигини юксалтиришни таъминлайди. Бинобарин ишлаб чиқариш корхоналарининг олдидаги бош вазифаси яна ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу дегани, ҳар бир меҳнат, моддий ва молиявий ҳаражат бирлигига ишлаб

чиқариш ҳажми ва миллий даромадни кескин тарзда оширишни тақозо қилади. Ана шундагина меҳнат унумдорлигини жадал оширишга эришиш мумкин.

Бозор муносабатлари корхона фаолиятининг энг замонавий ҳўжалик механизмини вужудга келтириш вазифасини ўртага қўйди. Бундай механизм корхонани ривожлантириш учун таъсирчан ички омилларни таъминаши керак. Истеъмолчи учун ишлашга, ресурсларни бутун чоралар билан тежашга, фан ва техника ютуқларини кенг қўллашга ундаши зарур. Бу механизм корхона манфаатини жамият манфаати билан уйғун ва чамбарчас боғлаб олиб боришни тақозо қилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес-режани асосланганлигини ва тиғизлигини аниқлаш;
- корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати, таркиби, номенклатура, ассортимент, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;
- ўтган йилга нисбатан маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва унинг сабабларини аниқлаш;
- тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни ошириш бўйича резервларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишда бир қанча ахборот манбалари I-II сонли «Корхона (бирлашма)нинг маҳсулот бўйича йиллик ҳисоботи» қўлланилади. Бундан ташқари ойлик, чораклик ҳисоботлари ҳам қўлланилади, 5-сонли «Корхоналар (ташкilotлар) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар харажатлари тўғрисида ҳисобот», янги техникани жорий қилиш бўйича ҳисобот, маҳсулотнинг сифати ва нави бўйича статистик маълумотлар ва ҳоказо.

4.2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари

Ҳажм кўрсаткичлари орасида маҳсулотни реализация қилиш кўрсаткичи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Дарҳақиқат, сотиш жараёни – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши демакдир. Бундай шароитда корхоналар маҳсулот ассортиментини кенгайтиришдан ва унинг сифатини яхшилашдан у ёки бу товарларга бўлган таклиф ва талабларни ўрганишдан манфаатдор эдилар, зеро ишлаб чиқариш сотиш жараёни билан тугалланиши керак эди.

Корхоналарнинг сотиш кўрсаткичилари орқали иш юритиш тажрибасини, жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўриш мумкин. Гап шундаки, корхоналар сотиш режасини орттириб бажарганлари ҳолда, уларнинг айрим истеъмолчилари билан тузилган шартнома мажбуриятига асосан товар етказиб бермаслик ҳоллари кўпайиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланишига жуда катта зарар етказарди. Шу сабабли корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига баҳо беришда муҳим кўрсаткич сифатида сотиш режасининг шартнома мажбуриятларига нисбатан бажарилишини олиш лозим.

Дарвоқе, мазкур кўрсаткич бўйича режа бажарилиш даражасининг энг мақбул миқдори 100 фоиздир. Маҳсулотни реализация қилиш авваламбор, товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга боғлиқ.

Товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтаган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилиб сотишга мўлжалланган маҳсулот тушунилади.

Сотилган маҳсулот деганда, товарлар истеъмолчиларга юборилганда ёки унинг пули товар юбуровчиларининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши тушунилади.

Саноат маҳсулоти ҳар хил баҳоларда, яъни режада қабул қилинган улгуржи баҳода ҳисобланилар эди. Бу эса ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулотни таққослаш учун имконият яратади. Бундан ташқари товар маҳсулоти ҳисоботида амалдаги улгуржи баҳо билан ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини таннарх, фойда каби кўрсаткичлар билан боғлаш учун имконият беради, чунки таннарх ва фойда кўрсаткичларини ўлчаш учун асос қилиниб амалдаги улгуржи баҳо олинарди.

Товар маҳсулоти асосан шартнома баҳода, ўзгармас улгуржи ва амалдаги улгуржи баҳода ҳисобланади

Товар ва реализация кўрсаткичлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Масалан, ҳисобот даврида реализация қилинмаган маҳсулот (тайёр маҳсулот, жўнатилган товарлар)нинг йил бошига бўлган қолдиғига ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қўшилиб реализация қилинмаган маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғи айириб ташланади.

Соф маҳсулот товар маҳсулоти билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар (шу жумладан асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси) суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланилади. Бу кўрсаткичдан фойдаланиш меҳнат жамоаларини буюмлашган меҳнатни кам сарфлаб маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор қилади. Моддий ишлаб чиқаришда барча таромоқларнинг соф маҳсулот суммаси мамлакатда ҳосил қилинган миллий даромадни ташкил этади. Соф маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш чиқимсиз хўжалик механизмини шакллантиришнинг йўналишларидан биридир.

Айрим ҳолларда бошқарув таҳлилида тўғри баҳо беришга эришиш учун норматив соф маҳсулот (НСМ) кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Норматив соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, социал суғурта учун ажратмалар ва норматив фойдани жамлаш орқали аниқланади.

Соф маҳсулотда бўлганидек, НСМнинг иқтисодий мазмунини янгидан ҳосил қилинган қиймат ташкил қилади.

НСМ соф маҳсулот сингари чиқимсиз хўжалик механизмининг муҳим йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Лекин НСМ бир қанча нуқсонлардан ҳоли эмас. Уни қўллаш доираси жуда ҳам чекланган. У асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларини аниқлаш ва иш ҳақи нормативларини белгилашда фойдаланилади. Бундан ташқари, у таннарх, фойда, рентабеллик, корхонанинг даромади сингари молиявий ҳолатга доир кўрсаткичлари билан боғланмаган ва ниҳоят, НСМ кўрсаткичи маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгариш таъсирига берилувчи бўлади: иккинчи даражали, аммо нисбатан кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига НСМни товар маҳсулотига нисбатан жадалроқ ўстиришни таъминлаш мумкин.

Шартли соф маҳсулот (ШСМ) – бу соф маҳсулот қўшув асосий воситаларнинг амортизациясидир. Бу кўрсаткич ҳам айрим корхоналарда қўлланилиши мумкин. Бироқ бозор муносабатлари шароитида асосий кўрсаткич эркин шартномавий нарх бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини мустақил ҳал қилади. Бу эса унинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб қайси кўрсаткични қўллашни ўзлари мустақил танлаш имконини беради.

4.3. Тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.

Маҳсулотни етказиб бериш шартномаси – корхоналар ўртасида тузиладиган битим, бунда маҳсулот етказиб берадиган корхона харидор- корхонага ўзаро келишилган ассортиментдаги, миқдор ва сифатдаги маҳсулотни белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини, харидор эса уни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Шартномани бажаришнинг шароитлари идишга қўйилган талаблар, нархлар, ҳисоб-китоблар тартиби, маҳсулотларни ўраб-жойлаш ва ташиш усуллари кабилардан иборат бўлади.

Шартномадаги мажбуриятларга амал қилинмаса, маҳсулот етказиб берувчи корхона моддий жиҳатдан жавобгар бўлиб, истеъмолчи кўрадиган зарарни қоплайди. Шартнома бандлари бузилгани учун жарималар тўлаш, етказилган зарарни қоплаш корхонани буюртмачига маҳсулот етказиб бериш мажбуриятидан халос этмайди. Маҳсулот етказиб бериш интизомини корхоналарнинг ўзигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки моддий-техника таъминот идорадари, транспорт, бутун бошқариш бўғинлари ишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шартнома интизомига риоя қилиш иқтисодиётнинг баланслашуви, халқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиш, корхоналарнинг бир маромда ишлаши, унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир ва ниҳоят хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг энг муҳим омилидир. Ҳозирги пайтда шартнома харидор билан товар жўнатувчи ўртасида бевосита тузилиши мумкин. Аммо кўп ҳолларда у товар хом ашё биржалари орқали амалга оширилади.

Жами сотиш ҳажмида шартнома мажбуриятларига риоя этмасликдан иборат салбий тенденция, республикаимиз иқтисодиётининг аксарият соҳалари учун характерлидир. Мамлакатимиздаги корхоналарнинг ҳар тўрттасидан бири шартнома мажбуриятларига амал қилмаётганлиги бунга яққол мисолдир. Маҳсулот етказиб берувчилардан баъзиларининг шартнома мажбуриятини бузиши ўз навбатида бошқаларнинг шу мажбуриятларни бажармаслигига олиб келадики, бу оқибатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни пайсалга солади.

Сотиш ҳажмида шартнома мажбуриятларига риоя қилиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-п сонли «Корхонанинг (бирлашманинг) маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик ҳисоботи» шаклидан, шартномалар ва бизнес-режадан олинади. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузиш тавсия қилинади (4.1-жадвал).

4.1 – Жадвал

Тузилган шартнома мажбурияти бўйича истеъмолчиларга товарларни етказиб бериш режасининг бажарилиши

(минг сўм)

Давр	Бизнес режа бўйича сотиш ҳажми	Етказиб берилмаган маҳсулотнинг ўсиб бориши	Сотиш режасини шартнома мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши	
			Суммаси	Фоиз ҳисобида
I чорак	210650	-2400	208250	98,9
II чорак	210700	-2300	208400	98,9
I-ярим йиллик	421350	-4700	416650	98,9
III чорак	210600	-2600	208000	98,8
IV чорак	310650	-3700	306950	98,8
Жами	942600	-11000	931600	98,8

Изоҳ: Ҳақиқатда сотилган маҳсулот ҳажми 982460 минг сўмни таъкид қилган.

Мазкур жадвалдан кўринишича сотиш ҳажми бўйича бизнес-режа 164,2 фоизга (982460 x 100 : 942600) бажарилгани ҳолда, тузилган шартнома мажбурияти бўйича режа эса 98,8 фоизга бажарилди.

Шартнома мажбурияти бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш учун бизнес-режа ҳажмидаги сотиш суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотларнинг суммаси чиқарилиб, сўнг сотиш ҳажмининг бизнес-режа даражасига бўлинади. Таҳлил қилинаётган корхона истеъмолчиларга маҳсулотларнинг айрим тури бўйича 11000 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермаган.

Демак, бу ҳолда шартнома мажбурияти режаси 98,8 фоизга бажарилди, яъни

$$\frac{942600 - 11000}{942600} \cdot 100 = \frac{931600}{942600} \cdot 100 = 98,8\text{фоиз}$$

Бозор муносабатлари шароитида бизнес режанинг бажарилиши билан бирга шартнома мажбуриятининг бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Корхона маъмурияти бу масалани тезкор тарзда таҳлил қилиб бориши лозим.

4.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш

Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган. Бу борада самарали ижод қилган И.Т.Абдукаримов³, М.И.Баканов⁴, М.С.Барнгольц⁵, Л.И.Кравченко⁶, Г.В.Савицкая⁷, В.И.Стражев, Е.Ергешев⁸, Ё.Абдуллаев, А.Иброҳимов, М.Раҳимов⁹, А.Д.Шеремет¹⁰, М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов¹¹, А.Ҳ.Шоалимов¹² каби йирик олимларнинг номларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўпмулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани бевосита оқилона бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Боз устига ҳозирги иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса бевосита омили таҳлил усуллари ҳам кенг миқёсда қўллашни талаб қилмоқда.

³ Абдукаримов И.Т. ва бошлалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўзбекистон, 1989.

⁴ Курс экономического анализа. Под ред. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984.

⁵ Барнгольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975.

⁶ Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Высшая школа, 1995.

⁷ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000.

⁸ Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Т.: Молия, 2000.

⁹ Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. Т.: Мекнат, 2001.

¹⁰ Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). М.: Экономика, 1974.

¹¹ Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил I-II-лўислар. Т.: «Иқтисодиёт ва қўлў дўнўси» нашриёт ўйи, 2002.

¹² Шоалимов А.Ҳ. Саноат корхоналари фаолиятининг таҳлили. Т.: Мекнат, 1992.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ҳам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлил қилиш усулларига ҳам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан, хусусий мулкка асосланган кичик бизнес корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлил етарли даражада ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўлларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Бу жараёнлар ўз-ўзидан ушбу кўрсаткичлар таҳлилига ҳам алоҳида, бугунги замон нуқтаи назари билан ёндошишни талаб қилади. Ушбу талабдан келиб чиқиб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш учун қуйидаги умумлашган жадвални тузишни тавсия қиламиз (4.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот йилида режани 100,9 %, сотиш ҳажми бўйича эса 102,3 % га бажарган. Ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръати ҳам маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича 107,3 % ни ташкил қилган бўлса, сотиш бўйича эса 108,9 % ни ташкил қилган. Сотиш ҳажмининг тез ўсиши сотилмай қолган товарнинг камайишидан, барча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз

4.2 - Жадвал

«Турон» қўптармоқли масъулияти чекланган жамиятда 2003 йилда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилиши ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўт-ган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		режада	ҳақиқатда	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
1. Ишлаб чиқарил-ган маҳсулот ҳаж-ми, шартли банка	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3
2. Сотилган маҳсу-лот ҳажми, шартли банка	40237	42815	43811	+996	+3574	102,3	108,9
3. Сотилган маҳсу-лотнинг улуши, %	98,05	98,11	99,51	+1,40	+1,46	X	X

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

харидорини топаётганидан долалот беради. Ўтган йилда барча ишлаб чиқарилган товарларнинг 98,05 % сотилган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткичнинг миқдори 99,51 %

га етган. Бу ҳам сотилган маҳсулот бўйича ижобий натижага эришилганлигидан далолатдир.

Ушбу жадвал маълумотлари ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар ҳақида умумий хулоса қилишга асос бўлади. Аммо кўпинча шундай ҳолатлар бўладики, бу умумий мувоффақиятларнинг ичида айрим камчиликлар, ҳали ишга солинмаган имкониятлар (резервлар) яшириниб ётган бўлиши мумкин. Буларни аниқлаш учун ушбу умумий ҳажми алоҳида товар гуруҳлари бўйича ҳам ўрганишни тақозо қилади. Бу учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (4.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳисобот йилида умумий ҳажми бўйича 100,9 % бажарилган. Уларни алоҳида товар гуруҳлари бўйича таҳлил қилганда шу аниқ бўлдики, ишлаб чиқариш режаси умуман бажарилганлиги билан айрим маҳсулот турлари бўйича

4.3 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини алоҳида товар гуруҳлари бўйича режа бажарилишининг ҳисоб-китоби

(натурал миқдорда)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		Режа-да	ҳақиқатда	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
1. Олма шарбати	6253	6640	6711	+71	+458	101,1	107,3
2. Ўрик шарбати	7360	7818	5350	-2468	-2010	68,4	72,7
3. Узум шарбати	4130	4400	6205	+1805	+2075	140,7	150,2
4. Памидор шарбати	4815	5119	4912	-207	+97	96,0	102,0
5. Гилос шарбати	6252	6641	7881	+1240	+1629	118,7	126,1
6. Сабзи шарбати	7258	7717	7548	-169	+290	97,8	104,0
7. Беҳи шарбати	4972	5311	5418	+107	+446	102,0	109,0
Жами:	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3

Манба: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлари асосида тузилди.

ҳақиқий миқдор режага нисбатан анча кам бўлган. Хусусан, ўрик шарбати бўйича режа атиги 68,4 % бажарилган, памидор шарбати ишлаб чиқариш бўйича режа бажарилиши 96,0 % ни ташкил қилган бўлса, сабзи шарбати бўйича 97,8 % га тенг бўлган. Кўриниб турибдики, етти хил маҳсулотнинг тўрттаси бўйича режа бажарилган бўлса, учтаси бўйича бажарилмаган. Агар шу маҳсулотлар бўйича режа бажарилганда эди, ҳақиқий натижа яна 2844 шартли банкага (2468+207+169) ошган бўлар эди. У ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳақиқий ҳажми 44025 шартли банка эмас, балки 46869 шартли банкага (44025+2844) тенг бўлар эди. Агар ушбу ички имкониятдан тўлиқ фойдаланилганда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 100,9 % эмас, балки 107,4 % ни (46869:43646 · 100) ташкил қилган бўлар эди.

Худди шундай хулосани ўтган йилги маълумотлар билан солиштириб ҳам чиқариш мумкин. Ўтган йилга нисбатан ҳам ўрик шарбатини ишлаб чиқариш 2010 шартли банкага ёки 27,3 % га (100,0-72,7) кам бажарилган. Бу ҳам корхонанинг ички имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Албатта, шуни инобатга олиш лозимки, шу охириг икки йил мобайнида ўрикзорларнинг ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятида, айниқса, шу кичик корхона жойлашган Оқдарё туманида яхши бўлмади. Аммо бу масаланинг олдини олиш, яъни

ўрикни яқин Навоий ва Жиззах вилояти туманларидан, ҳосилдорлик яхши бўлган жойлардан тайёрлаб олиб келиш мумкин эди. Бундан ташқари мазкур корхона ўрик шарбати етиштириб бериш бўйича охирги икки йилда тузган шартнома шартларини ҳам тўлиқ бажармади. Демак, бундай сусткашлик оқибати нафақат битта корхонага, балки уларнинг ҳамкорлари фаолияти натижаларига ҳам салбий таъсир қилди.

4.5. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот ҳажмининг натурал миқдори бўйича умумий ўзгаришига ҳам бирқанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Биринчиси, маҳсулот умумий натурал миқдорининг бажарилиш коэффиценти ва иккинчиси, маҳсулот ассортиментининг таркибий ўзгариши. Таҳлил жараёнида шу икки омилнинг ҳам таъсирини аниқлаш лозим. Буларни аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг аввало, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича натурал миқдорининг умумий бажарилиш коэффиценти (Кнм) аниқлаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\begin{array}{l} \text{Умумий маҳсулот нату-рал} \\ \text{миқдори режасининг} \\ \text{бажарилиш коэффици-енти} \\ \text{(Кнм)} \end{array} = \frac{\text{Ҳақиқий} \\ \text{бажарилгани} \\ \text{Режада кўзда} \\ \text{тутилгани}}{\text{44025}} = \frac{44025}{43646} = 1,00868$$

Ушбу коэффицент аниқлангач мазкур омилнинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ($\Delta Q_{\text{кнм}}$) ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (Q_{\text{р}} \cdot K_{\text{нм}}) - Q_{\text{р}}$$

Бунда: $Q_{\text{р}}$ – ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳода ифодаланиши;

$K_{\text{нм}}$ - маҳсулот натурал миқдори режасининг умумий бажарилиш коэффиценти;

Агар ушбу формулани кенгайтириб ёзадиган бўлсак қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (q^{\text{р}} \cdot p^{\text{р}}) \cdot K_{\text{нм}} - (q^{\text{р}} \cdot p^{\text{р}});$$

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна бошқача кўринишда ҳам ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{l} \text{Режадаги баҳо ва режадаги} \\ \text{таркибдаги ҳақиқий товар} \\ \text{маҳсулотининг миқдори} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Ҳақиқий товар} \\ \text{маҳсулотининг} \\ \text{режадаги миқдори ва} \\ \text{режадаги баҳодаги} \\ \text{ҳажми} \end{array} \times K_{\text{нм}};$$

Ушбу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун маҳсулот ҳажмининг қиймати аниқланади ва ушбу жадвални тузиш тавсия қилинади (4.3-жадвалга қаралсин).

У ҳолда олма шарбати бўйича режа баҳосидаги товар маҳсулоти ҳақиқатдаги режадаги таркибда $K_{\text{нм}}$ ни қўлаб қуйидагича ҳисобланади:

$$2363,8 \times 1,00868 = 2384,3 \text{ минг сўм}$$

Худди шу тарзда бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин (6-устун).

Товар маҳсулоти ҳажмининг иккинчи омил, яъни товар гуруҳларининг таркибий тузилиши ўзгариши эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{тг}} = (q^x \cdot p^p) - (q^p \cdot p^p) \cdot \text{Кнм};$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{тг}}$ - маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилиши ўзгаришининг таъсири;

q^x - маҳсулотнинг ҳақиқатдаги натурал миқдори;

q^p - маҳсулотнинг режадаги натурал миқдори;

p^p - 1 шартли банка маҳсулотнинг режадаги баҳоси.

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин:

Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган товар	=	Ҳақиқатда иш-лаб чиқарил-ган	х	Маҳсулотнинг режадаги баҳоси	;
маҳсулотининг режадаги баҳоси		маҳсулот ҳажми			

Ушбу кўрсаткични 4.3-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолдаги аниқланганда олма шарбати бўйича ҳақиқатдаги маҳсулот қиймати режадаги баҳода қуйидагича бўлади:

$$6711 \times 356 = 2389,1 \text{ минг сўм}$$

Худди шу кўрсаткич ўрик шарбати бўйича:

$$5350 \times 741 = 3964,4 \text{ минг сўм ва ҳ.к.}$$

Агар ушбу омилларни маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича аниқлаш лозим бўлса, шу товар ассортиментлари бўйича ҳисобланган омилларни жамлаш мумкин. Бу учун қуйидаги иккита формула тавсия қилинади:

$$\text{Биринчи омил учун: } \Delta Q_{\text{кнм}} = \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot \text{Кнм} - \Sigma (q^p \cdot p^p);$$

$$\text{Иккинчи омил учун: } \Delta Q_{\text{тг}} = \Sigma (q^x \cdot p^p) - \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot \text{Кнм};$$

Шу икки омилнинг амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш ушбу назарий тавсияларнинг амалий қимматини оширади. Бу учун яна 4.4-жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳақиқий ҳажми режа баҳосида 365,4 минг сўмга (24855,5-24490,1) кўпайган. Бу ўзгаришга иккита омил таъсир қилганлигини кўрамиз.

Биринчидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига маҳсулот натурал миқдорининг кўпайиши таъсир қилган. Мазкур кўрсаткич режаси бажарилиш коэффициентининг 0,87 фоиз бандга ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 212,7 минг сўмга кўпайтирган:

$$24702,8 - 24490,1 = + 212,7 \text{ минг сўм}$$

Иккичидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгариши таъсир қилган. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳосидаги миқдоридан унинг режадаги таркибдаги миқдори айрилади, у ҳолда натижа қуйидагича бўлади.

$$24855,5 - 24702,8 = - 152,7 \text{ минг сўм.}$$

4.4 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

Маҳсулотларнинг номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, шартли банкада			1 шарт-ли	Режа баҳосидаги товар маҳсулоти			Фарқи		
	Режада	ҳақи-қатда	фарқи (+,-)	банка маҳсуло тнинг режадаг и баҳоси	режада	ҳақи-қатда режа-даги тар-кибда	ҳақи-қатда	Жами	Шу жумладан	
									умумий миқ-дори ўзга-риши эвазига	тар-киби ўзга-риши эвазига
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Олма шарбати	6640	6711	+71	356	2363,8	2384,3	2389,1	+25,3	+20,5	+4,8
2. Ўрик шарбати	7818	5350	-2468	741	5793,1	5843,4	3964,4	-1828,7	+50,3	-1879,0
3. Узум шарбати	4411	6205	+1794	652	2876,1	2901,1	4045,7	+1169,6	+25,0	+1144,6
4. Памидор шарбати	5119	4912	-202	231	1181,3	1191,6	1135,7	-45,6	+10,3	-55,9
5. Гилос шарбати	6641	7881	+1240	852	5658,1	5707,2	6714,6	+1056,5	+49,1	+1007,4
6. Сабзи шарбати	7717	7548	-163	456	3516,2	3546,7	3441,9	-74,3	+30,5	-104,8
7. Беҳи шарбати	5311	5418	+107	584	3101,5	3128,5	3164,1	+62,5	+26,9	+35,6
Жами:	43646	44025	+379	X	24490,1	24702,8	24855,5	+365,4	+212,7	+152,7

Манба: 4.3-жадвал маълумотлари асосида тавсия қилинган усулни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди.

Шу икки омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$212,7 + 152,7 = + 365,4 \text{ минг сўм.}$$

Товар маҳсулоти ўзгаришига ушбу омиллардан ташқари яна бир қанча омиллар ҳам таъсир қилишини инобатга оладиган бўлсак мазкур ҳисоб-китобларни давом эттириш мумкин. Умуман олганда товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига юқорида кўрсатилганлар билан бирга яна бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига:

- * товар маҳсулотининг натурал миқдори;
- * товар маҳсулотининг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар;
- * товар маҳсулотининг таннархи;
- * товар маҳсулотининг баҳоси

каби омиллар киради. Уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун бирқанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

1. Корхонада товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг натурал миқдори ошганлигининг умумий қийматига таъсирини ($\Delta T_{м.нм}$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{м.нм} = \sum_{i=1}^n [T_{ми}^p \cdot (T_{м.нқі}^x / T_{м.нқі}^p)] - \sum_{i=1}^n T_{м.і}^x ;$$

Бунда: $T_{ми}^p$ - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг

режадаги қиймати;

$T_{м.нқі}^x$ - i -товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, ҳақиқатда;

$T_{м.нқі}^p$ - i товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, режада;

i - товар гуруҳларининг тартиб рақами ($i=1, n$)

n - товар гуруҳларининг умумий сони.

2. Товар маҳсулотининг ўзгаришига унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш ($\Delta T_{м.т}$) ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳоси билан ҳисобланган миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} \cdot b_i^x$) ҳақиқатдаги

товар маҳсулотининг режадаги таркибдаги миқдори ($\sum_{i=1}^n T_{м.і}^p \cdot K_{нмі}$) айрилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T_{м.т} = \sum_{i=1}^n T_{м.р} b_i^x - (\sum_{i=1}^n T_{м.і}^p \cdot K_{нмі});$$

3. Товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични ($\Delta T_{м.б}$) аниқлаш учун ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги таннархи билан ҳисобланган ҳажмидан ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} t_n^x$) ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги баҳосида ҳисобланган ҳажмини ($\sum_{i=1}^n T_{м.р} b_i^x$) айириб ташланади.

Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta T_{м.б} = \sum_{i=1}^n T_{м.р} t_n^x - \sum_{i=1}^n T_{м.р} b_i^x;$$

4. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши бевосита унинг таннархидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Агар таннархи қанча паст бўлса бир хил баҳода кўп фойда олиш мумкин ва аксинча. Агар маҳсулотнинг таннархини камайтирсак, тенг ҳолда, унинг нархини пасайтириб ҳам фойда олишга эришишимиз мумкин. Шу туфайли маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таннархнинг таъсири ҳам ҳисобланиши лозим. Ушбу омилнинг

таъсирини ($\Delta T_{м.тн}$) аниқлаш учун товар маҳсулотининг ҳақиқий миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{м.х}$)

унинг режадаги таннарх билан ҳисобланган миқдори айрилади ($\sum_{i=1}^n T_{м.рtn}^x$). Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{м.тн} = \sum_{i=1}^n T_{м.х} - \sum_{i=1}^n T_{м.рtn}^x;$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T_{м.} = \Delta T_{м.нм} \pm \Delta T_{м.тт} \pm \Delta T_{м.б} \pm \Delta T_{м.тн};$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўлаб ечиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (4.5-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳажми ҳисобот даврида 2195,9 минг сўмга ёки 9,0 % га (26686,0 : 24490,1 · 100) кўпайган. Ушбу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Ушбу корхонада товар маълумотининг натурал миқдори 379 шартли банкага кўпайиши унинг қийматини 212,7 минг сўмга оширган.

4.5 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда товар маҳсулоти ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби

Маҳсулотнинг номи	Товар маҳсулоти (минг сўм)				хақи- катдаги таркиб, таннарх баҳода	фарқи (+,-)
	режада	Ҳақиқатда				
		режадаг и таркибд а	режадаг и таннарх да	режадаги баҳода		
А	1	2	3	4	5	6
1. Олма шарбати	2363,8	2384,3	2389,1	2134,1	2496,5	+132,7
2. Ўрик шарбати	5793,1	5843,4	3964,4	3761,1	4215,8	-1577,3
3. Узум шарбати	2876,0	2901,1	4045,7	3859,5	4300,1	+1424,1
4.Памидор шарбати	1181,3	1191,6	1135,7	992,2	1286,9	+105,6
5. Гилос шарбати	5658,1	5707,2	6714,6	6391,5	7132,3	+1474,2
6. Сабзи шарбати	3516,2	3546,7	3441,9	3049,4	3781,5	+265,3
7. Беҳи шарбати	3101,6	3128,5	3164,1	2958,2	3472,9	+371,3
Жами:	24490,1	24702,8	24855,5	23145,7	26686,0	+2195,9

МАНБА: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳамда 4.3. ва 4.4-жадваллар маълумотлари асосида ҳисобланди. Уларнинг тўлиқ ҳисоб-китоби 2-иловада келтирилган.

$$24702,8 - 24490,1 = +212,7 \text{ минг сўм}$$

2. Товар маҳсулоти таркибида нархи қиммат бўлган товарларнинг улуши камайганлиги унинг умумий қийматини анча пасайиб кетишига сабаб бўлган. Бунинг натижаси бизнинг мисолимизда 152,7 минг сўмга тенг:

$$24855,5 - 24702,8 = +152,7 \text{ минг сўм}$$

3. Мазкур корхона ишлаб чиқарган товар маҳсулотини таннархи ҳажмида сотганда эди, унинг умумий ҳажми 1709,8 минг сўмга кам бўлар эди. Кўриниб турибдики, корхона ўз маҳсулотини қимматроқ баҳода сотиб анча фойда олишга эришган. Ушбу ҳисоб-китоб бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланган:

$$23145,7 - 24855,5 = -1709,8 \text{ минг сўм}$$

4. Маҳсулот баҳосининг ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 3540,3 минг сўмга кўпайтирган. Бу бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланади:

$$26686,0 - 23145,7 = +3540,3 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$212,7 - 152,7 - 1709,8 + 3540,3 = +2195,9 \text{ минг сўм}$$

Кўриниб турибдики, товар маҳсулотининг ҳажмининг ўзгаришига тўртта омилдан учтаси ижобий, биттаси эса салбий таъсир қилган. Келгусида салбий таъсир қилган омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

4.6. Маҳсулотни сотиш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари

Юқорида айтилганидек, корхоналарнинг ҳажм кўрсаткичларига сотилган, товар маҳсулоти ва соф маҳсулот киради. Бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик статистик ҳисоботларнинг 1-п: 1-Т сонли шаклларида олинади. Ушбу маълумотлар асосида қуйидаги таҳлилий жадвални тузиш мумкин (4.6-жадвал).

4.6 - Жадвал

Товар ва сотилган маҳсулот бўйича бизнес-режанинг бажарилиши ва ўсиш суръати

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилдаги ҳақиқий сумма-си	Жорий йилдаги бизнес-режа сумма-си	Жорий йилдаги ҳақиқий сумма	Бизнес-режага нисбатан мутлоқ фарқ (+,-)	Бизнес-режанинг бажарилиши % ҳисобида
1.	Сотиш ҳажмининг бизнес-режада берилган амалдаги улгуржи баҳоси.	896550	942600	982460	+39860	104,2
2.	Товар маҳсулотининг бизнес-режада берилган амалдаги улгуржи баҳоси	896550	942600	997970	+55370	105,9
3.	Товар маҳсулотининг ўзгармас (барқарор) корхона улгуржи баҳоси	898370	945000	1000910	+55910	106,0
4.	Соф маҳсулот	216200	238000	240350	+2350	101,0

Жадвалдан кўринишича, корхона жорий йилда ҳажм кўрсаткичлари бўйича бизнес-режани орттириб бажарди. Бунда турли кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши турлича. Агар соф маҳсулот бўйича режа фақат 1 фоизга ортиқ бажарилган бўлса, товар маҳсулоти бўйича 6 фоизга бажарилди. Демак, корхона жорий йилда кўпроқ материал талаб маҳсулот ишлаб чиқарган. Сотиш ҳажми бўйича режа 39860 минг сўмга ёки 4,2 фоизга орттириб бажарилди. Сотиш ҳажмининг мутлақ ўсишига икки омил таъсир кўрсатди:

1. Товар маҳсулотини режага нисбатан + 55370 минг сўмга (997070 – 942600) кўп ишлаб чиқарган.

2. Сотиш ҳажми бўйича ўсиш суръатининг ўзгариши баланс усули билан аниқланади, яъни (39860 – 55370) 15510 минг сўм. Демак, реализация суръати пасайган. Шундай

қилиб, икки омилнинг таъсири $(+55370) - (-15510) = +39860$ минг сўм, яъни бу сўмма сотиш ҳажмида бўлган фарқига (39860 минг сўм) тенг.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгина кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Буларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш ва унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиғи каби омиллар киради. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин:

$$T_1 + M = P + Ч + T_2$$

Бу ерда: T_1 – сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошидаги қолдиғи;

M – жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳажми;

P – жорий йилда сотилган маҳсулотнинг ҳажми;

$Ч$ – товарнинг турли чиқимлари;

T_2 – сотилмаган маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғи.

Товар балансининг элементлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Агар режага нисбатан йил бошига бўлган қолдиқ кўп бўлса, у ҳолда шу фарқга сотиш ҳажми ошади. Аксинча, сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи камайса, у ҳолда сотиш ҳажми ошади.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгариши таъсир қилар эди. Энди юқорида берилган тенгликдан сотиш ҳажмининг миқдорини қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$P = T_1 + M - Ч - T_2$$

Ушбу боғланишни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (4.7-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, товар маҳсулоти ҳақиқий улгуржи нархларини оғиши ҳукуматнинг қарори асосида ёки маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги туфайли содир бўлган нарх ўзгаришининг натижаси бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда товар маҳсулоти ҳажмини кўпайиши нархларнинг кескин тарзда кўтарилиши ҳисобига содир бўлиб, амалда эса ишлаб чиқаришнинг табиий ҳажмини камайиши эҳтимолдан холи эмас. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз (4.8-жадвал).

4.7 – Жадвал

Сотилган маҳсулотга таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Сотиш ҳажмига таъсири (+,-)
1. Сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига бўлган қолдиғи	62470	62520	+50	+50
2. Сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи	62470	78030	+15560	-15560
3. Товар маҳсулоти	942600	997970	+55370	+55370
4. Турли чиқимлар	-	-	-	-
5. Сотилган маҳсулот ҳажми (1 қатор- 2 қатор + 3 қатор)	942600	982460	+39860	+39860

4.8 – Жадвал

Маҳсулотнинг физик ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Мутлақ фарқ (+,-)		
			жами	шу жумладан омиллар ҳисобига	
				нархи	физик ҳажми
1. Товар маҳсулотининг амалдаги улгуржи баҳоси	896550	997970	+101420	+374240	-272820
2. Товар маҳсулотининг солиштира улгуржи баҳоси	896550	623730	-272820		
3. Нархлар индекси	1,0	1,6	+0,6		

Жадвалдан кўринишича товар маҳсулоти ҳажми ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 101420 минг сўмга ошган. Лекин бу кўпайиш нархларнинг 374240 минг сўмга ошиши (997970-623730) туфайли содир бўлди. Ишлаб чиқаришнинг табиий ҳажми, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натурадаги миқдори ҳисобига эса 272820 минг сўмга (623730-896550) камайди. Агар маҳсулот нархи ўзгармай, ўтган йил даражасида қолганда эди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми фақат 623730 минг сўмни ташкил этар эди, яъни ишлаб чиқариш ҳажми 272820 минг сўмга камайган бўлар эди. Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда баҳо таъсирини аниқлаш жуда муҳимдир. Чунки олинган фойда ҳақиқий ишлаб чиқариш натижаси бўлмай, фақат баҳо эвазига амалга ошиб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик чорасини кўриш лозим бўлади.

4.7. Хўжалик шартномалари асосида ишлаб чиқаришни маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режасининг бажарилишини таҳлил қилиш

Товар, реализация ва соф маҳсулот бўйича бизнес-режанинг бажарилиши корхона фаолиятидаги миқдорий кўрсаткичлардир. Сифат кўрсаткичларидан бири тузилган шартнома мажбуриятига асосан истеъмолчиларни товарларнинг зарур ассортименти бўйича таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодиётда юзага келиши мумкин бўлган номуносивбликнинг олдини олиш учун корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини нафақат умумий ҳажми, балки белгиланган ассортимент бўйича ҳам бажариши зарур. Чунки маҳсулотлар турлича истеъмол хусусиятига эгадирлар, шу сабабли айрим маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келган танқисликни бошқа бир маҳсулотларни кўп ишлаб чиқариш билан тўлдириб бўлмайди.

Ассортимент ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади. Тўлиқ ассортимент – деганда барча маҳсулотларнинг тўла рўйхати тушунилади. Туркумлашган ассортимент деганда, маҳсулотларнинг турдош туркумларга бирлашганлиги тушунилади. Туркум таркибига кирган маҳсулотлар эса туркум ичидаги ассортиментни ташкил этади.

Ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилмаслиги истеъмолчиларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади: иш вақти ва дастгоҳлардан тўлиқ фойдаланмасликка, корхоналарни бир маромда ишламасликка, қурилиш объектларини ўз муддатида фойдаланишга топширмасликка, маҳсулот етказиб берувчи корхоналарда ҳам ортиқча харажатларнинг юзага келишига олиб келади. Ортиқча харажатнинг келиб чиқишига шартнома шартига риоя қилмаслик натижасида истеъмолчиларга тўланадиган жарима ва устамалар ҳам сабаб бўлади.

Ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилмаслигига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Одатда, корхоналар зарур ва истеъмолчиларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган кам рентабеллик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни камайтириш ҳисобига кўпроқ «фойда» берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан

моддий жиҳатдан манфаатдорлар. Кўпинча, ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилмаслигига маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хом-ашё, материаллар, қўшимча материаллар ва х.к.ларнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Таҳлил икки йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилиши натура кўрсаткичларига (тонна, метр, дона кабилар) асосан баҳо берилади. Иккинчи йўналиш-ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилиши қиймат (пул) ифодасида олиб борилиб, ассортимент бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилиш фоизи аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг характери ва уларнинг шарт-шароитларига қараб ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилиши қуйидаги усуллар билан амалга оширилади.

1. Маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилиш фоизи режа бўйича ва режадан ошиқча бажарилган маҳсулотларнинг сонини корхонада ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар сонига нисбати аниқланади. Айтайлик, корхона ҳаммаси бўлиб 100 хил маҳсулот ишлаб чиқаради, шундан 89 хил маҳсулот бўйича режа бажарилган. У ҳолда маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилиши 89 фоизга тенг бўлади:

$$\frac{(89 \times 100)}{100}$$

Шуни айтиш керакки, бундай содда усулни ҳар ерда ҳам қўллаш мумкин эмас. Агар ишлаб чиқарилган алоҳида олинган маҳсулот турларининг салмоғи (улуши) умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан бир-биридан кескин тарзда фарқ қилса, у ҳолда ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида нотўғри маълумот олинади ва ноаниқ хулосага келинади.

2. Маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилиш фоизи сифатида маҳсулот турлари ишлаб чиқариш бўйича режанинг энг кам бажарилиши олинади. Айтайлик, А-102 %, Б-93%, В-81% бажарилган. Демак, ассортимент бўйича бизнес-режа 81 фоизга бажарилган. Лекин, бу усул ҳам биринчи усулга хос камчиликлардан ҳоли эмас.

3. Корхона фаолиятига тўғри баҳо беришда маҳсулотнинг ассортименти бўйича бизнес-режанинг бажарилишини аниқлашда энг кам сон миқдорини ҳисобга олиш усули қўлланилади. Ушбу усулнинг мазмуни ва моҳияти қуйидагидан иборат. Ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилиш даражасини аниқлаш учун аввало режа чегараси ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот суммасини аниқлаш керак. Бунинг учун режадан ортиқча ёки бизнес-режада кўрсатилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ассортимент бўйича бизнес режанинг бажарилишини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Шундай қилиб, ассортимент бўйича бизнес-режанинг ўртача бажарилиш фоизини аниқлаш учун режа ассортименти ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот суммасини жамлаб уни 100 га кўпайтириб, сўнгра бизнес-режа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлиш керак.

Ассортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилишида таҳлилнинг вазифаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича режанинг бажармаслик сабабларини аниқлашдан иборат. Ассортимент бўйича бизнес-режанинг энг юқори бажарилиши 100 фоизга тенг бўлади, ундан ортиқ бажарилгани инобатга олинмайди. Шунинг учун таҳлил қилиш жараёнида ҳамма маҳсулот турлари бўйича режанинг бажарилиши аниқланади. Корхонанинг ассортимент бўйича бизнес-режани бажарилиши ҳақидаги маълумотларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (4.9-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, таҳлил қилинаётган корхонада устки трикотаж бўйича товар ассортиментини бизнес-режаси 100 фоизга бажарилган.

$$\frac{(991340 \times 100)}{991340} = 100\%$$

**Маҳсулот асортименти бўйича бизнес-режанинг
бажарилишини ҳисоб-китоб қилиш**

Маҳсулот турлар	Ишлаб чиқариш ҳажмининг натура бўйича ифодаси (минг дона, минг метр)			Товар маҳсулотининг амалдаги улгуржи баҳоси (минг сўм)		
	Режа бўйича	Ҳақи қатда	Режани инг бажари лиши (%)	Бизнес- режа бўйича	Ҳақиқатда	
					жами	бажари лган ассор. ҳисоб.
1. Ички трикотаж маҳсулотлари Жумладан:	17870	17870	100,0	229550	229550	229550
а) Эркаклар трикотажи	513	606	118,13	12880	15220	12880
б) Аёллар трикотажи	4101	5883	143,45	60380	87340	60880
в) Болалар трикотажи	12600	10830	85,95	138070	118670	118670
г) Спорт трикотажи	656	551	84,0	9900	8320	8320
2. Устки трикотаж маҳсулотлари Жумладан:	9304	9333	100,31	745650	747960	745650
а) Эркаклар трикотажи	488	443	90,78	57680	52360	52360
б) Аёллар трикотажи	1871	1367	73,06	210040	153460	15346
в) Болалар трикотажи	5970	6315	105,78	316930	335250	31693
г) Спорт трикотажи	975	1206	123,89	166990	206890	166990
3. Пайпоқ маҳсулоти	40	40	100,0	230	230	230
4. Миёна астар	1085	1167	107,56	10910	11740	10910
5. Бошқа маҳсулотлар	-	-	-	5000	11430	5000
6. Жами	-	-	-	991340	100091	991340

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режа 101 фоизга бажарилган. Лекин, болалар учун ички трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича асортимент режаси фақат 85,3 фоизга бажарилди ёки режага нисбатан 1770 минг дона кам. Спорт трикотажи маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича асортимент режаси 84 фоизга бажарилди. Аёллар учун устки трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича эса асортимент режаси фақат 73,1 фоизга бажарилди.

Асортимент бўйича бизнес-режанинг бажарилмаслигига турли омиллар сабаб бўлади. Буларга юқорида айтилганидек у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, материаллар ва қушимча материалларнинг етишмаслиги. Одатда, корхоналар кам меҳнат талаб қиладиган, лекин кўпроқ «фойда» берадигна рентабеллик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга интиладилар. Бизнинг мисолимизда болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўра катталар учун трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш корхона учун «фойдалироқдир». Аммо ҳозирги пайтда болалар кийимини сотиб олишда имтиёз ёки ижтимоий ҳимоя олиб ташланганлиги, бу борада ҳам бозор механизмнинг жорий қилинганлигидан далолат беради.

**4.8. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини
таҳлил қилиш**

Мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида, илмий-техника тараққиёти шароитида, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва аҳолининг моддий фаровонлигини яна ҳам оширишда маҳсулот сифатини яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Маҳсулотнинг сифати деганда, унинг мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятларининг мажмуаси тушунилади.

Юқори сифатли маҳсулот фақат истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўла-тўқис қондирибгина қолмай, балки бундай маҳсулот кўп хизмат қилади, кам-кўстсиз, нуқсонсиз бўлади, кўриниши чиройли ва кишида эстетик завқ туғдиради. Саноат маҳсулотининг сифати корхона фаолиятига баҳо берувчи энг муҳим сифат кўрсаткичларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва кўрсатмаларида маҳсулот сифатини ошириш, юқори унумли машина ва дастгоҳларни жорий этиш муҳимлиги қайд қилиб ўтилган. Бугунги кунда маҳсулотнинг юксак сифатини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш эвазига амалга ошириш мумкин.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ифодалашда турли кўрсаткичлар қўлланилади. Сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг қандай тури учун мўлжалланганига боғлиқ. Масалан, машинасозлик корхоналарида маҳсулот сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткич – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг давлат стандартлари (ГОСТ) тармоқ стандартлари (ОСТ) ва техникавий шартларга (ТУ) мос келиши ҳисобланади.

Қурилиш материаллари саноатда – оҳак ва ганчнинг сифати уларнинг боғловчилик (ёпишқоқлик) қобилятига, кўмир саноатида ёқилғининг сифати эса уларнинг иссиқлик бериш қобилятига қараб аниқланади. Қора ва рангли металлургия, кимё ва технологик жараёнлар аппаратлар ёрдамида олиб бориладиган корхоналарда маҳсулотнинг сифати асосий технологик жараёнларга риоя қилишга қараб аниқланади. Енгил ва тўқимачилик саноатида маҳсулот сифатини аниқлашда навлар қўлланилади ва х.к.

Маҳсулот сифатини таҳлил қилишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда сифатсиз маҳсулот учун истеъмолчиларга тўланадиган жарималар, маҳсулотни кафолатли таъмир қилувчи устахоналарга сарфланадиган харажатлар каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади.

Шундай қилиб, маҳсулотнинг сифатини таҳлил қилиш усуллари таҳлил қилинаётган корхонанинг қайси тармоқга мансуб эканлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида айтилганидек, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг сифатига навлар орқали (пойабзал, идиш-товоқлар, ун ва х.к.) баҳо берилади. Бинобарин, маҳсулот сифати қанча яхши бўлса унинг нави ва нархи шунча юқори бўлади ва акчинса. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳар йилнинг чорагида 1-п сонли (нав бўйича) «Саноат маҳсулотларининг навлари» бўйича ҳисобот берадилар.

Маҳсулот сифатига навларга қараб баҳо беришда умумлашган тушунча ўртача нав кўрсаткичи қўлланилади. Ушбу кўрсаткич у уч хил усул билан ҳисобланилади.

1. Ўртача тортилган навни аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини айнан шу нав белгисига кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган сумма ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг миқдорига тақсимлаш керак. Бу қуйидагича амалга оширилади (4.10-жадвал).

Жадвалда берилган рақамларга кўра, навлилик коэффициенти

$$a) \text{ режа бўйича } = \frac{(22890 \times 1) + (12210 \times 2) + (5210 \times 3)}{40310} = 1,56$$

$$b) \text{ ҳақиқатда } = \frac{(28620 \times 1) + (9875 \times 2) + (3750 \times 3)}{42245} = 1,41$$

4.10 - Жадвал.

Маҳсулот сифати бўйича навлилик режасининг бажарилиши.

а) Ўртача тортилган нав.

НАВИ	Ўлчов бирлиги	МИҚДОРИ	
		Режа бўйича	Ҳақиқатда
1-нав	минг дона	22890	28620
2-нав	минг дона	12210	9875
3-нав	минг дона	5210	3750
ЖАМИ	минг дона	40310	42245

Ҳисобдан кўринишича, навлилик коэффиценти режа бўйича 1,56, ҳақиқатда эса, 1,41 ни ташкил этди. Демак навлилик коэффиценти 0,15 бандга купайган. Навлилик коэффиценти қанчалик бирга яқинлашса, шунчага нав юқори бўлади. Агар навлилик коэффиценти бирга тенг бўлса, у ҳолда ҳамма маҳсулот биринчи нав билан ишлаб чиқарилганлигини билдиради.

2. Ўртача навлилик коэффиценти. Уни аниқлаш учун аввал ҳар бир навнинг баҳосини биринчи нав баҳосига нисбати орқали шартли равишда биринчи навга ўтказиш коэффиценти аниқланади, сўнгра бу коэффицентларни ҳар бир нав бўйича бўлган маҳсулот миқдорига кўпатирилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлинади. Бу учун қуйидаги жадвал тузилади (4.11-жадвал).

4.11 - Жадвал.

б) Ўртача навлилик коэффиценти

НАВЛАРИ	Бир тон- нанинг улгуржи баҳоси (сўм)	Ўтказиш коэффи- циенти	МИҚДОРИ	
			Режа бўйича	Ҳақиқатда
1-нав	690	1,0	22890	28620
2-нав	675	0,978	12210	9785
3-нав	625	0,906	5210	3750
ЖАМИ	-	-	40310	42245

Жадвалдаги рақамларга кўра, ўртача навлилик коэффиценти

$$\text{а) режа бўйича} = \frac{(1 \times 22890) + (0,978 \times 12210) + (0,906 \times 5210)}{40310} = 0,981$$

$$\text{б) ҳақиқатда} = \frac{(1 \times 28620) + (0,978 \times 9785) + (0,906 \times 3750)}{42245} = 0,987$$

Демак, ўртача навлилик коэффиценти режага нисбатан 0,006 бандга ошган. Бу эса маҳсулот сифатини яхшиланганлигидан далолат беради.

3. Ўртача навни ўртача тортилган баҳога асосан аниқлаш. Бу усулда ҳар бир нав бўйича маҳсулот миқдорини айнан шу навлар баҳосига кўпайтирилиб, сўнгра ҳосил бўлган қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами миқдорига бўлинади (4.12-жадвал).

4.12 - Жадвал.

Маҳсулот сифатида навлиликни аниқлаш ҳисоб-китоби

в) Ўртача навнинг ўртача тортилган баҳоси

НАВ	Маҳсулот бирлигининг	Маҳсулот ҳажми	
		Режа бўйича	Ҳақиқатда

	улгуржи баҳоси (сўм ҳисобида)	минг дона	минг сўм	минг дона	минг сўм
1-нав	17	130	2210	145	2465
2-нав	14	28	392	25	350
3-нав	12	11	132	5	60
ЖАМИ	-	169	2734	175	2875

Жадвалда берилган маълумотларга кўра маҳсулот бирлигининг ўртача тортилган баҳоси.

$$\text{а) режа бўйича} = \frac{2734}{169} = 16 \text{ сўм } 18 \text{ тийин}$$

$$\text{б) ҳақиқатда} = \frac{2875}{175} = 16 \text{ сўм } 43 \text{ тийин}$$

Демак, ҳақиқатда ўртача тортилган баҳо режага нисбатан 25 тийинга ошган ёки навнинг ортиши натижасида ҳар бир маҳсулот ўрта ҳисобда қўшимча 25 тийин берар экан. Энди бу фарқни ҳақиқатда ишлаб чиқарилган жами маҳсулот миқдорига кўпайтирсак, у ҳолда маҳсулотнинг сифати ошиши натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми аниқланади. Бу 43 минг 750 сўмни (25 x 175) ташкил қилади.

Айрим саноат корхоналарида маҳсулотнинг сифати баллар бўйича ҳам баҳоланади. Масалан, олий даражадаги сифатга – 5 балл, биринчисига – 4 балл, иккинчисига – 3 балл. Қўйилган баллар ва маҳсулотнинг миқдорига асосан ўртача тортилган балл аниқланади. Бинобарин, қўйилган балл қанча юқори бўлса, маҳсулот сифати ҳам шунча юқори бўлади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатига яна истеъмолчилар томонидан тушадиган даъволарга қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Уларда қайси хил товарлар қандай нуқсонга эга. Бу келтирилган даъво суммасида ва ўз аксини топади. Агар бу каби даъволар сони ўтган йилларга нисбатан камайса, у ҳолда маҳсулот сифати ҳам ошганлигидан далолат беради.

Техника тараққиёти маҳсулот ассортименти муттасил янгилаб туришини, эскириб қолганларини ишлаб чиқаришдан олинишини ва янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилишни тақазо қилади. Бу каби чора ва тадбирлар маҳсулот сифатини яхшилаш билан узвий равишда боғлиқ бўлиб моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Маҳсулот сифатини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ишлаб чиқаришда йўл қўйилган яроқсиз маҳсулотнинг даражаси ҳисобланиб, у бракка чиқарилган маҳсулот суммасини товар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати орқали аниқланади.

Брак маҳсулот деганда, тасдиқланган андоза ва техник шартларга мос келмайдиган маҳсулот тушунилади. Брак – ишлаб чиқаришдаги офатдир. Брак маҳсулоти ишлаб чиқарилиши корхонада ишлаб чиқариши етарли даражада ташкил қилинмаганлигидан далолат бериб, у ўз навбатида тайёр маҳсулот ҳажмини камайтиради, маҳсулот таннархини оширади ва х.к.

Брак маҳсулотини таҳлил қилиш икки асосий йўналишда олиб борилади, яъни тузатиб бўладиган брак ва тузатиб бўлмайдиган брак. Тузатиб бўладиган брак маҳсулотлари бўйича йўқотишлар уларни тузатишга сарф этилган харажатлар билан белгиланади. Тузатиб бўлмайдиган брак деганда бутунлай ва узил-кесил яроқсиз қилинган маҳсулотнинг қиймати тушунилади.

Одатда, брак режалаштирилмайди, лекин қаерда техникавий воситалар технологик жараёнларни назорат қила олмаса, шу ерда брак режалаштирилади. Масалан, куйма буюмлар ва ойнасозлик саноатида бу кўрсаткич режалаштирилади. Брак маҳсулоти ишлаб чиқаришдан юзага келган йўқотишларни таҳлил қилишда жорий йилдаги маълумотлар ўтган йил маълумотлари билан таққосланади (4.13-жадвал).

Брак маҳсулотини таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Жорий йилда	Фарқи (+,-)
1. Бутунлай брак қилинган маҳсулотларнинг таннархи, минг сўм	400	240	-160
2. Бракни тузатишга сарф этилган ҳаражатлар, минг сўм	200	180	-20
Жами	600	420	-180
3. Товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи	735810	791140	+55330
4. Брак маҳсулотининг даражаси (фоиз ҳисобида)	0,082	0,051	-0,031

Жорий йилда бракка чиқарилган маҳсулотнинг мутлақ суммаси ўтган йилга нисбатан 180 минг сўмга камайди. Бунинг натижасида брак маҳсулотнинг товар маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархидаги салмоғи 0,031 фоизга камайди. Демак, бундан корхона маҳсулот сифатини ошириш борасида маълум чора ва тадбирлар кўряпти, деган хулосага келиш мумкин.

4.9. Маҳсулотни бир маромда (ритмда) ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш

Корхоналарда маҳсулотни бир маромда (меъёрда) ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Зеро маҳсулотни сотиш бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, маҳсулот таннархининг пасайиши ва рентабеллик даражасининг ошиши кўп жиҳатдан маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқаришга боғлиқ. Озгина бўлса ҳам бу шартга риоя қилмаслик ўз навбатида истеъмолчи корхоналарнинг ишига салбий таъсир қилади.

Маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган ассортименти ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминлаши тушунилади.

Корхонанинг бир маромда ишлаши деганда эса иш вақтидан тўла фойдаланиш учун шароит яратиб бериш, ишлаб чиқаришнинг бутун давр давомида асбоб-ускуна ва барча воситалардан бевосита фойдаланиши тушунилади. Ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш кўпгина корхоналарда асосан ойнинг бошида бўладиган бекор туришларни камайтиришга, хайбаракаллачилик вақтида ҳосил бўладиган бракни камайтиришга, иш вақтидан ташқари бўладиган беҳуда тўпламларни йўқотишга ойнинг бошида бўладиган осойишталик ва ойнинг охирида бўладиган ўринсиз шошма-шошарлик натижасида юзага келадиган ҳамда ишлаб чиқаришнинг меъёрдан четга чиқиши натижасида ҳосил бўладиган қушимча ҳаражатларнинг камайишига олиб келди. Бундан ташқари маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун тўланадиган жарима ва ўсимлар камаяди.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни бир маромда олиб бориш шакллари турлича бўлиши мумкин. Масалан, бир хил маҳсулотни оммавий паток усулида ишлаб чиқарадиган корхоналарда бир маромда ишлашни кўрсатадиган кўрсаткич сифатида ҳар ўн кунликда ойлик режага нисбатан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг салмоғи олинади. Агар корхонада ҳар ўн кунда ойлик топшириқнинг учдан бир қисми бажарилса, бундай корхона ойнинг охирида хайбаракаллачиликка йўл қўймайди.

Агар ишлаб чиқариш даври (цикл) узоққа чўзиладиган индивидуал ва майда серияли ёки ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлса, у ҳолда корхонанинг бир маромда ишлашини бир йил давомида узлуксиз баҳолаб бўлмайди.

Бир маромда иш юритишнинг умумлашган кўрсаткичи бўлиб бир меъёрда ишлаш коэффициенти ҳисобланади, у жадвал бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилган кунларни умумий иш кунига бўлиш билан аниқланилади, одатда ой ҳисобида. Масалан, таҳлил қилинаётган ойда 26 иш куни бўлса, ундан 22 кун мобайнида корхона белгиланган жадвал асосида маҳсулот ишлаб чиқарган. Демак. Бир меъёрда ишлаш коэффициенти 0,84 коэффициентни (22/26) ташкил этди. Ушбу рақам корхонанинг бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқармаганлидан далолат беради.

Бир меъёрда иш юритишнинг энг оптимал кўрсаткичи бирга тенг бўлади ундан ортик бўлиши мумкин эмас. Демак, у ёки бу муддат мобайнида бизнес-режанинг орттириб бажарилиши корхонанинг бир меъёрда ишлашини тақозо этмайди. Балки умуман товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бизнес-режасининг бажарилишини кўрсатади. Таҳлил учун керакли маълумотлар режа бўлимидан олинади, зеро маълумотлар йиллик ҳисоботда берилмайди. Таҳлил учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (4.14-жадвал).

4.14 - Жадвал.

Бир маромда маҳсулот ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш

(фоиз ҳисобида)

Ой-лар	Кўрсаткичлар	Ўн кунликлар			Жа-ми
		I	II	III	
Д	1. Бизнес-режа бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот	33	33	34	100
Е	2. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот	22,8	30,1	47,1	100
К	3. Бизнес-режа ҳисобига	22,8	30,1	34,0	86,9
А	4. Бир маромда маҳсулот ишлаб чиқариш коэффициенти	0,891	0,912	1,0	0,869

Жадвалдаги маълумотлардан кўринишича, корхона маҳсулотни бир меъёрда ишлаб чиқармаган. Биринчи ўн кунликда бир маромда ишлаш коэффициенти 0.891 (22,8 : 33), иккинчи ўн кунликда 0,912 (30.1 : 33), фақат учинчи ўн кунликда 1 га тенг бўлди. Маромийликнинг умумий кўрсаткичи 0,869 коэффициентга тенг. Шунинг учун корхонанинг бу борадаги фаолиятини яхши даражада, деб эътироф этиб бўлмайди.

4.10. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни туркумлаш ва уларнинг қисқача таснифи

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилиши кўпгина омилларга боғлиқдир. Кўпинча улар қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилиб маълум миқдор ва сифат ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи амалларни таҳлил қилиш жараёнини осонлаштириш мақсадида улар маълум иқтисодий белгиларига асосан уч гуруҳга умумлаштирилади:

1. Меҳнат билан боғлиқ омиллар. Бу таркибига корхоналарнинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги каби омиллар киради.

2. Меҳнат воситаси билан боғлиқ омиллар. Буларга корхоналарнинг асосий воситалар билан қай даражада таъминланганлиги, асосий воситаларнинг ҳажми, тузилиши, ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги сингари масалалар киради.

3. Меҳнат буюмлари билан боғлиқ омиллар. Буларга корхонанинг хом ашё ва материаллар билан қай даражада таъминланганлиги, яъни моддий-техника таъминотининг

ҳолати ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси (материаллардан олинадиган самара, материаллар сигими) каби масалалар киради.

4. Номоддий активлар билан боғлиқ омиллар. Номоддий активлар ҳам корхонага меҳнат ресурслари, меҳнат предмети ва меҳнат воситаси сингари фойда келтиради. Шу туфайли ушбу омиллар ҳам асосий омиллар туркумига киради.

Юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғланганлар. Бинобарин. Бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига асло қўшиб ҳам бўлмайди. Масалан, меҳнат унумдорлигини ўсиши ходимлар ва иш вақтидан самарали фойдаланишга боғлиқ, (меҳнат омиллари). Сўнгра, меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига (меҳнат воситалари омили), ҳамда моддий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга (меҳнат буюмлари омили) боғлиқ.

Аввал ҳар бир омиллар гуруҳи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гуруҳини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги йиғма резервлар тўғрисида умумий хулоса берилади.

Ҳар бир омиллар гуруҳи ўз навбатида микдор ва сифат кўрсаткичларга бўлинади. Микдор кўрсаткичи – ресурсларнинг мавжудлигини кўрсатса, сифат кўрсаткичи эса – ресурслардан самарали фойдаланишни ва уларни баҳолашни кўрсатади. Аввал микдор, сўнгра сифат кўрсаткичларининг таъсири ўрганилади. У ёки бу иқтисодий кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашда қуйидаги кетма-кетликдан фойдаланилади.

Микдор омилларда бўлган фарқни (ўзгаришни) сифат кўрсаткичини режа(база) даражасига кўпайтирилади, сифат омилларида бўлган фарқни эса микдор кўрсаткичининг ҳақиқий даражасига кўпайтирилади.

Ҳар қандай иқтисодий жараён тўғри ва оқилона бошқарилиши учун уни тўғри таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини оширади. Бу бевосита тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам дахлдордир. Чунки, бозор муносабатлари шароитида товарларни ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бир жиҳати бўлса, уларни сотиш эса унинг муҳим жиҳатидир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий фаолият товарни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, уни сотиш борасида ҳеч ким бош қотирган эмас эди, чунки бизнинг мамлакатимизда, асосан, хом ашё ишлаб чиқарилиб у режа асосида кўзда тутилган собиқ иттифоқнинг белгиланган жойига етказиб берилар эди.

Энди вазият тубдан ўзгарди. Биринчидан, иқтисодиётимизда хом ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устувор соҳага айланмоқда. Экспорт ҳиссасида тайёр маҳсулотнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса хом ашё экспортини йилдан-йилга камайтириш имконини бермоқда. Мустақилликнинг биринчи йилларида пахта толаси умумий экспорт умумий ҳажмининг 50 % дан кўпроғини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 20 % дан ортмайди¹³.

Иккинчидан, давлат мулки барҳам топиб, кўп укладли турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган нодавлат сектори вужудга келди ва у ривож топмоқда. Биргина 2003 йилда давлат мулкни хусусийлаштириш негизида 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди¹⁴.

Учинчидан, маъмурий буйруқбозлик билан қатъий режа асосида эмас, балки бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш тамойилларига, эркин рақобат шароитида ишлаш асосига ўтилди ва ўтилмоқда. Мамлакатимизда маъмурий ислохотлар

¹³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал. /// Халъ сўзи. 2004 йил 8 феврал.

¹⁴ Ўша жойда. /// Халъ сўзи, 2004 йил 8 феврал.

янги босқичга кўтарилди. Бу борада ЎзР Президенти Ислон Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари эълон қилинди ва улар ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилинмоқда.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизда ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби ошиб бормоқда. 1999 йилда бу соҳанинг улуши 47,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 65,9 % га етди¹⁵. Саноатнинг ривожланиши «гигантлар» ҳисобига эмас, балки кичик ва ўрта бизнес корхоналари, қўшма корхоналар эвазига ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳада 5,5 млн. киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 % меҳнат қилмоқда¹⁶.

Бешинчидан, саноатлашув фақат йирик шаҳарлардагина эмас, балки кичик шаҳарчаларда, айниқса, қишлоқ жойларида содир бўлишига катта аҳамият берилмоқда.

Олтинчидан, ўз мулки, ўз иш кучи, ташаббуси ва таваккалига асосланган хусусий сектор, унинг асосида кичик ва ўрта бизнес корхоналари, яъни тадбиркорлик субъектлари фаолияти вужудга келди ва ривожланмоқда. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди¹⁷.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётга, уни бошқариш дастакла-рига янгича қарашни, унинг назарий ва амалий йўл-йўруқларини замон талабига мос ҳолда ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги пайтда тадбиркорликка асосланган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки улар бозор шароитидаги ўзгаришларга, бозор конъюктурасига, талабнинг ўзгаришига тез мослашадиган бўлади. Уларнинг бу жиҳати хўжалик фаолиятини, айниқса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишда ўта зийракликни, аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Эндиги иқтисодиёт, айниқса бозор муносабатлари шароитида ҳукум сураётган эркин рақобат, корхоналарнинг ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратишга эмас, балки олдин нимани ва қанча сотишни аниқлашни талаб қилади. Корхоналар асосан сотиладиган товарларни ишлаб чиқарса ёки ишлаб чиқарган товарлари (иш, хизматлари) ўз вақтида сотилсагина уларнинг молиявий аҳволи яхши бўлади, иқтисодий қудрати юксала боради, шу йўл билан тадбиркорлар ўзларининг яшовчанлигини таъминлайди.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўпдир. Чунки, бозорда турли кутилмаган вазиятлар вужудга келиб қолиши натижасида, тадбиркорнинг тузган режаси, унинг кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ижобий таъсир қилувчи омиллар, салбий таъсир қилувчи омиллар. Ижобий таъсир қилувчи омиллар, албатта жуда муҳим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Аммо тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли бундай омилларга алоҳида эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Салбий омиллар таъсир доираси бўйича икки гуруҳга бўлинади: ички омиллар; ташқи омиллар (4.1-чизма).


¹⁵ 3.1-жадвал маълумотларида келтирилган.

¹⁶ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислоқотлар йнъидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислон Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-ильтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда ильтисодий ислоқотларни чуълурлаштиришнинг асосий йнъналишларига, бағишланган Вазирлар Мақкамаси мажлисидаги маълрузаси. 2004 йил 7 феврал. /// Халъ съзи. 2004 йил 8 феврал.


¹⁷ Ыша жойда. /// Халъ съзи. 2004 йил 8 феврал

Ушбу чизмада барча ички ва ташқи омиллар келтирилган. Ташқи омилларга албатта эътиборни қаратиш лозим. Аммо корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ички омиллардир. Таҳлил жараёнида ушбу омилларни бартараф қилишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Агар тадбиркор товари (иш, хизмати) ўтмай қолса, уни яхшилаш зарар келтирадиган бўлса бундай товарларни ишлаб чиқарш ёки харид қилишни зудлик билан тўхтатиш ва уларнинг ўрнини алмаштириш лозим. Ўтмай, сотилмай қолган товарлар корхона учун тўлиқ зарардир. Бунинг ҳажми ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги учун, унинг бир қисмини шу товарларни арзон нархда сотиб бўлсада қоплаш лозим. Бу ҳолатга тушмаслик учун корхонада, таъкидланганидек, маркетинг хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар томонидан товарларни сотишни ташкил қилишнинг ҳам жуда кўп усуллари мавжуд. Бизнинг таҳлил ва тадқиқотлар кўрсатдики, товарларни сотиш, ҳозирги пайтда, қуйидаги усулларда амалга оширилмоқда: ишлаб чиқарилган жойидаги омбордан сотиш; товар-хом ашё биржалари ва ярмаркалар орқали сотиш; истеъмол бозорига олиб бориб улгуржи сотиш; истеъмол бозорига олиб бориб чакана сотиш; бевосита харидорга (истеъмолчига) етказиб бериш (4.2-чизма).



4.1 - Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи салбий омилларнинг таснифи



4.2-Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарларни сотишни ташкил қилиш усуллари

Булар ҳам яна бир бор хулоса қилишга олиб келадики, тадбиркорлар бозор шароитида бозорни тўғри ва тўлиқ ўрганиши лозим экан.

4.11. Кўрсаткичларни қиёслайдиган (солиштириладиган) ҳолатга келтириш усули

Иқтисодий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Таҳлил қилишда уларни қиёслашга тўғри келади. Бу учун, уларни ўлчами, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан таққосланадиган ҳолатга келтириб олиш лозим. Буларни аниқлашда амалиётда келтириш коэффициентидан кенг фойдаланилади.

Ушбу коэффициентнинг моҳияти шундаки, турли ҳажмдаги, ўлчам ва оғирликдаги турли хил маҳсулотларни қиёслайдиган ҳолатга келтириш имконини беради. Масалан, бирорта маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси бир хил навда белгиланади. Аммо амалиётда айнан шундай бўлиб чиқмаслиги табиий. Бундай ҳолда турли навда ишлаб чиқарилган бир хилдаги маҳсулотни қиёсланадиган ҳолатга келтириб олиш учун уни режада кўрсатилган навда ифодалаб олишни тақозо қилади.

Мазкур усулни амалиётда қўллаш учун амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш йўлини кўриб чиқиш лозим. Бу учун Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш соҳасининг бир тури, яъни совун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасини оламитиз (4.14-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур корхона 2003 йил IV-чорақда 42,0 минг кг. ёғлилик даражаси 40 % бўлган кир совун ишлаб чиқаришни режалаштирган. Аммо натижа бутунлай бошқача бўлиб чиқди, яъни ёғлилик даражаси 40% лик 42,0 минг кг. кир совун ўрнига турли совунлар ва кир ювиш материалларидан 48,7 минг кг. ишлаб чиқди. Агар ушбу ҳолатда хулоса қилинса мазкур корхона совун ишлаб чиқариб сотиш бўйича режани 116,0% бажарган (48,7/42,0x100). Бирок, ёғлилик даражаси 40% лик кир совуни бўйича режа атиги 23,8% га бажарилган холос. Қолган маҳсулотлар режада кўзда тутилмаган. Аммо ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотга тўғри баҳо бериш учун уларни ҳам шу 40% лик ёғлилик даражасига эга бўлган совун ҳажмидаги шартли миқдорини топишимиз лозим. Бу билан ёғлилик даражаси

4.14 – Жадвал

Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида совун ва кир ювиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича 2003 йил IV-чорақ маълумоти

Маҳсулот тури	Ёғлилик даражаси, %	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи	
				Миқдори (+,-)	%
Хўжалик совуни, минг кг.	40	42,0	10,0	-32,0	29,8
Хўжалик совуни, минг кг.	60	X	7,3	+7,3	x
Хўжалк совуни, минг кг.	65	X	7,4	+7,4	x
Хўжалик совуни, минг кг.	72	X	6,5	+6,5	x
Атир совун, минг кг.	80	X	3,2	+3,2	x
Кир ювиш кукуни (по-рошоги), минг кг	10	X	14,3	+14,3	x

Жами:	X	42,0	48,7	+6,7	116,0
-------	---	------	------	------	-------

Манба: Каттақурғон ёғ-мой акциядорлик жамияти бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида.

турли бўлган совун ва бошқа кир ювиш материаллари бир хил ўлчамга, яъни таққосланадиган ҳолатга келтирилиб олинади.

Таққослаш учун келтириш коэффициентидан фойдаланилади. Бу учун одатда ёғлилик даражаси 40% бўлган кир совун бир деб қабул қилинади ва қолганларини шунга мос равишда табақаланиш даражаси ҳисобланади.

Бундай келтириш коэффициенти қўйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширишни тавсия қиламиз:

$$\text{Келтириш коэффициенти} = \frac{\text{Келтириш коэффициенти аниқланадиган кир совуннинг ёғлилик даражаси}}{\text{Меъёрадаги кир совуннинг ёғлилик даражаси}}$$

Мисолимизда келтирилган ёғлилик даражаси 60% бўлган кир совуннинг келтириш коэффициенти 1,5 га тенг бўлади:

$$K_{60\%} = \frac{60}{40} = 1,5$$

65% лик ёғлилик даражасига эга бўлган кир совуннинг келтириш коэффициенти 1,625 га тенг:

$$K_{65\%} = \frac{65}{40} = 1,625 \text{ ва х.к.}$$

Ҳисоб-китоблар натижаси қўйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (2.15-жадвал).

2.15 - Жадвал

Каттақурғон ёғ-мой акциядорлик жамиятида совун ва кир ювиш маҳсулотларининг 2003 йил IV-чорақдаги ҳақиқий миқдорини таққосланадиган ҳолатга келтириш коэффициенти ва миқдори

№	Маҳсулотнинг тури	Маҳсулот-нинг ҳақиқий миқдори, минг кг.	Келтириш коэффициенти	Таққосланадиган миқдори, минг кг.
1	Хўжалик совуни 40% ёғлиликда	10,0	1,0	10,0
2	Хўжалик совуни 60% ёғлиликда	7,3	1,5	13,95
3	Хўжалик совуни 65% ёғлиликда	7,4	1,625	12,025
4	Хўжалик совуни 72% ёғлиликда	6,5	1,8	11,7
5	Атир совун 80% ёғлиликда	3,2	2,0	6,4
6	Кир ювиш кукуни (порошоги) 10 % ёғлиликда	14,3	0,25	3,575
	Жами:	48,7	x	54,65

Манба: 4.14-жадвал асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, келтириш коэффицентини инобатга олиб ишлаб чиқариб сотилган кир ювиш маҳсулотининг миқдори ҳақиқатда 48,7

минг кг. эмас, балки 54,65 минг кг.ни ташкил қилар экан. Режанинг бажарилиши олдингидек 116,0% эмас, балки 130,1 %ни ташкил қилар экан (54,65/42,0x100).

Ушбу кўрсаткични аниқлаш эркин иқтисодиёт шароитида, қайсики режанинг бажарилиши юқори ташкилотлар томонидан текширилмайдиган пайтда кимга ва нимага керак, деган саволнинг ҳам туғулиши мумкин. Бунга жавобан шуни таъкидламоқчимизки, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот навининг ўзгариши корхона фойдасига нечоғлик ижобий ёки салбий таъсир қилганлигини билиш мумкин. Бу бевосита мулкдорга ҳам, меҳнат жамоаси учун ҳам ва уни бошқарувчиларга ҳам керак. Чунки буларнинг ҳаммаси корхонанинг иш натижасидан, хусусан оладиган фойдасидан манфаатдор.

Бунинг нималарда ва қандай намоён бўлишини ушбу мисолда ҳам кўриш мумкин. Фараз қиламиз, мазкур корхона кир совуннинг 40% лик ёғлилик даражаси билан бир кг.ни (бу 4 та совун бўлади) 800 сўмдан сотишга режалаштирилган эди. Ҳақиқатда нарх ўзгармасдан қолди. Аммо турли ёғлилик даражасига эга бўлган совунлар турлича нарх билан сотилиши ҳам табиий. Бу ҳолда натижа қўйидагича бўлиши мумкин.

Режада $42,0 \times 800 = 33,6$ млн сўм.

Ҳақиқатда

(қиёсланмайдиган) $48,7 \times 800 = 39,0$ млн сўм

Қиёсланган ҳолатга

келтирилганда $54,65 \times 800 = 43,7$ млн сўм.

Мазкур ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики Каттақурғон ёғ-мой АЖ режа бўйича 33,6 млн сўм маҳсулот ишлаб чиқиши лозим эди. Ҳақиқатда эса қиёсланадиган ҳажмда 43,7 млн сўм ёки 10,1 млн сўм кўп ишлаб чиқарилиши лозим эди. Аммо мазкур корхона ҳақиқатда 41,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотди.

Кўриниб турибдики, маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати билан бажарилиши лозим бўлган қиймат ўртасида 2,4 млн сўм (43,7-41,3) фарқ бор. Бу фарқ маҳсулот навллигининг ўзгариши эвазига содир бўлган фарқдир. Агар мазкур корхона фақат ёғлилик даражаси 40% бўлган кир совундан 54,65 минг кг. сотганда эди, ундан тушган пул тушуми, нарх ўзгармаган ҳолда, 43,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлар эди. Аммо ушбу корхона турли навда шунча маҳсулот ишлаб чиқди. Оқибатда маҳсулот навининг ўзгарганлиги эвазига корхона 2,4 млн. сўм (43,7-41,3) зарар кўрган. Маҳсулотнинг ёғлилик даражаси ва сифати ошгани билан у шу сифатига нисбатан паст нархда сотилган.

Демак, маҳсулот навининг ўзгариши ҳам корхона маҳсулоти умумий ҳажми ва шу орқали унинг фойдасига бевосита таъсир қилар экан.

Қиёсий таҳлилда шуни ҳам инобатга олиш жоизки, баъзи маҳсулотлар фақат бир ёки бошқа бирорта навда режалаштирилади. Ҳақиқатда эса айнан шу навга тўғри келмаслиги мумкин. У ҳолда қолган навлар шу белгиланган навга қайта ҳисобланиб олинади.

Бундай ҳолатни мол терисини тайёрлашда кўриш мумкин. Ушбу хом ашё 1 нав ҳолатида ҳисоб-китоб қилинади. Қолган навлар эса шу 1 нав ҳолатига келтириб олинади. Бу учун қуйидаги келтириш коэффицентларидан фойдаланилади: 1-нчи нав - 1, 2-нчи нав - 0,87, 3-нчи нав - 0,66, 4-нчи нав - 0,46. Кичик моллар ва чўчка териси учун мос равишда 1 - 1,0; 2 - 0,85; 3 - 0,6; 4 - 0,4 коэффицентлар қўлланилади¹⁸. Бу ҳолатни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (4.16-жадвал).

4.16 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда мол терисини тайёрлашнинг 2003 йилдаги ҳажмини қиёсланадиган ҳолатга келтириш

(дона)

Нави	Режа кўрсат-	Ҳақиқатда тайёрлан-	Қайта ҳисоблаш	1-навга қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)
------	--------------	---------------------	----------------	---------------------------	-------------

¹⁸ Абдукаримов И.Т ва бошбалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. - Т.: Ёлитувчи, 1989. - 156 бет. Кудрявцев А.А. Анализ хозяйственной деятельности кооперативных организаций. - М.: Экономика, 1977, 183-184 бетлар.

	кичи	ди	коэффи- циенти	кўрсаткич	
1	5400	1614	1,0	1614	x
2	-	1202	0,87	1046	x
3	-	1493	0,66	985	x
4	-	1224	0,46	563	x
Жами	5400	5533	X	4208	-1192

Манба: Мазкур корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳақиқатда тайёрланган терининг миқдори режага нисбатан 1533 донага ёки 102,5 % га ($5533:5400 \times 100$) кўп. Аммо уни қиёсланадиган ҳолатда, яъни ҳаммасини 1-нав миқдорида ҳисоблаганда режанинг 1192 донага кам бажарилганлигини ёки унинг режага нисбатан бор-йўғи 77,9 % ни ($4208:5400 \times 100$) ташкил қилганлигини кўрамиз. Бу ерда мол терисининг навлилик коэффицентини 76,1 % га ($4208:5533 \times 100$) тенг бўлганлигини кўрамиз.

Қиёсий таҳлил аҳволнинг аниқ ҳолатидан далолат беради. Агар унинг тайёрланган ҳақиқий миқдори бўйича хулоса қилинганда эди, мазкур корхонада аҳвол яхши деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо у маҳсулотни сотганда харидор албатта унинг навига қараб пул тўлайди. Оқибатда жисмонан кўп тери тайёрладинг-у, нима учун кам пул тушуми тушди, деган жумбоқни ечиш қийин эди. Ушбу ҳолатлар кўрсатиб турибдики, эркин иқтисодиёт шароитида бу каби қиёсий таҳлил усулларида кенг фойдаланиш ҳаётий заруратдир.

Шундай қилиб, товарларнинг сотилишини бошқаришда қўлланиладиган товар гуруҳлари, уларни сотиш усуллари ва товарнинг бозорда сотилиш босқичларини ва қиёслаш усуллари инобатга олмасдан туриб, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида, тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши қийин. Шу туфайли ҳозирги вазият эндиги тадбиркорларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўта саводхон, зийрак ва жасур бўлишларини тақозо қилади.

4.12. Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштириш

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири сотилган товар ҳажмидир. Тадбиркор учун аниқ фойда фақат товарни (иш, хизматни) сотгандан кейингина ҳосил бўлади. Албатта, бир қарашда сотиш иккинчи даражали жараёндек туюлади. Чунки энг аввало, товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш лозим. Лекин бозор муносабатлари барча ишлаб чиқарилган товарларни ўзига «хазм» қила олмайди. Шу туфайли миллионлаб ишлаб чиқарилган товарлар сотилмасдан ишлаб чиқарувчининг омборида қолиб кетаверади. Бу эса тадбиркорни бирор товарни ишлаб чиқаришдан олдин унинг сотилиши ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Маҳсулотни сотишни таҳлил қилишда уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Сотилган маҳсулотни таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар таркибига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларнинг сифати, сотилиш ҳажми, маъромийлиги кабилар киради. Чунки сотилган маҳсулот ҳажми шу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири сотилган товар ҳажми бўлганлиги туфайли, унинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштиришни мазкур кўрсаткич мисолида кўриб чиқишни тавсия қиламиз.

Товарларни сотиш ҳажмига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Уларни бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкинлиги ҳақида юқорида ҳам таъкидланди. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим жиҳати, таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари аниқлаб, таҳлил қилинаётган кўрсаткич тўғрисида аниқ хулосага келиш ва уни яхшилаш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, ушбу омилларни ҳисоблаш учун бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботларида аниқ маълумотлар ҳам келтирилган.


Сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўрт гуруҳга бўлинади:

- * меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- * асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- * айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- * номоддий активлар билан боғлиқ омиллар.

Ушбу омиллар таъсир қилиш даражасига қараб икки гуруҳга бўлинади: интенсив омиллар ва экстенсив омиллар. Уларнинг бир-бирига боғлиқлигини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (4.3-чизма).

Ушбу чизмада келтирилган омиллар ҳақидаги маълумотлар, таъкидланганидек, корхонанинг ҳисоботларида ўз аксини топган. Улардан фойдаланиб ҳар бирининг сотиш ҳажмига таъсирини топиш мумкин. Бу омиллар таъсирини топишнинг бир қанча усуллари олимларимиз томонидан ишлаб чиқарилган ва улар тегишли иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда¹⁹ чоп этилган.

Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи барча омиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада. Уларнинг бирорта кўрсаткич ўзгаришига таъсирини ҳисоблаганда, албатта, ҳаммасини бирданига ҳисоблаб олиш лозим. Чунки, алоҳида-алоҳида ҳисоблаб олганда омилли таҳлил тўлиқ бўлмасдан қолади.



¹⁹ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошбалаб. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Ў. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Варафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-қисм. Тошкент: «Иқтисодиёт ва қўлбўй дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар ва қ.қ.

билан боғлиқ омиллар	=	маблағларнинг ўртача қиймати	X	самарадорлиги
→ Номоддий активлар билан боғлиқ омиллар	=	Номоддий активларнинг ўртача қиймати	X	Номоддий активларнинг самарадорлиги

4.3-Чизма. Сотилиш ҳажмига таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив омиллар

Ушбу омилларнинг ҳаммаси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади²⁰. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини алоҳида-алоҳида қараб бўлмайди. Зеро, натижанинг ўзгаришига ушбу омиллар бирданига таъсир қилади.

Бу ҳолатларни инобатга олиб сотилган маҳсулот ҳажмига корхона иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилларнинг таъсирини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилди. Бу учун, энг аввало, қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (4.17-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2003 йилда 2001 йилга ва 2002 йилларга нисбатан барча кўртсакичлар бўйича ўсишга эришилган. Сотилган маҳсулот ҳажми 2003 йилда

4.17 – Жадвал

«Турон» кўптармоқли масъулияти чекланган жамиятда сотилган маҳсулот ва унга таъсир қилувчи омилларнинг 2001-2003 йиллардаги динамикаси

КЎРСАТКИЧЛАР	Йиллар			2002 йилда ўзгариши	
	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2001 йилга нисбатан	2002 йилга нисбатан
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, млн. сўм	120,4	138,5	157,2	130,6	113,5
2. Ходимлар сони, киши	198	214	241	121,7	112,6
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:2к)	608,1	647,2	652,2	107,3	100,8
4. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	98,6	108,5	116,3	118,0	107,2
5. Асосий воситалар самарадорлиги, сўм (1к:5к)	1,221	1,276	1,352	110,7	106,0
6. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, млн.сўм	52,3	58,3	64,8	123,9	111,1
7. Айланма маблағлар самарадорлиги, сўм (1к:8к)	2,302	2,376	2,426	105,4	102,1
8. Номоддий активлар-нинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	8,2	9,6	10,4	126,8	108,3
9. Номоддий активлар-нинг					

²⁰ Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иқтисодий тақлил Ўлғув лўлланма. Т.: «Иқтисодиёт ва қўлғув дунёси» нашриёт уйи, 2001. - _____бет.

самарадорлиги, сўм (1к:11к)	14,683	14,427	15,115	102,9	104,8
-----------------------------	--------	--------	--------	-------	-------

Манба: Мазкур корхонанинг тегишли йилалрдаги бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланди.

2001 йилга нисбатан 130,6 % ўсган бўлса, 2002 йилга нисбатан 113,5 % ўсган. Ушбу ўсиш, албатта, ўз-ўзидан сдир бўлган эмас. Унга бир қанча омиллар таъсир кўрсатган. Ушбу жадвалда келтирилганича барча омилларда ўсиш рўй берган. Масалан, ходимлар сони 2003 йилда 2001 йилга нисбатан 21,7 % ўсган бўлса, 2002 йилга нисбатан эса 12,6 % ўсган. Аммо меҳнат унумдорлиги мос равишда 7,3 ва 0,8 фоиз ўсишга эришилган. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда экстенсив омилнинг ўсиш суръати интенсив омилга нисбатан юқори. Бу эса ўз навбатида натижа кўрсаткичига ҳам шу тарзда таъсир қилади.

Асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активлар бўйича ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Жумладан, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 2003 йилда 2001 йилга нисбатан 18 % ўсган бўлса, 2002 йилга нисбатан 7,2 % ўсган. Асосий воситаларнинг самарадорлиги эса мос равишда 10,7 ва 6,0 % ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда ҳам экстенсив омилларнинг ўсиш суръати интенсив омиллар ўсиш суръатига нисбатан юқори. Айланма маблағларнинг ўсиш суръати, мос равишда, 23,9 ва 11,1 % ни ташкил қилса, уларнинг самарадорлиги 5,4 ва 2,1 % ни ташкил қилади. Номоддий активларнинг ўсиш суръати 26,8 ва 8,3 % ни ташкил қилган бир пайтда, уларнинг самарадорлиги 2,9 ва 4,8 % ўсган холос.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Сотилган маҳсулот ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларни одатдаги амалиётда қўлланилаётган усулда ҳисобланадиган бўлса, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Q_{\text{со}} = \left[\left(\frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \\ + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) + \left(100 - \frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \right];$$

Агар шу усул билан ҳисоблайдиган бўлсак сотилган маҳсулот ҳажмининг 2003 йилдаги миқдори 2001 йилга нисбатан ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар қуйидагича бўлади:

$$\Delta Q_{\text{со}} = \left[\left(\frac{21,7 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{21,7 \cdot 100}{30,6} \right) \right] + \left[\left(\frac{18,0 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{18,0 \cdot 100}{30,6} \right) \right] + \\ + \left[\left(\frac{23,9 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{23,9 \cdot 100}{30,6} \right) \right] + \left[\left(\frac{26,8 \cdot 100}{30,6} \right) + \left(100 - \frac{26,8 \cdot 100}{30,6} \right) \right] = \\ = (70,9 + 29,1) + (58,8 + 41,2) + (78,1 + 21,9) + (87,6 + 12,4) = 400 \% \\ = 100,0 + 100,0 + 100,0 + 100,0 = 400,0 \%$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2003 йилда 2002 йилга нисбатан қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$\Delta Q_{60} = \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \right] + \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \right] + \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \right] =$$

$$= (93,3+6,7)+(53,3+46,7)+(82,2+17,8)+(61,5+38,5) = 400 \, \%. \\ = 100,0 + 100,0 + 100,0 + 100,0 = 400,0 \, \%$$

Кўриниб турибдики, барча омилларнинг таъсири 400,0 фоизни ташкил қилади. Натижа кўрсаткичи атиги 100,0 фоиз ўсган бир пайтда омиллар таъсири 400,0 фоиз ўсган бўлиши мумкин эмас. Аммо чоп қилинган адабиётларда²¹ ва амалиётда шу усул қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу адабиётларда келтирилган усулларга асосланган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, чоп қилинган адабиётларда ҳар бир гуруҳ омилларни ҳисоблаганда айнан шу омиллар эътиборга олиниб бошқа омилларни эса шу жараёнда таъсир қилмаган деб фараз қилинади. Натижада, ҳар бир гуруҳ омиллар таъсирининг умумий миқдори таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг умумий фарқини 100 фоиз қоплайди. Юқоридаги чизмада омиллар тўрт гуруҳга бўлинади. Амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса натижа кўрсаткичининг ўзгаришига тўрт гуруҳ омилларнинг таъсири 400 фоизни ташкил қилади. Чунки бу ҳолатларда «такрорий ҳисоб»га йўл қўйилади.

Амалдаги усулларнинг бундай камчилигини бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилни алоҳида қарамасдан, уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада деб қараймиз ва ҳар бир гуруҳга, тегишли равишда салмоқчилик коэффицентини жорий қилишни тавсия қиламиз. Тадқиқотлар кўрсатдики, сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг салмоқчилик коэффицентини, тахминан, қуйидагича деб белгилаш мумкин:

- * меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,40;
- * асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,30;
- * айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар - 0,20;
- * номоддий активлар билан боғлиқ омиллар - 0,10.

Ушбу салмоқчилик коэффицентини аниқлашда мантикий-эвристик таҳлил усулларида фойдаланилди. Одатда бундай коэффицентлар эксперт йўли билан аниқланади. Биз методологик асос бўлиш учун ушбу кўрсаткични аниқлашда шу оддий мантикий-эвристик усулни қўллаш билан чекландик.

Агар омилларнинг ушбу салмоқчилик коэффицентини қўллаб ҳисоблайдиган бўлсак барча омиллар таъсири 100 фоизга тенг бўлади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

²¹ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошбалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўлитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Ў. Иљтисодий тақлил назарияси. Самарљанд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иљтисодий тақлил. I-љисм. Тошкент: «Иљтисодиёт ва қуљуљ дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар ва қ.қ.

$$\Delta Q_{\text{бо}} = \left[\left(\frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{смп}} + \left(100 - \frac{\Delta x \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{смп}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сав}} + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{в}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сав}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сайм}} + \left(100 - \frac{\Delta A_{\text{йм}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сайм}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сна}} + \left(100 - \frac{\Delta H_{\text{а}} \cdot 100}{\Delta Q} \right) \cdot K_{\text{сна}} \right];$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{бо}}$ - натижа кўрсаткичининг барча омиллар таъсирида ўзгарганлиги;

Δx - ходимлар сонининг ўзгариш суръати;

ΔQ – сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш суръати;

$\Delta A_{\text{в}}$ - асосий воситалар ўртача қийматининг ўзгариш суръати;

$\Delta A_{\text{йм}}$ - айланма маблағлар ўртача қийматининг ўзгариш суръати;

$\Delta H_{\text{а}}$ - номоддий активлар ўртача қийматининг ўзгариш суръати;

$K_{\text{смп}}$ - меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларнинг солмоқчилиқ коэффиценти;

$K_{\text{сав}}$ - асосий воситалар билан боғлиқ омилларнинг солмоқчилиқ коэффиценти

$K_{\text{сайм}}$ - айланма маблағлар билан боғлиқ омилларнинг солмоқчилиқ;

$K_{\text{сна}}$ - номоддий активлар билан боғлиқ омилларнинг солмоқчилиқ коэффиценти.

Агар ушбу формулага жадвал маълумотларини қўллаб ечадиган бўлсак, у ҳолда 2003 йилнинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши бўйича қуйидаги маълумотларга эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \Delta Q_{\text{бо}} &= \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 \right] + \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 \right] = \\ &= \\ &[(70,9 \cdot 0,4) + (29,1 \cdot 0,4)] + [(58,8 \cdot 0,3) + (41,2 \cdot 0,3)] + [(78,1 \cdot 0,2) + (21,9 \cdot 0,2)] + [(87,6 \cdot 0,1) + (12,4 \cdot 0,1)] = \\ &= (28,4 + 11,6) + (17,6 + 12,4) + (15,6 + 4,4) + (8,8 + 1,2) = 100,0 \% \end{aligned}$$

2003 йилнинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши бўйича ҳам худди шундай ҳолатда ҳисобланиши мумкин:

$$\Delta Q_{\text{до}} = \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 \right] + \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 \right] +$$

$$+ \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 \right] =$$

$$\Delta Q_{\text{до}} = 3,3 \cdot 0,4 + (6,7 \cdot 0,4) + [(53,3 \cdot 0,3) + (46,7 \cdot 0,3)] + [(82,2 \cdot 0,2) + (17,8 \cdot 0,2)] +$$

$$[(61,5 \cdot 0,1) + (38,5 \cdot 0,1)] = (37,3 + 2,7) + (16,0 + 14,0) + (16,4 + 3,6) + (6,2 + 3,8) = 100,0 \%$$

Ушбу маълумотлар асосида қуйидагича таҳлилий жадвал тузишни тавсия қиламиз (4.18-жадвал).

4.18 - Жадвал

«Турон» кўптармоқли масъулияти чекланган жамиятда сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

Омилларнинг номи	2003 йил ўзгариши одатдаги усулда		2003 йил ўзгариши биз тавсия қилган усулда		Омилларнинг салмоқлилик коэффициенти
	2001 йилга нисбатан	2002 йилга нисбатан	2001 йилга нисбатан	2002 йилга нисбатан	
1	2	3	4	5	6
1. Сотилган маҳсулот ўзгариши:			(2 _{ус} х6 _{ус})	(2 _{ус} х6 _{ус})	
2. Ходимлар сони эвазига, %	70,9	93,3	28,4	37,3	0,4
3. Меҳнат унумдорлиги эвазига, %	29,1	6,7	11,6	2,7	
4. Асосий воситалар эвазига, %	58,8	53,3	17,6	16,0	0,3
5. Асосий воситалар самарадорлиги эвазига, %	41,2	46,7	12,4	14,0	
6. Айланма маблағлар эвазига, %	78,1	82,2	15,6	16,4	0,2
7. Айланма маблағлар самарадорлиги эвазига, %	21,9	17,8	4,4	3,6	
8. Номоддий активлар эвазига, %	87,6	61,5	8,8	6,2	0,1
9. Номоддий активлар самарадорлиги эвазига, %	12,4	38,5	1,2	3,8	
Жами омиллар таъсири	400,0	400,0	100,0	100,0	1,0

Манба: 4.17-жадвал асосида қилинган ҳисоб-китоб натижасида олинди.

Ушбу жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкинки, амалдаги усул билан ҳисоблаганда барча омиллар таъсири 400,0 % ни ташкил қилди. Агар омиллар гуруҳи бешта бўлганда эди, уларнинг умумий таъсири 500,0 % бўлган бўлур эди. Агар учта бўлса

300,0 % ва ҳ.к. Биз тавсия қилган усул билан ҳисобланса омиллари гуруҳи ва умумий сонидан қатъий назар бир хил натижага, яъни 100 % лик миқдорга эришиш мумкин.

Кўрииб турибдики, бизнинг тавсиямиз, натижа ўзгаришига бир қанча омиллари таъсири билан вақтининг ўзида бирданига ҳисоблаш мумкин бўлади. Агар ушбу тавсиямиз амалиётга қўлланилса тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўғри баҳо бериш, уни одилона бошқариш имконини беради.

4.13. Таянч иборалар:

Бизнес-режанинг асосланганлиги ва тиғизлигини аниқлаш; бозор; талаб ва таклиф; рақобат; товар маҳсулоти; ялпи маҳсулот; сотилган маҳсулот; соф маҳсулот; норматив соф маҳсулот; шартнома баҳоси; амалдаги улгуржи баҳо; товар етказиб бериш бўйича шартнома мажбурияти; товар баланси; сотилмаган маҳсулотни йил боши ва йил охиридаги қолдиғи; товар маҳсулотини солиштирма улгуржи баҳоси; нархлар индекси; ассортимент; тўлиқ ассортимент; номенклатура; маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режанинг бажарилиши; маҳсулот сифати; давлат стандарти; тармоқ стандарти; техникавий шартлар; маҳсулот нави; ўртача тортилган нав; ўртача навлилиқ коэффициенти; ўртача навнинг ўртача тортилган баҳоси; маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш; бир маромда иш юритиш коэффициенти; меҳнат омиллари; меҳнат воситалари омиллари; номоддий активлар омиллари; интенсив омиллари; экстенсив омиллари;

4.14. Назорат саволлари

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари нимадан иборат?
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.
3. Сотилган маҳсулотнинг корхона фаолиятини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичлар тизимида тутган ўрни.
4. Сотилган маҳсулот бўйича бизнес-режанинг бажарилиши ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллари таҳлили.
5. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш.
6. Мол етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятини бажарилишини таҳлил қилиш.
7. Хўжалик шартномалари асосида маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш.
8. Маҳсулотнинг сифат деганда нима тушунилади?
9. Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатига қандай баҳо берилади?
10. Енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари сифатига қандай баҳо берилади?
11. Ўртача навлилиқ коэффициенти қандай аниқланади?
12. Ўртача навни ўртача тортилган баҳога қандай аниқланади?
13. Маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш коэффициенти қандай аниқланади.
14. Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига қандай омиллари таъсир кўрсатади?
15. Интенсив омиллари нима?
16. Экстенсив омиллари қандай омиллари?

4.15. «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тест саволлари

1. Корхона фаолиятини баҳоловчи ҳажм кўрсаткичларини аниқланг.

- А. Ишловчилар сони, меҳнат унумдорлиги. Восита самараси, восита сиғими, материал самараси, материл сиғими, воситалар билан куролланиш даражаси;
- Б. Асосий воситаларнинг миқдори, таркиби, асосий воситаларнинг эскириши, янгиланиш ва яроқлилиқ суммалари;
- В. Ялпи фойда, соф фойда, маҳсулот сотишдан тушган фойда, тақсимланмаган фойда, рентабеллик кўрсаткичлари;
- Г. Товар маҳсулоти, сотилган маҳсулот, соф маҳсулот;
- Д. Ишлаб чиқарш заҳиралари, маҳсулот таннари, меҳнат унумдорлиги, айланма капиталнинг айланиши.

2. Товар маҳсулоти деганда қандай маҳсулот тушунилади?

- А. Янгидан ҳосил қилинган қиймат;
- Б. Асосий ва қўшимча иш ҳақини, ижтимоий суғурта учун ажратмалар ва фойдани жамлаш;
- В. Маҳсулотга кетган ишлаб чиқариш харажатлари билан моддий харажатлар ва асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси ўртасидаги фарқ;
- Г. Жами ишлаб чиқариш харажатлари минус меҳнат харажатлари;
- Д. Барча ишлаб чиқариш босқичларидан ўтган ва омборга топширилган маҳсулот.

3. Сотилган маҳсулот деганда қандай маҳсулот тушунилади?

- А. Товарларни корхона омборларидан истеъмолчиларга юборилиши;
- Б. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини банкга тақдим қилиши;
- В. Товарларни истеъмолчиларга юборилиб, унинг пули мол юборувчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши;
- Г. Пулнинг кассага тушиши (накд ҳисоб-китобда)
- Д. Барча ишлаб чиқариш босқичларидан ўтган ва омборга топширилган маҳсулот.

4. Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни қайси формула орқали аниқлаш мумкин?

- А. $\Delta P = T_1 - M + T_2$
- Б. $\Delta P = T_1 - T_2 + M$
- В. $\Delta P = T_1 + M - T_2$
- Г. $\Delta P = M + T_2 + T_1$
- Д. $\Delta P = T_1 + T_2 + M$

5. Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум қандай аниқланади?

- А. Маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумдан қўшилган қийматдан олинадиган солиқ чегирилади;
- Б. Маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумдан қўшилган қийматдан олинадиган акциз солиғи, мол олувчиларга бериладиган баҳодаги чегириш (скидка) ва қайтарилган товарлар;
- В. Маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумдан давр харажатлари чегирилади;
- Г. Маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумдан акциз солиғи ва давр харажатлари чегирилади;
- Д. Маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушумдан давр харажатлари, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ва акциз солиғи чегирилади.

6. Соф маҳсулот ҳажми қандай аниқланади?

- А. Товар маҳсулоти ҳажмидан моддий харажатлар ва амортизация суммаси чегирилади;
- Б. Товар маҳсулоти ҳажмидан моддий ва меҳнат харажатлари чегирилади;
- В. Товар маҳсулоти ҳажмидан меҳнат харажатлари чегирилади;
- Г. Товар маҳсулоти ҳажмидан меҳнат харажатлари ва амортизация суммаси

чегирилади;

- Д. Товар маҳсулоти ҳажмидан меҳнат харажатлари ва социал суғурта учун ажратмалар суммаси чегирилади.

7. Шартнома мажбурияти бўйича истеъмолчиларга мол етказиб бериш бўйича режанинг бажарилишини аниқланг.

- А. Режа ҳажмидаги сотиш суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотларнинг суммаси чегирилади ва сотиш ҳажмининг режа даражасига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади;
 Б. Етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми ҳақиқатда сотилган маҳсулот ҳажмига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади;
 В. Етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми режадаги маҳсулот ҳажмига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади;
 Г. Ҳақиқатда сотиш суммасидан етказиб берилмаган маҳсулотлар суммаси чиқарилади ва сотиш ҳажмининг режа даражасига бўлинади;
 Д. Ҳақиқатдаги сотиш ҳажми сотиш ҳажмининг режа даражасига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади.

8. Маҳсулотнинг ассортименти бўйича режанинг ўртача бажарилиш фоизини аниқланг.

- А. Маҳсулот ассортименти бўйича режанинг бажарилиш фоизи режа бўйича ва режадан ортиқча бажарилган маҳсулотлар сонини корхонада ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар сонига нисбати тариқасида;
 Б. Маҳсулот ассортименти бўйича режанинг ўртача бажарилиш фоизи сифатида маҳсулот турлари бўйича режанинг энг кам бажарилиши олинади;
 В. Режа ассортименти ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар суммаси жамлаб, уни 100 га кўпайтириб, сўнгра режа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлинади;
 Г. Режа ассортименти ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар суммасини жамлаб, уни ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлинади, сўнгра 100 га кўпайтирилади;
 Д. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми суммаси режа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми суммасига бўлинади ва 100га кўпайтирилади.

9. Маҳсулотнинг сифати деганда қандай маҳсулот тушунилади?

- А. Маҳсулотнинг Давлат андозасига (стандартига), тармоқ андозасига, техникавий шартларга мос келадиган ҳамда истеъмолчиларнинг талабларини қондира оладиган маҳсулотлар;
 Б. Ватанимизда ва хорижий Давлатларда эришиладиган ютуқларга мос ва истикболли маҳсулотлар;
 В. Маҳсулот навига қараб;
 Г. Маҳсулотнинг барча мўлжалланган мақсадларда фойдаланишга яроқли хусусиятларнинг мажмуаси;
 Д. Яроқсиз (брак) маҳсулоти даражаси, баллар бўйича.

10. Маҳсулотнинг ўртача тортилган навини аниқланг.

- А. Берилган ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини айнан шу нав белгисига кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган суммани ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг миқдorigа бўлинади;
 Б. Ҳақиқатда ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори жами навлар бўйича режалаштирилган маҳсулот ҳажмига бўлинади;

- В. Ҳақиқатда ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори жами навлар бўйича режалаштирилган маҳсулот хажмига бўлиниб, сўнгра, навлар сонига кўпайтирилади (агар 3 та нав бўлса, 3 га, 4 та бўлса 4-га);
- Г. Ҳақиқатда ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори жами навлар бўйича режалаштирилган маҳсулотлар хажмига бўлиниб, сўнгра 100 га кўпайтирилади;
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

11. Маҳсулотнинг ўртача навини ўртача тортилган баҳога асосан аниқланг.

- А. Ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ҳар бир нав маҳсулот бирлигининг баҳосига кўпайтирилади;
- Б. Ҳамма навлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ҳар бир нав маҳсулот бирлигининг баҳосига бўлинади;
- В. Ҳар бир нав бўйича маҳсулот миқдори айнан шу навлар баҳосига кўпайтирилиб, сўнгра ҳосил бўлган қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқатдаги миқдорига бўлинади;
- Г. Ҳар бир нав бўйича маҳсулот сони айнан шу навлар баҳосига кўпайтирилади;
- Д. Ҳар бир нав бўйича маҳсулот миқдори айнан шу навлар баҳосига бўлинади.

12. Маҳсулотнинг бир маромда ишлаб чиқариш коэффицентини аниқланг.

- А. График ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмини график бўйича режалаштирилган маҳсулот хажмига нисбати тариқасида аниқланади;
- Б. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмини график бўйича режалаширилган маҳсулот хажмига нисбати тариқасида аниқланади;
- В. График ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмини ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига нисбати тариқасида аниқланади;
- Г. График бўйича режалаштирилган маҳсулот хажмини график ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига нисбати тариқасида аниқланади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

5 – Боб. КОРХОНАЛАРНИНГ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

5.1. Корхоналарнинг меҳнат омилларини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари

Ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш авваламбор корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлигига боғлиқ. Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари таркибида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилади:

1. Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлиги.
2. Иш вақтидан самарали фойдаланиши.
3. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми (меҳнат унумдорлигининг даражаси).

Ушбу қайд этилган меҳнат омилларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кўрсатган таъсир доираси тарихан турлича бўлган. Чунончи, техника ва технология жараёнлар унча раванқ топмаган шароитда маҳсулот ишлаб чиқариш асосан қўшимча тарзда ишчи кучини жалб қилиш эвазига эришилган. Ҳозирги шароитда, илмий-техника тараққиёти ривожланаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Меҳнат омиллари корхона ишининг ҳамма соҳасига дахлдор. Меҳнат қилинмаса ҳар қандай қудратли техника ҳам «ўлик» ҳисобланади. Шу туфайли корхоналарнинг ишини ўнглаш учун асосан меҳнат омилларидан оқилона фойдаланиш лозим. Бунга эришиши учун таҳлил қилиб боришни тақозо қилади.

Таҳлилнинг вазифаси меҳнатдан самарали фойдаланишни ташкил қилувчи бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотларни етказиб беришдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида жуда кўп омилларни бажаришни тақозо қилади.

Меҳнат омилларини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-Т сонли «Меҳнат тўғрисида ҳисобот» шаклидан олинади.

5.2. Корхоналарни ишчи кучи билан таъминланганлигини таҳлил қилиш

Корхонада ишловчи барча ходимлар, таъкидланганидек, икки туркумга бўлинади: асосий фаолиятда ишловчи ва асосий бўлмаган фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар. Ўз навбатида асосий фаолиятда хизмат қилувчи ходимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: ишчилар, хизматчилар, шу жумладан: раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар. Ушбу қайд этилган ходимлар маҳсулот ишлаб чиқаришда бирдай қатнашмайди. Агар, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар сони бўйича фақат мутлақ аниқлаш етарли бўлса, ишчилар сони бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда нисбий фарқ ҳам аниқланади.

Ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш усули қуйидагича:

Ўтган йилдаги ишчиларнинг амалдаги сони ($X_{\text{ўй}}$) товар маҳсулотининг ўтган йилга нисбатан аниқланган ўсиш суръатига ($\Delta T_{\text{нф}}$) кўпайтирилиб, сўнгра юзга бўлинади. Шу тариқа ҳисобланган кўрсаткич ишчиларнинг жорий йилдаги ҳақиқий сони ($X_{\text{х}}$) билан таққосланади. Олинган натижа ишчилар сони бўйича нисбий фарқни ($\Delta X_{\text{нф}}$) кўрсатади.

$$\Delta X_{\text{нф}} = X_x - \left(\frac{X_{\text{уй}} \cdot \Delta X_{\text{нф}}}{100} \right)$$

Нисбий камлик эса меҳнат унумдорлигини ўсганлигидан далолат беради. Корхонанинг ишчи кучи билан қай даражада таъминланганлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (5.3-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, корхонада ўтган йилга нисбатан ҳамма ходимларнинг сони 176 кишига ошди. Ундан ишчилар сони 223 кишига ошган бўлса, хизматчиларнинг сони эса 47 кишига камайди.

Махсулот ишлаб чиқариш жорий йилда ўтган йилга нисбатан 11,7 фоизга ошган. Корхонада ишлаб чиқариш ходимларининг сони эса фақат 3,1 фоизга кўпайди. Бундай мақбул нисбат корхонанинг меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланганлигидан далолат беради. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, техника тараққиётининг жадал раवнақи ўз навбатида мутахассисларнинг

5.3 - Жадвал

Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлигининг ҳисоб-китоби

Ишловчилар тоифаси	Ҳақиқатда		Ўтган йилга нисбатан мутлақ фарқ (+,-)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %
	Ўтган йилда	Жорий йилда		
Ҳамма ходимлар	5973	6149	+176	103,0
Шу жумладан:				
Асосий фаолиятда	5788	5964	+176	103,1
Ундан:				
Ишчилар	5203	5426	+223	104,3
Хизматчилар, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар	585	538	-47	92,0
Улардан:				
Раҳбарлар				
Мутахассислар	209	192	-17	91,9
Асосий бўлмаган фаолиятдаги ходимлар	299	276	-24	92,0
	185	185	-	100,0

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги аҳамиятини беқиёс оширади. Шу сабабли уларнинг мутлақ сонининг ёки салмоғининг камайишини ҳар доим ҳам ижобий баҳоланаверилмайди.

Юқорида айтилганидек, ишчилар сони бўйича мутлақ фарқни аниқлашдан ташқари яна нисбий фарқни ҳам аниқлаш керак. Ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (5.4-жадвал).

5.4 - Жадвал.

Ишчилар сони бўйича мутлақ ва нисбий фарқларни аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йилда	Ҳақиқатда жорий йилда	Товар маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (111,7 %)	Фарқи (+,-)	
				Муталақ	Нисбий
Ишчилар	5203	5426	5812	+223	-386

Ушбу жадвалдан кўринишича, маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати ҳисобга олмаганда ишчилар сони бўйича мутлақ фарқ 223 кишини (5426-5203) ташкил қилади. Маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини (111,7 фоиз) инобатга олганда эса, нисбий фарқ 386 кишига (5426-5812) камайганлигини кўрамиз $\left(5426 - \frac{5203 \times 111,7}{100}\right)$. Бу эса корхона жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш боарсидаги улкан ютуғидир.

5. 3. Меҳнат унумдорлиги даражасини таҳлил қилиш

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги (соат, смена, ой, чорак, йил) ичида битта ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчанади.

Маҳсулот ҳажмини муттасил ошириш ва шу асосда халқнинг турмуш фаровонлигини оширишдаги муҳим омил – меҳнат унумдорлигини бетўхтов оширишдир. Ҳукуматимизнинг қарорларида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнат унумдорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этиши чуқур илмий тарзда таҳлил қилиб берилган.

Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари кўп қирралидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги машина ва технологияларни жорий қилиш, ишлаётган дастгоҳларни замонавийлаштириш, дастгоҳлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда меҳнатни илмий тарзда ташкил этишни яхшилаш, иш вақтидаги йўқотишларни тугатиш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини тўғри ташкил қилиш ва ҳ.к.лар.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуйидаги учта кўрсаткични қўллаш мумкин:

1. Натурал кўрсаткичлар.
2. Шартли-натурал кўрсаткичлар.
3. Пул (қиймат) кўрсаткичлар.

Натурал кўрсаткичлар бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган (тонна, метр, дона ва ҳ.к.) корхоналарда қўлланилади. Масалан, нефт қазиб чиқариш натурал ҳолда масса ёки ҳажм бирликларида. Ялпи дон ҳосили тонна ёки центнерларда, пахта етиштириш центнерда, енгил автомобиллар ишлаб чиқариш доналарда ўлчанади ва ҳоказо. Кейинги йилларда маҳсулот натурал ўлчовларини такомиллаштириш юзасидан анча ишлар қилинди. Масалан, хом ашёдан яхшироқ фойдаланиш мақсадида қоғоз ишлаб чиқариш тармоғида қоғоз ишлаб чиқариш олдингидек тонналарда эмас, балки квадрат метрларда ўлчанади. Натурал кўрсаткичлар ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ҳўжалик механизмнинг энг зарур элементидир.

Шартли-натурал кўрсаткичлар турли хил маҳсулотларни ягона ўлчовга келтиришга асосланган. Масалан, 15 от кучи бирлигига келтириб ҳисобланган тракторлар, шартли банкада ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотлари, динометрдаги ўлчамда ифодаланадиган ичимликлар ва ҳ.к.

Қиймат кўрсаткичлари турли хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўлланилади. Қиймат кўрсаткичлари корхона ва бирлашмалар ишини баҳолашда, ҳўжалик ҳисоби ва моддий рағбатлантиришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Қиймат ифодасида корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми белгиланади, маҳсулот таннархи ва маҳсулот қийматидаги фойда ўртасидаги ўзаро нисбатлар аниқланади. Меҳнат унумдорлиги, восита самарадорлиги ва маҳсулотга материал сарфи қиймат ифодасида белгиланади. Реализация қилинган товарлар ва соф маҳсулотлар ҳам қиймат кўрсаткичларида ҳисобланади. Қиймат кўрсаткичинини қўллашда

икки шартни ҳисобга олиш керак: маҳсулотга қўйилган баҳо ва унинг ассортименти ўзгармаслиги.

Меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда вақт бирлиги давомида ҳосил қилинган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Бунда индивидуал якка тартибда ишловчининг (локал) участка, цехдаги, корхона, тармоқдаги ва барча иқтисодиёт кўламидаги меҳнат унумдорлиги фарқланади. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Корхоналарда меҳнат унумдорлигининг даражаси товар маҳсулотининг ҳажмини ишлаб чиқариш ходимларининг сонига нисбати билан аниқланади.

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-Т сонли «Меҳнат тўғрисида ҳисобот» шаклидан олинади. Ушбу шаклда – маҳсулот ҳажми, бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган иш кунлари ва иш соатлари берилди. Бу кўрсаткичларга биноан бир ишчи томонидан ўртача бир йилда ишланган киши кунларини, иш кунининг ўртача узунлигини ва бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик ва соатлик иш унумини аниқлаш мумкин.

Таҳлил учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (5.5-жадвал).

5.5 - Жадвал.

Меҳнат унумдорлигининг ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Ўл- чов бир- лиги	Ҳақи- қатда ўтган йилда	Ҳақи- қатда жорий йилда	Ўтган йилга нисба- тан мутлоқ фарк (+, -)	Ўтган йилга нисбат ан ўсиш суръат и, %
1.	Товар маҳсулотининг ўзгар-мас (қиёсий) улгуржи баҳодаги ҳажми	минг сўм	898370	1000910	+102540	111,4
2.	Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ўртача рўйхатдаги умумий сони	киш и	5788	5964	+176	103,0
3.	Ишчиларнинг ўртача рўйхатидаги сони	киш и	5203	5426	+223	104,3
4.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган иш кунлари	киш и кун	1252156	1289944	+3778	103,0
5.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган иш соатлар	киш исоат и	9701061	9985046	+283985	102,9
6.	Битта ишлаб чиқариш ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш унумдорлиги (1к : 2қ)	сўм	155213	167825	+12612	108,1
II. Ҳисобланган аналитик кўрсаткичлар:						
7.	Ишчиларнинг умумий ишлаб чиқариш ходимлардаги улуши (3қ x100:2қ)	%	89,89	90,98	+1,09	101,2
8.	Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – кунлари (4қ : 3қ)	Кун- лар	240,66	237,73	-2,93	98,8
9.	Иш кунининг ўртача узунлиги (5қ	соат	7,75	7,74	-0,01	99,9

	: 4к)					
10.	Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш унумдорлиги (1к : 3к)	сўм	172664	184466	+11802	106,8
11.	Бир ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик иш унумдорлиги (1к : 4к)	С.т.	717,46	775,93	+55,47	108,2
12.	Бир ишчига тўғри келадиган ўртача соатлик иш унумдорлиги (1к : 5к)	С.т.	92,60	100,24	+7,64	108,25

Ушбу жадвалдан кўринишича, ҳисобот даврида бир ишлаб чиқарувчи ходимга тўғри келувчи ҳақиқатдаги ўртача йиллик иш унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 12612 сўмга ортди, ёки унинг ўсиш суръати 108,3 фоизни ташкил этди. Шунингдек, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик, кунлик ва соатлик иш унумдорлигининг ўсиш суръатлари мутаносиб равишда 106,8; 108,2; 108,3 фоизни ташкил этди. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигининг ўсиш суръати кунлик иш унумдорлигининг ўсиш суръатидан 1.3 фоиз орқада. (108.2-106.8). Бунга асосан ишчиларнинг кун бўйи бекор туриб қолишлари сабаб бўлган. Корхона бўйича ҳар бир ишчи бир йилда қарийб 3 кун ишламаган. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумдорлигининг ўсиш суръати соатлик иш унумдорлигидан 0,1 фоиз орқада (108,3-108,2). Бунга эса ишчиларнинг смена ичида бекор вақт йўқотишлари сабаб бўлади. Бизнинг мисолимизда корхона бўйича иш кунининг ўртача узунлиги 0,01 соатга камайган.

Ҳисобот даврида товар маҳсулотнинг мутлақ ҳажми ўтган йилга нисбатан 102540 минг сўмга ошган. Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ё ходимлар сонини кўпайтириш йўли билан ёки ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлигининг оширилиши орқали ўсиб бориши мумкин. Ҳозирги шароитда уларнинг иккинчиси ҳал қилувчи йўлдир, зеро ишловчилар сонини кўпайтириш имконияти ғоят чекланган. Чунки бу қўшимча иш ҳақи тўлашни талаб қилади. Корхонада эса бундай имкониятнинг ўзи танқис.

Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига икки омил таъсир кўрсатади:

1. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши.
2. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлиги.

Биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун ишловчилар сонига содир этилган фарқни ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш унумдорлигига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимизда жорий йилда ҳақиқатдаги ишловчиларнинг сони ўтган йилга нисбатан 176 кишига ошган, ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келадиган иш унумдорлиги эса 155213 сўмни ташкил этган.

Демак, маҳсулот ҳажми кўпайишининг 27317 минг сўми (176 x 155213) ёки 26,6 фоизи $\left[\frac{27317 \times 100}{102540} \right]$ ишловчилар сонининг ошиши эвазига содир бўлган.

Иккинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигида бўлган фарқни жорий йилдаги ишловчиларнинг ҳақиқатдаги сонига кўпайтрилади: яъни $12612 \times 5964 = 75218$ минг сўм. Демак, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг 75218 минг сўми ёки 73,4 фоизи $\left[\frac{75218 \times 100}{102540} = 73,4\% \right]$ меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинган.

Икки омилнинг йиғиндиси $27317 + 75218 = 102535$ минг сўм маҳсулот ҳажми бўйича ўтган йилга нисбатан бўлган мутлақ фарқга тенг. Бу ерда беш минг сўмга фарқ рақамларни яхлитлаш эвазига содир бўлган.

Бизнинг мисолимизда товар маҳсулоти бўйича бир саноат ишлаб чиқариш ходимида тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлиги жорий йили ўтган йилга

нисбатан 12,6 минг сўмга ошган. Ишловчиларнинг иш унуми даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз (5.6-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 12,6 минг сўмга ошган.

Бунга икки омил таъсир кўрсатади:

1. Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги саломғининг ўзгариши.
 $+1,09 \times 172,7 = +1,9$ минг сўм.

5.6 - Жадвал

Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқатда		Ўтган йилга нисбатан мутлоқ фарқ	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %.
		Ўтган йилда	Жорий йилда		
1. Товар маҳсулоти	минг сўм	898370	1000910	+102540	111,41
2. Ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони, жами	киши	5788	5964	+176	103,04
Шу жумладан: ишчилар	киши	5203	5426	+223	104,29
3. Бир ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги	минг сўм	155,2	167,8	+12,6	108,13
Бир ишчига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги	минг сўм	172,7	184,5	+11,8	106,84
4. Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги улуши	%	89,89	90,98	+1,09	102,21

2. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши
 $+11,8 \times 90,98 = +10,7$ минг сўм.

Демак, икки омилнинг йиғиндиси $(+1,9) + (+10,7) = +12,6$ минг сўм. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигининг мутлақ ўсиши ҳам шу 12,6 минг сўмга тенг.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ҳажмини муттасил равишда ошириш ишчиларнинг иш унумдорлигига бевосита боғлиқ. Бунга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални ҳавло қиламиз (5.7-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, жорий йили бир ишчига тўғри келадиган йиллик иш унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 11802 сўмга ошган. Бунга қуйидаги уч омил таъсир кўрсатган.

1. Иш вақтининг кун бўйича йўқотишлари, $-2,93 \times 7,75 \times 92,6 = -2103$ сўм
2. Сменалар ичидаги содир бўладиган иш вақтининг йўқотишлари.
 $-0,01 \times 237,73 \times 92,60 = -220$ сўм

5.7 - Жадвал

Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқатда		Мутлақ фарқ (+,-)	Ўсиш суръати, %.
		Ўтган йилда	Жорий йилда		
1. Товар маҳсулоти	минг	898370	1000910	+102540	111,41

	сўм				
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	киши	5203	5426	+223	104,29
3. Бир ишчига тўғри келадиган иш унумдорлиги	сўм	172664	184466	+11802	106,84
4. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган иш кунлари	Кун	1252154	1289923	+37769	103,0
5. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган иш соатлари	соат	9,701061	9,985046	+283985	102,95
Ҳисобланган кўрсаткичлар:					
6. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган иш кунлари (4к : 2к)	кун	240,66	237,73	-2,93	98,73
7. Иш кунининг ўртача узунлиги (5к x 4к)	соат	7,75	7,74	-0,01	99,87
8. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача соатлик иш унумдорлиги (1к : 5к)	сўм	92,6	100,24	+7,64	108,25

3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумдорлигининг ўзгариши
 $+7,64 + 237,73 \times 7,74 = +14058$ сўм.

Ҳисобланган уч омилнинг йиғиндиси $(-2103) + (-220) + (+14058) = +11735$ сўм.

Бу ерда ҳам бир ишчига тўғри келувчи иш унумдорлигидаги мутлақ фарқга (11802) тенг. Озгина фарқ рақамларни яхлитлаш эвазига содир бўлган.

5.4. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши бевосита иш вақтидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Афсуски, кўп корхоналарда иш вақтидан қоникарли фойдаланилмайди. Айниқса, ҳозирги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш шароитида бекор йўқотилган ҳар бир дақиқанинг баҳоси қимматга тушаяпти. Шунинг учун меҳнат унумдорлигининг ошиши билан иш вақтининг ҳар бир дақиқасини қиммати ошиб боради. Иш вақтидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичи – ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари ҳисобланилади. Бизнинг мисолимизда жорий йилда ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши соатлари ўтган йилга нисбатан 283985 соатга ошган. (5.7-жадвал). Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ишчилар сонига бўлган фарқни ўтган йилда бири ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунлари ва иш кунининг ўртача узунлиги кўпайтирилади, яъни $+223 \times 240,66 \times 7,75 = +415921$ киши соати.

2. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши кунларининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун бир ишчи томонидан ишланган киши кунларида бўлган фарқни жорий йилдаги ишчиларнинг ўртача рўйхатидаги сонига ва ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлиги кўпайтирилади, яъни $-2,93 \times 5426 \times 7,75 = -123211$ иш соати.

3. Иш кунининг узунлигининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини аниқлаш учун ушбу кўрсаткичда бўлган фарқни жорий йилдаги ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши кунларига кўпайтирилади, яъни $-0,01 \times 1289760 = -12898$ иш соати.

Юқорида ҳисобланган учта омилнинг йиғиндиси $(+415931) + (-123211) + (-12898) = +279812$ киши соатини ташкил қилади. Бу кўрсаткич тахминан ҳамма ишчилар

томонидан бир йилда ишланган киши соатларида бўлган фарқга яқин. Натижа билан озгина фарқи рақамларни яхлитлаш эвазига содир бўлган.

Таҳлил қилинаётган корхонада иш вақтидан фойдаланишда кун бўйи йўқотишлар қарийб уч кунни ташкил этди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади: ҳар йили ишловчиларга бериладиган навбатдаги меҳнат татили, ўқиш учун бериладиган рухсат, касаллик туфайли ишга чиқмаслик, корхона маъмурияти рухсати билан ишга чиқмаслик, давлат вазифасини бажариш, қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш натижасида ишга чиқмаслик, сабабсиз ишга чиқмаслик ва х.к.

Смена ичида содир бўладиган бекор туришларни таҳлил қилиш маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоб қилиш бўйича асосий низомда, агар бекор туриш 6 дақиқадан ошса уни ҳисобга олиб ҳужжатлаштириш кўзда тутилган. Аммо бу иш аксарият ҳолда қилинмайди. Иш жойларини керакли хом ашё билан ёмон ва қониқарсиз таъминлаш, иш вақти йўқотишнинг 50 фоизини ташкил этади. Корхоналарда ишчиларнинг ўзлари томонидан йўл қўйиладиган бекор туришлар ҳам мавжуд. Бу иш вақти йўқотишнинг тахминан 40 фоизини ташкил қилади. Бошқа сабаблар натижасида бекор туришлар, ёхуд электр қувватининг бўлмаслиги, дастгоҳларнинг носозлиги ва х.к.лар ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

5.5. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини таҳлил қилиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қуйидаги меҳнат омиллари таъсир кўрсатади:

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатидаги сонининг ўзгариши.
2. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган иш кунларининг ўзгариши.
3. Иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши.
4. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумдорлигининг ўзгариши.

Бу омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга кўрсатган таъсирини аниқлаш учун учта усулни қўллашимиз мумкин.

1. Занжирли алмаштириш усули.
2. Кўрсаткичларнинг бажарилиш фоизи даражасидаги фарқ усули.
3. Кўрсаткичларнинг даражасидаги мутлақ фарқ усули.

Занжирли алмаштириш усулининг моҳияти қуйидагидан иборат: яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган режа доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичларни айнан шу кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. У ёки бу кўрсаткичнинг таъсири кетма-кет айириш йўли билан аниқланади: иккинчи ҳисобдан биринчи ҳисоб айирилади, учинчи ҳисобдан иккинчи ҳисоб ва х.к. Биринчи ҳисобда ҳамма кўрсаткичлар режа доирасида олинади, охириги ҳисобда эса ҳамма кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги миқдори олинади.

Ушбу омилларни ҳисоблашда занжирли алмаштириш усулини қўллаш тартиби қуйидаги жадвалда берилган (5.8-жадвал).

Жадвалдан кўринишича жорий йилда товар маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 102188 минг сўмга (1000796-898608) ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши.

$$(937730 - 898608) = +39122 \text{ минг сўм.}$$

Демак, ишчиларнинг сони жорий йилда ўтган йилга нисбатан 293 кишига ошди. Бунинг натижасида корхона 39122 минг сўмга кўп маҳсулот ишлаб чиқди.

5.8 - Жадвал

Товар маҳсулоти ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш ҳисоб-китоби

№	Ал-	Омиллар ўзгариши	Умумлаш-	Олдин	Ўзгариш-
---	-----	------------------	----------	-------	----------

	маш- ти- риш- нинг сони	Ишчи- ларнинг сони (киши)	Бир ишчи томони- дан иш кунлари (кун)	Иш ку- нининг узунлиги (соат)	Соатлик иш унуми (сўм)	ган кўр- саткич товар маҳсулоти (1ус X 2ус X 3ус X 4ус) минг сўм	ги ҳисоб- га нис- батан фарқ (+,-) минг сўм	ларнинг сабаблари
1.	Асл ҳолд а	Ўтган йил 5203	Ўтган йил 240,66	Ўтган йил 7,75	Ўтган йил 92,60	Ўтган йил 898608	-	-
2.	1 оми л	Жорий йил 5426	Ўтган йил 240,66	Ўтган йил 7,75	Ўтган йил 92,60	Ҳисоблан ган 937730	+3912 2	Ишчилар сони ҳисобига
3.	2 оми л	Жорий йил 5426	Жорий йил 237,73	Ўтган йил 7,75	Ўтган йил 92,60	Ҳисоблан ган 925713	-12017	Иш вақти-дан фой- даланишда кун бўйи бекор туриш
4.	3 оми л	Жорий йил 5426	Жорий йил 237,73	Жорий йил 7,74	Ўтган йил 92,60	Ҳисоблан ган 924519	-1194	Смена ичидаги бекор туриш
5.	4 оми л	Жорий йил 5426	Жорий йил 237,73	Жорий йил 7,74	Жорий йил 100,24	Жорий йил 1000796	+7627 7	Соатлик иш унумининг ўсиши

2. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган иш кунларнинг камайганлиги эвазига товар маҳсулоти (925713-937730)=-12017 минг сўмга камайган.

Ҳар бир ишчи томонидан жорий йилда ўтган йилга нисбатан қарийб уч кун кам ишлаган. Бу эса товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 12017 минг сўмга камайтирган.

3. Иш куни узунлигининг ўзгариши (924519 - 925713) = -1194 минг сўм.

Смена ичидаги бекор туришларнинг кўпайиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1194 минг сўмга камайтирган.

4. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумдорлигининг ўзгариши эвазига товар маҳсулоти 76277 минг сўмга (1000796 - 924519) ўсган. Бу соатлик иш унумдорлигининг ўтган йилга нисбатан 7 сўм 64 тийинга купайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 76277 минг сўмга ошган, деган хулоса учун асосдир. Демак, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми асосан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Агар корхона иш вақтидан фойдаланиш борасида фақат ўтган йил даражасига эришганда эди, у ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча равишда 12211 минг сўмга (12017+1194) ошириши мумкин бўлур эди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги энг муҳим резерв бўлиб ҳисобланади.

Кўрсаткичларнинг бажарилиш фоизи даражасидаги фарқлаш усули. Бу усул занжирли алмаштиришнинг соддалаштирилган туридир. Уни қўллаш тартибини ўрганиш учун қуйидаги жадвал тавсия қилинади (5.9-жадвал).

5.9 - Жадвал

**Товар маҳсулоти ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини
берилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръати даражасидаги
фарқлаш усули билан аниқлаш**

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар нинг ўсиш	Фоизда бўлган фарқ (+,-)	Товар маҳсулоти
---	--------------	---------------------------	-----------------------------	--------------------

		суръати % ҳис.		ҳажмига таъсири
1.	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	104,29	+4,29	+38556
2.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган иш кунлари	98,78	-1,22	-10964
3.	Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган иш соатлари	98,87	-0,13	-1168
4.	Иш кунининг узунлиги	108,25	+8,25	+75764
5.	Товар маҳсулоти	111,37	+11,37	+102188

Ушбу омил таъсирини ҳисоблаш учун натижанинг умумий фарқига нисбатан омиллар фарқи неча фоизни ташкил қилиши ҳисобланиб олинади ва унинг умумий фарқдаги суммаси ҳисобланади. Масалан, ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг товар маҳсулотига таъсирини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

$$\left(\frac{4,29}{11,37} \cdot 100 \right) \cdot 102188 = +38556 \text{ минг сўм.}$$

Охирги омилининг таъсирини аниқлаш учун натижанинг умумий фарқидан олдинги омиллар таъсири айрилади:

$$102188 - (38556 - 10964 - 1168) = +75764 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу жадвалдан кўринишича, олинган натижа занжирли алмаштириш усули орқали ҳисобланган натижага тахминан тенг. Бу икки усулда олинган натижаларнинг айнан бир-бирига мос келмаслиги кўрсаткичларнинг миқдор ва фоизларини яхлитлаб олинганлигидир.

Кўрсаткичларнинг даражасидаги мутлақ фарқли усули. Бу ҳам иккинчи усул каби занжирли алмаштириш усулининг техник жиҳатдан энг соддалаштирилган усулидир. Бизнинг мисолимизда товар маҳсулотнинг ҳажми жорий йилда ўтган йилга нисбатан 102540 минг сўмга ошган. Бу ўсишга қуйидаги меҳнат омиллари таъсир кўрсатди.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун ишчилар сонидан бўлган фарқни ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи йиллик иш унумига кўпайтирилади $(+223 \times 172664 = +38504 \text{ минг сўм})$

2. Бир ишчи томонидан ишланган иш кунларининг ўзгариши. Ушбу кўраткичда бўлган фарқни жорий йилдаги ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони ва ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумдорлигига кўпайтирилади. $(-2,93 \times 5426 \times 717,46 = -11406 \text{ минг сўм})$.

3. Иш кунининг узунлигини ўзгариши. Ушбу кўрсаткичда бўлган фарқни жорий йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган иш кунлари ва ўтган йилда бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унумига кўпайтирилади. $(-0,01 \times 1,289944 \times 92,60 = -1194 \text{ минг сўм})$.

4. Бир ишчига тўғри келувчи соатлик иш унумдорлигининг ўзгариши. Ушбу кўрсаткичда бўлган фарқни жорий йилда ҳамма ишчилар томонидан ишланган иш соатларига кўпайтирилади. $+7,64 \times 9,985946 = +76286 \text{ минг сўм}$.

Омилларнинг тенглиги (баланси): $(+38504) + (-11406) + (-1194) + (+76286) = +102190 \text{ минг сўм}$. Бу усулдаги 352 минг сўмга фарқ $(102540 - 102188)$ кўрсаткичлар миқдорини яхлитлаш ҳисобига рўй берди. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш резерви 12600 минг сўмни $(11406 + 1194)$ ташкил қилади.

5.6. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш

Мамлакат тараққиётининг асосий ғояларидан бири Ватан равнақи, халқ фаровонлигини сифат жиҳатдан янги поғоналарга кўтаришдан иборатдир. Иш ҳақи тизимини доимо шундай такомиллаштириб бориш керакки, токи у меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлаш тамойилига мос тушсин, унинг шароити ва натижаларини ҳисобга олсин, ходимлар малакасини, меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот сифатини яхшилашни, барча ресурслардан оқилона фойдаланишни ва уларнинг тежалганлигини рағбатлантирсин.

Ана шуни ҳисобга олиб ҳозир ишлаб чиқариш тармоқларида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини кўзда тутилаётган даражада ошириш асосан корхоналарнинг ўзлари топган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жадалроқ таъсир кўрсатади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – ялпи ички маҳсулотнинг ходимлар ўртасида улар меҳнатининг миқдор ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоллари учун фойдаланиладиган қисмидир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – меҳнат бўйича бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларидан бири: корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболли ва йиллик режасида кўзда тутилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ҳамма ходимларга (доимий, мавсумий, вақтинча ишлайдиган ходимларга) бажарилган иши учун тўпланган пул суммалари, шунингдек, амалдаги қонунларга мувофиқ ходимларга ишламаган вақтлари (эмизикли оналар ишидаги узилиш учун тўлаш ва бошқалар) учун тўланган иш ҳақи суммаси ҳам қўшилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тариф ставкалари ва мансаб окладлари бўйича ҳақ тўлаш, ишбай меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчиларга мукофотлар тўлаш, оғир ва зарарли маҳсулот шароитлари учун, касб маҳорати учун бир неча касбларни қўшиб бажарганликлари ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлиги учун қўшимча ва устама ҳақлар берилади, навбатдаги ва қўшимча таътиллار учун ҳақ тўланади, кўп йил ишлагани учун бир йўла тақдирлаш учун ва ҳ.к. Корхона меҳнат жамоасига меҳнат натижалари учун барча тўловларнинг ягона манбаи-меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бир пайтлар иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фонди ўрнига ташкил этилган. Ҳозир ҳам бу фонд шу мазмунда сақланиб қолган.

Таҳлилнинг асосий вазифаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондини мутлоқ миқдорини тобора кўпайтириш ва нисбий улушини камайтириб бориш имкониятларини аниқлаш ҳисобланади. Зеро, иш ҳақи таннархида тутган салмоғи жиҳатдан юқори бўлиб, уни қисқартириш таннархининг камайишига, бу эса ўз навбатида, фойда ва рентабеллик даражасининг оширилишига олиб келади.

Таҳлил учун маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-Т сонли корхоналарнинг «Меҳнат тўғрисидаги ҳисобот» номли шаклидан олинади. Таҳлилнинг дастлабки босқичи асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг ва улар тоифаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ўтган йилдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан таққослаб мутлақ фарқни аниқлашдан бошланади. (5.10-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жорий йили ўтган йилга нисбатан 924,7 минг сўм ёки 8,5 фоизга ошган. Ушбу мутлақ ўсиш асосан ишчиларнинг иш ҳақи фондининг 896,7 минг сўмга ўсиш эвазига содир бўлган. Лекин, мутлақ фарқга қараб асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг иш ҳақи фондидан фойдаланишга баҳо бериб бўлмайди. Шунинг учун ушбу ходимларнинг иш ҳақи фонди бўйича нисбий фарқни аниқлаш керак. Уни аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳаволо қиламиз (5.11-жадвал).

5.10 - Жадвал

Асосий фаолиятда ишловчи ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни ҳисоб-китоб қилиш

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда		Фарқи (+,-)	
	Ўтган йилда	Жорий йилда	Мут-лақ (+,-)	Фоиз ҳисобид а
Асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг йиллик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди, жами				
Шу жумладан:				
Ишчилар	10831,2	11755,9	+924,7	+8,5
Хизматчилар (раҳбарлар мутахассислар ва бошқа хизматчилар)	9877,1	10773,8	+896,7	+9,1
Ундан: Раҳбарлар	954,1	982,1	+28,0	+2,9
Мутахассислар	380,1	394,1	+14,0	+3,7
	464,2	482,2	+18,0	+3,9

5.11 - Жадвал

**Асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг иш ҳақи фонди
бўйича мутлақ ва нисбий фарқни аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Суммаси (минг сўм)
Асосий фаолиятда ишловчи ходимларнинг иш ҳақи фонди	
а) асос даврида	10939,5
б) ҳақиқатда	11755,9
в) мутлақ фарқ (+,-)	+816,4
2. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш суръати 11,41 фоиз	11,41
3. Иш ҳақи фондининг қўшимча ўсишига берилган норматив коэффиценти 0,7 фоиз	0,7
4. Ҳисобланган иш ҳақи фонди. $10939,5 + \left(\frac{10939,5 + 11,41 \times 0,7}{100} \right) = 11813,2$	11813,2
5. Нисбий тежам (ортиқча харажат) $11755,9 - 11813,2 = -57,3$	-57,3

Ушбу жадвалдан кўринишича, товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатини ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақи фонди бўйича 816,4 минг сўм мутлақ ортиқча харажатга йўл қўйилган. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш суръатини (111,41 фоиз) ҳисобига олганда эса, нисбий тежам 57,3 минг сўмни ташкил эди. Бу эса корхонанинг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланмаганлигидан далолат беради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш воситасига таъсир қилувчи омилларни мутлақ фарқ усули орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш воситаининг ўзгаришига икки омил таъсир кўрсатади:

- 1) ишловчи ходимлар сони;
- 2) ходимларнинг ўртача йиллик иш ҳақи.

Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ходимлар сонига бўлган фарқни ходимларнинг ўтган йилдаги ўртача йиллик иш ҳақи миқдорига кўпайтирилади.

Иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун ходимларнинг ўртача йиллик иш ҳақида бўлган фарқни ходимларнинг ўтган йилдаги рўйхатидаги ўртача сонига кўпайтирилади.

Демак, иш ҳақи фондини таҳлил қилиш учун бошқарув таҳлилида қўлланиладиган жуда кўп анъанавий усуллардан фойдаланиш мумкин экан.

5.7. Таянч иборалар:

Меҳнат ресурслари, ишловчи ходимлар, асосий фаолиятда ишловчи ходимлар, асосий фаолиятда бўлмаган ходимлар, ишчилар, хизматчилар, раҳбарлар, мутахассислар, ишчилар сони бўйича мутлақ ва нисбий фарқ, меҳнат унумдорлиги, меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қўлланиладиган кўрсаткичлар, натурал кўрсаткичлар, шартли-натурал кўрсаткичлар; пул (қиймат) кўрсаткичлар, ижтимоий меҳнат унумдорлиги, индивидуал меҳнат унумдорлиги, ишчиларнинг ишловчилар таркибида тутган салмоғи, бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлиги, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлиги, бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумдорлиги, иш кунининг ўртача узунлиги, иш вақтидан кун бўйича йўқотишлар, сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишлар, иш вақтидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичи, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши кунлари ва киши соатлари, маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, асосий иш ҳақи, қўшимча иш ҳақи, асосий фаолиятда ишловчи ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, меҳнат ҳақининг нисбий фарқи.

5.8. Назорат саволлари

1. Меҳнат ресурсларини таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва ахборот манбалари.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги.
3. Ишловчи ходимларнинг сони ва таркибини таҳлил қилиш.
4. Ишчилар сони бўйича мутлоқ ва нисбий фарқи қандай аниқланади.
5. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.
6. Меҳнат унумдорлигининг омилли таҳлили.
7. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигининг таҳлили.
8. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумдорлигининг таҳлили.
9. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш.
10. Маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омиллари таҳлили
11. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича резервларини аниқлаш усули.
12. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.
13. Корхонада ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилиш.
14. Корхонада ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича нисбий тежам (ортиқча харажат)
15. Ишчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилиш.
16. Раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилиш.

5.9. «Корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминлашиши ва меҳнатга ҳақ тўлашни

таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар

1. Берилган маълумотларга асосан товар маҳсулоти ҳажмига таъсир қилувчи омилларни уларни иқтисодий белгиларга асосан уч гуруҳга (меҳнат омиллари,

меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари омиллари) туркумлаб, комплекс резерв суммасини аниқланг.

1. Ишчиларнинг кун бўйи бўш туриб қоилишини баратраф қилиш 300 минг сўм.
 2. Қимматбаҳо рангли металларни пластмассалар билан алмайтириш 350 минг сўм.
 3. Асбоб-ускуналарнинг сменали ишлаш коэффицентини ошириш 140 минг сўм.
 4. Ишчиларнинг смена ичидаги бўш туриб қоилишини батараф қилиш 125 минг сўм.
 5. Асосий материаллардан тушадиган чиқитларни камайтириш 150 минг сўм.
 6. Асбоб-ускуналарни бўш туриб қоилишини камайтириш 200 минг сўм.
- А. 500 минг сўм.
Б. 340 минг сўм.
В. 125 минг сўм.
Г. 150 минг сўм.
Д. 350 минг сўм.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

- А. Ишловчилар сони, меҳнат унумдорлиги даражаси, иш вақти, хом ашё ва материаллар;
Б. Ишчилар сони, уларнинг малакаси, иш вақти, асосий воситалар, восита самараси, материал самараси;
В. Ишчиларнинг ишловчилар таркибида тутган салмоғи, меҳнат унумдорлиги, машина ва асбоб-ускуналарнинг жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари таркибида тутган салоғи;
Г. Меҳнат ресурслари омиллари, меҳнат воситалари омиллари.
Д. Меҳнат ресурслари омиллари, меҳнат воситалари омиллари, меҳнат буюмлари омиллари;

3. Берилган маълумотларга асосан ишчилар сони бўйича нисбий фарқни аниқланг.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони (киши) ўтган йилда 821 киши, ҳисобот йилида 811 киши
 2. Товар маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 99,2
- А. –3 киши Б. +3 киши В. –10 киши Г. –7 киши Д. +7 киши

4. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик меҳнат унумдорлигини аниқланг.

- А. товар маҳсулот
ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони
Б. товар маҳсулоти
Ишлаб чиқаришда банд бўлган
ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони
В. товар маҳсулоти
Хамма ишчилар томонидани бир йилда
ишланган киши-кунлари
Г. товар маҳсулоти
Хамма ишчилар томонидан бир йилда
ишланган киши-соатлар
Д. товар маҳсулоти
хамма ходимлар

5. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи меҳнат омилларини аниқланг (ишчилар сони ва меҳнат унумдорли)

- А. 1. Ишловчилар сониди бўлган фарқни ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумида бўлган фарқ ҳисобот йилидаги ишловчиларнинг ҳақиқатдаги сонига кўпайтирилади.
- Б. 1. Ишловчилар сониди бўлган фарқни ҳисобот йилидаги бир ишловчига

- тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумида бўлган фарқ ўтган фарқ ўтган йилдаги ишловчиларнинг ҳақиқатдаги сонига кўпайтирилади.
 - В. 1. Ишловчиларнинг ўтган йилдаги ҳақиқатдаги сони ҳисобот йилидаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
 2. Ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми ҳисобот йилидаги ишловчиларнинг сонига кўпайтирилади.
 - Г. 1. Ишловчиларнинг ҳисобот йилдаги сони ўтган йилдаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
 2. Ҳисобот йилдаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми ўтган йилдаги ишловчиларнинг сонига кўпайтирилади.
 - Д. Тўғри жавоб йўқ.

6. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

- А. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши, саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўзгариши.
- Б. Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги салмоғининг ўзгариши, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши.
- В. Ишчилар сонининг ўзгариши, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши.
- Г. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўзгариши, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши.
- Д. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумининг ўзгариши, ишчилар сонининг ўзгариши.

7. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

- А. Иш вақтидан кун бўйича йўқотишлар, иш кунининг ўртача узунлиги, бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатли иш унуми.
- Б. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунлари, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатлари, бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми.
- В. Иш вақтидан кун бўйича йўқотишлар, сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишлар, бир ишчига тўғри келувчи соатли иш унуми.
- Г. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунлар, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатлар, бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми.
- Д. Иш вақтидан кун бўйича йўқотишлар, сменалар ичидаги иш вақтини йўқотишлар.

8. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш усулини аниқланг.

- А. 1. Ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги саломоғидаги ўзгаришини ҳисоблаш учун ушбу омилнинг ҳисобот йилидаги ўзгаришини ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик унумининг ўзгаришини ҳисоблаш учун эса ушбу омилнинг ҳисобот йилидаги ўзгаришини ҳисобот йилдаги ишчиларнинг ишловчи ходимлар таркибидаги салғини кўпайтирилади.
- Б. 1. Ишчиларнинг ҳисобот йилидаги ўртача рўйхатдаги сонини ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Ҳисобот йилидаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумини ўтган йилдаги ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига кўпайтирилади.

- В. 1. Ҳисобот йилидаги ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонини ўтган йилидаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Ҳисобот йилидаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумини ўтган йилдаги ишловчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига кўпайтирилади.
- Г. 1. Ишчиларнинг ҳисобот йилидаги рўйхатдаги ўртача сонига бўлган фарқни ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумига кўпайтирилади.
2. Ҳисобот йилидаги бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш унумида бўлган фарқни ўтган йилдаги ишловчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига кўпайтирилади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.
- 9. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш усулини аниқланг.**
1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишлар.
2. Сменалар ичида содир бўладиган иш вақтидан йўқотишлар.
3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми.
- А. 1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлигига ва бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумига кўпайтирилади.
2. Сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишларда бўлган фарқни ҳисобот йилида бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – кунларига ва ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумига кўпайтирилади.
3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумида бўлган фарқни ҳисобот йилида бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларига ва ҳисобот йилидаги иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади.
- Б. 1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-соатларига кўпайтирилади.
2. Сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунларига кўпайтирилади.
3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумида бўлган фарқни ўтган йилда бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – соатларига ва иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтиради.
- В. 1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумига кўпайтирилади.
2. Сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумига кўпайтирилади.
3. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумида бўлган фарқни ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади.
- Г. 1. Иш вақтидаги кун бўйича йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади.
2. Сменалар ичида содир бўладиган иш вақтини йўқотишларда бўлган фарқни ўтган йилида бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларига ва ҳисобот йилда бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумида бўлган фарқни ўтган йилдаги иш кунининг ўртача узунлигига кўпайтирилади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.
- 10. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик меҳнат унумдорлигининг аниқланг.**
- А. Товар маҳсулоти ҳажмининг 360 кунга нисбати тариқасида аниқланади.
- Б. Товар маҳсулоти ҳажмини ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.
- В. Товар маҳсулоти ҳажмини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига нисбати
- Г. Товар маҳсулоти ҳажмини бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларига нисбати.

Д. Товар маҳсулоти ҳажмини бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – соатларига нисбати

11. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик меҳнат унумдорлигининг аниқланг.

- А. Товар маҳсулоти ҳажмини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларига нисбати.
- Б. Товар маҳсулоти ҳажмини иш кунининг ўртача узунлигига нисбати.
- В. Товар маҳсулоти ҳажмини бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларига нисбати.
- Г. Товар маҳсулоти ҳажмини ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.
- Д. Товар маҳсулоти ҳажмини ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.

12. Иш вақтидан фойдаланишнинг умулашган кўрсаткичи – ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқланг.

- А. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – кунларининг ўзгариши, иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши.
- Б. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларининг ўзгариши, ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши.
- В. Иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларининг ўзгариши.
- Г. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларининг ўзгариши, иш кунининг ўртача узунлигини ўзгариши.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

13. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларини аниқланг.

- А. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларига нисбати.
- Б. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларини ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.
- В. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига нисбати.
- Г. Иш кунининг ўртача узунлигини ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига кўпайтириш керак.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

14. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларини аниқланг.

- А. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларини ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.
- Б. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларига нисбати.
- В. Ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-соатларини ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига нисбати.
- Г. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларини ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати.
- Д. Иш кунининг ўртача узунлигини ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати.

15. Иш кунининг ўртача узунлигини аниқланг.

- А. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунларини ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-соатларига нисбати.
- Б. Ҳамма ишчилар томонида ишланган киши-соатларини ҳамма ишчилар томонида ишланган киши-кунларига нисбати.
- В. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларини бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларига нисбати.
- Г. Ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунларини бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-соатларига нисбати.
- Д. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши – соатларини бир ишчи томонидан бир йилда ишланган киши – кунларига нисбати.

16. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини аниқланг.

- А. Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунлари, ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-соатларининг ўзгариши ва бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумининг ўзгариши.
- Б. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунларининг ўзгариши, иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши ва бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумининг ўзгариши.
- В. Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши –соатларининг ўзгариши, иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши, бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумининг ўзгариши.
- Г. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши, ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларининг ўзгариши, иш кунининг ўртача узунлигининг ўзгариши, бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унумининг ўзгариши.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

17. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақини аниқланг.

- А. СИЧХ (саноат ишлаб чиқариш харажатлари)нинг йиллик иш ҳақи фондининг саноат ишлаб чиқариш ходимларининг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати.
- Б. СИЧХ ларнинг йиллик иш ҳақи фондининг ҳамма ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати.
- В. Ҳамма ходимларнинг йиллик иш ҳақи фондининг ҳамма ишчилар томонидан бир йилда ишланган киши-кунларига нисбати
- Г. СИЧХларининг йиллик иш ҳақи фондининг ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонига нисбати.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

18. Ишловчиларнинг йиллик иш ҳақи фондининг миқдорини аниқланг.

- А. Бир ишловчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи х саноат ишлаб чиқариш ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони.
- Б. Бир ходимга тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи х ҳамма ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони.
- В. Бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи х ҳамма ишчилар томонидан ишланган киши-кунлари.
- Г. Бир саноат ишлаб чиқариш ходимига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи х ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

19. Қуйидаги берилган маълумотларга асосан ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи фонди бўйича нисбий тежалганлик ёки ортиқча харажат суммасини аниқланг.

1. Иш ҳақи фондининг базаси 1260 минг сўм.
 2. Ҳақиқатдаги иш ҳақи фонди 1275 минг сўм.
 3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми-ўсиш сўр'яти 102,6%
 4. Қайтадан ҳисоблаш коэффициентини - 0,7
- А. $1275-1260 = +15$ минг сўм.
 Б. $1260 * 102,6 = 1293$ минг сўм.
 $1293 - 1275 = -18$ минг сўм.
 В. $1293-1260 = -33$ минг сўм.
 Г. $(2,6*0,7+100) = 101,8\%$
 $(1260*101,8):100 = 1282,7$ минг сўм.
 $1282,7 - 1275 = -7,7$ минг сўм.
 Д. Тўғри жавоб йўқ.

20. Ишчиларнинг иш ҳақи фондининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқланг.

- А. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ишчиларнинг рўйхатдаги сонининг ўзгариши, йиллик иш ҳақининг ўзгариши.
- Б. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ишчилар сони бўйича нисбий фарқ, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи.
- В. Ишчилар сони бўйича нисбий фарқ, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.
- Г. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, бир ишчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақи.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

21. Хизматчиларнинг иш ҳақи фондининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқланг.

- А. Хизматчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақининг (ставка) ўзгариши, хизматчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг ўзгариши.
- Б. Хизматчилар сони бўйича нисбий фарқ, хизматчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақинининг ўзгариши.
- В. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, штатнинг ўзгариши, ставканинг ўзгариши.
- Г. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, бир хизматчига тўғри келувчи ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

6.1. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракати

Маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигининг бетўхтов ўсишига эришиш илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳаракатдаги асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни замонавийлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш орқали эришилади.

Маълумки, асосий воситалар узоқ вақт хизмат қилади, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг табиийки, дастлабки шаклини сақлаб қолади ва капитал маблағлар ҳисобига тўлдирилиб борилади. Янгидан барпо қилинган давлат корхоналарининг асосий воситаларини шакллантиришнинг манбаи асосан бюджет маблағидир. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб турган корхоналар дастгоҳлар ва бошқа меҳнат воситалари сотиб оладилар, янги ишлаб чиқариш объектлари қурадилар. Буни эса, корхоналар ишлаб топган ўз маблағлари ҳисобидан, банк кредити ёрдамида бажарадилар. Бундан ташқари амортизация ажратмалари асосий воситаларни сотиб олиш, уларни капитал ва жорий таъмирлаш қилиш учун маблағларнинг муҳим манбаидир.

Йилдан-йилга тобора кўпроқ капитал маблағлар сарфлаш натижасида халқ хўжалиги барча тармоқларининг асосий ишлаб чиқариш воситалари жадал ошиб бормоқда.

Жамиятнинг улардан жуда ҳам оқилона фойдаланишдан ғоят манфаатдорлиги табиийдир. Чунки бу воситаларни самарали ишлатиш кўп жиҳатдан бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгилайди. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган ҳар бир сўм учун маҳсулотни кўп миқдорда олишга эришадиган хўжалик юритишдир.

Корхоналарнинг асосий воситалари ишлаб чиқаришдаги ўз аҳамиятига қараб уч туркумга бўлинади:

- 1) саноат ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар;
- 2) бошқа тармоқларнинг ишлаб чиқариш асосий воситалари;
- 3) ноишлаб чиқариш асосий воситалари.

Иқтисодий таҳлилда асосий воситаларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган роли бўйича улар икки қисмга бўлинади:

- 1) актив (фаол) асосий воситалар, 2) пассив (нофаол) асосий воситалар.

Актив асосий воситаларга куч берадиган машиналар, ўтказгич жиҳозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари кабилар киради. Асосий воситаларнинг пассив (нофаол) қисмига эса бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари киради. Асосий воситаларнинг актив (фаол) қисми ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари деб аталиб, улар меҳнат воситалари сифатида маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадилар. Асосий воситаларнинг пассив (нофаол) қисми эса маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз олиб бориш имкониятини яратади. Шунинг учун асосий воситаларнинг актив (фаол) қисмининг салмоғи қанча кўп бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти ҳам шунча кўп бўлади. Ҳозир энг илғор саноат корхоналарида асосий воситаларнинг актив (фаол) қисмининг салмоғи 65 фоизни ташкил қилади. Асосий воситаларнинг актив (фаол) қисмини кўпайтириш йўллари қуйидагилар:

- 1) ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш;
- 2) ишлаб чиқариш майдонидан оқилона фойдаланиш;
- 3) бино ва иншоотларни қуришда қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайитириш ва х.к.лар.

Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракатини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 3-сонли «Асосий воситалар тўғрисида

ҳисобот» шаклидан олинади. Уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвал тавсия қилинади (6.1-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўринишича, жорий йилда жами ишлаб чиқариш асосий воситаларининг қиймати ўтган йилга нисбатан 183 минг сўмга ёки 0,5 фоизга ($183 \times 100/38300$) ошди.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўсиши асосан уларнинг пасив қисмининг, яъни бино ва иншоотлар қийматининг 113 минг сўмга ортиши ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналар (актив қисман) қийматининг 68 минг сўмга кўпайиши ҳисобига таъминланди. Фикримизча, асосий воситаларнинг актив қисмининг

6.1 – Жадвал

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг таркиби ва ҳаракатини таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари	Ўтган йилда		Жорий йилда		Ўтган йилга нисба-тан ўзгариши (+,-)	
	сўм-си, минг сўм	сал-моғи, %	сўммас и, минг сўм	сал-моғи, %	сўммаси, минг сўм	салмоғи, %
1. Бино ва иншоотлар	18900	49,35	19,35	19013	49,41	Қ113 Қ0,06
2. Ишдан чиқариш асбоб-ускуналари	19600	50,13	19268	50,07	+68	-0,06
3. Бошқа асосий воситалар	200	0,52	202	0,52	+2	-
Жами	38300	100	38483	100	+183	-

пасив қисмига нисбатан паст суръатлар билан ўсишга қараганда таҳлил қилинаётган корхонада техника тараққиёти суи даражада олиб бориляпти деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, асосий воситадан олинган самарани ошириш ҳаракатдаги корхоналарни техник жиҳатдан қайта қурулантириш ва қайта ускуналашни тезкорлик билан амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришга янги техникани киритиш биринчи галдаги вазифа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун асосий воситаларнинг актив қисмининг ўсиш суръати пасив қисмининг ўсиш суръатига нисбатан устун даражада бўлиши керак. Таҳлил қилинаётган корхонада эса асосий воситаларнинг актив ва пасив қисмларининг ўсиш суръатлари мос равишда 100,35 фоизни ($19268 \times 100 : 19200$) ва 100,60 фоизни ($19013 \times 100 : 18900$) ташкил этди. Агар, юқорида айтилгандек илғор корхоналарида асосий воситалар актив қисмининг салмоғи 65 фоизни ташкил қилишини ҳисобга олсак, у ҳолда таҳлил қилинаётган корхонада унинг салмоғи фақат 50 фоизга тенг бўлди. Демак, корхона келгусида асосий воситаларни янгилаш борасида туб ўзгаришлар қилиши лозим. Ишлаб чиқариш асосий воситалари қийматини асос йилидан бошлаб ўсиб бориш суръатини ҳам таҳлил қилиш керак. Бунинг учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз (6.2-жадвал).

Жадвалдан кўринишича, таҳлил қилинаётган корхона асосий воситаларнинг қиймати учинчи йили асос қилиб олинган йилга нисбатан 483 минг сўмга ёки +101,27 фоизга ($483 \times 100 / 38000$) ортди. Энди занжирли усулини қўлласак ҳам айнан ушбу натижа

6.2 – Жадвал

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Йиллар			Асос йили бошидан бошлаб
		1-йил	2-йил	3-йил	

Саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари	38000	38150	38300	38483	-
Ҳақиқатда ўсиш суръати, %	100,0	100,40	100,39	100,48	101,27

ҳосил бўлади, яъни 101,27 фоизни аниқлаш учун асосий воситаларнинг йиллик қўшимча ўсиш сўрватларини бир-бирига кўпайтирилиб, сўнгра чиққан натижа яна юзга кўпайтирилади $(1,004 \times 1,0069 \times 1,0048) \times 100 = 101,27$ фоиз ёки 483 минг сўм. $(38000 \times (1,0127-1))$

Асосий воситаларнинг мутлақ ўсишини аниқлаш билан бирга ресурсларни нисбий иқтисод қилинган ёки ортиқча ҳаражат қилишга йўл қўйилган миқдорини ҳам ҳисоблаш керак. Бунинг учун саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг база (асос) йилидаги қиймати товар маҳсулоти ҳажмининг беш йиллик бошидан бошлаб ўртача йиллик ўсиш суръатига кўпайтирилиб, сўнгра ҳисобланган миқдор беш йилликнинг йилларидаги саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг миқдори билан таққосланади. Бизнинг мисолимизда асосий воситаларни нисбий тежаш 1759 минг сўмни ташкил этди. $(38000 \times 1,056^* - 38483 = 40242 - 38483) = -1759$ минг сўм. Демак, товар маҳсулоти ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш суръатини ҳисобга олганда корхонанинг асосий воситалари 40242 минг сўмни ташкил қилиши керак эди, ҳақиқатда эса уларнинг қиймати беш йилликнинг учинчи йили 38483 минг сўмни ташкил этди. Бу эса корхонанинг асосий воситалардан самарали фойдаланиш борасидаги ютуғидир.

**) 1,059 маҳсулот ҳажмининг асос давридан бошлаб ўртача йиллик ўсиш суръати.*

6.2. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш

Асосий воситалар узлуксиз фойдаланишда бўладилар. Шу сабабли асосий воситаларнинг бир қисми эскиради, ишдан чиқади, бошқалари эса фойдаланишга жорий этилади. Бинобарин, асосий воситаларнинг техник ҳолати товар маҳсулоти ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Асосий воситаларнинг техник ҳолати қониқарли даражада бўлса, бу ўз навбатида асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг бекор туриб қолишига, айрим вақтларда эса аварияларга (ҳалокатга) олиб келиши эҳтимолдан ҳоли бўлади. Шунинг учун асосий воситалар техник жиҳатдан яхши созланган ҳолатда бўлиши лозим. Асосий воситаларни техник жиҳатдан қониқарли даражада ушлаб туриш жорий ва капитал таъмирлаш орқали амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини белгиловчи умумий кўрсаткичлардан бири уларнинг эскириш коэффицентидир. Асосий воситаларнинг эскириш коэффицентини аниқлаш учун асосий воситаларнинг эскириш суммасини (баланд пассивининг 1-бўлими) уларнинг бошланғич қийматига (баланс активининг 1-бўлими) бўлинади. Одатда, асосий воситаларнинг эскириш коэффицентининг камайиши уларнинг техник ҳолатининг яхшиланганлигидан далолат беради. Асосий воситалардан узлуксиз равишда фойдаланиш натижасида уларнинг эскириш даражаси ошиб боради. Шунинг учун асосий воситаларни янгилаш керак.

Асосий воситаларни янгилаш коэффицентини аниқлаш учун янги келган асосий воситалар суммасини асосий воситаларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.

Асосий воситаларни чиқиб кетиш коэффицентини ҳисоблаш учун эса чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.

Асосий воситаларни ишга яроқлилик коэффицентини ҳам аниқлаш мумкин. Уни аниқлаш учун бирдан эскириш коэффицентини айрилади.

Асосий воситаларнинг теъник ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш учун асосий воситаларнинг қўшимча ўсиш ҳамда чиқиб кетишининг ўрнини қоплаш (компенсация) коэффицентлари ҳам аниқланади.

Асосий воситаларнинг қўшимча ўсиш коэффициентини аниқлаш учун янгидан келган асосий воситаларнинг қийматини жами асосий воситаларнинг миқдорига бўлиш керак. Асосий воситаларнинг чиқиб кетган қийматининг ўрнини қоплаш коэффициентини топиш учун чиқиб кетган асосий воситаларнинг қийматини янгидан ишга туширилган асосий воситалар қийматига бўлиш орқали аниқланади.

Маълумки, алоҳида олинган асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил иш бажаради ва улар хизмат қилиш муддати бўйича бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Шунинг учун юқоридаги қайд қилинган кўрсаткичларни нафақат асосий воситаларнинг жами миқдори бўйича, балки уларнинг актив ва пассив қисмлари ҳамда алоҳида турлари бўйича ҳам аниқлаш лозим. Асосий воситаларнинг янгиланиш, чиқиб кетиш, қўшимча ўсиш ва ўрнини қоплаш кўрсаткичлари бир-бирлари билан узвий равишда боғланганлар. Бу боғлиқликни кўрсатиш учун қуйидаги 6.3-жадвални тузишни тавсия қиламиз. Таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 3-сонли «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» шаклидан олинади.

6.3 – Жадвал

Асосий воситаларнинг эскириш ва яроқлилик даражасини таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	Йил боши- да	Йил охири- да	Ўзгариш и (+,-)
1.	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	39248	40775	+1527
2.	Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сўм	9317	11008	+1691
3.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (1-қатор - 2-қатор)	Минг сўм	29931	29767	-164
4.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (2-қат.: 1 қат.х100)	Коэф.	23,7	27,0	+3,3
5.	Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти 3-қатор: 1-қатор х100	Коэф.	76,3	73,0	-3,3

Ушбу жадвалдан кўринишича, таҳлил қилинаётган корхонада асосий воситаларнинг ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичлар даражасини юқори деб бўлмайди. Чунончи, жами асосий воситаларни янгилаш фақат 6,3 фоизни, жумладан янги меҳнат воситаларини келтириш 4,4 фоизни ташкил қилди. Бу ўринда асосий воситаларнинг актив қисми бўлмиш машина ва асбоб-ускуналарни янгилаш жараёни биров устун даражада кетаётганлигини таъкидлаш жоиздир. Асосий воситаларни техник жиҳатдан янгилаш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар чиқиб кетган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш ва уларнинг қўшимча ўсиш коэффициентларини қўллаш орқали аниқланади. Агар ушбу коэффициентлар бирдан ёки 100 фоиздан ошса, у ҳолда асосий воситаларни янгилаш интенсив (жадал) тарзда олиб борилаёпти деган хулоса чиқаришимиз мумкин ва аксинча агар коэффициентлар бирдан (100 фоиздан) кам бўлса, унда асосий воситаларни янгилаш жараёни экстенсив равишда олиб борилаётганини билдиради.

Бизнинг мисолимизда чиқиб кетган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш коэффициентининг энг юқори даражаси жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларига мансуб бўлиб, 59,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки машина ва асбоб-ускуналари бўйича бу даража 39,2 фоизни ташкил қилди. Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти билан ишга яроқлилик коэффициенти ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд. Бу боғланишни яққол кўриш учун яна 6.3-жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

Ушбу жадвалда берилган рақамлардан кўринишича, асосий воситаларнинг қарийб чорак қисми амортизациялаштирилган яъни асосий воситаларнинг эскирган қисмининг қиймати амортизация ажратмаси сифатида таркиб топиши тушунилади. Асосий

воситаларнинг яроқлилик коэффиценти етарли даражада. Бинобарин, бу ўз навбатида корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш режасини муваффақиятли бажариш учун имконият яратади. Ва ниҳоят, асосий воситаларнинг техник даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш ёши (даври) ҳисобланади. Бу кўрсаткични аниқлаш асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг ишлаш қобилияти, уларни алмаштириш ҳамда пировард натижада асосий воситаларнинг самарадорлигини оширишга имконият яратади. Таҳлил қилиш учун ҳаракатдаги асбоб-ускуналар маълум турлари бўйича туркумланиб, сўнгра уларнинг ҳақиқатда хизмат қилган даври норматив бўйича хизмат қилиш муддат билан таққосланади. Одатда, асбоб-ускуналар 10 йилгача бўлган даврда алмаштирилса техника тараққиёти талабларига жавоб бера олади деб ҳисобланилади.

Асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш даври қуйидагича тасвирланади:

5 йилгача: 5 йилдан 10 йилгача; 10-йилдан 20 йилгача ва 20 йилдан юқори. Таҳлил қилишда асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат қилиш ёши (даври) ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳаволо қиламиз.

6.4 – Жадвал

Асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш даври бўйича тақсимланиши

(Минг сўм)

Кўрсаткичлар	Хизмат қилиш даври				
	5 йил- гача	5 йил- дан 10 йилгача	10 йилдан 20 йил- гача	20 йил- дан юқори	Жами
Жами асбоб-ускуналар	3280	3100	3600	4000	13980
Жамига нисбатан процент ҳисобида	23,5	22,2	25,8	28,6	100

Ушбу жадвалда берилган рақамлардан фойдаланиб, ҳаракатдаги асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат қилиш даврини аниқлаймиз. Буни ҳисоблаш учун оддий ўртача арифметик усулни қўллаймиз, яъни $(0 + 5):2 = 2,5$ йил; $(5+10):2 = 7,5$ йил; $(10 + 20):2 = 15$ йил; 20 йилдан юқори 20 йил. Шундан сўнг асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат қилиш даврини аниқланади, яъни: $(2,5 \times 0,235 + 7,5 \times 0,222 + 15,0 \times 0,258 + 20 \times 0,286) = 11,8$ йил. Шундай қилиб асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат қилиш даври кўрсаткичи асбоб-ускуналар паркиннинг техник даражасини ҳамда уларнинг маънавий эскиришини ифодалайди.

6.3. Асосий воситалардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурининг муваффақиятли бажарилиши нафақат асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши, техник, ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ. Асосий воситалардан самарали фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб асосий воситалар самарадорлиги ҳисобланади. У асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир сўми ёки минг сўми ҳисобига бир йил давомида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. Масалан, корхонанинг йиллик маҳсулоти 100 миллион сўмни ташкил этсин, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати эса 50 миллион сўм дейлик. Бундай ҳолда асосий воситаларнинг самарадорлиги 2 сўмга тенг бўлади. Демак, восита самараси кўрсаткичини аниқлаш учун товар маҳсулоти ёки соф маҳсулот ҳажмини асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қийматига бўлинади. Буни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин:

$$\Phi_c \frac{T.M}{A_\phi}$$

Бунда: Φ_c – асосий воситалар самарадорлиги;

$T.M$ – товар маҳсулотининг ҳажми;

A_ϕ – асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати.

Асосий воситалар самарадорлиги кўрсаткичи жами асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қийматига ва алоҳида уларнинг актив қисмининг қийматига нисбатан аниқланади. Асосий восита самарси кўрсаткичининг акси восита сиғими кўрсаткичи бўлиб, у асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади. Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-П «Корхона (бирлашма)нинг маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида йиллик ҳисоботи» 3-сонли «Асосий воситаларнинг ҳаракати ҳақидаги ҳисобот» шаклларида олинади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (6.5-жадвал).

6.5 – Жадвал

Асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш.

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йилда	Ҳақиқатда жорий йилда	Ўтган йилга нисбатан фарқи (+,-)
1. Товар маҳсулотлари улгуржи киёсий баҳода, минг сўм.	898370	1000910	+101540
2. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.	355970	379830	+23860
3. Жумладан: машина ва асбоб-ускуналар.	179290	184640	+5850
4. Машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий воситалар таркибида тутган салмоғи (3қатор : 2 қатор) 0,001 аниқликда (коэф.)	0,504	0,486	-0,018
5. Минг сўмлик саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари самарадорлиги (1 қатор : 2 қатор), сўм	2523,7	2685,2	+111,5
6. Минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналар самарадорлиги (1қ : 3қ). сўм	5010,7	5420,9	+410,2
7. Минг сўмлик асосий воситалар самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар:			
а) машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий воситалар таркибида тутган салмоғининг ўзгариши, сўм.	-	-	-90
б) минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналар самарадорлигининг ўзгариши, сўм.	-	-	+200

Ушбу жадвалдан кўринишича, ҳисобот даврида жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларидан фойдаланиш яшиланди, яъни жорий йили воситадан олинadиган самара ўтган йилга нисбатан 111 сўм 50 тийинга ошди. Бунга машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий воситалар таркибида тутган салмоғининг 0,018 бандга

камайтиши натижасида воситадан олинадиган самара 90 сўмга кам бўлди, яъни $(-0,018 \times 5010,7)$ машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган самаранинг 410 сўм 20 тийинга ортиши жами асосий воситалардан олинадиган самарани 200 сўмга ошишига олиб келди, яъни $(410,2 \times 0,485)$. Шундай қилиб, бу икки омилнинг йиғиндиси $(-90) + (+200) = 110$ сўмни ташкил этди. Бу сумма тахминан жами асосий воситалардан олинган самарадаги фарқ - 111 сўм 50 тийинга тўғри келади.

Ҳисобот даврида товар маҳсулоти ҳажми ўтган йилга нисбатан 101540 минг сўмга ошди.

Бунга икки омил таъсир кўрсатди:

1. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини ўзгариши (экстенсив омил).
2. Асосий воситалар самарадорлигининг ўзгариши (интенсив омил).

Биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматида бўлган фарқни уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимизда асосий воситаларнинг қиймати ўтган йилга нисбатан 23860 минг сўмга ошган, уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражаси эса 2523,7 сўмни ташкил этди. Демак, товар маҳсулоти ҳажмини кўпайтиришнинг 60210 минг сўми $(+23860 \times 2523,7)$ ёки 59,3 фоизи $(60215 \times 100)/101540$ экстенсив омил эвазига ҳосил бўлди.

Иккинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун асосий воситадан олинган самарадаги мутлақ фарқни жорий йилдаги асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтирилади. Бизнинг мисолимизда асосий воситадан олинган самара ўтган йилга нисбатан 111 сўм 50 тийинга ошди. Демак, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг 42351 минг сўми $(111,5 \times 379830)$ ёки 41,7 фоизи $(42351 \times 100)/101540$ интенсив омил ҳисобига ҳосил

қилинган. Шундай қилиб, икки омил таъсирининг ўзгариши тахминан, товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги умумий фарқни беради, яъни $(60215 + 42351) = +102566$ минг сўм. Рақамларни яхлитлаш ҳисобига 1026 минг сўмга фарқ ҳосил бўлди $(102566 - 101540) = 1026$ минг сўм.

6. 4. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан фойдаланишни таҳлил қилиш

Асосий воситалар самарадорлиги асбоб-ускуналарнинг иш билан банд қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Иш билан юқори даражада экстенсив банд қилиш смена, иш куни, ҳафта, ой ва ҳоказо мобайнида асбоб-ускуналардан вақт жиҳатдан имкони борица максимал фойдаланишни тақозо қилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив (вақт) бўйича фойдаланиш даражасини уларнинг сменалик (алмашиш) коэффиценти орқали аниқланади. У ҳар бир ускуна, дастгоҳ, кун, ой, чорак (йил чораги) ва йил давомида ўрта ҳисобда қанча смена ишланганлигини кўратади. Сменалик коэффиценти барча сменаларда ишлаган дастгоҳ-смена (машина-сменалар) сонини ўрнатилган ускуналар сонига тақсимлаш орқали аниқланади. Масалан, цехда 92 та дастгоҳ ўртанатилган, улардан мазкур даврда, бир сменада (фақат биринчи сменада) – 40 та, иккинчи сменада (биринчи ва иккинчиси сменада) – 30 та, барча уч сменага 22 та дастгоҳ, ишлаган. Ҳаммаси бўлиб барча учта сменада 144 машина смена $(40 \times 1 + 30 \times 2 + 22 \times 3 = 144)$ ишлаган. Демак, мазкур даврда ускуналарнинг сменалик коэффиценти 1,56 $(144:92)$ ни ташкил этди.

Ҳар бир корхона учун норматив сменалик коэффиценти аниқ белгиланиб, у ускуналарни тўла, максимал даражада иш билан банд қилишни кўзда тутати. Таҳлил қилиш жараёнида амалдаги сменалик коэффиценти норматив доирасидаги сменалик коэффиценти билан таққосланиб, ускуналарни иш билан банд қилишни оширишдаги резервлар аниқланади. Амалда кўпгина корхоналарда сменалик коэффиценти

нормативда анча пастдир, айниқса, машинасозликда 1,4 ни ташкил этади. Шу муносабат билан иқтисодиётни жадаллаштириш шароитида меҳнат жамоалари олдига ускуналарни иш билан максимал банд қилиш, улар ишининг сменалилигини кескин ошириш вазифаси қўйилган. Сменалик коэффициентини оширишга иш жойларини аттестациялаш, ортикча ускуналарни сотиш, кўп дастгоҳда ишлашни ривожлантириш, ишчиларга бириктирилган хизмат кўрсатиш доираларини кенгайтириш, учинчи сменада ишловчилар учун моддий рағбатлантиришни ва имтиёзларни қўллаш ёрдам беради.

Асбоб-ускуналардан имтиёзли фойдаланиш коэффициенти вақт бирлигида амалда эришилган ускуна унумдорлигининг ушбу ускуна ҳили учун белгиланган унумдорликнинг техник нормасига нисбати билан аниқланади.

Асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг интеграл коэффициенти экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларини кўпайтмасидан иборат, яъни ускуналардан вақти ва қуввати бўйича фойдаланиш.

Дастгоҳларнинг йиллик унумдорлик даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир кўрсатади.

1. Дастгоҳлар ёки дастгоҳ-соатлар миқдорининг ўзгариши.
2. Бир дастгоҳ ёки бир дастгоҳ-соатга тўғри келувчи унумдорлик даражаси.

Ушбу омилларнинг таъсири мутлақ фарқ усули орқали амалга оширилади, яъни миқдор ўзгаришда бўлган фарқни сифат кўрсаткичининг режа даражасига кўпайтирилади, сифат ўзгаришда бўлган фарқни эса миқдор кўрсаткичининг амалдаги даражасига кўпайтирилади.

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (6.6-жадвал).

Жадвалда кўринишича, ҳисобот даврида товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ҳақиқатда режага нисбатан 155 минг сўмга ошди. Бунга икки омил таъсир кўрсатди.

- 1) Ишланган дастгоҳ-соатлар сонининг ўзгариши (миқдор кўрсаткич):

$$-23,4 \times 8,63 = -201,9 \text{ минг сўм.}$$

6.6 – Жадвал

Дастгоҳлардан самарали фойдаланишнинг иш вақти ва қуввати бўйича ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқат да	Мутлақ фарқи (+,-)
1. Товар маҳсулоти (минг сўм)	1930	2085	+155
2. Ишланган дастгоҳ-соатлари (минг)	223,7	200,3	-23,4
3. Бир дастгоҳ-соатга тўғри келадиган унумдорлик (сўм, тийин) (1 қатор : 2 қатор)	8,63	10,41	+1,78

- 2) Бир дастгоҳ-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (сифат кўрсаткич):

$+1,78 \times 200,3 = +356,5$ минг сўм. Демак, икки омил таъсирининг ўзгариши тахминан товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги умумий фарқга тенг, яъни $((-201,9) + (+356,5)) = +154,6$ минг сўм. Шундай қилиб, дастгоҳларнинг бекор туриб қолишларини бартараф қилиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш резерви 201,9 минг сўмни ташкил қилар экан.

6.5. Таянч иборалар:

Асосий воситалар, асосий воситаларни таҳлил қилиш мазмуни ва аҳамияти, асосий воситаларни таҳлил қилишда фойдаладиган ахборот манбалари, асосий воситаларни таркиби ва тузилиши, асосий воситаларни ҳаракати, ишлаб чиқариш асосий воситалари, ноишлаб чиқариш асосий воситалари, асосий воситаларнинг бошланғич ва қолдиқ

қиймати, асосий воситаларни қайта баҳолаш, асосий воситаларнинг фаол қисми, асосий воситаларнинг нофаол қисми, асосий воситаларнинг техник ҳолати, асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти, асосий воситаларнинг янгилаш коэффиценти, асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти, асосий воситаларнинг яроқлилик коэффиценти, асосий воситаларнинг маънавий эскириш, асосий воситаларнинг хизмат кўрсатиш йили, бир сўмлик саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларидан олинадиган самара, асосий воситаларнинг фаол қисмидан олинадиган самара, асосий воситалар сиғими, ўрнатилган асбоб-ускуналар, ҳаракатдаги асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффицентлари, асбоб-ускуналарнинг сменалик ишлаш коэффиценти, асбоб-ускуналарнинг бўш туриб қолиши.

6.6. Назорат саволлари

1. Асосий воситаларни таҳлил қилишнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари.
2. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва ўсиш суръатини таҳлил қилиш.
3. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш.
4. Асосий воситаларнинг эскириш даражасини таҳлил қилиш.
5. Асосий воситаларнинг янгилиниш даражасини таҳлил қилиш.
6. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш даражасини таҳлил қилиш.
7. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражасини таҳлил қилиш.
8. Асбоб-ускуналарнинг хизмат қилиш даврини таҳлил қилиш.
9. Асосий воситалардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш.
10. Асосий воситалардан олинган самаранинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш.
11. Асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш.

6.7. «Асосий воситаларнинг таркиби, ҳолатини ва самарадорлигини таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар

- 1. Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланиши ҳамда уларнинг ҳажми ва таркибининг ўзгаришини аниқланг.**
 - А. Асосий воситаларнинг ҳақиқатдаги суммаси режадаги суммасига таққосланади, уч гуруҳ асосий воситалар салмоғининг ўзгариши.
 - Б. Асосий воситалар ва саноат ишлаб чиқариш асосий воситалар салмоғининг ўзгариши ҳамда бошқа тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг таркибининг ўзгариши.
 - В. Асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган суммасини таққослаш ҳамда уч гуруҳ асосий воситалар салмоғини таққослаш.
 - Г. Режадаги асосий воситаларнинг суммаси ҳақиқатдаги суммаси билан таққослаш, асосий воситаларнинг ўсиш суръати, уч гуруҳ асосий воситаларнинг салмоғи.
 - Д. Тўғри жавоб йўқ.
- 2. Асосий воситаларнинг эскириш коэффицентини аниқланг.**
 - А. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси уларнинг бошланғич қийматига нисбати тариқасида.
 - Б. Асосий воситаларнинг эскириш суммасини уларнинг қолдиқ қийматига нисбати тариқасида.
 - В. Асосий воситаларнинг эскириш суммасини уларнинг тиклаш қийматига нисбати тариқасида.

- Г. Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг тиклаш қийматига нисбати.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

3. Асосий воситаларнинг янгилаш коэффициентини аниқланг.

- А. Янги келган асосий воситалар суммасини асосий воситаларнинг йил охирига бўлган қийматига нисбати.
- Б. Янги келган асосий воситалар суммасини асосий воситаларнинг йил бошига бўлган қийматига нисбати.
- В. Янги келган асосий воситалар суммасини асосий воситаларнинг тиклаш қийматига нисбати.
- Г. Янги келган асосий воситалар суммасини уларнинг қолдиқ қийматига нисбати.
- Д. Янги келган асосий воситалар суммасини уларнинг бошланғич қийматига нисбати.

4. Асосий воситаларнинг яроқлилиқ даражасини аниқланг.

- А. Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг бошланғич қийматига нисбати.
- Б. Асосий воситаларнинг тиклаш қийматини уларнинг бошланғич қийматига нисбати.
- В. Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг тиклаш қийматига нисбати.
- Г. Асосий воситаларнинг эскириш суммасини уларнинг бошланғич қийматига нисбати.
- Д. Асосий воситаларнинг эскириш суммасини уларнинг қолдиқ қийматига нисбати.

5. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициентини аниқланг.

- А. Чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг йил бошига бўлган қийматига нисбати.
- Б. Чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг йил охирига бўлган қийматига нисбати.
- В. Чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг қолдиқ қийматига нисбати.
- Г. Чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг тиклаш қийматига нисбати.
- Д. Чиқиб кетган асосий воситалар суммасини уларнинг бошланғия қийматига нисбати.

6. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситалардан олинадиган самарадорлик кўрсаткичини аниқланг.

- А. Товар маҳсулоти ҳажмини саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматига нисбати.
- Б. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- В. Товар маҳсулоти ҳажмини ишланган дастгоҳ-соатларга нисбати.
- Г. Ишланган дастгоҳ-соатларни товар маҳсулотига нисбати.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

7. Машина ва асбоб-ускуналарнинг самарадорлигини аниқланг.

- А. Машина ва асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- Б. Товар маҳсулоти ҳажмини машина ва асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қийматига нисбати.
- В. Товар маҳсулоти ҳажмини ишланган дастгоҳ-соатларни товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- Г. Ишланган дастгоҳ-соатларни товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- Д. Товар маҳсулоти ҳажмини саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматига нисбати.

8. Асосий воситалар сиғими кўрсаткичини аниқланг.

- А. Товар маҳсулоти ҳажмини ишланган дастгоҳ соатларга нисбати.

- Б. Товар маҳсулоти ҳажмига саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматиға нисбати.
- В. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- Г. Ишланган дастгоҳ-соатларни товар маҳсулоти ҳажмига нисбати.
- Д. Товар маҳсулоти ҳажмини машина ва асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қийматиға нисбати.

9. Асосий воситалар билан қуруланиш кўрсаткичини аниқланг.

- А. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини (бошланғич баҳода) ишчиларнинг энг кўп сменадаги сонига нисбати.
- Б. Ишчиларнинг энг кўп сменадаги сонини асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматиға (бошланғия баҳода) кўпайтирилади.
- В. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини (бошланғия баҳода) ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонига нисбати.
- Г. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматини (қолдик қийматда) ишчиларнинг энг кўп сменадаги сонига нисбати.
- Д. Ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сонини саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларига кўпайтирилади.

10. Товар маҳсулоти ҳажмини ўзгаришиға таъсир қилувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ омиллар қандай ҳисобланади?

- А. 1. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматида бўлган фарқ уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади.
- 2. Воситадан олинган самарадаги фарқни жорий йилдаги асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматиға кўпайтирилади.
- Б. 1. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўртача йиллик қийматида бўлган фарқ уларнинг жорий йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади.
- 2. Воситадан олинган самарадаги фарқни ўтган йилдаги асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматиға кўпайтирилади.
- В. 1. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг жорий йилдаги ўртача йиллик қиймати уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади.
- 2. Жорий йили воситадан олинган самарани ўтган йилдаги асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматиға кўпайтирилади.
- Г. 1. Саноат ишлаб чиқариш асосий воситаларининг ўтган йилдаги ўртача йиллик қиймати уларнинг жорий йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади.
- 2. Ўтган йили воситадан олинган самарани жорий йилдаги асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматиға кўпайтирилади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

11. Ишлаб чиқариш асосий воситалари самарадорлигининг ўзгаришиға таъсир қилувчи омиллар қандай ҳисобланади?

- А. 1. Машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий воситалар таркибида тутган салмоғининг ўзгаришини ўтган йилдаги минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналардан олинadиган самараға кўпайтирилади.
- 2. Минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналардан олинadиган самарадаги фарқни жорий йилдаги машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий воситалар таркибида тутган салмоғига кўпайтирилади.
- Б. Машина ва асбоб-ускуналарнинг жорий йилдаги салмоғи ўтган йилдаги минг сўмлик машина ва асбоб-ускуналардан олинган самараға кўпайтирилади.
- В. 1. Машина ва асбоб-ускуналарнинг ўтган йилдаги салмоғи жорий йилдаги машина ва асбоб-ускуналардан олинган самараға кўпайтирилади.

2. Жорий йилда машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи кўпайтирилади.
- Г. 1. Машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган салмоғининг ўзгариш жорий йилда олинган самарага кўпайтирилади.
2. Машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган самарадаги фарқни ўтган йилдаги машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғига кўпайтирилади.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

12. Асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффициентини аниқланг. Цехда 184 та дастгоҳ ўрнатилган, улардан мазкур даврда 1-сменада 80 та, 2-сменада 60 та, барча 3 сменада 44 та дастгоҳ ишлаган.

- А. $(80 \cdot 1 + 60 \cdot 2 + 44 \cdot 3) = 332$ $332/184=1,8$
 Б. $(80+60+44) = 184$ $184/184=1$
 В. $(80+60+44) \cdot 3 = 552$ $552/184=3$
 Г. $((80+60+44) \cdot 2) = 368$ $552/184=2$
 Д. Тўғри жавоб йўқ.

7-Боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ВА УЛАРДАН Фойдаланишни таҳлил қилиш

7.1. Материал сарфини камайтиришнинг иқтисодиётда тежамкорликни амалга оширишдаги аҳамияти

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўз навбатида меҳнат буюмларининг ортишига олиб келади. Агар халқ хўжалигининг айрим тармоқларида (енгил ва озиқ-овқат) моддий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатларида тутган салмоғи 80 фоизни ташкил этишини назарда тутсак, у ҳолда материал сарфини камайтиришнинг нақадар халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз.

Бозор муносабатлари шароитида тежамкорлик режимини кучайтириш, ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришиш, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияга ўтишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, иккиламчи хом ашёни тўплашни, шу жумладан аҳолидан тўплашни ташкил қилиш ва тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш лозим. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида содир бўлаётган хўжасизлик, нобудгарчилик ва тежамсизликларга жуда ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин.

Материал сарфини камайтиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1. Маҳсулотларнинг конструкциясини ўзгартириш ва такомиллаштириш.
2. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишлаб чиқариш дастгоҳларининг технологиясини такомиллаштириш.
3. Энг мақбул бичиш хариталарини қўллаш орқали материалларга кетадиган харажат нормаларини камайтириш.
4. Ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.
5. Ишлаб чиқаришда бракга асло йўл қўймаслик ва х.к.лар.

Моддий ресурсларнинг асосий қисмини меҳнат предметлари ташкил қилади. Буларга: хом ашё, материаллар, ёнилғи ва бошқа предметлар кириб, улар ҳар бир ишлаб чиқариш циклида бутунлай ўз қийматини маҳсулотга ўтқазади. Буларнинг таҳлили ҳам иқтисодиётни ўнглашда муҳим аҳамиятга эга.

7.2. Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш

Маҳсулот етказиб бериш шартномалар билан расмийлаштирилади. Бунда транзит билан (бевоста) маҳсулот тайёрловчилардан истеъмолчиларга ёки таъминот – мол ўтказиш корхоналари ва ташкилотларининг омборлари орқали (омборлардан мол етказиб бериш) амалга оширилади. Маҳсулотларни омборлардан етказиб беришда мол олувчиларга маҳсулотни истеъмолга тайёрлаш (материалларни қирқиш ва бичиш, майда идишларга қадоқлаб ёки ўлчаб жойлаш) ва бошқалар юзасидан ишлаб чиқариш ва транспорт хизматлари кўрсатилади.

Моддий-техника таъминотини бозор муносабатларига мос равишда қайта қуриш моддий ресурсларни марказлаштирилган тарзда воситалаш ва истеъмолчиларни мол етказиб берувчиларга бириктириб уларнинг буюртмаси бўйича, шартнома нархларидан фойдаланган ҳолда, харидор манфаатини кўзлаб, иш юзасидан шерик танлаш орқали эркин олди-сотди шаклидаги савдо қилишга ўтиш натижасида ишлаб чиқарувчининг ўз амрини ўтказишини ва монополиясини (танҳо ҳуқуқга эга бўлиши) бартараф этиб ривожланган бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди. Корхоналарнинг моддий-техника таъминотининг ҳолатини таҳлил қилиш чекланган доирада олиб борилади, чунки корхоналарнинг ҳисоботида, жумладан йиллик ҳисоботда таъминот ҳолати тўғрисида маълумотлар жуда ҳам кам берилади, унда келтирилган материалларнинг ассортименти ва сифати бўйича ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжларига мос келадими ёки йўқми шунга ўхшаш маълумотлар кўрсатилмайди. Шунинг учун моддий-техника таъминоти ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун корхонанинг таъминот бўлими ва омборхонанинг маълумотларига мурожаат қилиш керак бўлади. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда материаллар гуруҳи ва уларнинг алоҳида олинган хиллари бўйича уларнинг келтирилиши, режанинг қандай бажарилганлигини аниқлаш мумкин.

Йиллик ҳисоботдан эса фақат ишлаб чиқариш заҳираларининг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни (балансдан), ишлаб чиқаришга кетган харажатлар суммасини 5-с «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга корхона сарф харажатлари тўғрисида ҳисобот» шаклидан олинади.

Юқорида қайд этилган шаклларида олинган маълумотларга асосланиб моддий-техника таъминоти бўйича режанинг бажарилишига умумий баҳо бериш мумкин. Бундай юзаки таҳлил корхоналарнинг таъминот ҳолатини ҳар томонлама аниқлашда етарли эмас, чунки корхоналар умуман материаллар билан таъминланганлари ҳолда материалларнинг қайси бирлари бўйича ортиқчалик, қайси бирлари бўйича эса етишмовчилик бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун корхоналарнинг материаллар билан тўла-тўқис ва зарур ассортиментлари бўйича таъминланганлигини аниқлаш учун омборхона ҳисоботидан олинган маълумотларга мурожаат қилиш керак.

Моддий-техника таъминотини таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Моддий-техника таъминоти бўйича режанинг бажарилиши ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияси аниқланади.
2. Моддий-техника таъминотини алоҳида турлари бўйича режанинг бажарилиши ўрганиб чиқилади.
3. Моддий-техниканинг ўз вақтида ўрнатилганлиги ва унинг самарадорлиги ўрганилади.
4. Моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи кўриб чиқилади.

Ушбу ҳисоб-китоблар тегишли амалий маълумотлар асосида аниқ хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилади.

7.3. Ишлаб чиқаришда материаллардан Фойдаланишни таҳлил қилиш

Материалларни режа доирасида тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режани бажариш учун имконият яратади. Агар материаллар тежаб-тергаб сарф этилмаса ва уларнинг ҳақиқатдаги сарфи нормага нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда тайёрланган материаллар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режасини бажариш учун етарли бўлмайди. Таҳлил қилиш орқали материаллардан фойдаланишда ортиқча сарф-харажат бўлган бўлса, у ҳолда қанча кам маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки материалларни тежаш натижасида қанча қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарганлигини аниқлаш мумкин. Буларни ҳисобга олиш усули куйидагича:

1. Маҳсулот бирлиги учун белгиланган харажат нормасини материалларга кетган ҳақиқий харажатлар билан таққосланади.

2. Эришилган тежам ёки ортиқча харажат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорига кўпайтирилади.

3. Материалларни сарф этишда содир бўлган ортиқча харажатни режа бўйича белгиланган харажат нормасига бўлинади, унинг тежалган қисмини эса ҳақиқий харажат миқдорига бўлинади. Шу тариқа натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки ортиқча харажат оқибатида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот ҳажми аниқланади. Таҳлил учун керакли маълумотлар муҳим маҳсулот турлари таннархида (калькуляциясида) берилди (7.1-жадвал).

7.1- Жадвал.

Материаллардан фойдаланишнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Эркаklar пойафзали	Хотин- қизлар пойафзали
1. Маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган кун товарлари – 100 жуфт пойафзалга кв.дцм. режа бўйича ҳақиқатда фарқи (+,-)	1817 1805 -12	1820 1827 +7
2. 100 жуфт ҳисобида ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	7850	5070
3. Тежам (-), ортиқча (+) ҳамма ишлаб чиқарилган пойафзалга (минг, кв. дцм)	(7850x12) -94,2	(5070x7) +85,5
4. Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ёки кам ишлаб чиқариш	(94,2:1805) +52	+85,5:1820 -27

Жадвалдан кўринишича, корхонада эркаklar пойафзалини тайёрлашда унга сарфланадиган кун товарларини тежаш натижасида қўшимча равишда 52 жуфт ишлаб чиқаришга эришди. Хотин-қизлар пойафзалини тайёрлашда эса 35,5 минг кв. дцм. га кўп кун товарлари ортиқча ишлатилган. Натижада 27 жуфт аёллар пойафзали кам ишлаб чиқарилди. Алоҳида олинган материаллардан фойдаланишни таҳлил қилишдан ташқари корхона бўйича материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш керак. Таҳлил учун керакли маълумот йиллик ҳисоботнинг I-II сонли «Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот»и ва 5-с шаклидан олинади.

7.2 - Жадвал.

Меҳнат буюмларидан самарали фойдаланишнинг ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Бизнес- режа	Ҳақи- қатда	Мутлақ фарқ (+,-)
---	--------------	-----------------	----------------	----------------------

		бўйича		
1.	Моддий харажатлар, минг сўм.	628430	620430	-8000
2.	Товар маҳсулоти, минг сўм.	942600	997970	+55370
3.	Бир сўмлик моддий харажатларга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (2 қатор: 1 қатор), сўм, тийин	1,50	1,61	+0,11
4.	Товар маҳсулотига кетган материал сарфи, тийин (1 қатор: 2 қатор), 0,0001 аниқликда	0,6667	0,6217	-0,045
5.	Материал сарфи ўзгаришининг таъсири(+,-) а) товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннарих моддий харажатларда (қимматлашиши +; пасайиши -) минг сўм. (4 қатор 5 ус х 2 қатор 4 ус) б) товар маҳсулотининг ҳажми, минг сўм. (3 қатор 5 ус : 4 қатор 3 ус)	- -	- -	-44908 +67358

Ҳисоби:

$$5 \text{ а} - 0,045 \times 997970 = -44908 \text{ минг сўм (+)}$$

$$5 \text{ б} - 44908 : 0,6667 = +67358 \text{ минг сўм (-)}$$

Таҳлил қилинаётган корхона моддий харажатларни тежаш натижасида қўшимча равишда 67358 минг сўмли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Демак, корхона товар маҳсулотига кетадиган материал сарфини камайтириш борасида барча чора ва тадбирларни қўлламоқда деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Жадвалдан кўринишича ҳисобот йили ҳақиқатда товар маҳсулоти ҳажми бизнес-режага нисбатан 55370 минг сўмга ошган. Бунга икки омил таъсир кўрсатади:

1. Моддий харажатларнинг ўзгариши (экстенсив омил): $-8000 \times 1,50 = -12000$ минг сўм.

2. Материал самарасининг ўзгариши (интенсив омил): $+0,11 \times 620430 = +68247$ минг сўм.

Ҳисобланган икки омилнинг йиғиндиси $(-12000) + (+68247) = +56247$ минг сўм. Маҳсулот ҳажмидаги мутлақ фарқга (55370 м.с.) тахминан тенг келади. Бундаги 877 минг сўмга фарқ $(56247 - 55370)$ омиллар миқдорини яхлитлаш ҳисобига рўй берди.

Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши фақат интенсив (жадал) омил ҳисобига содир бўлди. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошганлигидан далолат беради.

7.4. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича йиғма резервларни аниқлаш

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад ички хўжалик резервларини аниқлашдир.

Ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни хўжалик оборотига йўналтиришда корхоналар катта имкониятларга эга. Бу эса ишлаб чиқариш ресурслари (меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари)дан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу омилларни юқорида батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилдик. Йиғма резервларни аниқлаш учун қуйидаги аналитик жадвални ҳавола қиламиз (7.3-жадвал).

7.3 – Жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни амалга ошириш бўйича йиғма резервларни аниқлаш. (минг сўм ҳисобида)

№	Резервларнинг номи	Суммаси	Жадвалга илова
1.	Меҳнат омиллари		Жадвал
2.	Меҳнат воситалари омиллари		Жадвал

3.	Меҳнат предметлари омиллари		Жадвал
4.	Маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишнинг комплекс резерви х)		
5.	Нормативга нисбатан ортиқча тайёр маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғини сотиш		Баланс
6.	Кўпайтирилган товарлар, лекин ўз муддатида ҳақи тўланмаган ва жавобгарлик билан сақланадиган товарлар		баланс
	Товар ва сотилган маҳсулот ҳажмининг оширишнинг жами резерви (4=+5=+ 6=)		

*) Комплекс резерв деганда, резервларнинг энг кам суммаси олинади.

7.5. Таянч иборалар:

Меҳнат буюмлари, моддий харажатлар, тежамкорлик режими, ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқитсиз технология, хўжасизлик, нобудгарчилик, материал сарфини қайтариш йўллари, моддий-техника таъминоти, мол етказиб бериш бўйича шартномалар, истеъмолчиларнинг буюртмаси, шартнома нархлари, харидор манфаати, шерик танлаш, эркин олди-сотди шакли, ишлаб чиқарувчининг якка ҳокимлиги (монополияси), ривожланган бозор, таъминот ҳолати, омборхона маълумотлари, ишлаб чиқариш заҳиралари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича сарф –харажатлари, маҳсулот бирлиги учун белгиланган харажат нормаси (меъёри), ҳақиқатдаги харажатлар, тежамкорлик натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ортиқча харажат оқибатида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот ҳажми, муҳим маҳсулот турлари калькуляцияси, бир сўмлик моддий харажатларга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (материал самараси), бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар ҳажми (материал сарфи), товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар, комплект резервлар.

7.6. Назорат саволлари

1. Моддий ресурслар билан таъминланиш ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.
2. Материал сарфини камайтиришнинг йўллари.
3. Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш.
4. Маҳсулот етказиб бериш қандай расмийлаштирилади?
5. Корхоналарнинг моддий-техника таъминотининг ҳолатини таҳлил қилиш.
6. Ишлаб чиқаришда алоҳида олинган материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш.
7. Материалларни тежаш натижасида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қандай аниқланади.
8. Материалларни ортиқча харажат қилиш оқибатида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот ҳажми қандай аниқланади.
9. Корхона бўйича меҳнат буюмларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш.
10. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қандай меҳнат буюмлари омиллари таъмир кўрсатади.
11. Маҳсулотни ишлаб чиқаришни ошириш бўйича комплекс резервлар суммаси қандай аниқланади.

7.7. «Саноат корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар

1. Материал самараси кўрсаткичини аниқланг.

- А. Моддий харажатлар суммасини товар маҳсулоти хажмига нисбати.
- Б. Ишлаб чиқариш захиралари суммасини товар маҳсулотига нисбати.
- В. Ишлаб чиқариш харажатлари суммасини товар маҳсулоти хажмига нисбати.
- Г. Товар маҳсулоти хажмини моддий харажатлар суммасига нисбати
- Д. Товар маҳсулоти хажмини ишлаб чиқариш таннархига нисбати.

2. Материал сарфи (сиғими) кўрсаткичини аниқланг.

- А. Товар маҳсулоти хажмини моддий харажатлар суммасига нисбати.
- Б. Моддий харажатлар суммасини товар маҳсулоти хажмига нисбати.
- В. Товар маҳсулоти хажмини ишлаб чиқариш захиралари суммасига нисбати.
- Г. Ишлаб чиқариш захиралари суммасини товар маҳсулоти хажмига нисбати.
- Д. Ишлаб чиқариш таннарихини товар маҳсулоти хажмига нисбати.

3. Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ўз қийматини бутунлай маҳсулотга ўтказадиган нарсалар

- А. фақат хом ашё
- Б. меҳнат воситалари.
- В. меҳнатнинг ўзи.
- Г. моддий ресурслар.
- Д. меҳнат предметлари.

4. Ишлаб чиқариш циклида ўз қийматини қисман маҳсулотга ўтказадиган нарсалар

- А. фақат хом ашё
- Б. меҳнат воситалари.
- В. меҳнатнинг ўзи.
- Г. моддий ресурслар.
- Д. меҳнат предметлари.

5. Иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи омил бу

- А. фақат хом ашё
- Б. меҳнат воситалари.
- В. меҳнатнинг ўзи.
- Г. моддий ресурслар.
- Д. меҳнат предметлари.

6. Моддий харажатлар (Мх) самарадорлиги қандай аниқланади?

- А. маҳсулот (М) / Мх
- Б. МХ / М
- В. Мх - М
- Г. Мх / барча харажатлар (Бх)
- Д. Бх / Мх

7. Маҳсулотнинг моддий харажатлилиги қандай аниқланади?

- А. маҳсулот (М) / Мх
- Б. МХ / М
- В. Мх - М
- Г. Мх / барча харажатлар (Бх)
- Д. Бх / Мх

8. Моддий харажатларнинг барча харажатлардаги улуши қандай ҳисобланади?

- А. маҳсулот (М) / Мх
- Б. МХ / М
- В. Мх - М
- Г. Мх / барча харажатлар (Бх)
- Д. Бх / Мх

9. Маҳсулотнинг харажатлилиги қандай аниқланади?

- А. маҳсулот (М) / Мх
- Б. МХ / М
- В. Мх - М
- Г. Мх / барча харажатлар (Бх)
- Д. Бх / Мх

10. Моддий харажатларнинг кўпайиши эвазига маҳсулот кўпайса қандай омил?

- А. ижобий
- Б. салбий
- В. экстенсив
- Г. интенсив
- Д. доимий

11. Маҳсулот Мх самарадорлиги ошиши эвазига кўпайса бу қандай омил?

- А. ижобий
- Б. салбий
- В. экстенсив
- Г. интенсив
- Д. доимий

12. Моддий ресурсларнинг мавжудлиги қандай омил?

- А. ижобий
- Б. салбий
- В. экстенсив
- Г. интенсив
- Д. доимий

13. Моддий харажатларнинг кўпайиши қандай омил?

- А. ижобий
- Б. салбий
- В. экстенсив
- Г. интенсив
- Д. доимий

14. Моддий харажатларнинг муттасил камайиб бориши қандай омил?

- А. ижобий
- Б. салбий
- В. экстенсив
- Г. интенсив
- Д. доимий

8.1. Корхонада рақобатбардошликнинг мазмуни ва шакллари ҳамда уни таъминлашнинг аҳамияти

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири шу тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо, бу масала иқтисодий ва молиявий таҳлилга оид адабиётларда²² етарли даражада ёритилмаган. Бу соҳа ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, кам тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, рақобатбардошликни таҳлил қилганда, икки нарсага аҳамият бериш лозим. Биринчидан, тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигидир. Аммо, бу масала ҳам иқтисодий адабиётларда алоҳида қаралмаган. Шу туфайли уларнинг мазмунига алоҳида аҳамият бериб, унинг таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг қўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатларни мақсадга мувофиқ йўналтириб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги тушунилади.

Ҳар бир тадбиркор кенг қўламда фаолият кўрсата олсагина, рақобатбардошли бўлади. Энг муҳими, у бошлаган фаолият бугунги кун натижаси билан чекланиб қолмаслиги керак. Албатта, келажак истиқболлини кўзда тутган, унга мўлжалланган бўлиши лозим. Масалан, тадбиркор тегирмонга эга. У ерда ун ишлаб чиқаради ва сотади. Қўлами кенгроқ бўлиши учун тадбиркор, энг аввало, шу тегирмондан ишлаб чиқарадиган ундан нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ва шу нонни сотиш учун бир қанча ҳудудларда савдо дўконини ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчидан эса, ун ва нон ишлаб чиқариш истиқболли соҳа. Ҳамиша истеъмол қилиниб туриладиган маҳсулотлардир. Аммо бошқа рақобатчиларига нисбатан ўз маҳсулотининг сифатини ошириши ва нархини ҳаддан зиёд кўтариб юбормаслик чораларини кўриши керак. Шундагина у, рақобатбардош ва рақобат майдонида инқирозга учрамайдиган бўлади.


Иккинчи йўналиш, бу тадбиркорнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлигидир. Бу тушунчага қуйидагича таърифни тавсия қиламиз.

Тадбиркор товари (иши, хизмати) рақобатбардошлиги деганда, рақобатдош субъектлар товари (иши, хизмати)нинг сифати ва нархига нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатларнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи омиллар тизими тушунилади.

Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда эркин рақобат муҳити тўлиқ яратилди, деб бўлмай-ди. Чунки бу жараён ҳам маълум шаклланиш даврини ўтамоғи лозим.

²² Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меънат, 2000, Абдуллаев Ё. Бозор илтиқодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меънат, 1997; Отахонов Ф., Эрназаров У. Хусусий тадбиркорлик. Т.: Адолат, 1995; Фуломос С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: Шаръ, 2002.; Тухлиев Н., Ёлмасов А. Ишбилармонлар луғати. Т.: Ёомуслар Бош тақририяти, 1993.; Хъжаев Э. ва бошълалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самаръланд, 1997. Абдукаримов И.Т. ва бошълалар. Матлубот кооперациясининг хъжалик фаолиятини анализ љилиш. Т.: Ёљитувчи, 1989. Курс эконоћического анализа. Под ред. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984. Барингольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975. Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Вышэйшая школа, 1995. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000. Ергешев Е. Илтиқодић ва молиявий тақлил. Т.: Молия, 2000. Абдуллаев Ё., Иброќимов А., Раќимов М.Илтиқодић тақлил. Т.: Меќнат, 2001. Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). М.: Экономика, 1974. Пардаев М.Љ., Исроилов Б.И. Илтиқодић тақлил I-II-љисмлар. Т.: «Илтиқодић ва куљуљ дунёси» нашриёт уйи, 2002.ва к.к.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор муносабатлари шароитида рақобатнинг бир қанча шакллари мавжуд экан. Улар ҳақида хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган асарларни²³ ўрганиб, шундай хулосага келдикки, Ўзбекистонда унинг ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шароитида учта шакли мавжуд: такомиллашган, олигополлашган ва монополлашган рақобатлар (8.1-чизма).



8.1-Чизма. Рақобатнинг шакллари

Рақобатнинг бу хусусиятларидан кўриниб турибдики, у бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу туфайли ҳозирги ўтиш даврида давлатнинг асосий функцияларидан бири мамлакатимизда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборатдир.

Эркин рақобат, энг аввало, иқтисодиётнинг қуйи бўғинида, яъни фирма, корхоналар ва корпорациялар каби хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида яратилмоғи лозим.

Бу эса, ўз навбатида айнан иқтисодиётнинг шу қуйи бўғинида хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо иқтисодий таҳлилнинг шу эркин рақобат шароитига мос бўлган назарий ва методологик асоси, айниқса корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган жиҳатлари кам тадқиқ қилинган.

Иқтисодий таҳлилнинг, ҳозирги мураккаб вазиятда, асосий вазифаси, турли усулларни қўллаб корхоналарни банкротликдан, синишдан сақлаб қолишни таъминлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун тегишли йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир.

Бу эса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишнинг аниқ вазифасини ва уни амалга ошириш усулларини белгилаб олишни тақозо қилади.

²³ Стоянов Е.А., Стоянова Е.С. Экспортная диагностика и аудит финансово-хозяйственного положения предприятия. - М.: НКЦ «Перспектива», 1992; Расулов М.Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999; Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий тақлил. Т.: «Иқтисодиёт ва кулӯль дунёси» нашриёт уйи, 1998; Касанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий колатини баҳолаш: муаммолар ва уларни қалъилиш. Т.: «Иқтисодиёт ва кулӯль дунёси» нашриёт уйи, 1999; Мисаков В.С. Анализ конкурентоспособности фирмы. - М.: Финансы и статистика, 1998; Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. ва қ.к.

8.2. Рақобатбардошликнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни баҳолашда бошқарув таҳлилининг вазифалари

Бозор муносабатларининг шаклланиши олдин дуч келмаган бир қанча жараёнларни вужудга келтиради ва келтирмоқда. Булар жумласига рақобат муҳити, рақобатбардошлик, банкротлик, иқтисодий ночорлик, корхонанинг синиши каби тушунчаларни киритиш мумкин. Улардан бири корхоналарнинг рақобатбардошлигидир.

Бу жараён ўз навбатида иқтисодий эркинлик билан бирга эркин рақобат муҳитини ҳам яратишни тақозо қилади. Эркин иқтисодиёт йўқ жойда эркин рақобат, эркин рақобат йўқ жойда эса эркин иқтисодиёт бўлмайди. Шу туфайли бу жараённи амалга ошириш учун комплекс тадбирларни ишга солишни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги жараённи амалиётга жорий қилиш учун олдин унинг назарияси ишлаб чиқилиши лозим. Аммо Ўзбекистонда рақобат муҳитини яратиш, эркин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик субъектининг табиати қандай бўлиши хусусида ўзимизга хос назарий концепция яратилган эмас. Биз эркин рақобатни бозор муносабатлари тараққий этган мамалкатларда қандай бўлса шундай тушунмоқдамиз. Бироқ, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлига, ўзига хос минталитетига, қадриятига, урф-одатларига эгаки, булар эркин рақобатни ҳам ўзига хос бўлишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатнинг Ўзбекистонга хос назарий асосини яратиш заруриятини туғдиради.

Корхоналар фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса корхоналарда давлат буюртмаси, уни бошқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви камроқ бўлмоғи лозим. Бу борада жуда кўп ишлар қилинмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамалкатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда. Ҳақиқатда эркин рақобат муҳити яратилса, бу бир қанча муҳим қонуниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар жумласига товарларнинг жойланиши, нархнинг маълум меъёр даражасига келиши, унинг доимий равишда ошиб боришига барҳам бериши, талабга қараб ҳудудлар бўйича жойланиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиши кабиларни киритиш мумкин.

Зеро, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир тадбиркор рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони - у ҳалол-покиза яшаш, ўзининг маҳсулот (иш, хизмат) сифати ва самарадорлигини ошириш натижасида ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш, хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим.

Рақобатбардошлик корхонанинг қандай рақобат муҳитида фаолият кўрсатаётганлигига боғлиқ. Биз юқорида ўзимизга хос рақобат муҳити ҳақида гапирган эдик. Бу ўзига хослик, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослиги, унинг эркин рақобат муҳитига таъсири, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизда эркин рақобат субъектларининг шаклланиши асосан хусусий мулк негизида эмас, балки давлат мулкни хусусийлаштириш эвазига амалга оширилганлигидир. Бу корхоналар қаттиқ режа асосида фаолият кўрсатишга мослашган корхоналар эди. Уларни бозор шароитига кўниктириш, албатта, унчалик осон иш эмас. Шу туфайли уларнинг кўпи инқирозга учраб синиб бормоқда.

Иккинчидан, корхоналар хом ашё, ускуналарни қатий фонд асосида олишга одатланган бўлиб, ишлаб чиқарган товарларини давлат буюртмаси асосида тақсимлар эди. Унда эркин сотиш, харидорни топиш, маркетинг хизмати каби бозор муносабатлари тамойилларига асосланмас эди. Бу тамойилларнинг жорий қилиши ҳам кўплаб корхоналарнинг ўз ўрнини топиб кетиши учун тажриба етишмаслиги туфайли катта қийинчиликларга дуч келмоқда.

Учинчидан, олдин товар олишда олдиндан тўлаш усули кам қўлланилар эди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга савдо корхоналари томонидан товарни сотиб пулини тўлашдек савдо хизмати кўрсатилар эди. Энди эса, ҳар қандай товар учун олдин пули тўланиб кейин сотиб олинадиган бўлди. Бу жараён ҳам бозор тизимидаги барча хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан барқарор ва мустаҳкам бўлишини тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, ўзимиз ишлаб чиқарган товарлар омборларда қолиб, четдан жуда кўп сифатсиз товарлар кириб келди ва улар ўзимизнинг товаримизни касодга ўчратди. Бу жараён товаримизнинг сифатсизлигидан ёки харидор талабидан ортиқчалигидан эмас, балки бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш сир-асрорларини билмаслик оқибатида келиб чиқмоқда.

Бешинчидан, бу юқорида қайд қилинган омиллар натижасида, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилмаслиги оқибатида жуда кўп ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорлар, корхона ва фирмалар ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлдилар. Бу эса, жуда кўп корхоналарнинг рақобатда бой берганлигидан эмас, балки бозор муносабатларига мослаша олмаганлиги натижасида инқирозга учраб, синиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, бозор муносабатларининг тўлиқ амал қилиши учун эркин рақобатни таъминловчи жуда кўп тадбирларни амалга ошириш лозим экан. Бу тадбирлардан бири, корхонанинг ишлаб чиқарадиган товарини (иш, хизматини) чуқур таҳлил қилиб, уни бозорга, истеъмолчига, харидорга мослаштириш йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири тадбиркор товари (иши, хизмати)нинг истеъмолчига (харидорга) қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо қилади. Бу эса бир қанча йўналишларда амалга оширилади. Буларга техник йўналиш, иқтисодий, эргономик, эстетик, меъёрий йўналишларни киритиш мумкин.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигини аниқлашда қўлланиладиган **техник йўналишга** унинг техник хусусияти, қўлланилиш соҳаси, яроқлилиги ва кафолат муддатлари, сифати каби истеъмол қийматини оширувчи омиллар киради.

Товарнинг **иқтисодий қулайлиги**, унинг баҳоси, маълум муддатда ёки ишлатиш давомида бепул таъмирлаб бериши ёки кафолат муддатида бепул эҳтиёт қисмларни алмаштириб бериши, ишлатиш давомида (кафолат муддатида кейин ҳам) унга сервис хизматини кўрсатиш тартиби, харидорнинг иқтисодий имконияти, мазкур товарнинг унга нархи ва сифати жиҳатидан мос келиши, ушбу товарнинг харидорлар ижтимоий қатламига, касбий йўналишига мос келиши каби омилларни ўз ичига олади.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигининг **эргономик йўналишига** унинг одам организмга мослиги, саломатлигига хавфсизлиги, таркибида табиий ва сунъий тола (материаллар)нинг улуши каби омилларни киритиш мумкин.

Харидорга (истеъмолчига) товарнинг **эстетик йўналиши** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга унинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги, ўлчамининг мослиги, дид билан безатилганлиги каби омилларни киритса бўлади.

Ҳозирги пайтда истеъмолчилар ҳукукидан келиб чиқиб ҳар қандай товарнинг меъёрий ҳужжатларга, стандартларга (андозаларга) тўғри келишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» каби бир қанча қарорлари қабул қилинди ва

уларда товарнинг манбаси қаердан чиқишлигидан (четникими, ўзимизда ишлаб чиқарилганми) қатъий назар, давлат тилида сертификатнинг бўлиши кўзда тутилган.

Товар (иш, хизмат)нинг ушбу йўналишлари тўғрисидаги маълумот статистик ва бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботларида ўз аксини топган эмас. Шу туфайли бу кўрсаткич ва омилларни тадбиркорлик субъектида фаолият кўрсатувчи маркетинг ва менежерлар махсус ўрганиш, кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида қайт қилиб бориш тартибини йўлга қўйиши лозим. Тадбиркорнинг рақобатбардошлиги, бу оддий тадбирлар билан таъминланмайди. У жуда кўп сай ҳаракатларни, тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш катта тадбирлар мажмуасини талаб қилар экан. Бу эса бошқарув таҳлили олдида ўта муҳим ва янги вазифаларни юклайди.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлили эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

* рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқ олиб бориш;

* рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;

* рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиш;

* барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган рақобатбардошликни ифодаловчи ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;

* барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб бошқарув таҳлилининг аниқ вазифасини белгилаб олиш мумкин. Бунга қуйидагилар киради:

1. Истеъмолчилар, яъни харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш. Бунда харидорларнинг пул даромади, касбий йўналиши, миллий таркиби, мавсумнинг ўзгариши каби бирқанча йўналишлар кўриб чиқилади ва булар бўйича аниқ маълумотлар тўпланади.
2. Бозорнинг ҳолатини ўрганиш. Унинг хизмат қилиш салоҳиятини, аҳолининг жалб қилинганлиги ва айнан тадбиркорнинг товарига ўхшаш товарларнинг рақобатчилари томонидан қандай сотилаётганлиги, уларнинг сифати, нархи ўрганилади.
3. Тадбиркор рақобатчилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади ва уларни мазкур тадбиркор фаолиятидаги рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан солиштирилади, товар (иш, хизмат)нинг жозибаси, сифати ва нархи инобатга олиниб шу соҳа бўйича тегишли тўхтамга келинади.
4. Ушбу 1-3 бандлардаги тўпланган ахборотлар асосида тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган товарининг, бажараётган ишининг ва кўрсатаётган хизматининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бу чора-тадбирларда юқорида таъкидланган истеъмолчига (харидорга) қулай бўлишнинг йўналишларини такомиллаштириш бўйича иш олиб боради. Бунда:
 - 4.1. Товар (иш, хизмат)нинг техник йўналиши бўйича барча омиллар ўрганилиб, уларнинг такомиллашиш чораларини кўради.
 - 4.2. Товар (иш, хизмат)нинг иқтисодий йўналишида асосий эътибор кам харажат эвазига юқори фойда олишни, унинг сифатини бузмаган, жозибасини оширган ҳолда эришишга қаратилган бўлади.

- 4.3.** Товар (иш, хизмат)нинг эргономик йўналишида одамалрнинг саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган, улардан фойдаланишнинг қулайлиги, хавфсизлиги каби ҳолатларни таъминлайдиган жиҳатларига катта аҳамият берилади.
- 4.4.** Товар (иш, хизмат)нинг эстетик йўналиши ҳам унинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини инобатга олиб, рақобатчилар товари (иш, хизмати)га нисбатан жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Агар лозим топилса уни реклама қилишнинг ҳам самарали йўллари ва усулларини ҳам ахтариб топиш чораларини ишлаб чиқади.
- 4.5.** Барча талабларни ўзида мужассам этадиган товарнинг меъёрларга, сертификатга тўғри келиши, айнақса, унинг давлат тилида ҳар бир товарда ифода этилишини таъминлайди. Зеро, товар қулайликларининг ҳамма жиҳатларини кўрсата оладиган ёзувни илова қилиш ҳам ушбу товарнинг рақобатбардошлигини таъмин этишга хизмат қилади.
- 5.** Ҳар бир товар ва товар гуруҳларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг солиштириладиган рақамлардаги мутлоқ (нисбий) миқдори аниқланади.
- 6.** Тадбиркор товари ва фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни бошқа рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирилади ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бошқарув таҳлилининг ушбу вазифаларини бажариши бир қанча қўшимча тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * ишлаб чиқариладиган товарга (иш, хизматга) талабнинг ҳажмини, харидорларнинг тўлов қобилиятини, истеъмолчиларнинг таркибини ўрганиш;
- * бозор сегментини ўрганиш, харидорларнинг касбий, миллий, жинсий, ёши жиҳатидан таркибини аниқ белгилаш;
- * маҳсулотининг рақобатбардошлигини сифатини, нархи ва ҳажми жиҳатидан аниқлаш;
- * маҳсулотни сотишни кенгайтириш учун қўшимча бозорларни ахтариб топиш ва унинг салоҳиятини белгилаш усулларини кўрсатиш;
- * маҳсулотни сотиш ҳажмига таъсир қилувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаб топиб тегишли хулосалар чиқариш ҳамда сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бошқарув таҳлилининг ўзига хос хусусияти шундаки, у корхона раҳбари, эгасига, уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда хизмат қилади. Талабгарга нима зарур бўлса ўша жараёни ўрганиш ва тегишли хулоса чиқариб бошқарув қарорларини қабул қилишдек кенг қамровли иқтисодий ишни бажаришда бошқарув таҳлилидан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, бошқарув таҳлили бошқарувчининг бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади.

8.3. Корхона рақобатбардошлигини таъминлашда иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг ўзаро боғлиқлиги


Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши билан бирга, эркин рақобатнинг вужудга келиши ва бозорни тартибга солиб турувчи унсур сифатида амал қилиши муқаррар. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилган эмас. Айниқса, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масаласи умуман қараб чиқилмаган. Шу туфайли ишда мазкур масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, бозор тизимида унинг унсурлари тўлиқ ишлашга тушгач, тадбиркор ўзининг рақобатбардошлигини таъминламаса, унинг сениши, инқирозга учраши табиий.

Тадбиркор ўзининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун эса, уни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари яхши билиши лозим.

Бозор тизимида ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаши учун тадбиркор қуйидаги учта, энг муҳим унсурларни кўпайтириб туришдан манфаатдор. Буларга:

1. Иш ҳажми, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш.
2. Агар имкони бўлса, товар (маҳсулот, иш, хизмат) баҳосини ошириш.
3. Ишлаб чиқараётган товар (иш, хизмат) сифатини ошириш.

Ушбу унсурлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (8.2-чизма).



8.2-Чизма. Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги

Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий унсурлар ичида баҳо муҳим ўрин тутати. Аммо шуни эътироф этиш керакки, товар (иш, хизмат)нинг ҳажми ҳам, унинг сифати ҳам тадбиркорга бевосита боғлиқ. Аммо баҳо ҳамиша унинг хоҳиш-иродасига ёки саъй ҳаракатларига боғлиқ эмас. Уни бозорнинг қонунлари тартибга солади.

Тадқиқотлар кўрсатдики, тадбиркор ўзининг баҳо сиёсатини шакллантиришда, унинг ўзгаришини кузатиб боришда бирқанча омилларга аҳамият бериши лозим экан. Буларга қуйидагилар киради:

1. Баҳонинг миқдори тадбиркор харажатини қоплайдиган ва маълум даражада унга фойда келтирадиган бўлиши.

2. Баҳонинг миқдори харидорни қочирмайдиган, яъни рақобатчиларининг маҳсулотига нисбатан унинг баҳоси озгина бўлсада камроқ белгиланиши.

3. Ушбу товар баҳоси бозор ва давлатнинг нархлаштириш сиёсатига зид бўлмаслиги, яъни тадбиркор фойдаси маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ўрнига, фақат баҳони ошириш эвазига амалга ошмаслиги. Шу туфайли маҳсулот таннархига қўшиладиган максимал фойда миқдори билан ҳисобланганда, товар баҳосининг миқдори меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим.

4. Мазкур товарга (иш, хизматга) бозор тўйинган бўлиб, унинг баҳоси пасайиш тенденциясига эга бўлганда, баҳонинг пасайиши таннархдан пастга тушиб кетадиган бўлса, мазкур товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бошқа бозоргир товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришга ўтиш, яъни фаолиятни зудлик билан ўзгартириш лозим.

5. Товарни харидор қанча кўп оладиган бўлса, шунга мос равишда унинг баҳосини пасайтириб бориш амалиётини қўллаш лозим. Бу харидорни баҳо сиёсати билан рағбатлантириш эвазига ўзига жалб қилади ва уларнинг сонини муттасил ошириб боради. Бу усул ҳам жаҳон амалиётида синалган бўлишига қарамасдан, бизда унга ҳали кенг қўламда ўтилган эмас.

Баҳо сиёсати иқтисодий сиёсат тизимида ўта нозик сиёсатдир. Шу туфайли бозорни ўрганишда, талаб ва таклиф мувозанатини тузишда бу масалага алоҳида аҳамият

бериши, тадбиркор ва унинг маркетологлари рақобатчи тадбиркорлар товарининг баҳосини, уларда қўлланилаётган баҳо сиёсатини яхши ўрганиб боришлари лозим. Бу ҳолат мазкур тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркор баҳо сиёсатини белгилашда фақат рақобатчилари томонидан ишлаб чиқиладиган товар (иш, хизмат)ларининг баҳоси билангина қизиқиб қолиши, уларнинг фақат баҳо сиёсатини ўрганиш билан эмас, балки шу ва бошқа ҳудудлардаги бозорлардаги ҳолатни ҳам ўрганиши лозим. Агар, бир маҳсулот бир бозорда бир хил баҳода сотилса, иккинчисида ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Агар, шу бозорга товарни олиб бориб сотиш, ташиш харажатларини қоплаб кўпроқ фойда олишни таъминлайдиган бўлса, ўша бозорни ҳам эгаллашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркор қанча кўп бозорни эгалласа, у шунча ўзининг яшовчанлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаб боради. Бу учун тадбиркорда тегишли маълумотлар бўлишини тақозо қилади. Биргина Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги бешта бозордаги нархни олайлик. (8.1-жадвал).

8.1-Жадвал

Самарқанд вилоятининг турли бозорларида тадбиркорлар томонидан сотилаётган товарларнинг 2003 йил 14 декабр ҳолатидаги баҳоси

Товарларнинг номи	Бозорларнинг номи				
	Сиёб бозори	Мармар бозори	Дамарик бозори	Темирйўл бозори	Каттақўрғон бозори
1. Мол гўшт, минг сўм	2,0-2,1	2,2-2,3	1,8-2,0	1,8-2,0	2,0-2,2
2. Картошка, сўм	100-150	110-165	90-110	90-120	90-130
3. Карам, сўм	140-170	150-180	120-150	120-150	100-140
4. Гуруч, сўм	300-450	350-450	300-450	350-550	300-400

Манба: Бозор маъмурияти маълумотномаси ва муаллифнинг шахсий кузатуви натижасида тузилди

Бу ерда гўштни нархи 1,8 минг сўмдан 2,3 минг сўмгача, картошканинг нархидаги тофовут 90 сўмдан 165 сўмгача, карамнинг нархи эса 100 сўмдан 180 сўмгача, гуруч эса 300 сўмдан 500 сўмгача фарқ қилади. Тадбиркор қайси бозорда маҳсулотни сотишни шу маълумотлар асосида ўзи эркин танлайди ва ҳал қилади.

8.4. Корхонанинг баҳо сиёсати

Рақобатбардошликни аниқлашдан олдин, тадбиркорлик субъектининг бозордаги баҳо сиёсатига алоҳида аҳамият бериши мақсадга мувофиқдир. Аммо бу тушунча иқтисодий адабиётларда ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли, муаллифларнинг турли қарашларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бу борадаги ўз тадқиқотимиз натижасини баён қиламиз.

Баҳо сиёсати деганда, тадбиркорнинг қисқа ва ўзоқ муддатли барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган, харажатларини қоплаб, маълум даражада фойда олишга эриштирадиган имкон қадар бозорни эгаллайдиган баҳо миқдорини белгилаши түшүнилади.

Кўриниб турибдики, баҳо сиёсати тадбиркорни тадбиркор қиладиган, унинг бозорни эгаллашида асосий дастак бўладиган, яшовчанлигини таъминлайдиган, рақобатбардошлигини оширадиган муҳим жараён экан.

Баҳо ўзининг бирқанча хусусиятлари билан бозор муносабатлари қонуниятларини тартибга солади ва унинг қонуниятларига бўйсунади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, баҳо тадбиркорнинг режада кўзда тутилган фойдасини таъминлашга хизмат қилади. Агар, у режада кўзда тутилган миқдорда бўлса, режадаги фойдани таъминлайди. Агар, ошиб кетса, мос равишда бир хил иш ҳажми билан кўп фойда олиши мумкин ва аксинча, камайиб кетса, режадаги маҳсулотни ишлаб чиқариб сотган билан кўзда тутилган миқдордан кам фойда олишга эришилади.

Иккинчидан, бир хил товарлар бир хил сифатда бўлиб, баҳоси паст бўлса унга талабни кўпайтириб юборади, натижада, фақат баҳо омили натижасида унинг рақобатбардошлиги ошади.

Учинчидан, баҳонинг ўзгариши бевосита талаб ва таклифнинг мувозанатига ҳам боғлиқ бўлади. Агар товарнинг баҳоси ҳаддан ташқари зиёт бўлса, унга қанча талаб ва эҳтиёж бўлишидан қатъий назар, ўз вақтида сотилмаслиги мумкин. Бу вазият мазкур товарнинг сунъий ортиқчалигини вужудга келтиради. Бу ҳолат эса баҳо омили натижасида тадбиркорга ҳам, жамиятга ҳам анча зарари тегади.

Тўртинчидан, баҳо аҳоли фаровонлигининг, унинг реал даромадининг ошиши учун имкон яратади. Агар, маҳсулотнинг нархи аҳоли даромади билан мувофиқ келса, аҳоли қанча кўп даромад қилса, товар шунча кўп сотилади ва аксинча. Шу туфайли аҳоли даромади даражасининг ўзгариши билан баҳонинг ўзгариши бир-бирига тўғри келиши лозим. Кўп ҳолларда аҳоли даромадининг асосий қисми бўлган иш ҳақи 20 фоиз оширилади. Баҳонинг ошиши ҳам шунга мос бўлса, уларнинг бир-бирига мувофиқ келганлигидан далолатдир. Агар, даромад 20 фоиз ошиб, баҳо 30 фоиз ошса, аҳолининг номинал даромади ошади, аммо реал даромади камаяди ва аксинча.

Бешинчидан, давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг асосида ҳам баҳо ётади. Шу туфайли баҳонинг ошиши бевосита солиқнинг кўпайишига олиб келади ва аксинча. Аммо ҳамма давлат ҳам, жумладан, Ўзбекистон ҳам баҳонинг ошиши эвазига солиқнинг кўпайишига манфаатдор эмас. Чунки кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётган мамлакатнинг бойиш йўли баҳонинг ўсиши эвазига амалга оширилмайди.

Олтинчидан, баҳо бевосита олинган кредитларни ва товар учун тўланиши лозим бўлган қарзларни қоплаш имконини ҳам беради. Булар пулда ифодаланганлиги туфайли, тадбиркор учун маҳсулот ҳажмидан кўра баҳонинг миқдори муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шу ҳолатлардан ҳам кўриниб турибдики, тадбиркорнинг баҳо сиёсати фақат унинг манфаатинигина ифодалаб қолмасдан, аҳолининг ҳам, давлатнинг ҳам, бозорнинг ҳам манфаатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун тадбиркорнинг баҳо сиёсати бозор муносабатлари шароитида унинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

8.5. Корхонада товарнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Тадбиркор товари ва фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни бошқа рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштиришда ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фақат уларникига нисбатан яхши бўлишига эътиборни қаратиш билан чегараланиб бўлмайди, балки харидор (истеъмолчи) талабига мос келишига катта аҳамият берилади. Товари (иш, хизматни) ишлаб чиқариш ва сотишдан пировард мақсад бу истеъмолчига қулай, маъқул бўлишни таъминлаш кўзда тутилади. Демак, шундай экан, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, энг аввало, ана шу истеъмолчи талабини инобатга олиш лозим. Бу эса ҳар бир тадбиркор фаолиятида маркетинг тадқиқотини ўтказишни, турли усул ва йўللари билан харидор талабини чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Табиийки, бу жараён маълум даражада қўшимча харажатларни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, бозор муносабатлари шароитида харажат қилишдан чўчимаслик лозим. Энг муҳими, шу қилинадиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини ва самарадорлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, кўпгина муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бу, ўз навбатида, маълум даражада харажат қилишни талаб қилади. Лекин, қилинган харажатлар тадбиркорга бир неча бор кўп фойда билан қайтсагина унинг самарадорлиги таъминланади. Ҳар бир тадбиркор ана шу ҳолатга эришмоғи лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдорини аниқлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари ва унинг рақобатбардошлигига бағишланган жуда кўп асарлар²⁴ чоп этилди ва этилмоқда. Аммо уларда рақобатбардошликни баҳоловчи, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариш учун асос бўладиган миқдорий кўрсаткичлар деярли тадқиқ қилинмаган. Бироқ, бу борада жаҳон тажрибасига асосланган хорижий адабиётларда²⁵ тегишли тавсиялар келтирилган.

Жумладан, Г.В.Савицкая²⁶ тадбиркор товарининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун рейтинг усулида баҳолашни тавсия қилади. Бу усул қуйидаги боскич бўйича амалга оширилади:

1. Ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган:

$$q = \frac{P}{P_{100}} \times 100$$

Бунда: q - товар рақобатбардошлигини белгиловчи ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич;

P - ҳар бир йўналиш бўйича мазкур товарга тегишли кўрсаткич;

P_{100} - истеъмолчи (харидор) эҳтиёжини тўла (100 %) қондириши учун ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган меъёр.

2. Алоҳида бир-бирига боғлиқ йўналишлар бўйича гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи (G). Бу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган.

$$G = \sum (a_i \times q_i)$$

Бунда: q_i - бир гуруҳга кирувчи i - кўрсаткичнинг миқдори;

a_i - ҳар бир i -кўрсаткичнинг салмоқлилиқ коэффициенти.

3. Умумлаштирилган кўрсаткич (J). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товарнинг техник йўналиши бўйича аниқланган гуруҳ кўрсаткичнинг миқдорини (G_m) иқтисодий йўналиш бўйича гуруҳ кўрсаткичлар миқдорига ($G_{ик}$) бўлиш йўли билан аниқлаш тавсия қилинган:

$$J = G_m / G_{ик}$$

Агар $J < 1$ бўлса, таҳлил қилинаётган товарнинг рақобатбардошлиги унинг намунасига нисбатан паст эканлигидан, агар $J > 1$ бўлса мазкур товар анча рақобатбардош эканлигидан далолат беради.

²⁴ Ёулумов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўлув лўлланма. Т.: Шаръ, 2002.; Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Меънат, 2000.; Хўжаев Э., Юсупова Р., Ражабов Э. ва бошлалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самаръанд, 1997.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луђати. Т.: Љомуслар бош тақририяти. 1993, Мухаммедов М. ва бошлалар. Тадбиркорлик илтисодиётининг асослари. Самаръанд, 1998 ва ё.ё.

²⁵ Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. - 435-439 бетлар.

²⁶ Ўша жойда. 437 бет.

Биз тадқиқ қилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ушбу усул билан аниқланадиган маҳсулотлар етиштирилмаганлиги туфайли мазкур усулнинг амалиётда қўлланилиши мумкинлигини кўрсатиш учун Г.В.Савицкая келтирган мисолни кўрсатиб ўтмоқчимиз (8.2-жадвал).

8.2 - жадвал

Совутгичнинг рақобатбардошлигини аниқлаш учун алоҳида ва гуруҳланган кўрсаткичларни ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Баҳолаш адиган	Stinol (меъёр)	Q _i	a _i	G
А	1	2	3	4	5
Техник йўналиш бўйича					
1. Умумий ҳажми, Дм ³	315	325	0,97	0,15	0,1415
2. Совутгич камерасининг фойдали ҳажми, Дм ³	190	202	0,94	0,25	0,235
3. Музлатгич камерасининг фойдали ҳажми, Дм ³	70	70	1,0	0,20	0,20
4. Музлатгич қуввати кг/сут	4,3	0,95	0,95	0,22	0,209
5. Ўртача хизмат муддати, йил	16	15	1,06	0,10	0,106
6. Музлатгич камерасининг ҳарорати, с ⁰	-15	-18	0,83	0,08	0,0664
Жами					0,962
Иқтисодий йўналиши бўйича					
7. Баҳоси, пул бирлигида	350	400	0,857	0,6	0,525
8. Суткада электр қувватининг сарфи, кВт-ч	1,40	1,45	0,965	0,4	0,386
Жами					0,911

Манба: Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. 4-е издание.

Мн: 000 «Новое знание», 2000 – 438 бет.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, совутгичнинг ҳақиқий баҳоланадиган кўрсаткичи (1-устун) барча ҳолатда (ўртача хизмат муддати бундан мустасно) меъёр кўрсаткичидан паст. Шу туфайли q_i деярли ҳаммасида бирдан кичик бўлган $q < 1$. Масалан, совутгичнинг умумий ҳажми 0,97 (315:325) бўлган бўлса, совутгич камерасининг фойдали ҳажми 0,94 га (190:202) тенг бўлган ва ҳ.к. Ушбу микдорларни ҳар бир кўрсаткичнинг салмоқлилик коэффициентига кўпайтириб, $(q_i \cdot a_i)$ нисбий кўрсаткичи (G) аниқланади. Буларни худди шундай йўл билан иқтисодий йўналиш бўйича ҳам аниқлаб олинади.

Г.В.Савицкаянинг²⁷ тавсиясига кўра, техник йўналиш бўйича солиштириладиган микдорни иқтисодий йўналишдаги микдорига тақсимлаб, умумлашган кўрсаткични аниқлаш мумкин. Бу мазкур мисолда 1,056 ни ташкил қилади.

$$\frac{0,962}{0,911} = 1,056 \text{ коэффициентда.}$$

Рақобатбардошликни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлардан бири мазкур тадбиркор маҳсулотининг шу бозордаги шунга ўхшаш маҳсулотлардаги ҳиссаси билан белгиланади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$T_{mx} = \frac{M_i}{B_m};$$

Бунда: T_{mx} – тадбиркор маҳсулотининг бозордаги ҳиссаси;

M_i – тадбиркор маҳсулотининг ҳажми;

²⁷ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. 4-е издание. Мн: 000 «Новое знание», 2000 – 438 бет.

Бм – бозорда сотиладиган шу маҳсулот тури бўйича жами маҳсулот ҳажми.

Ушбу кўрсаткични таҳлил қилиш учун мазкур бозорда иштирок этувчи бир хил маҳсулот сотадиган тадбиркорлик субъектларининг ҳаммасининг улуши аниқланади. Вақт ўтиши билан тадбиркор маҳсулотининг бозордаги улуши ошиб борса, бу кўрсатадики, мазкур тадбиркорнинг товари рақобатбардошли. Тадбиркор мазкур бозорда ўз маҳсулотининг улушини кўпайтириши билан бирга сотиш ҳажмини ҳам муттасил ошириб боришга эришмоғи лозим. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси тадбиркор маҳсулотининг рақобатбардошлигини белгилайди.

8.6. Корхона фаолиятининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Таҳлил жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳам рақобатбардошлигини аниқлаш лозим. Аммо, бу борада ҳали етарли тавсиялар ишлаб чиқилган эмас. Албатта, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини битта кўрсаткич билан аниқлаш қийин. Уларни баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда унинг шу кўрсаткич бўйича рейтингини аниқлаш билан эришиш мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни тавсия қиламиз:

- тадбиркор маҳсулотининг рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич;
- тадбиркор маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлар ҳажмидаги улуши;
- тадбиркорнинг рақобатбардош маҳсулотни сотиш ҳажми бўйича ўсиш суръати;
- тадбиркор маҳсулоти баҳосининг бозордаги энг юқори баҳога нисбатан коэффициентдаги миқдори;
- тадбиркор маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси;
- маҳсулотнинг жозибадорлиги (товар белгиси, чиройли ўралиши, реклама қилиниши, қулайликларининг батафсил ёритилганлиги кабилар).

Ушбу кўрсаткичлар тадбиркорлар фаолиятининг бошқарув таҳлилида қўлланилади. Ҳамма кўрсаткични аниқлаш учун тайёр маълумот манбаи бухгалтерия, статистик ёки тезкар ҳисоб ва ҳисоботларида кўрсатилмайди. Шу туфайли, уларни аниқлаш маълум даражада тадбиркорга муаммо туғдиради. Бироқ, бозор муносабатлари ҳукм сурадиган эркин рақобат шароитида ҳар бир тадбиркор ўз яшовчанлигини таъминлаш учун ушбу кўрсаткичларни аниқлаши ва таҳлил қилишга мажбур. Бу учун кўрсаткичлар тизимидан ягона комплекс кўрсаткични аниқлаб, корхоналар рейтингига баҳо бериш бўйича бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Булар қуйидагилар:

Масалан, И.Т.Абдукаримов ва М.Қ.Пардаевлар²⁸ комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулаларни тавсия қилган.

$$a_j = \frac{a_i - \min a_i}{\max a_j - \min a_i}; \quad a_j = \frac{\max a_i - a_j}{\max a_i - \min a_i};$$

М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловлар эса кўрсаткичларни солиштириладиган ҳолатга келтириш ва корхона рейтингини аниқлаш учун қуйидаги формулаларни тавсия қилганлар²⁹.

²⁸ Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Ў. Анализ показателей по труду в кооперативной торговле. М.: Экономика, 1978, - 60-76 бетлар.

$$a_{ij} = \frac{a_{ij}}{a_{эм}}; \quad a_{ij} = \frac{a_{эм}}{a_{ij}}; \quad \mathcal{E}_j = \sum_{i=1}^n A_{ij}$$

Худди шунга ўхшаш таклифни МИ.Баканов ва А.Д.Шереметлар ҳам тавсия қилганлар³⁰. Корхона рейтингини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатганлар.

$$R_j = \sqrt{(1-x_{1j})^2 + (1-x_{2j})^2 + \dots + (1-x_{nj})^2};$$

$$R'_j = \sqrt{a^2 + a_{2j}^2 + \dots + a_{nj}^2};$$

$$R''_j = \sqrt{k_1 a_{1j}^2 + k_2 a_{2j}^2 + \dots + k_n a_{nj}^2};$$

$$R'''_j = \sqrt{k_1 (1-x_{1j})^2 + k_2 (1-x_{2j})^2 + \dots + k_n (1-x_{nj})^2};$$

Ушбу усулларнинг ижобий жиҳатлари ёки камчиликларига батафсил тўхталиб ўтирмасдан, шу усулларга асосланган ҳолда, ўзимизнинг тавсияларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Чунки тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, унинг таҳлили ҳам ўзига хослиги билан фарқ қилади. Табиийки, тадбиркорнинг рейтингини аниқлаш ҳам бундан мустасно эмас.

Тавсия қилинган кўрсаткичлар тизимида асосан рейтингини аниқлаш учун олдин ҳар бир кўрсаткични солиштириладиган ҳолатга келтириб олинади. Бу учун икки хил усулдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Биринчидан, кўрсаткич микдорининг ошиши тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилса, у ҳолда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$P_{ij} = \frac{a_{ij}}{мас \cdot a_{ij}};$$

Бунда: P_{ij} – рақобатбардошликни ифодаловчи i -кўрсаткичнинг

j - корхонадаги нисбий (солиштириладиган) миқдори;

a_{ij} – рақобатбардошликни ифодаловчи i -кўрсаткичнинг

j - корхонадаги турли ўлчамдаги (солиштириб бўлмайдиган) ҳақиқий миқдори;

$мас \cdot a_{ij}$ – рақобатбардошликни ифодаловчи i -кўрсаткичнинг j -корхонадаги энг юқори (максимал) миқдори.

Иккинчидан, кўрсаткичлар микдорининг ошиши тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилса, у ҳолда қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$P_{ij} = \frac{мас a_{ij}}{a_{ij}};$$

Ушбу ҳисоб-китоблар амалга оширилгач, барча кўрсаткичлар бир хил ўлчамга эга бўлади. Энди уларни жамлаб, тадбиркорнинг умумий рейтингини (Tr_j) аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Tr_j = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n P_{ij};$$

Бунда: i -кўрсаткичнинг тартиб сони, ($i=1, n$); —

j -корхонанинг тартиб сони, ($j=1, m$);

²⁹ Пардаев М.Ў. Иљтисодий тақлил назарияси, Самарљанд: Зарафшон, 2001. – 184-106 бетлар; Пардаев М.Ў., Исроилов Б.И. Иљтисодий тақлил. 2-љисм. Т.: «Иљтисодиёт ва қўљў дунёси» нашриёт уйи, 2001. – 101-108 бетлар.

³⁰ Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 2000. – 286-293 бетлар

n-рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг умумий сони.

Агар, ушбу тавсияларимиз амалиётда қўлланилиб, ўз ечимини топадиган бўлса, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлаши учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлган бўлар эди. Бу эса, бозор муносабатларига асосланган эркин рақобат ҳукм суриб турган шароитда ҳар бир тадбиркор учун муҳимдир.

Биз мазкур ишда тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини аниқлаш усулига назарий жиҳатдан ёндошиш билан чегараландик, чунки ҳозирги пайтда рақобатбардошликни таъминлашда қўлланиладиган энг зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблаш учун маълумот манбалари етарли эмас. Келгусида ушбу маълумотларни бошқарув ҳисобида акс эттириш унчалик қийинчилик туғдирмайди, чунки маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва уни охириги ҳисоботларда акс эттириш бўйича барча жараёнларни ифода этадиган ахборотлар тизимининг автоматлаштирилиши, ушбу ахборотларни олишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шу туфайли ушбу масала юзасидан тегишли муаммоларни қўйиш ва унинг назарий ечимини бериш билан чегараланганлигимизнинг боиси ҳам шунда.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда, аниқлашдан иборат. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли ахборотларни тўплашни, уларни рақамлар билан ифодалашни, бошқарув таҳлилида қўшимча ахборотларни олиш, унинг қўшимча ҳисобини юритишни тақозо қилади.

8.7. Таянч иборалар

Рақобат муҳити, рақоботбардошлик, банкротлик, иктисмодий ночорлик, корхонанинг синиши, рақобот майдони, баҳо, сифат, иш ҳажми, баҳо сиёсати, таҳлил вазифалари, рақобат шакллари, фаолиятнинг рақоботбардошлиги, товар (иш, хизмат)нинг рақоботбардошлиги, такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, рақоботбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар, умумлашган кўрсаткич, комплекс кўрсаткич, рейтинг тизими.

8.8. Назорат саволлари

1. Корхонада рақоботбардошликнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Корхона фаолиятининг рақоботбардошлиги нима?
3. Корхона товарининг (иш, хизматининг) рақоботбардошлиги деганда нимани тушунаси?
4. Рақоботбардошликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Рақоботбардошликни баҳолашда бошқарув таҳлилининг вазифалари нималардан иборат?
6. Товарнинг рақоботбардошлигини таъминлашда қандай йўналишларга аҳамият бериш лозим?
7. Бошқарув таҳлили вазифаларини бажариш учун қандай қўшимча чора-тадбирлар қўлланилади?
8. Иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг рақоботбардошликни таъминлашдаги ўрни нимада?
9. Корхонанинг баҳо сиёсати нима?
10. Баҳо сиёсатини амалга оширишда қандай омилларга алоҳида аҳамият берилади?
11. Корхона рақоботбардошлигининг қанақа шакллари мавжуд.
12. Такомиллашган рақобат деганда нима тушунилади?
13. Олигополлашган рақобат нима?

14. Монополлашган рақобатнинг мазмуни қандай?
15. Корхона товарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?
16. Корхона фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?
17. Рейтинг тизими нима?
18. Комплекс кўрсаткич қандай аниқланади?

8.9. «Корхонанинг рақобатбардошлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари» мавзуси бўйича тестлар

1. Эркин иқтисодиёт йўқ жойда эркин ...

- а) тараққиёт бўлсайди
- б) ўсиш бўлмайди
- в) фаолият бўлмайди
- г) рақобат бўлмайди
- д) ҳаммаси тўғри

2. Бизнинг товаримиз омборларда қолиб четдан сифатли товарларнинг бозоримизга кириб келиб сотилишига сабаб

- а) товаримизнинг сифатсизлиги
- б) кўникманинг йўқлиги
- в) бозор сирларини билмаслигимиз
- г) ортиқча ишлаб чиқилганлиги
- д) тўғри жавоб йўқ

3. Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигини аниқлашда унинг яроқлилиги, хусусиятлари, кафолат муддати, сифати кабиларни ифодаловчи жиҳатлари нимани ифодалайди? Товарнинг ...

- а) техник йўналиши
- б) иқтисодий йўналиши
- в) эргономик йўналиши
- г) эстетик йўналиши
- д) сертификатланганлигини

4. Товар (иш, хизмат)нинг баҳосининг қулайлиги, кафолат муддатида бепул таъмирлаб бериши, захира қисмлари билан таъминлаши, унга сервис хизматини кўрсатиши кабилар товарларнинг қайси жиҳатлари?

- а) техник йўналиши
- б) иқтисодий йўналиши
- в) эргономик йўналиши
- г) эстетик йўналиши
- д) сертификатланганлигини

5. Товар (иш, хизмат)нинг давлат тилида сифати, хусусиятларининг ёзилиши унинг қайси жиҳати?

- а) техник йўналиши
- б) иқтисодий йўналиши
- в) эргономик йўналиши
- г) эстетик йўналиши
- д) сертификатланганлигини

- 6. Товар (иш, хизмат)нинг одам организмига мослиги, саломатлигига хавфсизлиги кабилар қайси жиҳатга киради?**
- а) техник йўналиши
 - б) иқтисодий йўналиши
 - в) эргономик йўналиши
 - г) эстетик йўналиши
 - д) сертификатланганлигини
- 7. Товар (иш, хизмат)нинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги, дид билан безатилганлиги каби жозибадорлик жиҳатлари нимада намоён?**
- а) техник йўналиши
 - б) иқтисодий йўналиши
 - в) эргономик йўналиши
 - г) эстетик йўналиши
 - д) сертификатланганлигини
- 8. Корхона рақобатбардошлигини таъминловчи ўзига боғлиқ бўлмаган омилларга қайси киради?**
- а) миқдор ва сифат
 - б) иш ҳажми ва сифат
 - в) миқдор
 - г) сифат
 - д) баҳо
- 9. Корхона рақобатбардошлигини таъминловчи ўзига боғлиқ омилларга қайси киради?**
- а) миқдор ва сифат
 - б) иш ҳажми ва сифат
 - в) миқдор
 - г) сифат
 - д) баҳо
- 10. Харидор биринчи эътибор берадиган жиҳат товарнинг ...**
- а) миқдор ва сифат
 - б) иш ҳажми ва сифат
 - в) миқдор
 - г) сифат
 - д) баҳо
- 11. Харидорни ўйлантирадиган жиҳат – бу товарнинг ...**
- а) миқдор ва сифат
 - б) иш ҳажми ва сифат
 - в) миқдор
 - г) сифат
 - д) баҳо
- 12. Корхонанинг барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган, харажатларни қоплаб, маълум даражада фойда олишга эриштирадиган, имкон қадар бозорни эгаллайдиган баҳо миқдорини белгилаш нима? Бу корхонанинг ...**
- а) иқтисодий сиёсати
 - б) мақсади
 - в) баҳо сиёсати

- г) истеъмомчига мослашиши
- д) рақобатбардошлигини таъминловчи омил

13. Корхонанинг кўпроқ фойда олиб фаолият кўрсатишга интилиши унинг ...

- а) иқтисодий сиёсати
- б) мақсади
- в) баҳо сиёсати
- г) истеъмомчига мослашиши
- д) рақобатбардошлигини таъминловчи омил

14. Рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг кўламлиги ва истиқболлилиги, харажатларни мақсадга мувофиқ йўналтириб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги нима?

- а) товарлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги
- б) такомиллашган рақобат
- в) корхона фаолиятининг рақобатбардошлиги
- г) олигополлашган рақобат
- д) монополлашган рақобат

15. Рақобатбардош субъектлар товари (иш, хизмати)нинг сифати ва нархига нисбатан истеъмомчига қулайлиги, унга кетадиган харажатларнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўпилилигини таъминловчи омиллар тизими нима?

- а) товарлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги
- б) такомиллашган рақобат
- в) корхона фаолиятининг рақобатбардошлиги
- г) олигополлашган рақобат
- д) монополлашган рақобат

16. Бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда бирқанча бир хил мавқега эга бўлган корхоналарнинг иштирок этиши нима?

- а) товарлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги
- б) такомиллашган рақобат
- в) корхона фаолиятининг рақобатбардошлиги
- г) олигополлашган рақобат
- д) монополлашган рақобат

17. Бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда озчиликни ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналар иштирок этиши нима

- а) товарлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги
- б) такомиллашган рақобат
- в) корхона фаолиятининг рақобатбардошлиги
- г) олигополлашган рақобат
- д) монополлашган рақобат

18. Бозорни битта йирик корхона эгаллаган ва бир хил товарнинг 100 % ни ишлаб чиқариб сотишда ўз назорат ва ҳуқумронлик қиладиган бўлса бу нима?

- а) товарлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги
- б) такомиллашган рақобат
- в) корхона фаолиятининг рақобатбардошлиги
- г) олигополлашган рақобат
- д) монополлашган рақобат

19. $q = (P / P_{100}) \cdot 100$ формуласи нимани ифодалайди?

- а) ҳар бир йўналишни ифодаловчи алоҳида кўрсаткич
- б) гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи
- в) иқтисодий йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- г) техник йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- д) умумлаштирилган рақобатни ифодаловчи кўрсаткич

20. $G = \Sigma (a_i \times q_i)$ формуласи нимани ифодалайди?

- а) ҳар бир йўналишни ифодаловчи алоҳида кўрсаткич
- б) гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи
- в) иқтисодий йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- г) техник йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- д) умумлаштирилган рақобатни ифодаловчи кўрсаткич

21. $J = G_m / G_{nx}$ формуласи нимани ифодалайди?

- а) ҳар бир йўналишни ифодаловчи алоҳида кўрсаткич
- б) гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи
- в) иқтисодий йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- г) техник йўналишни ифодаловчи кўрсаткич
- д) умумлаштирилган рақобатни ифодаловчи кўрсаткич

22. Корхона фаолияти рақобатбардошлиги нимада ифодаланади?

- а) мутлоқ кўрсаткичда
- б) нисбий кўрсаткичда
- в) умумлашган кўрсаткичда
- г) жамланган кўрсаткичда
- д) кўрсаткичлар тизимида

23. Корхонанинг умумий рейтинги қандай кўрсаткичда ифодаланади?

- а) мутлоқ кўрсаткичда
- б) нисбий кўрсаткичда
- в) умумлашган кўрсаткичда
- г) жамланган кўрсаткичда
- д) кўрсаткичлар тизимида

24. Корхона рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни жамлаш учун қандай миқдорда олиш лозим?

- а) мутлоқ кўрсаткичда
- б) нисбий кўрсаткичда
- в) умумлашган кўрсаткичда
- г) жамланган кўрсаткичда
- д) кўрсаткичлар тизимида

25. Корхона рақобатбардошлигини аниқлаш учун олинган дастлабки кўрсаткичлар қандай ифодаланади?

- а) мутлоқ кўрсаткичда
- б) нисбий кўрсаткичда
- в) умумлашган кўрсаткичда
- г) жамланган кўрсаткичда
- д) кўрсаткичлар тизимида

9 - Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАҲЛИЛИ.

9.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тавсифи ва уларнинг таснифи

Ишлаб чиқариш фаолияти биринчи навбатда жонли ва моддийлаштирилган меҳнат харажатлари, меҳнат воситалари ва молиявий ресурсларнинг ишлатилишига боғлиқдир.

Ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятини бошлаётганда фаолиятига мувофиқ келадиган даражада ресурсларга эга бўлиши лозим. Уларни ишлаб чиқариш жараёни маҳсулотни сотиш эвазига даромад олишга тайёр бўлиши керак. Бу даромад ишлаб чиқариш харажатларидан кўп бўлиши керак. Фарқ қанча катта бўлса, фойда ва фаолиятининг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётиб, унинг қилган харажатлари маълум даражада фойда келтиришга интилади. Фойдасиз ва кераксиз харажатлар иложи борида йўқ қилиниши ёки минимумгача келтирилиши керак.

Бунинг ҳаммасига харажатларни режалаштириш, тўғри ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш орқали уни моҳирлик билан бошқариш натижасида эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида «Харажат» турларини ва кўрсаткичларини, уларни ифодаловчи ҳисоб усуллари, харажатларни режалаштириш ва таҳлил қилишни амалга оширишни талаб қилади.

Ҳамма харажатлар қўйидаги белгилар асосида категорияларга туркумланади:

- бошқарув соҳасидаги роли бўйича;
- харажатларни назорат қилиш даражаси бўйича;
- харажатнинг функционал ўзгариши бўйича;
- иқтисодий мазмуни бўйича;
- калькуляция моддалари бўйича;
- харажатларнинг ҳисоби ва маҳсулот таннархига киритилиши бўйича.

Бошқарув соҳасидаги роли бўйича харажатлар икки гуруҳга бирлаштирилган:

- а) ишлаб чиқариш харажатлари;
- б) ноишлаб чиқариш харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Улар ўз навбатида қўйидаги бўлимларга ажратилади;

- материалларнинг бевосита харажатлари;
- меҳнат ҳақи учун бевосита харажатлар;
- ишлаб чиқариш умумий харажатлари.

Материалларнинг бевосита харажатлари ва меҳнат ҳақи учун бевосита харажатлар **бирламчи харажатлар** ҳисобланади, чунки улар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва тўғри маҳсулот бирлигининг таннархига киритилади. Ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари белвосита харажатлар дейилади, яъни ўз қийматини тайёр маҳсулотга қисман-қисман ўтказиб борадиган харажатлардир. Масалан, асосий воситаларнинг таннархига киритиладиган харажатлари бўйича мисол бўлади. Унинг натурал шакли ўзгармайди. Маҳсулот шаклида ёки таркибида ўз ифодасини топмайди.

Лекин б харажатларга киритилади. Бирламчи ва билвосита харажатлар йиғиндиси маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Ноишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эмас. Улар маҳсулот сотиш, илмий изланиш, маъмурий бошқарув харажатларини, кредит бўйича фоизларни тўлаш харажатларини ва бевосита корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Харажатларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларига бўлиниши бухгалтерия ҳисоб ва таҳлилини амалга оширишда ва корхона фаолияти натижаларига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашда инобатга олиш зарурлиги билан ифодаланади. Бундан ташқари, корхона улар асосига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларнинг умумий харажатлар суммасидаги улуши тўғрисида хулосалар қилишда ва харажатларни қисқартириш ва тежаш бошқарув қарорларини қабул қилишида ҳам фойдаланиш мумкин. Ноишлаб чиқариш харажатларининг улуши ошиши фойданинг камайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг 2 шакл «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот», 5 шакл «Бухгалтерия балансига илова», 6 бўлим «Корхона томонидан қилинган харажатлар», шунингдек, «Корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги ҳисобот» номли статистик ҳисоботларида келтирилади.

Харажатларни назорат қилиш даражаси бўйича, яъни объект таннархнинг калькуляция қилиниши мумкинлигига қараб тўғри ва эгри (тўғри бўлмаган) харажатларга бўлиш мумкин.

Тўғри харажатлар – бу алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда таннархига бевосита киритиладиган харажатлар: Аниқ маҳсулот учун қилинган тўғри харажатларни ва бўлимлар учун қилинган тўғри харажатларни фарқлай билиш керак.

Агар харажатларни тўғридан-тўғри аниқ маҳсулотга олиб бориш мумкин бўлса бу ушбу маҳсулот учун тўғри харажат бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг бўлимлари билан бевосита боғлиқ харажатлар бу бўлимнинг тўғри харажати ҳисобланади, лекин ушбу бўлимда чиқариладиган аниқ маҳсулотга нисбатан улар эгри харажат ҳисобланади.

Тўғри харажатлар бевосита маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш харажатлари миқдорида олиб борилади. Бу харажатлар бутунлай ўз қийматини аниқ ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади.

Тўғри харажатларнинг асосий моддалари қўйидагилар:

- хом ашё ва асосий материаллар;
- сотиб олинadиган ашёлар ва ярим фабрикантлар;
- ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи;
- электр қуввати қиймати кабилар.

Эгри харажатларни, уларни яна билвосита харажатлар дейилади. Уларни маҳсулотнинг аниқ турига бевосита олиб бориб бўлмайди (агар маҳсулотнинг бир неча тури ишлаб чиқарилса). Бир вақтнинг ўзида маҳсулотларнинг ҳар хил турларига олиб бориладиган харажатлар ишлаб чиқаришнинг қўшма ёки комплекс харажатлар дейилади ва эгри харажатлар туркумига киради. Масалан, цех ходимларининг меҳнат ҳақи (цех бошлиғининг, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг), коммунал хизмати, цех биноларининг амортизацияси ва умумий фойдаланишдаги ускуналар ва бошқалар

Эгри харажатларнинг асосий моддалари қўйидагилардир:

- умумцех харажатлари;
- умумзаовд харажатлари;
- ноишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми.

Харажатлар бўлимлар учун тўғри харажат, шунинг билан бирга маҳсулот учун эгри харажат бўлиши мумкин. Ремонт-механика цехи бошлиғининг меҳнат ҳақи цех учун тўғри харажатдир, лекин шу цехда тайёрланadиган кўплаб маҳсулот турлари учун эгри харажат ҳисобланади.

Тўғри харажатлар бевосита «Асосий ишлаб чиқариш счётида ўз аксини топади, эгри харажатлар эса «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётига тааллуқлидир ва харажатларни тақсимлаш усули қўллаш йўли билан маҳсулот турлари бўйича улар ой охирида «Асосий ишлаб чиқариш» счётига олиб борилади.

Корхона раҳбарияти тўғри ва эгри харажатларни таҳлил қилганда, маҳсулот сифатини пасайтирмай унинг таннархини пасайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишига эришиш лозим.

Функционал ўзгариши бўйича харажатлар ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар шундай харажатларки, улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўзгаришига тўғри пропорционал тарзда ўзгаради. Масалан, материаллар ва хом ашё харажатлари, ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи, транспорт ва бензин харажатлари ва бошқалар.

Ўзгармас харажатлар бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўзгаришига қарамай бутунлай ўзгармай қоладиган харажатлардир. Масалан, маъмурий бошқарув харажатлари, ижара харажатлари, суғурта ва солиқлар тўлови.

Харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлиниши уларни режалаштириш, фойдалилик нуктасини аниқлаш, режалаштирилган фойдани ҳисоблаш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш учун керакдир.

Режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисоб амалиётида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари харажат элементлари бўйича гуруҳлаштирилади ва уларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- хом ашё ва материаллар;
- ёрдамчи материаллар;
- четдан олинган ёнилғи ва электр қуввати;
- асосий воситалар амортизацияси;
- саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи фонди;
- ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот ажратиладиган учун маблағлар;
- бошқа пулли харажатлар.

Харажатларни элементлари бўйича бўндай гуруҳлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар структурасини аниқлашга, турлари бўйича ҳажмини режалаштиришга, зарурий материал, меҳнат ва молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминланишига имкон яратади.

Харажатларни у ёки бу элементларига эгалик қилишига қараб тармоқ фаолияти меҳнат талаб, материал талаб, энергия талаб ва фонд талабларга бўлинади.

Меҳнат талаб корхоналар шундай корхоналарки, унда меҳнат ҳақи харажатлари ҳамма харажатлардан устун. Ишлаб чиқаришга замонавий ускуналар кириб келиши, автоматлаштирилиши ва компьютерлаштирилиши туфайли энг меҳнат талаб тармоқлар аста-секинлик билан фонд талаб тармоқларга айланмоқда ва меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг харажатлари маҳсулот қийматининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар асосида корхоналар ўз маҳсулотини сотиши ва кутилаётган фойдани олиши мумкин бўлган қиймат даражасини аниқлайди. Бунинг учун ҳар бир корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи калькуляциясини тузиши керак.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш моддаларининг энг асосийлари қўйидагилар:

- хом ашё ва материаллар;
- кўмакчи материаллар;
- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта;

- технологик эҳтиёж учун ёқилғи;
- технологик эҳтиёж учун электр қуввати;
- умумишлаб чиқариш харажатлари (цехники);
- давр харажатлари (умумзавод харажатлари);
- бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган моддалардан кўриниб турибдики, умумишлаб чиқариш ва умумзавод харажатларидан ташқари харажатларнинг ҳамма моддалари тўғри харажатларга тегишли. Бу моддаларни режалаштиришда норматив метод қўлланилади. Умумишлаб чиқариш ва умумзавод харажатлари комплекс харажатларига киради. Улар ҳисоб сиёсати методикасига асосан маҳсулот бирлигига тақсимланади.

Маҳсулотни ҳақиқий таннаرخини бутунлай ёки уларнинг моддалари бўйича режа ёки утган йил билан солиштирилиб мутлақ ёки нисбий фарқ ва унинг сабаблари аниқланади. Кейин омилли таҳлил асосида маблағларни самарали тақсимлаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

«Корхона харажатлари», корхона ва ташкилотларнинг ҳамма харажатлари 3 гуруҳга бўлинган:

- кундалик (оддий) фаолият турлари бўйича харажатлар;
- операцион харажатлар;
- реализация (сотиш)дан ташқари харажатлар.

Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар бўлиб, маҳсулот сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш, харажатлари ҳисобланади. Буларга яна хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Шартнома асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича ижара ва бошқалар. Жараёнлар ҳам корхоналарда кундалик фаолият турлари бўйича харажат бўлиб ҳисобланади.

Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- хом ашё, материаллар, товарлар ва бошқа моддий ишлаб чиқариш заҳираларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- моддий ишлаб чиқариш заҳираларини маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва уларни сотиш, шунингдек, маҳсулотларни сотиш (қайта сотиш) мақсадида (асосий воситалар ва бошқа оборотда бўлмаган активларни сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни соз ҳолатда сақлаш, тижорат ва бошқарув харажатлари) қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган харажатлар.

Иқтисодий мазмунига қараб бу харажатлар қўйидаги элементлари бўйича гуруҳлаштирилган:

- материал харажатлари;
- меҳнат ҳақи харажатлари;
- ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар;
- асосий воситалар амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

Бошқаришни такомиллаштириш мақсадида харажатлар моддалари бўйича бухгалтерия ҳисобида юритилади. Харажат моддалари руйхати корхона томонидан ишлаб чиқилади.

«Материал харажатлари» моддасида хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим фабрикатларни, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги ёқилғи, технологик мақсад учун маҳсулотни қадаҳлаш ва ўраш мақсадида четдан сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўз аксини топади. Бу гуруҳга яна кирим қилинган маҳсулотларнинг табиий камайиши туфайли йўқотишлар ҳам киради.

«Меҳнат ҳақи харажатлари» моддасида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари ўз аксини топади. Бунга яна ишчи ва

хизматчиларнинг ишлаб чиқариш натижалари учун мукофатлар, компенсация тўловлари, ёш боласи белгиланган ёшга етгунга қадар татил бўлган аёлларнинг компенсациялари, шунингдек, асосий фаолиятда банд бўлган, лекин корхона штатида бўлмаган ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари ҳам киради.

Ижтимоий эҳтиёж учун ажратмалар моддасида қонун билан белгиланган ижтимоий суғуртага, пенсия жамғармасига, давлат бандлик жамғармасига ва тиббий суғуртага мажбурий ажратмалар ўз аксини топади. Булар «меҳнат ҳақи харажатлари» моддаси бўйича маҳсулот (иш хизмат) таннархига кирувчи ишчилар меҳнат ҳақи харажатларига кирмайдиган ажратмалардир.

«Асосий воситалар амортизацияси»га асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари суммаси ўз аксини топади, шунингдек, уларнинг актив қисмининг тезлаштирилган амортизацияси сўммаси ҳам киради.

«Бошқа харажатлар» моддасига солиқлар, йиғимлар ва тўловлар (суғуртанинг мажбурий турлари бўйича харажатлар, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи таркибига кирувчи бошқа харажатлар) ўз аксини топади.

Операцион харажатлар бу корхона активларидан вақтинчалик фойдаланганлиги учун тўлов билан боғлиқ харажатлар; бошқа корхоналар устав капиталига ўз хиссасини қўшиши билан боғлиқ харажатлар; товарлар ва маҳсулотларни, асосий воситалар ва бошқа активларни сотилиши ва бошқа активларни сотилиши, ва ҳисобдан чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар; корхона томонидан фойдаланишга олинган пул маблағлари фондларини тўлаш; кредит ташкилотлари қилган хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар; бухгалтерия ҳисоби қоидаларига асосан тузилган даргумон қарзлар бўйича резерв (захира) ва бошқалар.

Сотиш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар; шартнома шартларини бузганлиги учун жарималар, пенялар; корхона томонидан қўрилган зарарларни қоплами; ҳисобат йили тан олинган ўтган йилги зарарлар; муддати ўтган дебиторлик қарзлари; курс фарқлари ўтказиб берилган маблағлар (қўйилмалар, тўловлар) ва бошқа ижтимоий тадбирлар боғлиқ харажатлар.

Бухгалтерия ҳисоби низомида «Ташкилот харажатлари» бу кундалик фаолият турлари бўйича харажатлардан фарқли ўлароқ уларни бошқа харажатлар деб юритилади. Бундай бошқа харажатларга; операцион харажатлар, сотиш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, шунингдек, фавқулоддаги харажатлар киради.

Фавқулоддаги харажатлар бухгалтерия ҳисоби низомига асосан қўйидагиларни акс эттиради; хўжалик фаолиятида юзага келадиган фавқулодда ҳолатлар оқибатлари (табиий офатлар, ёнғин, мулкни миллийлаштириш ва бошқалар).

Фонд бозорида қимматли қоғозлари муоммалада бўлган қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари йиллик бухгалтерия ҳисобатларини халқаро молиявий стандартлар талабларидан келиб чиқиб тузиши ва тақдим этиши керак. Бу ҳисобатларни молиявий ҳисобатлар халқаро стандартларини тўзувчи қўмитага, инвесторларга ва бошқа қизиқувчи шахсларга тақдим этилиши лозим.

Халқаро стандартларга асосан ҳамма харажатлар тўртта гуруҳга тақсимланган:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи харажатлар;
- давр харажатларига кирувчи харажатлар
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи харажатлар бухгалтерия ҳисоби низомида акс эттирилган «Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар» билан мос келади.

Давр харажатлари бу ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлардир, улар қўйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

- реализация бўйича харажатлар;
- маъмурий харажатлар;

- бошқа операцион харажатлар.

Бу харажатлар маҳсулот (иш хизмат) билан бевосита боғлиқ бўлмаганлиги сабабли уларни операцион харажатлар ҳам дейилади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига боғлиқ эмас, балки вақт ва хўжалик фаолияти давомийлигига боғлиқ. Бу харажатлар юзага келган ҳисобат давридаги маҳсулот таннархига киритилади ва умумлаштирилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар бу корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлардир, шунинг учун валюта операциялари, қимматли қоғозлар реализацияси ва ишлаб чиқарилиши, кредит ва қарз олиш, банк операциялари билан боғлиқ умум хўжалик харажатлардир.

Фавқулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатий фаолияти чегараларидан чиқадиган воқеа ва операциялар натижасида юзага келадиган халқаро стандарт (андоза)лар бўйича ғайритабиий харажатлар моддаларидир.

9.2. Ишлаб чиқариш харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усуллари

Юқорида келтирилган харажатларнинг туркумланиши, таъкидланганидек, корхона раҳбарияти томонидан режалаштириш, таҳлил, қилиш солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўланиши учун ишлатилади. Шунингдек, харажатларни назорат қилиш мақсадида уларни самарали сарфланишини, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми ошишини, унинг сифатини оширилишини таъминлаш учун ишлатилади. Шу билан бирга харажатлар назоратини тўғри ва усталик билан олиб бориш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичларни билиш ва ишлата олиш зарур. Уларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш харажатлари турлари бўйича суммаси;
- харажатлар динамикаси;
- харажатлар даражаси ва уларнинг фарқи;
- базис даври ва бизнес режа маълумотлари билан солиштирилиши натижасида харажатларнинг мутлоқ ва нисбий фарқлари;

Ишлаб чиқариш харажатлари суммаси корхона, бўлим бўйича алоҳида маҳсулот (иш, хизмат) турларининг аниқ бир даври учун ишлаб чиқариш харажатларининг пулдаги ўзгаришини характерлайди. Улар асосида, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига, бир неча йиллик динамикасига ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги ахборотларга миқдорий баҳо бериш мумкин.

Бу кўрсаткич менеджерларга харажатларни улар турлари бўйича ва бутунлай режалаштириш, шунингдек, зарур бўлган товар-материал захираларини, меҳнат ва молиявий ресурсларни сотиб олиш бўйича пул маблағларини ажратиш учун керакдир.

Харажатлар таркиби уларнинг умумий суммаси таркибидаги алоҳида харажат турларининг улушини аниқлаш билан бирга ҳам ашё ва материаллар ишлатиладиган, автоматлаштирилган, меҳнат ва механизация даражаси юқори бўлган корхоналарнинг материалталабчилигини ва меҳнатталабчилигини таҳлил қилиш учун зарурдир. Харажатлар таркибининг ўзгаришини ўрганиш келгуси давр харажатлари таркибини яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади.

Харажатлар таркибини аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисобатнинг «Даромадлар ва зарарлар ҳақида ҳисобат» 2-шакл, «Бухгалтерия балансига илова» 5-шакллардан, шунингдек, «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳақида ҳисобат» статистик ҳисобатдан олинади.

Харажатлар таркиби ҳисобининг усули «Турон» ОАЖ нинг 2004 йилги кўрсаткичларини ўтган йил кўрсаткичларига нисбати мисолида кўриб чиқамиз (**9.1-жадвал**).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, харажатларни умумий суммасини ошириш бир йилга 5520 минг сўмни ташкил қилган. Харажатларнинг умумий сўммаси таркибида реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари 6,8% га ошган ва у 66,9% ни ташкил қилган. Бошқарув харажатларига улуши 5,7% га тушган ва жами харажатларнинг 8,3% ни ташкил қилган. Жами харажатларнинг катта қисмини операцион харажатлар ташкил қилган-11,7% ва тўланган даромад солиғи-12,3%. Ҳисобат даврида бу харажатлар суммаси ҳам кўпайган.

9.1 – жадвал

«Турон» ОАЖ харажатлар таркибининг 2004 йилдаги ўзгаришини йилга нисбатан ҳисоб-китоби.

№	Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		Фарқи (+/-)	
		Сўмда а	фоизда а	Сўмда	Фоизда	Сўмда	Фоизда
1	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннари	6947	60,1	11427	66,9	+4480	+6,8
2	Тижорат харажатлари	40	0,3	43	0,2	+3	- 0,1
3	Бошқарув харажатлари	1616	14,0	1425	8,3	-191	-5,7
4	Операцион харажатлар	1200	10,4	1995	11,7	-795	+1,3
5	Реализациядан ташқари харажатлар	821	7,1	102	0,6	-719	-6,5
6	Даромад солиғи ва шунга ўхшаш мажбурий тўловлар	943	8,1	2095	12,3	+1152	+4,2
7	Фавқулодда харажатлар	-	-	-	-	-	-
8	Жами	11567	100	17087	100	+5520	

Умуман олганда ҳисобат даврида харажатлар таркиби яхшиланган, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улуши ҳисобига амалга оширилган.

Харажатлар даражаси бу тайёр, товар ёки сотилган маҳсулот бир сўмига тўғри келадиган харажатлардир. Бу харажатлар самарадорлигини, динамикасини ва уларнинг нисбий фарқини ҳисоблаш учун зарур бўлади. Харажатлар даражаси (Хд) асосий фаолият харажатларини (Афх) сотилган маҳсулот ҳажми (М) га нисбати билан аниқланади.

$$Хд = Афх : М \cdot 100$$

Ишлаб чиқариш харажатлари даражасини ҳисоблаш учун маълумотлар 2 – шакл «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобатдан олинади.

Харажат даражасини уларнинг турлари бўйича ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади (9.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари асосида харажатлар самарадорлигининг ўзгариши рўй берганлиги хулосалар қилиш мумкин. Ҳисобат даврида харажатлар даражасининг камайиши реализация қилинган маҳсулотнинг бир сўмига тўғри келадиган харажат миқдорининг камайганлигини билдиради. Бу эса ўз

9.2 – жадвал

**«Турон» ОАЖнинг 2004 йилги ҳўжалик фаолияти харажатлари даражасини ўтган йилга нисбатан, ҳасоб-китоб қилиш
(сўмма – минг сўмда, даражаси - сўммасига нисбатан % да)**

№	Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		Фарқи (+,-)	
		сўм-маса	дара-жаси	сўм-маса	дара-жаси	сўм-мада	дара-жада
1.	Сотилган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг таннари	6947	69,8	11427	69,6	4480	-0.2

2.	Тижорат харажатлари	40	0,4	43	0,3	3	-0,1
3.	Бошқарув харажатлари	1616	16,2	1425	8,7	-191	-7,6
4.	Асосий фаолият харажатларининг жами	8603	86,4	12895	7,8	4292	-7,9
5.	Операцион харажатлар	1200	12,1	1995	12,1	-795	-
6.	Реализациядан ташқари харажатлар	821	8,3	102	0,6	-719	-7,7
7.	Даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар	943	9,5	2095	12,8	1152	3,3
8.	Фавқулодда харажатлар	-	-	-	-	-	-
9.	Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушум	9951	x	16428	x	6477	X

навбатида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича маблаг тежалганлигини кўрсатади.

Бизнинг мисолимизда корхонанинг асосий фаолияти бўйича харажатлар даражаси ўтган йилги реализация қилинган маҳсулот суммасига нисбатан 7,9 % га камайган, яъни реализация қилинган маҳсулотнинг ҳар бир сўмидан ўтган йилга нисбатан 7,9 тийин тежалган. Реализациядан ташқари харажатлар даражаси –7,7 тийин тежалган. Бу эса фойда сўммаси ва рентабеллик даражасини оширишга олиб келадиган асосий омиллардир. Даромад солиғи ва шунга ўхшаш мажбурий тўловлар ўтган йилга нисбатан нафақат сўммада балки реализация қилинган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига нисбатан ҳам ошган. Бу реализация қилинган маҳсулот сўммасига нисбатан 3,3 % ни ташкил қилади. Бу эса корхона рентабиллигининг пасайишига албатта таъсир қилмасдан қолмайди.

Шундай қилиб, харажатлар даражаси корхона харажатлари самарадорлигини характерловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Харажатлар динамикаси харажатлар сўммаси ва даражасини ўтган ва базис даврига нисбатан ўзгаришини характерлайди. У мутлоқ ва нисбий фарқларда ўсиш суръатида кўпайиш тезлиги каби кўрсаткичлар билан аниқланади.

Масалан, реализация қилинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархи 2003 йили 6947 минг сўмани, 2004 йили 11427 минг сўмни ташкил қилган. Харажатларнинг мутлоқ кўпайиши 4480 минг сўмни (11427-6947), ўсиш суръати – 164,5% (11427:6947x100) ни, кўпайиш тезлиги – 64,5% (1645-100)ни, ташкил қилган кўрсаткичнинг кўпайиши 69,5 минг сўмни ташкил қилганлиги унинг мутлоқ моҳиятини белгилаш учун ҳам асос бўлади. Бизнинг мисолимизда харажатларнинг 1,0% га кўпайиши (ёки камайиши) ўтган йилга нисбатан харажатларни 69,5 минг сўмга ўзгариши мумкин.

Харажатлар динамикасини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилчилар ва аудиторларга тўғри хулоса чиқариб, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради. Менежерлар учун харажатларни камайтириш ва тежаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Харажатлар динамикасини ўрганишда даромадлар умумий суммасини, соф тушумни ва харажатларнинг умумий миқдори ўзгариш суъратини солиштириш зарур. Даромадлар ўсиш суръатининг харажатларга нисбатан баландлиги фойда ва рентабелликни ортишини кўрсатади, яъни бу корхона фаолияти самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради.

Харажатларнинг мутлоқ фарқи ҳақиқатда қилинган харажатларни бизнес-режа ёки базис даври маълумотлари билан солиштириш орқали ҳисобланади. Бу кўрсаткич асосида қилинган харажатларнинг миқдор жиҳатдан ўзгариш ҳақида хулоса қилинади, масалан, неча суммага бутун харажатлар ёки уларнинг турлари бўйича ошганлиги айнан шу йўл билан аниқланади.

Харажатлар ўзгаришини аниқроқ ифодалаш учун уларнинг **нисбий четланишини** ҳисоблаш зарур, яъни базис даври ёки бизнес-режага нисбатан харажатлар бўйича тежалишини ёки ортиқча сарф қилинишини аниқлаш лозим бўлади.

Нисбий фарқ ишлаб чиқариш таннархи даражасини аниқлаш билан ҳисобланади.

Харажатлар бўйича тежаш ёки ортиқча сарф қилинганлигини, яъни харажатларни нисбий фарқларини аниқлаш учун харажатларни ҳақиқий ва базис давр даража кўрсаткичлари орасидаги фарқни ҳақиқатда реализация қилинган маҳсулот суммасига кўпайтириш йўли билан аниқлаш мумкин.

$$\Delta \text{Хар}_{\text{ас.фао}} = (\text{Дар}_{\text{ҳақ. хар}} - \text{Дар}) \cdot \text{Реал}_{\text{ҳақ баз. хар}}$$

Бунда: $\Delta \text{Хар}_{\text{ас. фао.}}$ - харажатларни нисбий фарқи

(тежам ёки ортиқча сарф);

$\text{Дар}_{\text{ҳақ. хар}}$ - харажатларнинг ҳақиқий даражаси;

$\text{Дар}_{\text{баз. хар}}$ — харажатларнинг асос давридаги даражаси;

$\text{Реал}_{\text{ҳақ}}$ - ҳисобат даврида ҳақиқатда реализация қилинган маҳсулот сўммаси.

Бу формуланинг қўлланилишини «Турон» ОАЖ мисолида кўрамиз (9.3–жадвал).

9.3 - жадвал

Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарининг тежалишини (ортиқча сарф) ҳисоблаш

(сумма-минг сўмда)				
№	Кўрсаткичлар	2003 й	2004 й	Четланиш
1	Маҳсулот реализациясидан соф тушум	9951	16428	+6477
2	Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	6947	11427	+4480
3	Реализация қилинган маҳсулотни бир сўми учун харажат (ишлаб чиқариш харажатлари даражаси), тийинда	69,8	69,6	-0,6
4	Ишлаб чиқариш харажатларининг тежами (-), ортиқча сарфи (+)	х	Х	-9,9

Ушбу маълумотлари шуни кўрсатадики, «Турон» ОАЖ нинг 2004 йили реализация қилинган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига қилинган харажатнинг камайиши ўтган йилга нисбатан 9,9 минг сўмлик харажат сўммаси тежалган (-0,6x16428).

Кейинчалик ички ва ташқи омилларни корхонанинг харажатлар ҳажмига таъсирини ҳисоблаш ва ўрганиш зарур. Корхонанинг харажатлар даражасига ва сўммасига таъсир қилувчи асосий омилларга қўйидагилар киради:

- Ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳажми;
- Хом ашё ва материал харажатлари;
- Ишлаб чиқариш ходимлари ва бошқарув персоналининг миқдорий ва сифат таркиби;
- Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги;
- Бошқа ташкилотларнинг хизматлари ва таърифи;
- Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ишлатилиши самарадорлиги;
- Жорий (оборот) маблағларининг ишлатилиш самарадорлиги;
- Харидорлар ва мол етказиб берувчилар билан шартноманинг ўз вақтида ва сифатли тузилиши ва тўлов-ҳисоб интизомининг ташкил этилиши.

Бу омилларнинг ҳар бири у ёки бу харажатларга таъсир қилиб ўзининг ҳисоблаш усулига эга. Корхона раҳбарлари, аналитиклар ва аудиторлар харажатларни ўрганиш ва таҳлилчи қилишида бу омилларнинг таъсирини ҳисоблашни билиши керак, ҳар бир факторни алоҳида таҳлил қилиб, улар асосида маблағларнинг тежамкорлик билан сарфланиши ва камайиш имкониятларини аниқлаб, харажатлар самарадорлиги бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ва тавсиялар маслаҳатлар ишлаб чиқаришлари лозим.

Асосий фаолиятнинг харажатлари суммасига омиллarning таъсирини ҳисоблаш усулини кўриб чиқамиз (9.4-жадвал).

9.4 -жадвал

**«Турон» ОАЖнинг 2004 йилги харажатлар суммасига
реализация ҳажми ва харажат даражаси ўзгаришининг
таъсир ўтган йилга нисбатан ҳисоби.**

(сумма – минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2004 й	2004й.	Фарқи (+,-)	Омиллар ҳисобига		ўзгариш
				Реализа- ция ҳажми	Харажат даражаси	
Товар, маҳсулот, иш, хизмат сотишдан тушум	9951	16428	6477			
Сотилган маҳсулот, товар, иш хизматларнинг таннарихи – суммада	6947	11427	4480	4522		
Даража, тушум сумма-сига нисбатан %да	69,812	69,558	-0,254			-42
Тижорат харажатлари суммада	40	43	3	26		-23
Даража, тушум сумма-сига нисбатан %да	0,402	0,262	-0,140			
Бошқарув харажатлари	1616	1425	-191	-		-191
Асосий фаолият бўйича харажатлар ЖАМИ	8603	12895	4292	4548		-256
Операцион харажатлар	1200	1995	+795			+795
Реализацияга тааллуқли бўлмаган харажатлар	821	102	-719			-719
Фавқулодда харажатлар	-	-	-	-		-
Жами харажатлар	10624	14992	4368	4548		-180

Ҳисоблаш учун маълумотларни «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги 2-шакл, яъни молиявий ҳисоботдан оламиз. Шунинг билан бирга харажатларни ўзгарувчи ва шартли доимий харажатларга бўлинишини ҳисобга олиш керак. Ўзгарувчи харажатларга «сотилган товарлар, маҳсулот, иш, хизмат таннарихи»ни ва «тижорат харажатлари»ни киритиш мумкин. Доимий харажатларга (ишлаб чиқариш ҳажмига ва маҳсулот реализациясига тобе бўлмаган) қуйидагилар киради: «Бошқарув харажатлари», «Реализацияга тааллуқли бўлмаган харажатлар» ва «Фавқулодда харажатлар»лар.

Ўзгарувчи харажат моддалари юқорида таъкидланганидек ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳажмига тобе бўлиб, уларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгаради.

Ўзгарувчи моддалар суммасига реализация қилинган маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун реализация қилинган товарлар суммасининг фарқини сотилган товар, маҳсулот, иш, хизматларнинг таннарихини базис даражасига кўпайтириш керак. Ҳисоб қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\Delta \text{Хар} = (\text{Реал}_{\text{ҳажк, сотил}} - \text{Реал}_{\text{базис сотил}}) \cdot \text{Дар}_{\text{базис хар}}$$

Бунда: $\Delta \text{Хар}$ – харажатлар сўммасининг фарқи;

$\text{Реал}_{\text{базис сотил}}$ - базис даврида реализация қилинган маҳсулот сўммаси;

$\text{Дар}_{\text{базис хар}}$ - базис давридаги харажат даражаси.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, «Турон» ОАЖ «Сотилган маҳсулот товар, иш, хизмат» моддаси бўйича 2004 йили ўтган йилга нисбатан 4480 минг сўм маблағ кўп сарфлаган. Реализация қилинган маҳсулот ҳажми ошиши натижасида харажатлар 4522 минг сўмга кўпайган (6477.69, 812 : 100). Бошқа факторлар ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига сабабчи бўлган.

Харажатлар даражасини ўзгариши (бошқа факторлар) таъсирини аниқлаш учун ҳисобат даврида реализация қилинган маҳсулотнинг ҳақиқий сўммасини харажатлар даражалари айирмасига (Дар_{ҳақ.хар}– Дар_{баз хар} кўпайтириш керак. Бу қўйидаги формулада акс эттирилди:

$$\text{Хар} = \text{Реал}_{\text{ҳақ сотил}} \cdot (\text{Дар}_{\text{ҳақ хар}}) : 100$$

«Турон» ОАЖда ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг пасайиши натижасида уларнинг сўммаси 45 минг сўмга камайган (11427.(69,558 –69, 812):100). Шундай қилиб, ҳисобат даврининг ўтган йилга нисбатан сотилган маҳсулот таннари 4480 минг сўмга кўпайган (абсолют четланиш). Бу қўйидагилар ҳисобига амалга ошган:

- Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмининг ошиши, бу харажатларни 4522 минг сўмга кўпайтирган;
- Харажатлар даражасининг камайиши, бу харажатларни 42 минг сўмга камайтирган.

Шундай қилиб, бу иккала омилнинг таъсири ҳисобат давридаги ишлаб чиқариш харажатларининг ўтган йилга нисбатан умумий фарқига тенг бўлади.

$$(4480 + 42 = 4522 \text{ минг сўм}).$$

Худди шундай ҳисоб «Тижорат харажатлари» моддаси бўйича ҳам амалга оширилди.

«Доимий» харажатлар гуруҳига маҳсулотни реализация қилиш ҳажми таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун улар бўйича харажатлар сўммасини ўзгаришга тежаш режаси, хом ашё ва материалларнинг нархи ўзгариши, хизмат тарифлари, хизмат кўрсатувчи ва бошқарув ходимларининг маошини ўзгариши каби омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг ўтган (базис) даврга нисбатан четланиши тўғридан тўғри корхонанинг харажатлар сўммасида ўз аксини топади.

Шундай қилиб, корхона харажатининг ўтган йилга нисбатан 5520 минг сўмга ошишига қўйидагилар ўз таъсирини кўрсатган;

- Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмининг ошиши харажатлар сўммасини 4548 минг сўмга кўпайтирган (4522 + 26);
- Сотилган маҳсулотларнинг таннарх даражасини пасайиши харажатлар сўммасини 42 минг сўмга камайтирган;
- Тижорат харажатлар бўйича тежамкорлик харажатларни 23 минг сўмга камайтирган;
- Бошқарув харажатларининг камайиши умумий харажатларни 191 минг сўмга камайтирган;
- Операцион харажатларнинг кўпайиши харажатларни 795 минг сўмга ошишига олиб келган;
- Реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган харажатларининг камайиши харажатларни умумий сўммасини 719 минг сўмга камайтирган.

Кейинчалик бу омилларнинг ҳар бирини ўрганиб чиқиш лозим, маблағларни тежаб сарфланиши ва камайтирилиш имкониятлари ва сабаблари аниқланиб улар бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши керак.

9.3. Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили ва баҳоланиши

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш усули ва маҳсулот таннарини калькуляция қилиш билан боғлиқдир.

Маҳсулот бирлигига қилинган материал, меҳнат ва молиявий харажатларнинг умумий сўммаси маҳсулот таннархи дейилади.

Маҳсулот (иш) таннархини қўйидаги калькуляция методларининг бири ёрдамида аниқлаш мумкин:

- Харажатларнинг намунавий калькуляцияси;
- Жараёбли калькуляция;
- Норматив калькуляция.

Таннархнинг намунавий калькуляцияси махсус буюртма, бир тўда товар ва шартнома таннархи калькуляциясини ифодалайди.

Таннархни намунавий калькуляция усули компания истеъмолчидан калькуляция қилинаётган маҳсулотнинг бир гуруҳ ёки бир бирлигини ишлаб чиқариш буюртмасини олганда қўлланилади, масалан, қурилишда, типографияларда, авиасозликда, мебель фабрикаларида машинасозликда, ремонт ишларини амалга оширишда, аудиторлик ёки консультация хизматларини кўрсатишда ва бошқалар.

Калькуляциянинг намунавий методи буюртма бажариш ҳажмига боғлиқ ҳолда уч турга бўлинади:

1. буюртма таннархнинг калькуляцияси;
2. товар партияси (гуруҳи) таннархнинг калькуляцияси.
3. шартнома таннархнинг калькуляцияси.

Буюртма таннархни калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Буюртмани бажарувчи корхоналар махсус бир марталик товар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Ушбу ҳолатда фирма оммабоп ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифат стандартидан юқори маҳсулотга бўлган талабни қондириши керак. Агар бундай сифатли маҳсулот ишлаб чиқармаса, ишлаб чиқаришга бошқа корхоналарни жалб қилмаслиги ва махсус режалаштириш ва ускуналар билан шуғулланмаслиги керак.

Намунавий методда калкуляция қилинадиган маҳсулотларга қилинадиган харажатларни таҳлил қила туриб буюртмаларнинг калькуляция карточкасида кўрсатилган ҳақиқатда қилинган харажатларни дастлабки ҳисоблар билан солиштириш керак.

Буюртманинг калькуляция карточкаси истеъмолчининг ҳар бир буюртмаси бўйича очилади ва унда қўйидагилар кўрсатилади;

- захирадан олинган материаллар (буюртма асосида);
- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи (буюртмани бажаришга сарфланган вақтни ҳисобга олувчи табель карточкаси асосида);
- тўғри харажатлар (счёт фактуралар асосида).

Буюртмани бажарилишида калкуляция карточкасида тўғри харажатларнинг жами сўммаси чиқарилади. Бундан кейин бу методларнинг бири асосида ушбу буюртмага қирувчи қўшимча харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Агар ҳисобат даврининг охирида буюртма тугалланмаган бўлса, жами харажатлар маълум бир санага калькуляция карточкасига ёзиб қўйилади ва у тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Маҳсулотнинг нархи белгиланишга намунавий усулнинг таннарх калькуляциясини тўғри аниқланишига боғлиқдир.

Маҳсулот нархининг ошиб кетиши буюртмачиларнинг қочишига олиб келади. Буюртма бажарилиши нархининг пасайиши фойданинг камайишига ёки ушбу буюртманинг зарар келтиришига олиб келади.

Маҳсулот таннархи яна бир бирлик маҳсулотга қилинадиган қўшимча харажатлар улушининг ҳисобига, ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайиши ҳар бир буюртма маҳсулотининг нархига таъсирини кўрсатади.

Шунинг учун, буюртмалар бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляцияси тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга ва у асосида маҳсулот (хизмат) баҳоси аниқланади.

Товар партияси таннархини калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Кўплаб компаниялар таннархининг намунавий калькуляциясини товар партияси таннархини калькуляцияси билан бирлаштириб юборади.

Бундай ҳолатлар миқрознинг технологик талабига мувофиқ маҳсулот йиғимини амалга оширувчи корхоналарда учрайди. Шу билан бирга маҳсулот йиғиш, яъни конструкциянинг ўзи бир қатор комплектловчи деталдан ташкил топади, яъни комплектовчи деталлар партияси тайёрланиб ҳамма харажатлар маҳсус буюмлар партиясининг калькуляция қайдномасида ҳисобга олинади.

Комплектловчи буюмлар тайёрланиши тугаши билан буюртма-наряд ёпилади ва тайёрланган маҳсулот тайёр деталлар омборига жами буюм партияси ўртача таннархда топширилади.

Миқрознинг маълум бир ишига буюртма-наряд тузилади.

Товар партияси таннархини калькуляцияси бўйича харажатларни таҳлил қилаётганда ушбу буюртма партияси учун зарур деталлар ҳажмини тўғрилигини аниқлаш керак. Унинг учун қуйидагилар ўрганилади:

- истёмоқ миқдори;
- маҳсулотларни сақлаш ва фойдаланишга тайёр қилиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш тизимини бузиш ва ўрнатиш учун зарур вақт;
- ишчи кучи, хизмат ва станокларнинг бошқа маҳсулотга нисбатан унумдорлиги (ПОМ).

Партиянинг оптимал миқдорини дастлабки ҳисобини қуйидагилар асосида амалга ошириш мумкин:

- бир бирлик маҳсулот энг паст таннархини аниқлаш мақсадида партияларнинг ҳар хил миқдори бўйича маҳсулот бирлиги таннархини калькуляция қилиш таҳлили;
- ишлаб чиқарилган товарларни партияларини сақлаш бўйича уларни ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан таҳлили;
- партияни оптимал миқдорини ҳисоби (ПОМ), қуйидаги формула бўйича амалга оширилади

$$\text{ПОМ} = 2 \frac{2 X_{\text{ў}} T_{\text{й}}}{X_{\text{с}}}$$

бунда: $T_{\text{й}}$ – йиллик талаб

$X_{\text{ў}}$ – бузиш ва ўрнатиш сарфи

$X_{\text{с}}$ – сақлаш сарфи.

Товарлар партияси таннархининг калькуляциясида харажатларни таҳлил қилишнинг кейинги босқичи бўлиб, ҳар бир товар партиясининг таннархини ўрганиш ҳисобланади. Бу алоҳида харажат турлари: ўрнатиш, станокларни ишга тушириш ва захираларни ҳаракати бўйича захиралар даражасини сақланишини режалаштириш мақсадида амалга оширилади, шунингдек ҳар бир товар партияси рентабиллигининг даражасини сақлаш учун ҳам қўлланилади.

Шартнома таннархини калькуляция қилишда харажатлар таҳлили. Ҳар бир шартнома маҳсулотнинг алоҳида бирлигини калькуляция қилинишини аниқлатади, шунинг учун ҳар бир шартнома бўйича харажатлар бухгалтерия бош китобида алоҳида счётада йиғилади.

Шу туфайли харажатлар қуйидаги модда турлари бўйича йиғилади.

1. Асосий материаллар.
2. Ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи.
3. Ишлаб чиқариш қурилмалари учун сарфлар.
4. Суб контракт (субшартнома) бўйича сарфлар.

5. Эгри харажатлар.

Контрактга кирувчи материаллар ўз ичига махсус сотиб олинган материалларни олибгина қолмай, пудратчи омборидаги махсулотни ҳам ўз ичига олади.

Материал харажатларини таҳлил қилишда қурилиш майдончасидан омборга ортиқча материалларнинг келиб тушиши ва қайтарилишини ҳисобга олиш қийинлигини инобатга олиш керак. Махсулотлар сарфланиши ҳисоби тўғрилигини ва ўрнатилган сарф нормасини батафсил синчиклаб текшириш зарур.

Шартномага кирувчи меҳнат учун сарфлар, режа ва хужжатлар тузиш билан боғлиқ офис ишини, бевосита заводдаги ишлаб чиқариш операцияларини ва қурилиш майдончасидаги ишларни ўз ичига олади. Қурилиш жойидаги барча ишларга шартнома бўйича тўғри меҳнат сифатида қаралади.

Ҳар хил майдончалардаги қурувчиларнинг иш вақтлари махсус иш вақтининг ҳисоби табелларида олиб борилади. Бундай меҳнат билан боғлиқ барча харажатлар шартнома ҳисобига ёзилади.

Материаллар ва меҳнатдан ташқари шартнома бўйича тўғри харажатлар ҳам мавжуд. Уларга субшартнома бўйича ишлар ва ишлаб чиқариш қурилмалари учун сарфлар киради.

Ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлари учун харажатлар махсус ушбу шартнома учун қилинган бўлиши мумкин ёки ижарачи фойдаланиши учун берилган бўлиши мумкин.

Агар ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлар ушбу шартнома учун махсус сотиб олинган бўлса, унда сотиб олинган жиҳозларнинг таннархи бутунлай шартнома ҳисобига ўтади.

Агар ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлар бошқа шартномаларга берилса, унда уларнинг ҳисобдан чиқарилган қиймати дастлабки шартномада қолади, қолган сумма эса янги шартномага ўтади.

Ишлаб чиқариш қурилмалари маълум бир шартнома бўйича фойдаланиш учун ижарага олинган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания бу ишлаб чиқариш қурилмаларига эгалик қилаолмаслиги учун ижара суммаси шартнома ҳисобига кўчирилади.

Йирик шартнома ёки маълум бир иш тури бўйича мутахассис фаолияти билан боғлиқ шартнома бўлса корхона субпудратчиларни жалб қилиши мумкин. Субпудратчининг ҳамма бажарган ишининг таннархи шартноманинг тўғри харажати сифатида қаралиб шартнома ҳисобига олиб борилади.

Қўплаб пудратчилар ўз харажатларини алоҳида шартномалар бўйича тақсимламайдилар, чунки улар одатда тўғри харажатларга нисбатан муҳим ҳисобланмайди. Лекин, алоҳида ҳолларда шартнома бўйича эгри харажатлар алоҳида шартномалар ўртасида корхона учун белгиланган усул бўйича тақсимланиши мумкин.

Ҳар бир шартноманинг қиймати ижрочи ва миждоз ўртасида келишиб олинади ва у шартнома қиймати ҳисобланади. Агар шартномалар йирик бўладиган бўлса, пудратчи миждоздан бажарган иш ҳажми ва шартнома қийматига мос равишда оралиқ тўловларни олиши мумкин.

Ушбу ҳолларда шартноманинг бажарилган иши бўйича буюртмачининг эксперти хулоса беради, унда шартноманинг жами қийматидан бир қисми аниқланади ва у ижрочиға бажарган иш ҳажмига мувофиқ равишда тўланиши мумкин. Ижрочи ўз навбатида буюртмачиға оралиқ тўлов суммаси учун счет фактура беради.

Шартноманинг бажарилиш даврида ижрочи одатда эксперт хулосасида кўрсатилган қийматнинг бир қисмини олади. Буюртмачи ишлаб қоладиган қолган сумма ижрочиға шартномани бажарилиши билан ва деффе́ктларни тузатиши билан (агар улар бўлса) тўлаб беради.

Таннархни жараёнли калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Ишлаб чиқариш харажатларнинг жараёнли калькуляцияси бу саноатда

оммабоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, лекин жараён доимо такрорланадиган операцияларга бўлинган, яъни узок вақт давомида оммабоп маҳсулот бир нечта қайта ишлаш босқичидан ўтадиган ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш методи. Уларга химик, нефтни қайта ишлаш, текстил, лак-буёк, тегирмон, резина техник металлургия, шиша, тоғ, цемент саноати корхоналари киради.

Жараёнли метод носаноат соҳасида ҳам қўлланилади, масалан, почта хатларини саралашда, ўз-ўзига хизмат қилиш кафеларида ва бошқалар.

Жараёнли методда маҳсулот бир жараёндан бошқа жараёнга тўлиқ тайёр бўлмагунча ўтаверади. Тайёрлаш жараёни билан биргаликда ишлаб чиқариш харажатларини йиғилиши жараёни ҳам олиб борилади. Ҳар бир технологик жараён учун тўғри ва эгри харажатлар аниқланиши зарур.

Харажатлар худди калькуляциянинг намунавий методидагидай аниқланади. Ҳамма материал хом ашё меҳнат ҳаққи учун тўғри харажатлар, шунигдек, ишлаб чиқаришнинг қўшимча харажатлар ҳисобга олинади. Намунавий методда эгри ҳисобланган харажатларни катта қисми жараёнли методда тўғри харажат ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини назорати учун сарфлар, жараёндаги ускуналар амортизацияси ва бошқалар.

Жараёнли методнинг намунавийдан фарқи харажатлар ҳисоби объектининг танланишидир. Бирлик маҳсулотнинг таннархини аниқланиши иккала методда ҳам ҳисоблаш йўли билан аниқланади, яъни ишлаб чиқаришни жами таннархини ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига бўлиш йўли билан асосий фарқ маҳражнинг катталигида. Намунавий методда у кичик (масалан, битта қадақловчи машина), жараёнли методда эса катта (масалан, минг метр, бирлик, куб, галон ва ҳ.к.).

Таннархни норматив калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Таннархни норматив калькуляция қилишда харажатларни таҳлил қила туриб норматив харажат ва даромадни ҳақиқий натижа билан солиштирилади. Бу корхона фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг сабабларини аниқлаш учун ишлатиладиган аниқлаш мақсудида амалга оширилади.

Харажатларни шаклланиш асосини танланишига боғлиқ ҳолда нормативлар қуйидагича фарқланади:

- асосий норматив;
- идеал норматив (энг юксак);
- эришиладиган норматив;
- жорий норматив.

Асосий норматив – узок муддатда ишлатиш учун ўрнатилган норматив бўлиб, бу асосида жорий нормативлар ишлаб чиқиш мумкиндир.

Идеал норматив – бу ускуналарни туриб қолишини, йўқотишлар, оддий зарарларни компенсациясиз қулай шароитларда эришиш мумкин бўлган норматив. У яна потенциал норматив ҳам дейилади.

Эришиладиган норматив – бу шундай нормативки, агар ишнинг норматив бирлиги самарали бажарилса, ускуна ва материаллар керакли жойида ишлатилса, унга эришиш мумкин.

Жорий норматив – бу ва қисқа вақт даврида фойдаланиш учун ўрнатилган ва жорий шароитга алоқаси бўлган нормативдир.

Харажатларнинг норматив кўрсаткичларидан фойдаланиб норматив таннарх карточкаси тузилади ва маҳсулот борлигининг норматив таннархи ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Харажатларни таҳлил қилишда маҳсулот таннархининг норматив кўрсаткичлари ҳақиқий харажатлар билан солиштириш учун асос бўлиб ҳисобланади ва улар ёрдамида йўл қўйилган фарқлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

Ҳақиқий харажатлар фарқи уларнинг турлари, маҳсулот бирлиги ва харажатлар умумий суммасининг четланишини аниқланиши бўйича ҳисобга олиб борилади.

Таннархнинг норматив калькуляцияси бўйича харажатлар таҳлили қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади: норма-соат, ишлаб чиқариш ҳажми коэффиценти, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти, ишлаб чиқариш қуввати самарадорлиги (унумдорлиги) коэффиценти.

Норма-соат – бу норматив унумдорлиги билан бир соатда бажарилиши керак бўлган иш ҳажми, масалан, бир соатда маҳсулот ишлаб чиқариш 20 та маҳсулотни ташкил қилса, унда 100 дона маҳсулотни ишлаб чиқариш нормативи бўйича 5 соат бўлиши керак ва уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳақиқий вақтдан қатъий назар шу 5 соатнинг норматив қиймати бўйича баҳоланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми коэффиценти ($K_{и/ч.х}$) ишлаб чиқаришни ҳақиқий ҳажмини (норма-соатда ўрганган) режада кўрсатилганлиги нисбати орқали аниқланади ва фоизларда ифодаланилади:

$$K_{и/ч.х} = \frac{И/Ч.X_{\text{ҳақ}} \cdot 100}{И/Ч.X_{\text{режа}}}$$

Бу ерда: $И/Ч.X_{\text{ҳақ}}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳақиқатда сарфланган вақт;
 $И/Ч.X_{\text{режа}}$ - вақт сарфининг режавий ҳажми.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти ($K_{и/ч.қув.фой}$) режада кўрсатилган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасини характерлайди. У ҳақиқатда ишланган вақтни (норма-соатда) режадагига нисбати орқали ҳисобланади:

$$K_{и/ч.қув.фой} = \frac{И_{ш.Вақт.ҳақ} \cdot 100}{И/Ч.X_{\text{режа}}}$$

Бунда: $И_{ш.Вақт.ҳақ}$ – Ишлаб чиқариш қувватида ҳақиқатда ишланган иш вақти (норма-соатда).

Ҳақиқатдаги иш вақтидан фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти ($K_{\text{ҳақ}}$ ишлат иш вақ) ҳақиқатда ишланган вақтни ($И/Ч.X_{\text{ҳақ}}$) ишлаб чиқариш қувватида ҳақиқатда ишланган иш вақтига нисбати ($И_{ш.Вақт.ҳақ}$) формуласи билан аниқланади:

$$K_{\text{ҳақ.ишлат. иш вақт}} = \frac{И/Ч.X_{\text{ҳақ}} \cdot 100}{И_{ш.Вақт.ҳақ}}$$

Маҳсулот таннархини норматив калькуляцияси қўлланиладиган ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда фрқлашлар усулидан фойдаланиш керак.

Норматив харажатлардан фарқи кўзда тутилган норматив харажатлар асосида орасидаги фарқ. Бу методдан фойдаланиб фойдаланилган материаллар миқдори (физик ҳажми) ва материал харажатлар сўммасига нархнинг ўзгариши таъсирини аниқлаш лозим.

Нархнинг ўзгаришини материал харажатлар сўммасига таъсирини аниқлаш физик ва норматив нархлар орасидаги ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдорига кўпайтириш керак:

$$\Delta M X_n = (N_x - N_{\text{нор}}) \cdot C M M_x$$

Бунда: $\Delta M X_n$ – материал харажатлари сўммасини материал нархнинг ўзгариши ҳисобига четланиши;

N_x - сарфланган материалларнинг ҳақиқий, нархи;

$N_{\text{нор}}$ – сарфланган материалларнинг норматив нархи;

$C M M_x$ – ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдори.

Харажатлар сўммасига сарфланган материаллар миқдорини ўзгариши ҳисобига четланишлар таъсирини аниқлаш учун материал харажатнинг ҳақиқий миқдори ва

норматив бўйича материал харажатлар, миқдори орасидаги фарқни материалларнинг норматив қийматига кўпайтириш керак:

$$\Delta MX_{\text{миқ}} = (CMM_x - CMM_n) \cdot MN_{\text{нор}}$$

Бунда: $\Delta MX_{\text{миқ}}$ – материал харажатлари сўммасини сарфланган материاللлар миқдорини ўзгариши ҳисобига четланиши;

CMM_x – ҳақиқатда сарфланган материاللлар миқдори;

CMM_n – норматив бўйича сарфланган материاللлар миқдори;

$MN_{\text{нор}}$ – сарфланган материاللларнинг норматив қиймати.

Меҳнат ҳақи харажатлари меҳнат қиймати ва фойдаланилган меҳнат қиймати ва фойдаланилган меҳнат миқдорини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шунга боғлиқ ҳолда таҳлил мобайнида иккита омил таъсирини ҳисобга олиш зарур:

- меҳнат ҳақи ўртача ставкасининг ўзгариши;
- ишланган вақтнинг четланиши.

Меҳнат ҳақи ставкасининг ўртача ўзгариши таъсирини аниқлаш учун меҳнат ҳақининг ҳақиқатдаги норматив ставкалар ўртасидаги фарқни ҳақиқатда ишланган вақтга (агар соатбай меҳнат ҳақи бўлса) ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига (агар меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлаш) кўпайтирилади. Унинг формуласи:

$$\Delta MXЧ_{\text{м.х.ў}} = (MX_{\text{ўр.ҳақ}} - MX_{\text{ўр.нор}}) \cdot \text{Вақт ишлан}_{\text{ҳақ}}$$

Бунда – $\Delta MXЧ_{\text{м.х.ў}}$ – меҳнат ҳақи бўйича ўртача ставканинг ўзгариши натижасида меҳнат ҳақини четланиши;

$MX_{\text{ўр.ҳақ}}$ – меҳнат ҳақи бўйича ўртача ҳақиқий ставкasi;

$MX_{\text{ўр.нор}}$ – меҳнат ҳақининг ўртача норматив ставкasi;

$\text{Вақт.ишлан}_{\text{ҳақ}}$ – ҳақиқатда ишланган вақт (норма-соатда) ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот сони.

Меҳнат унумдорлигининг таъсири, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишланган вақтни ўзгариши ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кетган ҳақиқий (соатда) вақт ва норматив (соатда) вақт орасидаги фарқни иш ҳақини норматив соатбой ставкасига (ўртача) кўпайтирилади:

$$\Delta IX_{\text{и.вақт}} = (\text{Вақт}_{\text{ишлан}_{\text{ҳақ}}} - \text{Вақт}_{\text{ишлан}_{\text{нор}}}) \cdot \text{Иш.ҳақ}_{\text{нор.ўр}}$$

Бунда: $IX_{\text{и.вақт}}$ – ишланган вақтни ўзгариши натижасида харажатларни четланиши;

$\text{Вақт}_{\text{ишлан}_{\text{ҳақ}}}$ – ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарфланган ҳақиқатда ишланган вақт (соатда);

$\text{Вақт}_{\text{ишлан}_{\text{нор}}}$ – ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарфланган норматив вақт (соатда);

$\text{Иш.ҳақ}_{\text{нор.ўр}}$ иш ҳақининг норматив соатбой ставкаси.

Кейинчалик ҳақиқий харажатларни нормативдан (режадан) четланиш сабабларини аниқлаш зарур. Четланишлар ҳисоби – бу фақатгина биринчи қадам.

Раҳбариятга режалаштириш бўйича қарор қабул қилиш ва харажатлар самарадорлигини назоратини амалга ошириш учун ахборот лозим. Четланиш мавжудлигини билиш камлик қилади, унинг сабабларини аниқлаш зарур.

Сабаблари қуйидагилар бўлиш мумкин:

- ёмон молиявий режалаштириш;
- ёмон ўлчаш ёки нотўғри ҳисоб;
- тасодифий омиллар;

Материаллар қиймати бўйича четланиш қуйидагилар натижасида бўлиши мумкин:

- ҳар хил таъминот манбаи;
- нархнинг умумий ошиши;
- ҳар хил нав материалларни алмаштириш;

- катта партиядаги товар сотишдаги чегирмаларнинг ўзгариши.
- маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича четланишлар қуйидагилар натижасида бўлиши мумкин;
 - маҳсулот дизайнининг ўзгариши юқори ёки кам материаллар сарфи;
 - ҳар хил сортли материалларнинг алмаштирилиши;
 - меҳнат ҳақи бўйича четланишлар қуйидагилар ҳисобига бўлади;
 - мамлакат миқёсида ҳукуматнинг ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақини ошириш бўйича қарори;
 - режада назарда тутилмаган иш вақтидан ташқари бажарилган ишга ва мукофат тўловлари;
 - ҳар хил мураккаб даражали ишнинг алмаштирилиши.

Меҳнат унумдорлиги бўйича четланишлар қуйидагилар натижасида содир бўлади:

- иш шароитларини такомиллаштирилиши;
- ўқитиш эффектнинг натижалари;
- моддий рағбатлантириш тизими жорий қилиниши ёки ходимларни ўқитиш;
- ҳар хил мураккаб даражали ишнинг алмаштирилиши.

Таҳлил қилаётганда бу четланишларни мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш лозим. Уларнинг сабабларини аниқлаш зарур, корхонанинг молиявий натижаси ва жами харажат сўммасига уларнинг таъсирини аниқлаш керак мақсадга мувофиқ.

9.4. Харажатлар динамикасига таъсир этувчи омил таҳлили


Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилатуриб ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришини жами харажатларга ва маҳсулот бирлигига таъсирини аниқлаш лозим. Бу маблағларни тежаб сарфлаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва умуман корхона фаолияти самарадорлиги учун керак.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқаришнинг ҳар хил ҳажмдаги харажатлар ҳисобига эга бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш харажатлари доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш фаолияти даражасига (ишлаб чиқариш ҳажмига) тўғри пропорционал равишда ўзгаради. Бу шу билан боғлиқки, маҳсулот бирлиги учун ўзгарувчан харажатлар (хом ашё, материаллар, ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи ва ҳ.к) доимийдир.

Шундай қилиб, умумий ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ, бир маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар эса, доимий ҳисобланади. Буни қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин:



1-чизма. Умумий ўзгарувчан харажатлар.




2-чизма. Маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар

Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг турли хил масштаби учун маълум вақт даври учун ўзгармай қолади. Лекин ишлаб чиқариш масштаби ўзгариши билан маҳсулот бирлиги учун улар улуши ўзгаради. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан доимий харажатлар сўммаси ўзгармайд, лекин маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги учун харажатлар қисқаради. Чизмада у қуйидагича ифодаланади:

Амалиётда доимий харажатлар ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришнинг барча даражалари учун бир хил бўлавермайди. Бир неча йиллар билан ўлчанадиган солиштирма, узоқ вақт даври учун, барча харажатлар ўзгарувчан ҳисобланади. Шунингдек, фаолият даражасини катта миқдорда кенгайтириши харажатларнинг барча туркумларини ошишига олиб келади. Қисқа вақт даври учун



3-чизма. Умумий доимий харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги




4-чизма. Маҳсулот бирлигига қилинган
доимий харажатларнинг ишлаб
чиқариш ҳажмига боғлиқлиги


харажатлар ўзгарувчан ёки ишлаб чиқариш даражаси ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий бўлади. Қанча қисқа бўлса, вақт даври маълум бир харажатлар доимий бўлиш эҳтимоли катта.

Жами ва маҳсулот бирлигига қилинган умумий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқдир. Фаолият ҳажмининг ошиши билан умумий харажатлар ошади, лекин ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал равишда эмас. Маҳсулот бирлигининг умумий таннарни доимий харажатлар моддаси ҳисобига камаяди ва маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатларга интилади.

Буни 5 ва 6 чизмаларда кўриш мумкин:



5-чизма Умумий харажатларни ишлаб
чиқариш ҳажмига боғлиқлиги.



6-чизма. Маҳсулот бирлигига қилинган умумий харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан боғлиқ маҳсулот бирлигига қилинган умумий харажатларнинг камайиши корхоналар учун катта ҳажмдаги маҳсулот буюртмаларига чегирмалар қилишга имконият беради.

Маҳсулот таннархини пасайишига яна аниқ давр ва маълум бир ишлаб чиқариш даражаси учун доимий ҳисобланадиган ярим ўзгарувчан харажатлар киритилади, лекин критик вақтда маълум миқдорга улар ошиб ёки камайиб кетади. Масалан, агар ишлаб чиқариш қувватлари маълум критик кўрсаткичгача кўпайиб кетса унда кўшимча ишчилар, назоратчилар ва хизмат кўрсатиш штати ёлланилади. Агар бу кўпайиш унча катта бўлмаса, кўшимча харажатлар қилинмаслиги мумкин.

Ярим ўзгарувчан харажатларга доимий ва ўзгарувчан компонентлар киради. Бу харажатлар ҳеч қачон нолга тенг бўлмайди, ишлаб чиқариш нолинчи даражада бўлса ҳам.

Амалиётда харажатларни ярим ўзгарувчанларга ажратилиши жуда мушкул, лекин зарарсизликни таҳлил қилиш учун зарурдир. Бунинг учун математик методлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Куйидаги формуладан фойдаланамиз: $y = a + bx$

Бунда: y – умумий харажатлар;

a – доимий харажатлар;

b – бир бирлик учун ўзгарувчан (маржинал) харажатлар;

x – унумдорлик даражаси.

Маржинал даромад реализация ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни айирмасига тенг, яъни у доимий харажатлар ва соф фойдани ўз ичига олади.

Маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар ва маҳсулот бирлигининг реализация қиймати доимий ҳисобланганлиги учун маҳсулот бирлигидан олинандиган маржинал даромад ҳам доимий бўлади.

Ҳар бир сотилган маҳсулот бирлигидан олинган маржинал даромад доимий харажатларни қоплаш учун кетади, ундан кейин қолган қисми эса фойдани оширишга ишлатилади. Бу шунга олиб келадик, ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан маҳсулот бирлигининг таннархи пасаяди, ўзгарувчан харажатлар миқдорига яқинлашади ва маҳсулот бирлигининг фойдасини ва доимий харажатлари улушини оширади. Буларни ҳаммасини харажатларни таҳлил қилишда ва ишлаб чиқаришни зарарсизлигини аниқлашда ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда *минимум* ва *максимум* методидан фойдаланиб харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратиш керак.

Бу методнинг асл моҳияти шундаки, ўтган давр унумдорлигини ва харажатларни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми даражаларининг энг юқори ва энг пастини танлаш ва ушбу даражаларда маҳсулот ишлаб чиқариш нитижасида содир бўлган харажатлар ўзгаришини солиштириш.

Ҳисобни амалга ошириш учун куйидаги ҳаракатлар бажарилади:

Ҳисоб бошида ҳажмнинг ва умумий харажатларини *минимал* ва *максимал* кўрсаткичлари орасидаги фарқ аниқланади:

$$\Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ.}} = \text{МИЧ}_{\text{макс. миқ.}} - \text{МИЧ}_{\text{мин.миқ.}}$$

$$\Delta \text{Хар}_{\text{ум}} = \text{Хар}_{\text{ум макс.}} - \text{Хар}_{\text{ум.мин.}}$$

Бунда: $\Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ.}}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришининг *максимал* ва *минимал* ҳажмлари орасидаги, *натура* ўлчамидаги, фарқ;

$\Delta \text{Хар}_{\text{ум}}$ - ишлаб чиқаришининг *минимал* ва *максимал* ҳажмидаги умумий ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи;

$\text{МИЧ}_{\text{макс.миқ.}}$ – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг *максимал* миқдори;

$\text{МИЧ}_{\text{мин.миқ.}}$ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг *минимал* миқдори;

$\text{Хар}_{\text{ум.макс.}}$ *максимал* ишлаб чиқаришидаги умумий харажатлар;

$\text{Хар}_{\text{ум.мин.}}$ *минимал* ишлаб чиқаришидаги умумий харажатлар.

2. Кейин харажатлар орасидаги фарқни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмлари орасидаги фарққа бўлиш йўли билан маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар

сўммаси (Хар_{ўз.ма.бир.}) аниқланади, чунки умумий харажатлар таркибидаги ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгаради;

$$\text{Хар}_{\text{ўз.ма.бир}} = \Delta \text{Хар}_{\text{ум.}} : \Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ.}}$$

3. Ҳисобнинг кейинги қадами бўлиб умумий ўзгарувчан харажатларни (Хар_{ўз.ма.бир.}) аниқлаш ҳисобланади. У маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг максимал миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади:

$$\text{Хар}_{\text{ўз.ум}} = \text{Хар}_{\text{ўз.ма.бир}} \times \text{МИЧ}_{\text{макс.миқ.}}$$

4. Доимий харажатлар сўммасини (Хар_{доим.ум.}) аниқлаш учун умумий харажатлар сўммасидан ўзгарувчан харажатлар сўммасини айтириб ташлаш лозим:

$$\text{Хар}_{\text{доим.ум}} = \text{Хар}_{\text{ум.макс}} - \text{Хар}_{\text{ўз.ум}}$$

ёки

$$\text{Хар}_{\text{доим.ум}} = \text{Хар}_{\text{ум.макс}} - (\text{МИЧ}_{\text{мин.миқ}} \times \text{Хар}_{\text{ўз.ма.бир.}}$$

Буни аниқ бир мисолда кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, 2004 йилнинг ойлар бўйича харажатлар ва ишлаб чиқариш даражалари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар олинган.

Ойлар	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ишлаб чиқариш харажатлар и, минг сўм	Минимал кўрсаткичлар		Максимал кўрсаткичлар	
			Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Харажатлар, минг сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Харажатлар, минг сўм
Январ	400	1050	400	1050	-	-
Феврал	600	1700	-	-	-	-
Март	550	1600	-	-	-	-
Апрел	800	2100	-	-	-	-
Май	750	2000	-	-	-	-
Июн	900	2300	-	-	900	2300

Ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажми январда, максимал ҳажми эса июн ойида.

1. Биринчи ўринда максимал ва минимал кўрсаткичлар орасидаги фаркни ҳисоблаймиз.

а) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 500 дона

$$\Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ}} = 900 - 400 = 500 \text{ дона}$$

б) ишлаб чиқариш харажатлари – 1250 минг.сўм.

$$\Delta \text{хар}_{\text{ум}} = 2300 - 1050 = 1250$$

2. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар – 2,5 минг.сўм.

$$\text{Хар}_{\text{ўз.ма.бир}} = 1250 : 500 = 2,5 \text{ минг сўм}$$

3. Умумий ўзгарувчан харажатлар – 2250 минг.сўм

$$\text{Хар}_{\text{ўз.ум}} = 2,5 \cdot 900 = 2250 \text{ минг сўм}$$

4. Умумий доимий харажатлар – 50 минг.сўм.

$$\text{Хар}_{\text{доим.ум}} = 2300 - 2250 = 50 \text{ ёки } 1050 - (400 \cdot 2,5) = 50.$$

Ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили. Зарарсизлик (Cost – volume – profit) таҳлилини ёки CVP- таҳлилини мақсади - маҳсулот ишлаб чиқариш вақт бўйича чекланган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгармаган ҳолда ўтган давр учун молиявий натижаларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини аниқлаш.

Шу билан бирга асосий шартлар қуйидагилар бўлиши керак:

1. Ўзгарувчан харажатлар ва сотиш нархи, яъни маҳсулот бирлигининг маржинал даромади ўзгармас ҳисобланади ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас.

2. Умумий доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгармайди, лекин маҳсулот бирлиги учун ўзгаради.
3. Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариш билан маҳсулот бирилигининг фойда сўммаси ўзгаради.

Юқорида таъкидланганидек кўринадики, CVP – таҳлил зарарсизлик нуқтаси ва маржинал даромаднинг таҳлили ва ҳисобига асосланган.

Зарарсизлик нуқтаси - бу реализациядан олинган даромад умумий харажатларга тенг бўлган нуқта, яъни даромад ҳам зарар ҳам йўқ.


Фойда (зарар) – бу маржинал даромад ва доимий харажатлар орасидаги фарқ. Зарарсизлик нуқтаси маржинал даромад ($МД$) доимий харажатларга тенг бўлган жойда бўлади. Шундай қилиб, юқорида келтирилганидек нисбат тузиш мумкин.

МД бир бирлик учун ($МД_{дона}$) = Нарх ($Н$) – Хар ўз.мах.бир.

Умумий МД($МД$) = $МИЧ_{миқ} \cdot МД_{дона} = МИЧ_{миқ} \cdot (Н - Хар_{ўз.мах.бир})$

$МД = \text{Доимий харажатлар (Хар}_{доим}) + \text{фойда (Ф)}$

Буни яна чизмада ҳам ифодалаш мумкин.



7- чизма. Маржинал даромад ва зарарсизлик нуқтасининг чизмаси.

Реализациянинг зарарсизлик ҳажми фирманинг даромади харажатларга тенг ёки кўплигидан маҳсулот реализацияси ва ишлаб чиқариш ҳажмини характерлайди. Реализациянинг зарарсизлик ҳажми зарарсизлик нуқтасидан бошланади ва **релевантлик** соҳаси деб номланувчи фирма фаолиятини қамраб олади.

Хавфсизлик маржаси – бу режавий сотиш ҳажми ва зарарсизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми орасидаги фарқ. У компания зарар кўришдан олдин реализация ҳажми қанчага қисқариши мумкинлигини кўрсатади. (бу 7-чизмада яққол кўринади).

Зарарсизлик маржасини яна фоизларда ифодалаш мумкин.

$$\text{Зарарсизлик маржа даражаси} = 1 - \frac{\text{Зарарсизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми} \cdot 100}{\text{Режавий сотиш ҳажми}}$$

Буни конкрет мисолда кўрамиз.

Маҳсулот реализациясининг режавий ҳажми – 80000,0 минг. дона

Реализация нархи - 80 сум .

Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан ҳаражати – 40 сум

Доимий харажатлар 200,0 млн. сўм

Зарарсизлик нуқтасини ва зарарсизлик маржаси даражасини аниқлаш талаб қилинади.

$$\text{Зарарсизлик нуқтаси} = \frac{200000000}{80 - 40} = 5000,0 \text{ минг дона}$$

$$5000,0 \cdot 100$$


$$\text{Зарарсизлик маржаси даражаси} = 100 - \frac{\text{Зарарлар}}{\text{Сумма}} = 100 - \frac{3750}{8000,0} = 100 - 46,875 = 53,125 \%$$

яъни фирма зарар кўришдан олдин ишлаб чиқариш ҳажмини 37,5 % гача камайтириш мумкин экан.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажми ва таркиби, яъни фойда даражаси ва суммаси кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсирига боғлиқ: ишлаб чиқариш ҳажми, хом-ашё нархи, материаллар, сотиб олинадиган ярим фабрикатлар, ускуналар ва меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши, фавқулотда ҳолатлар, бирлашма ва маҳаллий органлар чиқарадиган қонунлар.

Корхонанинг зарарсизлигини таҳлил қила туриб бу омилларнинг барчасини таъсирини ўрганиб чиқиш лозим ва улар асосида ишлаб чиқариш харажатларини самарадорлиги ва фойда рентабеллигини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш керак.

Фойданинг ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатларга боғлиқлиги 8-чизмада келтирилган графикда кўрсатилган.



8- чизма. Фойданинг харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги.

9.5. Фавқулотда харажатлар таҳлили

Фавқулотда харажатлар — бу раҳбарият қарорларига боғлиқ бўлмаган ва корхонанинг одатий фаолияти учун характерли бўлмаган, гоҳо-гоҳо содир бўладиган ходиса ёки операциялар харажатларидир. Харажатлар қуйидаги ҳолларда фавқулотда харажатлар ҳисобланади:

- Бир неча йил мобайнида вужудга келмайдиган.
- Хужалик юритувчи субъектнинг одатий хужалик фаолияти натижасига кирмайдиган.
- Хўжайинлар ёки раҳбарият қарорларига боғлиқ бўлмайдиган.

Ҳисобот ва ўтган йилнинг фавқулотда зарарлар суммаси ҳақида маълумотлар молиявий ҳисоботнинг №2 —шакли «Молиявий зарарлар тўғрисидаги ҳисобот» да бўлади.

Компания ўзининг одатий хўжалик фаолияти натижасида олинадиган фойда ёки зарарга фавқулотда моддалар каби қаралмайди. Ходиса ғайри оддий бўлиши керак ва компаниянинг одатий хўжалик фаолиятидан фарқ қилиши керак. Қандайдир ходиса ёки операция битта фирма учун ғайри оддий ҳисобланса бошқаси учун муҳитлар фарқи сабабли одатий характерга эга бўлиши мумкин. Икки ходисани кўриб чиқамиз.

Биринчи ходиса. Ўзбекистоннинг вилоятларидан бирида пахта ҳосили дўл сабабли йўқ қилинган. Пахта етиштириладиган майдонларда дўл етказдирган бундай зарар — кам учрайдиган ходисадир.

Иккинчи ходиса. Цитрус мевалари ҳосили совуқдан зарар кўрди. Совуқ тушиши 3 ёки 4 йилда бир марта бўлади.

Биринчи ходисага пахта етиштириладиган жойларда дўл кам учраши сабабли фавқулотдагидек қаралади. Иккинчи ходисани компания ишлаётган атроф муҳит ҳисобга

олган ҳолда фавкулодда деб бўлмайди. Компаниянинг раҳбарияти совуқ тушишини кўзда тутган ҳолда совуқ тушуши оқибатини олиш ёки келажак ҳосилни суғурта қилиш каби чораларни қўллаш керак.

Солиққа тортиш жиҳатдан кўплаб давлатларда фавкулодда фойда даромад солиғига тортиладиган солиқ сўммасини оширади, фавкулодда зарар эса камайтиради.

Фавкулодда зарарларни таҳлил қилаётиб қуйидагиларни амалга ошириш керак.

- уларни харажатларга тўғри олиб борилганлигини текшириш;
- уларнинг умумий харажатлар сўммасидаги улушини аниқлаш;
- уларнинг турлари ва умуман бир неча йилги сумма ва даража динамикасини ўрганиш;
- уларнинг юзага келиш сабабларини ва олдини олиш чораларини ўрганиш.

Бизнинг амалиётимизда тасодикий фойда ва зарарлар кам учрамоқда. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларнинг таҳлили ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ушбу зарар ва фойда умумий ҳажми бўйича молиявий натижа кўрсаткичлари билан, молиявий таҳлилда, алоҳида турлари бўйича эса харажатлар таҳлили билан бошқарув таҳлилида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

9.6. Таянч иборалар

Харажатлар, бевосита харажатлар, билвосита харажатлар, маҳсулот таннархи, харажатлар ҳисоби, бошқарув ҳисоби, ноишлаб чиқариш харажатлари, тўғри харажатлар, умумцех харажатлари, умумзаовд харажатлари, меҳнат ҳақи харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, доимий харажатлар, ўзгарувчи харажатлар, асосий норматив, идеал норматив, эришиладиган норматив, жорий норматив, товар портияси таннархи калькуляцияси, шартнома таннархи калькуляцияси, шартномага кирувчи меҳнат учун сарфлар, таннархни жараёнли калькуляция қилиш, норма-соат, ишлаб чиқариш ҳажми коэффициенти, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти, ишлаб чиқариш қуввати самарадорлиги коэффициенти, меҳнат ҳақи харажатлари, харажатлар динамикаси, маржинал даромад, маҳсулот таннархи, ярим ўзгарувчи харажатлар, зарарсизлик нуқтаси, хавфсизлик маржаси, сотишдан даромад, зарарсизлик маржа, фавкулодда харажатлар.

9.7. Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш харажатлари деб нимага айтилади?
2. Харажатлар қайси белгилари бўйича таснифланади?
3. Бошқарув соҳасидаги роли бўйича харажатларни тавсифланг!.
4. Харажатларни назорат қилиш даражаси бўйича тавсифланг!
5. Харажатларни функционал ўзгариши бўйича тавсифланг!
6. Харажатларни иқтисодий мазмуни бўйича тавсифланг!
7. Харажатларни калькуляция моддалари бўйича тавсифланг!
8. Харажатларни маҳсулот таннархига киритилиши бўйича тавсифланг.
9. Ишлаб чиқариш харажатларини ифодаловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?
10. Харажатларнинг мутлоқ фарқи қандай аниқланади?
11. Харажатларнинг нисбий фарқи қандай аниқланади?
12. Харажатлар ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?
13. Ўзгарувчи харажатларга маҳсулот ҳажмининг таъсири қандай аниқланади?
14. Харажатлар сўммасига унинг даражаси ўзгариши қандай аниқланади?
15. Таннархнинг намунавий калькуляцияси методи нима?
16. Таннархнинг жараёнли калькуляцияси методи нима?
17. Таннархнинг норматив калькуляцияси методи нима?
18. Товар партияси таннархи қандай калькуляция қилинади?

19. Шартнома таннархини калькуляция қилиш нима?
20. Асосий норматив нима?
21. Идеал норматив нима?
22. Эришиладиган норматив нима?
23. Жорий норматив нима?
24. Ишлаб чиқариш ҳажми коэффиценти қандай топилади?
25. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти қандай топилади?
26. Иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти қандай аниқланади?
27. Материал харажатларга нарх ўзгаришининг таъсири қандай топилади?
28. Харажатлар ўзгаришига материаллар миқдорининг таъсири қандай аниқланади?
29. Меҳнат ҳақи харажатларига қандай омиллар таъсир қилади?
30. Меҳнат ҳақи харажатларининг ўзгаришига меҳнат унумдорлиги таъсири қандай аниқланади?
31. Доимий харажатлар нима?
32. Ўзгарувчи харажатлар нима?
33. Маржинал даромад нима?
34. Харажатларни таҳлил қилишда минимал ва максимал усуллардан қандай фойдаланилади?
35. Зарарсизлик нуқтаси қандай аниқланади?
36. Хавфсизлик маржаси нима?
37. Фавқулотда харажатлар нима?
38. Фавқулотда харажатлар қандай таҳлил қилинади?

9.8. «Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили» мавзуси бўйича тестлар

- 1. Хом ашё ва асосий материаллар назорат қилиш даражаси бўйича қайси харажатга киради?**
 - А) ишлаб чиқариш
 - Б) ноишлаб чиқариш
 - В) бевосита
 - Г) тўғри
 - Д) эгри
- 2. Умумзавад харажатлари назорат қилиш даражаси бўйича қайси харажатга киради?**
 - А) ишлаб чиқариш
 - Б) ноишлаб чиқариш
 - В) бевосита
 - Г) тўғри
 - Д) эгри
- 3. Хом ашё ва материаллар харажатлари бошқарув соҳасидаги роли бўйича қайси харажатларга киради?**
 - А) ишлаб чиқариш
 - Б) ноишлаб чиқариш
 - В) бевосита
 - Г) тўғри
 - Д) эгри
- 4. Бевосита директорнинг иш ҳақи бошқарув соҳасидаги роли бўйича қайси харажатларга киради?**

- А) ишлаб чиқариш
- Б) ноишлаб чиқариш
- В) бевосита
- Г) тўғри
- Д) эгри

5. Хом ашё ва материаллар функционал ўзгариши бўйича қайси харажатларга киради?

- А) тўғри
- Б) эгри
- В) ўзгармас
- Г) бевосита
- Д) ўзгарувчи

6. Ижара харажатлари харажатларнинг функционал ўзгариши бўйича қайсига киради?

- А) тўғри
- Б) эгри
- В) ўзгармас
- Г) бевосита
- Д) ўзгарувчи

7. Ижтимоий эҳтиёж учун ажратмаларга қайси харажатлар киради?

- А) суғуртага
- Б) Пенсия жамғармасига
- В) давлат бандлик жамғармасига
- Г) тиббий суғуртага
- Д) ҳаммаси тўғри

8. Қайси харажат меҳнат ҳақи харажатларига кирмайди?

- А) суғуртага
- Б) Пенсия жамғармасига
- В) давлат бандлик жамғармасига
- Г) тиббий суғуртага
- Д) ҳаммаси тўғри

9. Сотиш билан боғлиқ харажатлар қайси харажатларга киради?

- А) бевосита
- Б) билвосита
- В) давр
- Г) фавкулодда
- Д) молиявий фаолият харажатлари.

10. Хўжалик юритувчи субъектларнинг одатий фаолияти чегарасидан чиққан воқеалар натижасида юзага келган харажатлар қайси?

- А) бевосита
- Б) билвосита
- В) давр
- Г) фавкулодда
- Д) молиявий фаолият харажатлари

11. Қимматли қоғозларни сотишга кетган харажатлар қандай харажат?

- А) бевосита
- Б) билвосита
- В) давр
- Г) фавкулодда
- Д) молиявий фаолият харажатлари

12. Даромад солиғи қандай харажат?

- А) бевосита
- Б) билвосита
- В) давр
- Г) фавкулодда
- Д) тўғри жавоб йўқ.

13. Харажатларнинг мутлоқ фарқи $\Delta X_{\text{мф}}$ қандай аниқланади?

- А) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа}}$
- Б) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{қайта ҳисобланган}}$
- В) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X$.

14. Харажатларнинг нисбий фарқи ($\Delta X_{\text{нис}}$) қандай аниқланади?

- А) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа}}$
- Б) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{қайта ҳисобланган}}$
- В) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X$.

15. Харажатларнинг маромийлигини ($X_{\text{мар}}$) аниқлаш учун нима қилиш керак?

- А) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа}}$
- Б) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{қайта ҳисобланган}}$
- В) $\Delta X_{\text{мф}} = X_0 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X_{\text{режа доирасидаги ҳақиқий}}$
- Г) $\Delta X_{\text{мф}} = X_1 - X$.

16. Харажатларнинг режаси қандай қайта ҳисобланади?

- А) $X_{\text{кх}} = X_0 + \Delta Q\%$
- Б) $X_{\text{кх}} = X_0 \cdot Q\%$
- В) $X_{\text{кх}} = X_0 : \Delta Q\%$
- Г) $X_{\text{кх}} = X_0 + \Delta Q$
- Д) $X_{\text{кх}} = X_0 \cdot \Delta Q\%$

17. Харажатларнинг ҳақиқий даражаси (D_x) қандай аниқланади?

- А) $D_x = X_1 \cdot 100 : Q_p$
- Б) $D_x = X_1 \cdot Q_p : 100$
- В) $D_x = X_p : Q_p \cdot 100$
- Г) $D_x = X_1 \cdot 100 \cdot Q_x$
- Д) $D_x = X_p \cdot 100 : Q_x$

18. Маҳсулотнинг харажатлилиги қандай аниқланади?

- А) $D_x = X_1 \cdot 100 : Q_p$
- Б) $D_x = X_1 \cdot Q_p : 100$

- В) $D_x = X_p : Q_p \cdot 100$
 Г) $D_x = X_1 \cdot 100 : Q_x$
 Д) $D_x = X_p \cdot 100 : Q_x$

19. Қайта ҳисобланган харажат даражаси қандай аниқланади?

- А) $D_x = X_1 \cdot 100 : Q_p$
 Б) $D_x = X_1 \cdot Q_p : 100$
 В) $D_x = X_p : Q_p \cdot 100$
 Г) $D_x = X_1 \cdot 100 : Q_x$
 Д) $D_x = X_p \cdot 100 : Q_x$

20. Маржинал даромад қандай аниқланади?

- А) Q – жами харажатлар
 Б) жами харажатлар – ўзгарувчи харажатлар
 В) марж.даромад – доимий харажатлар
 Г) Q – ўзгарувчи харажатлар
 Д) Q – ўзгармас харажатлар

21. Доимий харажатлар сўммаси қандай аниқланади?

- А) Q – жами харажатлар
 Б) жами харажатлар – ўзгарувчи харажатлар
 В) марж.даромад – доимий харажатлар
 Г) Q – ўзгарувчи харажатлар
 Д) Q – ўзгармас харажатлар

22. Фойда қандай аниқланади?

- А) Q – жами харажатлар
 Б) Жами харажатлар – ўзгарувчи харажатлар
 В) Марж.даромад – доимий харажатлар
 Г) Q – ўзгарувчи харажатлар
 Д) Q – ўзгармас харажатлар

23. Зарарсизлик нуқтаси қандай аниқланади?

- А) Доим. хар : Марж. даромад
 Б) Доим. хар . Марж. даром.
 В) Зарарсизлик нуқтаси : 1 маҳсулот нархи
 Г) $100 - (\text{Зар. нуқтаси} : 1 \text{ маҳ. нархи})$
 Д) $100 - \text{Доим. Хар} : \text{Марж. даром.}$

24. Зарарсизлик маржасининг даражаси қандай ҳисобланади?

- А) Доим. хар : Марж. даромад
 Б) Доим. хар . Марж. даром.
 В) Зарарсизлик нуқтаси : 1 маҳсулот нархи
 Г) $100 - (\text{Зар. нуқтаси} : 1 \text{ маҳ. нархи})$
 Д) $100 - \text{Доим. Хар} : \text{Марж. даром.}$

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., «Ўзбекистон», 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон», 1991.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон» 1991.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятдан чиқариш тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон» 1991.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Т., «Ўзбекистон» 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. -Т., «Ўзбекистон» 1993.
7. Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвесторлари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни – Т., «Ўзбекистон», 1995.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунни – Т., «Ўзбекистон», 1994.
9. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. –Т., «Ўзбекистон», 1995.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон», 1996.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон», 1991
12. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополиятик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни-Т., «Ўзбекистон» 1996.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»ги қонуни. –Т., «Ўзбекистон», 1997.
14. Ўзбекистоннинг янги қонунлари(тўпламлар). 1-17 тўплам. –Т., «Адолат».
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.. «Ўзбекистон», 1992.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т., «Ўзбекистон», 1993.
17. Каримов И.А. Иқтисодий ислохат: масъулиятли босқич. –Т., «Ўзбекистон», 1994.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., «Ўзбекистон», 1997.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. –Т., «Ўзбекистон»
20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўллари. –Т., «Ўзбекистон», 1995.
21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., «Ўзбекистон», 1998.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т., «Ўзбекистон», 1999.
24. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт 0ғ-пировард мақсадимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2000.
25. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. –Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.
26. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. –М., «Финансы и статистика», 1998.
27. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Экономический анализ: ситуации, тесты, примеры, задачи, выбор оптимальных решений, финансовое прогнозирование. М., «Финансы и статистика», 1999.
28. Жак Ришар. Аудит и анализ хозяйственной деятельности предприятия. –М., «ЮНИТИ», 1997.
29. Любушин Н.П. и др. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. М., «ЮНИТИ», 2000.
30. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т,: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи.
31. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. –Самарқанд, «Зарафшон», 2001.
32. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Иқтисодий таҳлил» -Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2001.
33. Савицкая И.И. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. –Минск. «Экоперспектива», 1997.
34. Шоалимов А.Х. «Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш». –Т., «Ўзбекистон», 1992.

И Л О В А Л А Р

1 - Илова

Бошқарув таҳлили

1-Боб. Бошқарув таҳлилининг назарий асоси

- 1.1. Бошқарув таҳлили тушунчаси, унинг предмети ва объектининг ўзига хос хусусиятлари
- 1.2. Бошқарув таҳлили вазифалари ва маълумотлар манбаи
- 1.3. Бошқарув ва молиявий таҳлил: алоқалари ва хусусиятлари
- 1.4. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида бошқарув таҳлилининг роли
- 1.5. Молиявий менежмент ва бошқарув таҳлили

2-Боб. Харажатлар ва уларнинг таснифлари

- 2.1. Харажатлар тўғрисидаги Низом ва ундаги асосий тушунча ва тамойиллар
- 2.2. Харажатлар таркиби ва таснифи
- 2.3. Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили

3-Боб. Моддий (материал) харажатлари таҳлили

- 3.1. Материалларни бошқариш жараёни
- 3.2. Хом ашё ва материалларни жўнатишдаги баҳолаш усуллари
- 3.3. Хом ашё ва материаллар нобудгарчилигининг таҳлили (сақлашда, ташишда, ишлатишда ва ҳ.к.)
- 3.4. Хом ашё ва материаллар харажатларининг меъёрга тўғри келишининг таҳлили

4-Боб. Меҳнат ва иш ҳақи харажатлари таҳлили

- 4.1. Меҳнат ва иш ҳақига кетадиган харажатлар ва уларнинг турлари
- 4.2. Меҳнат ва иш ҳақи харажатлари умумий ҳажмининг таҳлили
- 4.3. Меҳнатни рағбатлантиришга кетган харажатлар таҳлили
- 4.4. Меҳнат ва иш ҳақи харажатлари ва уларнинг натижавийлигини таҳлил қилиш
- 4.5. Кадрлар кўнимсизлиги таҳлили

5-Боб. Корхонанинг бошқарув харажатлари таҳлили

- 5.1. Бошқарув харажатлаир тушунчаси ва уларни таҳлил қилиш вазифаси
- 5.2. Бошқарув харажатларининг турли йўналишлар бўйича тақсимланиши ва уларнинг маҳсулот таннархида ифодаланиши
- 5.3. Бошқарув харажатлаирнинг меъёрий ставкаси ва улардан фойдаланиш таҳлили
- 5.4. Устама (накладной) харажатлар таҳлили

6-Боб. Таннарх нархномаси (калькуляцияси) таҳлили

- 6.1. Харажатлар тўлиқ тақсимланганда таннарх нархномаси таҳлили (обзорпиен-костинг)
- 6.2. Ўзгарувчи харажатлар бўйича таннарх нархномаси таҳлили (нархноманинг маржинал тизими, директ-костинг)

7-Боб. Харажатларни буюртмалар бўйича нархнома қилиш бўйича таннарх таҳлили

- 7.1. Буюртма бўйича таннарх нархномаси таҳлили
- 7.2. Товар партиялари бўйича таннарх нархномаси таҳлили
- 7.3. Контракт бўйича таннарх нархномаси таҳлили

8-Боб. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнлари таннархи таҳлили

- 8.1. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнлари таннархи таҳлили
- 8.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили

9-Боб. Харажатлар динамикаси, зарарсизлик нуқтаси

- 9.1. Харажатлар динамикаси таҳлили
- 9.2. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) зарарсизлигининг таҳлили
- 9.3. Корхона хатарсизлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари
- 9.4. Таннарх нархномасининг меъёрийлик тушунчаси
- 9.5. Меъёрдан фаркланишларни таҳлил қилиш
- 9.6. Меъёрдан четланишнинг сабаблари ва уларнинг боғлиқлиги

10-Боб. Корхона бюджетини тузиш ва таҳлил қилиш усуллари

- 10.1. Корхона бюджетини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари
- 10.2. Корхона бюджетини тузишнинг босқичлари

10.3. Корхона бюджетини «нол» нуқтадан тузилиши таҳлили

10.4. Корхонанинг эгилувчан ва силжувчан бюджети таҳлили

11-Боб. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ва унда таҳлилининг роли

11.1. Бошқарув қарорларини қабул қилишни асослашда бошқарув таҳлили маълумотларидан фойдаланиш

11.2. Айланма маблағлар ва товар захираларини бошқариш

11.3. Молияни бошқариш. Инфляция жараёнини инобатга олиш

11.4. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ва улар билан боғлиқ харажатларни таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш

12-Боб. Инвестиция ва лойиҳалар таҳлили

12.1. Инвестицияни баҳолаш усуллари

12.2. Инвестиция натижасининг таҳлили

12.3. Лойиҳани таҳлил қилиш мақсади, вазифалари ва босқичлари

12.4. Лойиҳада таваккалчиликни баҳолаш

12.5. Лойиҳани моделлаштириш ва инвестицияни баҳолаш усуллари

12.6. Солиқлар, инвестиция ва лойиҳа муносабатлари

**Шарбат ишлаб чиқарувчи хусусий корхонанинг товар маҳсулоти бўйича кўрсаткичларини
ҳисоб-китоб қилиш усули**

Маҳсулотнинг номи	Режадаги товар маҳсулоти			Ҳақиқатдаги товар маҳсулоти режадаги таркибда	
	миқдори	Баҳоси	қиймати, минг сўм	базариш коэффициенти	қиймати, минг сўм
А	1	2	3	4	5
1. Олма шарбати	6640	356	2363,8	1,00868	2384,3
2. Ўрик шарбати	7818	741	5793,1	1,00868	5843,4
3. Узум шарбати	4411	652	2876,0	1,00868	2901,1
4. Памидор шарбати	5119	231	1181,3	1,00868	1191,6
5. Гилос шарбати	6641	852	5658,1	1,00868	5707,2
6. Сабзи шарбати	7717	456	3516,2	1,00868	3546,7
7. Беҳи шарбати	5311	584	3101,6	1,00868	3128,5
Жами:	43646	X	24490,1	X	29702,8

2 - Илова
давоми

Маҳсулотларнинг номи	Ҳақиқий товар маҳсулоти режадаги баҳода			Ҳақиқий товар маҳсулоти режадаги таннархда			Ҳақиқий товар маҳсулоти ҳақиқатдаги баҳо, таркиб ва таннархда		
	миқдори, ҳақиқатда	баҳоси, режада	қиймати, минг сўм	миқдори, ҳақиқатда	баҳоси, режада	қиймати, минг сўм	миқдори, ҳақиқатда	баҳоси, режада	қиймати, минг сўм
А	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1. Олма шарбати	6711	356	2389,1	6711	318	2134,1	6711	372	2496,5
2. Ўрик шарбати	5350	741	3964,4	5350	703	3761,1	5350	788	4215,8
3. Узум шарбати	6205	652	4045,7	6205	622	3859,5	6205	693	4300,1
4. Памидор шарбати	4912	231	1135,7	4912	202	992,2	4912	262	1286,9
5. Гилос шарбати	7881	852	6714,6	7881	811	6391,5	7881	905	7132,3
6. Сабзи шарбати	7548	456	3441,9	7548	404	3049,4	7548	561	3781,5
7. Беҳи шарбати	5418	584	3164,1	5418	546	2958,2	5418	641	3472,9
Жами:	44025	X	24855,5	44025	X	23145,7	44025	X	26686,0

КИРИШ	3
1-Боб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИГА МОСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ, МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	5
1.1. Иқтисодий таҳлилнинг миллий истиқлол ҳоясини ифода этишдаги долзарб муаммолари.....	5
1.2. Иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси.....	11
1.3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунига миллий истиқлол ҳоясини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узок муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси.....	14
1.4. Иқтисодий таҳлил муаммоларини, ундан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан ҳал қилиш.....	19
1.5. Корхона ҳўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни такомиллаштириш муаммоси.....	21
1.6. Бошқарув таҳлилининг илмий асослари.....	26
1.7. Бошқарув таҳлилининг мазмуни ва моҳияти.....	29
1.8. Бошқарув таҳлилининг таркибий тузилиши.....	31
1.9. Бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари.....	35
1.10. Бошқарув таҳлилнинг асосий тамойиллари ва ички имкониятларни топишдаги аҳамияти.....	36
1.11. Таянч иборалар.....	38
1.12. Назорат саволлари.....	38
1.13. «Бошқарув таҳлилининг миллий истиқлол ҳоясига мослигини таъминлаш муаммолари мазмуни, таркиби ва асосий вазифалари» мавзуси бўйича тестлар.....	39
2-Боб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА МАХСУС УСУЛЛАРИ.....	43
2.1. Бошқарув таҳлилнинг предмети.....	43
2.2. Бошқарув таҳлилининг методи.....	44
2.3. Бошқарув таҳлилининг махсус усуллари.....	48
2.4. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган иқтисодий- математик усуллардан фойдаланиш йўллари.....	53
2.5. Таянч иборалар.....	59
2.6. Назорат саволлари.....	59
2.7. «Бошқарув таҳлилининг предмети, методи ва махсус усуллари» мавзуси бўйича тестлар.....	59
3-Боб. БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР МАНБАИ.....	67
3.1. Бошқарув таҳлилини ташкил этиш.....	67
3.2. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган маълумотлар манбаи.....	69
3.3. Бошқарув таҳлилида қўлланиладиган ахборотларнинг турлари.....	71

3.4. Бошқарув таҳлилининг турлари ва шакллари.....	77
3.5. Таянч иборалар.....	86
3.6. Назорат саволлари.....	87
3.7. «Бошқарув таҳлилини ташкиллаштириш ва унда қўллани- ладиган маълумотлар манбаи» мавзуси бўйича тестлар.....	88
 4-Боб. МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ТАҲЛИЛИ.....	 93
4.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилининг вазифалари.....	93
4.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари.....	94
4.3. Тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.....	97
4.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.....	99
4.5. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....	103
4.6. Маҳсулотнинг сотиш бўйича бизнес-режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари.....	110
4.7. Хўжалик шартномалари асосида ишлаб чиқаришни маҳсулот ассортименти бўйича бизнес-режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.....	113
4.8. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини таҳлил қилиш.....	117
4.9. Маҳсулотни бир маромда (ритмда) ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш.....	122
4.10. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни туркумлаш ва уларнинг қисқача таснифи.....	124
4.11. Кўрсаткичларни қиёслайдиган (солиштириладиган) ҳолатга келтириш усули.....	130
4.12. Сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини такомиллаштириш	135
4.13. Таянч иборалар.....	143
4.14. Назорат саволлари.....	144
4.15. «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тест саволлари.....	145
 5 – Боб. КОРХОНАЛАРНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	 150
5.1. Корхоналарнинг меҳнат омилларини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.....	150
5.2. Корхоналарни ишчи кучи билан таъминланганлигини таҳлил қилиш.....	151
5.3. Меҳнат унумдорлиги даражасини таҳлил қилиш.....	153
5.4. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш.	160
5.5. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи меҳнат омилларини таҳлил қилиш.....	161
5.6. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш.....	165
5.7. Таянч иборалар.....	168

5. 8. Назорат саволлари.....	169
5.9. «Корхоналарнинг меҳнат ресурслари ва меҳнатга ҳақ тўлашни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар.....	170
6-Боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАРКИБИ, ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	180
6.1. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва ҳаракати.....	180
6.2. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш.....	183
6. 3. Асосий воситалардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш.....	187
6. 4. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан фойдаланишни таҳлил қилиш.....	190
6.5. Таянч иборалар.....	192
6.6. Назорат саволлари.....	193
6.7. «Асосий воситаларни таркибини, ҳолатини ва улардан самарадорлигини фойдаланишни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар.....	193
7-Боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОДДИЙ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	198
7.1. Материал сарфини камайтиришнинг иқтисодиётда тежамкорликни амалга оширишнинг аҳамияти.....	198
7.2. Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режани бажарилишини таҳлил қилиш.....	199
7.3. Ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланишни таҳлил қилиш.....	200
7.4. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича йиғма резервларни аниқлаш.....	203
7.5. Таянч иборалар.....	204
7.6. Назорат саволлари.....	204
7.7. «Саноат корхоналарининг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш» мавзуси бўйича тестлар.....	205
8 – Боб. КОРХОНАЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.....	208
8.1. Корхонада рақобатбардошликнинг мазмуни ва шакллари ҳамда уни таъминлашнинг аҳамияти.....	208
8.2. Рақобатбардошликнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни баҳолашда бошқарув таҳлилининг вазифалари.....	211
8.3. Корхона рақобатбардошлигини таъминлашда иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг ўзаро боғлиқлиги.....	217
8.4. Корхонанинг баҳо сиёсати.....	220
8.5. Корхонада товарнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.....	222
8.6. Корхона фаолиятининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.....	226

8.7. Таянч иборалар.....	229
8.8. Назорат саволлари.....	230
8.9. «Корхонанинг рақобатбардошлиги ва уни ифдаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари» мавзуси бўйича тестлар.....	230
 9 - Боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАҲЛИЛИ.....	236
9.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тавсифи ва уларнинг таснифи.....	236
9.2. Ишлаб чиқариш харажатларини ифдаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш усуллари.....	244
9.3. Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили ва баҳоланиши.....	253
9.4. Харажатлар динамикасига таъсир этувчи омил таҳлили.....	263
9.5. Фавқулудда харажатлар таҳлили.....	271
9.6. Таянч иборалар.....	272
9.7. Назорат саволлари.....	273
9.8. «Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили» мавзуси бўйича тестлар.....	274
 ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	280
 ИЛОВАЛАР	282